


БУЮКЛАР МУҲАББАТИ



БУЮКЛАР МУҲАББАТИ



*Буюкларнинг севги, муҳаббат кўйидаги
савдолари тўғрисида ҳикоялар*



*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамғармаси нашриёти
Тошкент – 1994*

Қадрли ўқувчи!

Муҳаббат — буюк туйғу. Ушбу тўплам “Буюклар оиласи” китоби ҳам шу ҳақда туганмас, ҳали узоқ давом этадиган воқеалардан ҳикоя қилади. Эҳтимолки, қалбингиздаги дардларингиз билан ўртоқлашиб, бу борада сизга тўғри йўл кўрсата олади. Айни чоғда бу ҳикоялар муҳаббатнинг янги-янги қирраларини кашф этиб бораверади ва сизни муҳаббатга ошуфта этаверади.

Шарқдан тубдан фарқ қилгувчи Ғарбда дини, тили, маслаги бутунлай бошқа бўлган кишилар инсон ҳаётида фақат бир маротаба бўладиган оиллага ўзгача ёндашганлар. Айримлари тўғри йўл тутгандек, айримлари эса... муҳаббатдек олий туйғунини суиистеъмол ҳам қилишган.

Тўпламда бир қатор буюк ҳамда машҳур тарихий шахсларнинг оилавий ҳаётлари қандай кечганлиги ва аксинча бу борада чеккан азиятлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Муаллиф ва тўпловчи Иззат АҲМЕДОВ

Аҳмедов, Иззат

Буюклар муҳаббати: ҳикоялар. — Тошкент. — 2006. — 300 бет.

©Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамғармаси нашриёти

ИККИ ШОҲ МАЛИКАСИ

Гўзал Клеопатра – Мисрнинг илоҳий маликаси. У бундан икки минг йил илгари яшаган. Унинг шуҳрати нурлари йиллар қаъридан ҳали-ҳануз жило бериб турибди. Клеопатра ўттиз тўққиз йил умр кўрган бўлса-да, ана шу қисқа умри давомида энг буюк инсонлардан икки нафарининг муҳаббатини қозона олганди. Булар – Марк Антоний ва Юлий Цезар эди. Бироқ улардан кейингисининг исми кўпроқ тилга олинади. Чунки Цезар ўша даврдаги деярли бутун дунёни забт этган энг кучли ҳукмдор эди. Ана шундай энг кучли буюк ҳукмдорни жажж-жигина гўзал Клеопатра ўзига таслим эта олганди. Бунинг учун эса албатта маҳорат, талант керак эди. Клеопатра эса бунинг уddасидан чиқа олганди.

Милоддан 48 йил олдин Цезар Искандарияга юриш қилади. Бу пайтда Клеопатра тахтдан маҳрум этилган, барча маблағларидан мосуво бўлиб, ҳаёти ҳам хавф остида қолганди. Жанжаллашгани боис, амакиваччаси Клеопатрага зуғум қилиб, уни Қоҳирага қувганди.

Ночор қолган Клеопатрани Цезар ўз қошига чорлади. Лекин Искандария амакисининг айғоқчилари билан тўла бўлса, қандай қилиб у ёкка бориш мумкин? Гўзал ва тадбиркор Клеопатра шаҳарга балиқчилар қайиғида келиб тушди. У хизматкорига ўзини гиламга ўраб, чодиргача кўтариб боришни, Цезарнинг қошидагина гиламни очишни буюрди ва шундай бўлди ҳам.

Гиламдан сакраб турган Клеопатра хандон ташлаб кулиб, зал бўйлаб рақсга туша кетди. Унинг ўхшаши йўқ қадди-қоматини кўриб, ҳайратдан оғзи очилиб қолган Цезар ҳайратда қолди.

"Мана буни соҳибжамол деса бўлади!" деган бўлса керак Цезар ўзига-ўзи. Рақсни қанчагача давом эттираркин? Нима учун Римда бундай гўзаллар топилмайди?"

Сочи сийраклаша бошлаган Цезар 44 ёшга кирган, Клеопатра эса 21 га етиб-етмаган, жўшқинлигу куч-қуввати айна барқ урган пайти эди. Цезар уни кузатиб турар экан, юрагининг туб-тубидан уйғонаётган бир ҳисни сезди. Эҳтироси ва ақли билан Клеопатра Цезарни бир умр қулга айлантириб қўйганди.

Клеопатрани амакиси ўлдирмоқчи бўлгани учун Цезар маъшуқасининг душманига яхшигина сабоқ бериб қўйишга азму қарор қилди. Рим легионларига қўмондонлик қилган Цезарь Миср армиясини тор-мор қилди. Клеопатранинг амакисини эса Нил дарёсига чўктириб юборди.

Клеопатра энди фиръавнларнинг мулкида ягона маликага айланди.

Бетимсол гўзаллик соҳибаси Цезарга ўғил ҳадя этди. Бироқ Цезар Римдаги хотинини ташлаб, Клеопатрага уйлана олмас эди. Бўлажак жанжалнинг олдини олиш ва ўғлининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш учун Клеопатра ажойиб ҳийла ишлатди. У жарчиларга Юлий Цезар башар наслидан эмас, балки илоҳий - қуёш худоси маликага фарзанд ато этиш учун Цезар тимсолида ерга ташриф буюрган, дея эълон этишни амр қилди. Бу чўпчакка, миср халқи чиппа-чин ишонди. Мазкур воқеалардан сўнг бироз ўтгач, Цезар ўлдирилди. Табиатан жиззаки, ҳамиша маст юрувчи, қарздан боши чиқмайдиган Марк Антоний Рим империяси тахтини эгаллади.

Миср Шарқнинг энг бой мамлакати эди. Антонийнинг сафдошлари унинг хушёр бўлган дақиқаларида “Кел, Искандарияга йўл солайлик. Клеопатрани ўлдириб, Миср қонининг таъмини тотиб кўрайлик” дея бежиз айтишмаган эди.

Буни эшитиб, Клеопатра титраб кетди. У Антонийни нима билан тўхтатиб қола олиши мумкинлигини ўйларди? Кема ёки қиличлар биланми? Асло. Муҳаббат биланми? Бўлиши мумкин. Клеопатра Антонийда ажойиб таассурот қолдириш учун унинг қаршисига олтин билан зарҳалланган кемада пешвоз чиқди. “Минг бир кеча”даги ҳашам ва улуғлик уфуриб турган ёш-ёш болакайлар маликани товус патлари билан елпиб ўтиришарди. Энг нафис либосга

ўранган канизаклар дилўртар куйлар жўрлигида хиром қилишарди. Ана шу шарқона гўзаллик оғушида, ипаклар билан безалган тахтда худди муҳаббат худоси — Венера янглиғ Клеопатра ўтирарди. Ҳатто Антонийнинг оёқлари бод билан оғриб, ошқозони азоб бераётган дамда ҳам бу аёлнинг қарашмаларига дош беролди.

Антоний қўпол, дағал аскар эди. У аёллар билан жуда ёмон муносабатда бўлар эди. Аммо унинг қаршисида нафосат ва гўзаллик соҳибаси Клеопатра турарди. Унга нисбатан бўлган эҳтирос Антонийнинг юрагига гўзаллик ва нафислик олиб кирди.

Клеопатра эркаклар билан қандай муомала қилишни биларди. У Антонийнинг инжиқликларига эътибор қилмай, ҳар бир истагини бажо келтирарди. Клеопатра у билан ошиқ ўйнарди, ов ёки балиқ овида ҳамроҳ бўларди. Хизматкор кийимини кийиб, тунги кўчалар бўйлаб сайр қиларди, турли шайтонликларни ўйлаб топарди. Бир куни балиқ овида Антоний қармоғига ҳеч нарса илинмаётганидан шикоят қилади. Шунда Клеопатра хизматкорга сувга шўнғиб, Антонийнинг қармоғига тузланган сельдни илиб чиқишни буюради. Клеопатра Антонийнинг овқатланишига алоҳида қайғуларди. Шу мақсадда ошпазлар ёрдамида Антоний хоҳлаган пайтда иссиқ овқатларни муҳайё қиларди.

Антоний бунинг таъсирида ақлу ҳушини йўқотди. Унга бутун денгиз бўйларини, вилоятлардан бирини, кейинроқ эса Кипр ва Крит оролларини инъом этди. Империянинг бутун Осиё қисмини Клеопатрага тақдим қилиниши Антоний сахийлигининг энг чўққиси бўлди.

Ушбу ҳотамтойликлар охир-оқибат римликларни ғазабга келтирди. Ахир қачонгача шу тарзда давом этиши мумкин? Наҳотки, юзлаб жангу-жадаллару, қанчадан-қанча Рим қонлари эвазига қўлга киритилган ҳудудлар худди ўйинчок каби мисрлик маъшуқанинг инжиқликлари учун қурбон қилиб юборилса? Бу каби саволларга уруш жавоб берди. Клеопатранинг даври хотималанганди.

Унинг томошаси тугаганди. Қасос олиш даври келди. Ғазабга келган римликлар Антоний ва Клеопатранинг кемалари кулини кўкка совуришди, қўшинларни тор-мор этишди.

Ишқий саргузаштли империя поёнига етганди. Антоний боши танасидан жудо этилишини сезиб турарди. Шунинг учун у ўзига тиф санчиб, Клеопатранинг қўлида жон берди. Ҳаёти унинг оғушида гуллаганидек, сўнгги дамда унинг оғушида сўнди.

Клеопатра эса заҳар ичишга қарор қилди. Буни қандай қилиб амалга оширганини эса ҳеч ким билмайди. Ўлимидан йигирма дақиқадан сўнг уни топганлар ҳам бу сирни ошкор этолмадилар. Баъзилар у ўзини тишлаб, сўнг у ерга илон заҳрини юборган, деб ҳисоблашади. Бошқаларнинг таъкидлашича, унга жўнатилган гул тўла саватда илон бўлган ва у кўксини шу газандага тутган (Миср асотирларига кўра, заҳарли илон чақиши боқийлик бахш этармиш).

Марк Антоний билан Клеопатра Мисрда дафн этилган. Айнан қаердалигини эса ҳалигача ҳеч ким билмайди.

СИМОНЕТТА – ИЛҲОМ ПАРИСИ

Ҳа, Симонетта ўз даврнинг энг машҳур аёлларидан бири бўлиб, ривоятларга кўра, генуялик бой савдогар оиласида севги маъбудаси Венера қуруқликка чиққан жойда – Порто-Венерада тугилганди. Флоренциядаги Медичилар қасри улкан ва ҳашаматли эди. Марко Веспуччи атрофига ҳасад билан аланлаганча оқ мрамор зинадан кўтарилар экан амакиваччасидан қизиқсиниб сўради:

– Америго, нима деб ўйлайсан, девордаги мана булар қанча тураркин? Бу деворларни безатиш учун қанча олтин кетдийкин?

Америго Веспуччи юзини тириштирди. У Медичилар оиласини нафақат Флоренция хукмдори, балки ўз ҳаётининг ҳам бир бўлаги деб билишга кўникканди. Ахир у сарой посбонлари сафида турар, ака-ука Медичиларнинг иккаласи билан ҳам иноқ эди. Шунинг учун ҳам амакиваччасининг ҳасади ва кизиксиниши унга ёкмади. У-ку аслида сираям амакиваччасини саройга олиб келмасдия... Бир ой илгари Марко генуялик ёшгина хотини билан бирга келди. Шунда 16 ёшли Симонетта қаршисида Америго ожиз қолди. Соҳибжамол ундан қасрга олиб боришини жуда қаттиқ илтимос қилди. 25 ёшида семириб кетган бесўнақай Марко бу гўзалнинг қалбини қандай забт этдийкин?

... Меҳмонлар жамулжам бўлган хона худди асаларининг уясидай ғувилларди. Америго Симонетта ва Маркони эргаштириб, меҳмонлар оралаб базм эгаси томон йўл олди. Лоренцо Медичи ҳам уларнинг келаётганини кўриб турарди. У кимнингдир шарафига бериладиган зиёфатларни унчалик ёқтирмаса-да, Америго билан дўстлиги ҳурмати учун ихчамгина маъруза ҳам тайёрлаб қўйган эди. Марко билан хотини тавозе билан таъзим қилишди. Лоренцо эса тайёрлаб қўйган ҳамма сўзларини унутди-қўйди. У худди тилдан қолгандек Марконинг ёш хотинига тикилиб, анграйиб қолган. Ҳар томонга сочилган тилларанг сочлари, қулганида олтин заррачалар сачраб кетаётгандек туюлувчи шахло кўзлари, чақалоққикидек текис пешонаси ва ғунчадек лаблари уни мафтун этди. Эй, Танграм! У худди Мадоннага ёки ёш маъбудага ўхшайди. Йигирма ёшли Лоренцо илк бор ўзининг хунуклиги ва бўйи пастлигидан ачиниб кетди. Бунинг устига ўлим тўшагида ётган отасини юпатиш учун шу йилнинг бошида уйланиб ҳам олганди. Оҳ, бу соҳибжамол нега илгарироқ Флоренцияга келмадийкин? Лоренцо секин ўрнидан турди. “Менинг қасримга ташриф буюрганингиздан хурсандман, монна Симонетта!” – деди у ва тўсатдан Симонеттанинг ўзига қарамаётганини сизди. Лоренцо ортига ўтирилди. Орқада улкан юмшоқ курси панасида укаси – 16 ёшли алпқомат Жулиано турарди...

Медичининг зарҳал ҳарфлар билан ёзилган навбатдаги таклифномасини очган Марконинг боши осмонга етди. Симонеттага уйланиб янглишмаган экан! Хотинининг гўзаллиги сепидан кўра ҳам кўпроқ наф беряпти. Энди ҳар куни кечкурун Марко уйига совға-саломсиз қайтмасди — гоҳ олтин кадаҳ, гоҳ олмос қадалган тўқа ёки денгиз ортидан келтирилган зираворлар... Тўғри, бундан Медичининг банкирлари камбағаллашиб қолишмайди. Аммо уларнинг хазинаси камаяётганини ҳис этиш яхши-да. Симонеттанинг ўзига ҳам совға-саломлар, атирлар, тақинчоқлар, кўйлак учун газламалар олиб келинади. Бирок тентак қизни сира тушуниб бўлмасди: ҳамма қимматбаҳо буюмлардан кўра у шеър устига атир сепилган қоғозчаларни афзал кўради. Ҳатто ёшига нисбатан анчагина жиддий бўлган Лоренцо ҳам кутилмаганда шеър ёзишга муккасидан кетди. Симонеттани кўрганида эса бир хўрсиниб кўйганча хушомад қилишга тушар эди. Кенжатой Жулиано ҳақида-ку гапиришнинг ҳам ҳожати йўқ! Илгари у бекорчи бўлиб, кўнгилхушликдан бўшамасди. Энди бўлса санъатга ошно тутиниб, атрофига шоирлар, мусиқачилар, мусаввирлар, файласуфларни йиғди. Ҳатто унинг бетайин ошналари ҳам ўзларида бир олам иқтидорни кашф этишди.

Мусаллассиз туrolмаслигидан “Ёғоч хумча” деб лақаб орттирган Сандро Боттичелли эса бекиёс гўзал суратлар чизяпти. Бу ошиқлар ўзларини “Медичи боғидаги сайёҳлар” деб аташар ва Жулианонинг ҳомийлиги остида даври-даврон суришар эди. Энг қизиғи, уларнинг барчаси ўз ижодини Симонеттага бағишлай бошлашди. Унинг шарафига ҳатто рицарлик турнирлари ҳам уюшти-риладиган бўлди.

Баҳор либосига бурканган Симонетта хиёбонда кафтини кўзлари узра тутиб, қуёш нуридан тўсиб тураркан,.. Эҳтимол, у Лоренцо Медичининг унга маҳлиё бўлиб турганидан шундай қилгандир? Унинг қора кўзларида шундай ишқ акс этардики, қиз бундан ўзини ноқулай ҳис эта бошлади. Симонетта ҳам муҳаббат билан лиммо-лим нигоҳини сиздириб қўйишдан хавфсирарди. Кеча у тунни

Жулиано билан ўтказди. Симонетта энди ўз туйғуларини жиловлай олмас, Жулиано ҳам бунга қодир эмас эди.

Очиғини айтганда, “Медичи боғидаги сайёҳлар”нинг ҳаммаси ҳам муҳаббат ёшида бўлиб, улар Симонеттага ошиқу беқарор эдилар. Жулианонинг суратини чизган 30 ёшли мусаввир Сандро Боттичели ҳам уни жону дилдан севарди. 1476 йилнинг январида Жулиано буюртмасига кўра, у Симонеттанинг портретини чиза бошлади. Соҳибжамол Симонетта мусаввирни кичик Медичининг қасрида кутиб олди. Суратни чизиш давомида Симонетта бирданига ўзини ёмон ҳис қила бошлади. У қаттиқ йўталиб, ўзидан кетди.

Бир ҳафтадан сўнг Симонеттага сил билан оғриган деган ташҳис қўйилди. Қўрқиб кетган Америго Марконинг қайтишини кутмасданоқ, амакиваччасининг хотинини денгиз бўйига олиб борди. Жулиано одоб юзасидан Флоренцияда қолган бўлса-да, ҳар куни чопар жўнатиб севгилисининг ҳолидан хабардор бўлиб турди. 1476 йил 26 апрелда Симонетта Веспуччи вафот этди. Унинг портрети тугалланмай қолди.

Бу шумхабарни эшитган Лоренцо уйи томон ошиқди. Отини ҳар қанча чоптирмасин дафн маросимига етиб келолмади. Жулиано ўз қасрига беркиниб олиб, бир неча кун ўкириб йиғлади. Симонетта учун бутун Флоренция аза тутди. Марко Веспуччи эса бир ойдан сўнг... бошқасига уйланди.

Жулиано таниб бўлмас даражада ўзгариб, одамови ва камгап бўлиб қолди. Ибодатга берилиб, яратгандан ўзини тезроқ Симонеттанинг олдига жўнатишни сўрарди. Унинг оҳу зори яратганга етиб борди шекилли, роппа-роса икки йилдан сўнг 1478 йилнинг 26 апрелида Флоренциядаги Санта Мария дел Форте ибодатхонасидаги диний байрам пайтида исён бошланди.

Пацци оиласи Медичи оиласини тахтдан қулатмоқчи бўлди. Бу хавфни биринчи бўлиб Жулиано пайқади. У қўлларини кенг ёзиб, исёнчилар томон юрди. Жулиано бу ҳаракати билан уларнинг ғазабини юмшатмоқчидек эди. Бироқ ўнлаб ханжарлар унинг танасига санчилди. Жулиано ҳатто қичқиришга

хам улгурмади. Лоренцони эса бўйнидан яралашди. Флоренция яна мотамга чўмди. Эл-юрт ўктам Жулианога ачиниб кўз ёш тўкди. Ахир у эндигина 25 ёшга тўлганди, холос...

Бир-бирига талпинган ошиқ юраклар Жулиано ва Симонетта. Улар доимо бирга бўлишни исташарди. Бироқ уларга бундай бахт насиб этмади... Мусаввир Сандро Боттичелли ўз портретида ана шу севгини тараннум этди.

Уйғониш даврининг буюк мусаввири Сандро Боттичелли (1445-1510) Симонеттанинг вафотидан сўнг 34 йил яшади. 1510 йилнинг 17 майида амалга ошмаган севгиси – Симонетта Веспуччининг ёнига дафн этилди.

Америго Веспуччи (1454-1512) Медичининг денгиз савдоси бўйича топшириғини бажариш учун 1491 йили Севиляга жўнаб кетади. 1499 йили Испаниядан чиқиб, саёҳатга отланади ва номаълум ерни кашф этадики, кейинчалик у ерни унинг номи билан аташади. Бу ҳозирги Америка қитъасидир. Аммо айтишларича, Америго бу жойни Симонеттанинг илоҳий ҳомийси шарафига Сан-Симона деб аташни орзу қилган экан.

Лоренцо Медичи (1449-1492) га бежиз “Бағри кенг инсон” деб лақаб берилмаганди. Флоренцияда у ҳукмронлик қилган даврда фаровонлик ва тўқинчиликнинг олтин даври бошланганди. Лоренцо ҳомийлик қилган мусаввирлар – Рафаэл, Леонардо да Винчи ва Микеланжелолар унинг номини тарих зарварақларига муҳрлаб қўйишди.

СЕНИ СЕВАМАН, ДЕМАК СЕН ҲАЁТСАН!

Уларнинг муҳаббат тарихи неча-неча авлодлар тилидан тушмай келяпти. Севишганларнинг аччиқ қисмати севги ёшидаги ва ишқий изтироблар билан юрган қалбларни ҳамон ларзага солмоқда. Ҳаммаси парижлик ибодатхона хизматчиси Фульбернинг уйида магистр йигитнинг истиқомат қилишидан бошланди. Абеляр Фульбернинг жияни Элоизага фалсафадан сабоқ

беришни мўлжаллаган эди. Фалсафа фалсафалигича, сабоқ-сабоқлигича қолиб кетди.

Ақлли, ўқимишли, қўрқмас ва машҳур Абелярнинг ишқи ўн етти ёшни эндигина қаршилаган шахло кўз Элоизага тушди. Шундай қилиб 1079 йилда туғилган француз файласуфи Пьер Абеляр – 40 ёшли маъшук муҳаббат уммонида қолди. Энди уни на илм-фан ва на ташқи дунё қизиқтирар эди.

Ақл-хушини таниганидан кейин илм излаб оиласи, қариндош-уруғлари, уни севган одамларини ташлаб бегона Парижга йўл олган бўлажак файласуф тез орада парижлик олимларни лол қолдириб, шуҳрат топади. Унинг ақл-заковати, иқтидори чегара билмас эди. Икки-уч йил ичида иқтидорли йигитчанинг довуғи бутун Европага тарқалди. Ҳамма унга ҳавас билан боқарди. Гўёки унинг келажаги порлоқ ва гўзал эди...

Абелярни эса гўзал хоним сеҳрлаган эди. У энди фалсафий ашъорлар битмай қўйди. Ишқий кечинмаларини изҳор қилиб, шеърлар ёзарди, холос. Аммо унинг айнан ана шу асарлари рицар ва косиблар, савдогар ҳамда қассоблар тилига тушди. Унинг муҳаббати гўё қуёш мисол ҳамманинг кўз ўнгида порлаб турарди.

Элоиза ҳам бу қадар пок ва қудратли муҳаббат олдида ожиз эди. Қиз ўзи билмаган ҳолда Абелярни ойлар ва кунларнинг бирида унга ўз розилигини изҳор қилди. Етим қолган жиянини боқиб олган, кейинчалик қизим дея эълон қилган Фульбер ошиқ-маъшук сиридан бохабар бўлади. Бироқ унга бундайин яширин муҳаббат маъқул келмади. У покдомон жиянини йўлдан урган Абелярдан қасд олиш йўлини қидирди. Шўрлик Пьер маст уйқудалигида Фульбернинг одамлари уни роса калтаклаб кетишади. Сўнгги йиллар Абеляр учун оғир ўтади. Диндорлар томонидан қувғинга учраган файласуф ҳар кишидан зарба еб, оғир аҳволда қолади. Одамлар ва диндорлар маломатидан қутулишнинг энг маъқул йўли – черковга кетиш эди. Абеляр шу йўлни танлайди. Элоизани ҳам шунга мажбур қилади.

Элоизанинг Абелярга мактуби.

“Дўстингга мактуб битиб, унинг дардини эмас, ўз дардингни ёзибсан. О, севгилим! Менинг атрофимдагилар – ҳамма сендан ажралиб, қай аҳволда қолганимни кўриб туришибди.

...Сен аёл кишини мағлуб қилиш мумкин бўлган икки хислатга эга эдинг – шоирлик ва қўшиқчилик истеъдоди. Менга маълумки, бу каби истеъдод бошқа файласуфларда йўқ.

Фалсафий ўй-хаёллардан бўш вақтда ҳазил-ҳузул билан ёзган ишқий шеърларинг нақадар ширали, таъсирчан эди. Улар ҳамманинг тилидан тушган эмас. Шунинг учун бўлса керак, деярли барча аёллар яширинча сенинг ишқинг билан ёнганлар. Шеърларда эса асли бизнинг бетакрор муҳаббатимиз куйланган эди. Энди эса қисматимдан ҳатто душманларим ҳам қайғуда.

... Менинг қалбим мен билан эмас, сенинг билан эди! Сенсиз, менинг қалбим, руҳим, жоним йўқ. Илтимос, у сен билан бўлсин. Севгимга севгинг ила жавоб бер. Менинг муҳаббатимга ишонмаган дамларингда, қанчалик боғланиб қолган эдинг менга. Энди эса севишимни билиб, узоқлашиб кетяпсанми? Кўнглинг хотиржам топдими? Агар сени йўқотсам, нимага ишонаман, кимларга ишонаман? Бу заминда мени ушлаб турадиган нарса қолмайди. Мен ўзимни фақат бир нарса билан овутаман – сен ҳаётсан. Демак мен ҳам тирикман.

Ёш қиз бўла туриб, роҳиба аёл либосини Тангрига беқийс севги туфайли кийганим йўқ. Мен сенинг хоҳиш-иродангни бажардим, холос. Ҳа, бу иродамни Тангри ҳам қўлламаса керак... ”

Ушбу мактубнинг энг ажойиб ва кишини ўйга толдирадиган жойи – бошланиш қисми. Элоизанинг ушбу мактубини бундан бир неча йиллар ўтиб ўқиган Петрарка, мактубнинг бир четига “Элоиза, сен ҳар ерда ўта ширали ва мафтункор гапиргансан” дея ёзиб қўйган экан. Элоиза мактубнинг бошида Абелярга қуйидагича мурожаат қилган: “*Жаноб, аниқроғи отам, яна ҳам аниғи турмуш ўртоғим, ундан ҳам аниғи, акам, дўстимга унинг хизматкори,*

қизи, умр йўлдоши, аниқроғи синглиси ва Элоизадан”. Ушбу аниқликлар ошиқ-маъшуқ муносабатининг нақадар чамбарчас боғланиб кетганидан далолат беради.

“...Баски, сени кўришим ман қилинган экан, жоним мактубларингни ўқиб, роҳат олай. Илтимос, шу қувончдан мени бенасиб этма”. Ушбу мактубни Элоиза айрилиқнинг ўн еттинчи йили, хароб ва совуқ монастиридан ёзган эди. Орадан олти йил ўтиб, ўз кўллари билан, ўзи истиқомат қиладиган уй ёнига ҳаётининг мазмуни, севиқли ёри Абелярнинг жасадини кўмди. Ибодатхона ва Рим папаси томонидан қувғин қилинган, файласуфлар хўрлаган гўзал хулқ ва илм соҳиби, ниҳоят севгилиси ёнида эди.

Абеляр умрининг сўнгги кунларигача бирор бир намоёниш, учрашув ва давраларда иштирок этмади. Унинг фалсафий асарлари эмас, бизга қадар эҳтирос ва умидга тўла мактублари етиб келди. Ўз замонаси тушунмаган, севишганлар тушунишни хоҳламаган, йиллар ўтиб ёшларнинг муҳаббат маъбудига айланди.

Элоиза Абелярдан йигирма икки ёш кичик эди. Аммо унинг руҳий олами, тўлиб-тошган туйғулари Абелярникидан кам эмасди. У инсониятга буюк асарлар қолдирган бўлмаса-да, бетакрор ишқий мактублар тухфа этди. Унинг қуйидаги сўзлари севишган қалбларнинг шиори бўлиб қолди: *“Мен сени севаман дейиш, Сен ҳеч қачон ўлмайсан, деганидир!”*

СОҲИБЖАМОЛ ЛАУРА

Буюк итальян шоири Франческо Петрарка Флоренция ҳукмдори Петрарко дел Инчиз даврида нотариус оиласида туғилди. Петрарка (1304-1374) уйғонини даври маданиятининг асосчиларидан бири эди. Уни бутун оламга танитган ўлмас асари – Лаурага бағишланган “Кўшиқлар китоби” шеърӣ

тўплами бўлган. 1315-1319 йиллари шоир Монпеледаги француз университетида таълим олди. Сўнгра Болоня университетида ўқишни давом эттирди.

... Франческо хурмачадаги сувни тоғорага куйди-да, кафтларини муздеккина тоза сувга ботирди. Мана, ҳозир у ювиниб бўлиб, соч ғажакларини тараб олади-да, эрталабки ибодатни бажариш учун Муқаддас Клара черковига йўл олади. Авинонда бошқа ибодатхоналар ҳам бор, бироқ худога астойдил тавба-тазарру қилиб, кўнгилни поклаш негадир унга ана шу қадимий ибодатхона деворлари ичида руҳий таскин берарди... Франческо сўнгги кунларда унга азоб бераётган ва ранжитаётган, ўзига нисбатан бўлган жирканч муносабатлар сабабини англай олмай гаранг эди. Балки, бу аввалги бебошларча кечирилган ҳаёти учун берилган жазодир? Франческо яна ўзини кўлга олиши учун нима қилиши, қайси йўлни танлаши лозим? Ўсмир йигит сўнгги бор сочларини енгил сийпалаб, остонадан ҳатлаб ўтди-ю, кўчага чиқиб кетди. 1327 йилнинг 6 апрели, эрта тонг, душанба куни эди.

Қуёшнинг ёрқин нурларидан дафъатан ибодатхонанинг ғира-шира хонасига кирган пайтда, унинг кўзи тиниб кетди. Франческо кўзларини очар экан, аввало, шамларнинг хира ёғдусини кўрди ва ана шундан кейингина одамларни илғай бошлади. Улар йигирмага яқин, асосан, ёши ўтган аёллар ва болалар эди. Шундоққина ёнида, ўзидан икки қадамча нарида бир хоним турарди. Ким билади, балки ўсмир қиздир? Нозикниҳол қадди кенггина ёрқин либосларга бурканган, кичкинагина бармоқчалари эса тасбеҳ ўгириб турарди. Бу ҳолатдан Франческо негадир хижолат чека бошлади. Ҳатто, Парвардигорга ибодат қилар экан, ёнидаги ёш аёлдан кўзини узмасди. Ибодатдан сўнг у аёлнинг ортидан изма-из кетди. Франческонинг қалби ёришиб кетган, боз устига вужуди дир-дир титрар эди. Ҳа, ўспирин муҳаббат дардига мубтало бўлганидан сира шубҳа қилмасди. Во ажабо, бу номаълум гўзал аёл ким бўлдийкин? Кимнинг қизи экан?

Ёш шоир, афсуски, у кимнинг кизи эканлигини аниқлай олмади. Бирок кимнинг рафикаси эканлигини айтишди. Бу бахтиёр инсон Гуго де Сад эди.

Кечагина беғам, беташвиш юрган йигитча ўтли сатрларга тўла ишқий шеърлар битар экан, махбубасини учратган ўша кун ҳаётидаги энг мазмунли ва нутилмас лаҳзаларга бой эҳтиросли кун бўлиб қолишини ўйлаганмикин?..

Албатта, аёл ҳам кетидан изма-из таъқиб этиб келаётган йигитчани пайқаганди. Франческонинг ўтли нигоҳи уйига қадар унча узоқ бўлмаган масофада аёлнинг қалбини оташдек куйдириб борарди. Ана шу дақиқалардан бошлаб Лаура эртаю кеч у ҳақда ўйлай бошлади. Кечки ибодат одатдагидан бошқачароқ кечди. Ахир у бегона ўктам йигит ишқида куйиб, гуноҳга ботганди-да! Унинг эри, саховатли рицар Гуго де Сад ҳатто ҳаёлан бўлсин, хиёнатга муносиб инсон эмасди. Ҳа, у баъзи вақтлари меҳрибон бўлмагандир, балки жиндай ҳасислик ҳам қилгандир. Бирок бирор марта бўлсин Лаура эридан кўпол гап эшитмаганди. У фарзандлари ҳақида бошқалар ҳавас қилгудек даражада ғамхўрлик қилар эди. Аммо орадан бир неча кун ўтди ҳамки, ёш аёлнинг оёқлари беихтиёр равишда ўша ўзи билган йўлдан Клара черкови томон судрай бошлади...

Одатдагидек, Франческо олдинги жойида турарди. Аёл пайдо бўлиши билан унинг ранги бўздек оқариб кетди! Соҳибжамол юзига тортилган пардани бироз кўтарар экан, йигитни ўтли нигоҳидан баҳраманд этиб, ўзини жиддий тутишга уринди. Франческо хонимнинг олтиндай товланаётган сочларини-ю шахло кўзларини кўра олди, холос.

Ана шу кундан бошлаб, бу ҳол давом этаверди. Маълум бир кунларда, айнан ўша вақтда Лаура черковга келар, бу ерда эса уни ёш йигит интизорлик билан кутарди. Илк учрашув дамларида унинг боқишлари шодлик ва дардни акс эттирган бўлса, маълум вақт ўтгач, фақат завқу шавқни ифодалай бошлади. Бу ғалати йигитнинг исми Франческо Петрарка эканини, унинг ўзига бағишлаб шеърлар битишини Лаура тасодифан эшитиб қолди. Кўчада бегона одамлар уни

кўришлари биланок, кўлларини ниқтаб *“Қаранг, мана у Франческо Петрарканинг илҳом париси!”* дея гапиришарди. Бир куни бозорда унинг хизматчисига номаълум шахс яқинлашиб, бир варақ қоғоз тутказди. Лаура ўзи учун битилган шеъррий сатрларни мароқ билан ўқиб чиқди ва унинг мафтункор кўзларидан ёшлар оқа бошлади. Шўрлик аёл аниқ тушуниб етди – бу телба Франческо ҳеч қачон унинг кўлларидан тутмайди. Лаура унинг учун фақат илохий маъбуда, поклик ва эзгулик тимсоли бўлиб қолаверади...

Орадан йиллар ўтди. Лаура ҳар доимгидек черковга келар, ибодатдан сўнг Франческога бир нигоҳ ташлаб кўярди. Кунларнинг бирида у кўлқопини тушириб юборди. Петрарка уни ердан олиб берди. Бу уларнинг ҳаётидаги энг ёрқин воқеа бўлиб қолганди.

Тақдири азални қарангки, Лаура 6 апрелда, Франческо билан илк учрашувига 21 йил тўлган кунда ўлат касаллигидан вафот этади. Аксарият одамлар, шу жумладан, Петрарка ҳам шаҳарни тарк этишга мажбур бўлади.

Орадан бир неча ҳафта ўтиб, ўлат чекина бошлагач, у бўм-бўш бўлиб қолган Авинонга қайтади ва Муқаддас Клара черковига келади. Франческо узок муддат маҳобатли бино олдида турар экан, ичкарига қадам босишга ботина олмади. У энди мана шу бино ичида ҳеч қачон Лаура билан учраша олмаслигини яхши билар эди. Соғинчга тўла, чидаб бўлмас кўнгил изтироби Петраркани ибодатхонадан уйи томон етаклади. Тезда қоғоз олиб, унга *“Лаура ҳаётига бағишланган шеърлар”* деган ёзувни битди-да, тахламдаги қоғозлар устига кўйди. Сўнггра эса бошқа қоғоз варағини олиб, титраган кўллари билан *“Лауранинг вафотига бағишланган шеърлар...”* деган сўзларни ёзди.

Франческо Лауранинг вафотидан сўнг 26 йил умр кечирди. Лаура вафот этганига қарамай, Франческонинг ижодига илҳом бахш этиб турарди. Петрарка суюкли маҳбубасига бағишлаб, 300 дан зиёд сонетлар, балладалар яратди. Италиялик шоир қаламига мансуб кўплаб асарлар мавжуд бўлса-да, айнан

соҳибжамол Лаура де Новга бағишланган шеърлари туфайли улкан шухрат қозонди...

Рус шоири Константин Батюшков бир неча асрдан сўнг улар ҳақида қуйидагиларни ёзади: *“Соҳибжамол Лауранинг ўлими унинг эҳтиросларини сўндиролмади. Ақсинча, бу унинг истеъдоди янада гуллаб-яшнашига сабаб бўлди. Шоирнинг мадҳиялари тобора сайқаллашиб, мукаммаллашиб борарди. Дунёдаги ҳеч бир ўй-фикрлар унинг қайғу-аламларига соя ташлолмасди. У абадий изтироблари билан осмону фалакда яшар, бутун ўй-fikри, қалби Лаураси билан бирга эди”*.

1341 йили Петраркага Капитолийда гулчамбар кийдиришди. Ана шу дақиқалардан бошлаб, Франческо Петрарка биринчи рақамли шоир ва Римнинг фахрий фуқароси бўлиб қолди...

ЛЕОНАРДОНИНГ МОНА ЛИЗАСИ

Буюкларнинг ҳаёти сирларга бой бўлади. Масалан, Леонардо да Винчининг сирли муҳаббати ҳақида тўрт асрдан буён турли афсоналар, ривоятлар юради. Италияда Чечилия Галлерани исмли оқила ва гўзал хоним яшарди. Қиролнинг маъшуқаларидан бири ҳисобланган бу ёш аёл ўз даврининг машҳур қизларидан бўлиб, латин тилини мукаммал билар, итальян тилида шеърлар битарди. Кўзга кўринган сиёсатчилар, шоиру санъаткорлар унинг хонадонига тўпланиб, қизгин баҳсу мунозаралар юритишни ёқтиришарди.

Леонардо да Винчи Миланга келгач, Чечилиянинг портретини ишлайди. Бу пайтда қиз ўн олти ёшда эди. Рассом замондошларининг эсдаликларига қараганда қиз Леонардога кўнгил қўяди. Йигит ҳам унга бефарқ эмасди. Улар ўртасидаги муҳаббат махфий тутилади. Лекин рассомнинг қизга битган мактубларидан бирининг қораламаси замондошлари қўлига тушиб қолади. Унда

шундай сўзлар бор эди: “*БеқиЕС гўзалим, донна Чечилия. Севимли фариштам. Сен ёзган мактубни ўқиб...*”

Чечилия ҳам унга битган мактубларининг бирида шундай ёзган эди: “*Сен яратган асарнинг асл нусхага ўхшаши ёки ўхшамаслигини билмоқчи бўлсанг, ойна олдида бориб, унга боқ, ўшанда асл нусха – тирик инсон унда қанчалар ҳаққоний акс этганлигини билиб оласан*”.

Леонардо Чечилияни аёл сифатида севганмикин ёки уни илоҳий мўъжиза сифатидагина улуғлаганми? Бу каби саволлар асрлар бўйи жавобсиз қолмоқда. Чунки, рассом тўрт аср илгари яратган “Сувсар ушлаган аёл” суратидаги Чечилия муҳаббатга тўла қалбли аёл эмас ҳисси, тошбағир аёл сифатида тасвирланган. Нега? Бу портрет рассомнинг буюк асарларидан бири сифатида баҳоланади. Лекин унда санъаткор ўз севгилисини тасвирлаганига табиийки шубҳа туғилади.

Леонардо да Винчи яратган аёл образларидан яна бири кўп асрлардан буён қизгин баҳслару мунозараларга сабаб бўлиб келаётган Жоконда портретининг яратилиш тарихи ҳақида ўйга толсангиз ҳам шу каби саволларга дуч келасиз.

Асар барча-барчани унинг ёши, мавқеи, миллатидан қатъи назар ҳар доим ҳаяжонга солиб келаётир. Аёл кўзларидаги хиёл намлик, юзидаги майда туклар, юз терисининг ўзига хос ранги, қизғиш лабларнинг ярим кинояли табассуми, ҳатто бўйнидаги гупиллаб уриб турган қон томирларининг бетиним ҳаракати — ҳаммаси худди тирикдек, у ҳозир сизга гапириб юборадигандек туюлади. Гўзаллик қошида, аёлнинг сирли қарашлари олдида ўзингизни йўқотасиз, унинг салобати босади.

Тасвирдаги бу хоним флоренциялик сиёсатчи ва савдогар Пьеро Франческо Жоконданинг хотини Мона Лиза эди. Рассом “Жоконда” асари устида тўрт йил ишлади. Аммо тўрт йилда ҳам тугата олмади. У асарини қўлтиқлаб, Римга кетиб қолди, қайтиб келиб, яна ишламоқчи бўлди.

Рассом бу бадавлат кишининг хотини портретини буюртма асосида яратганмиди? Ундай бўлса, нега уни тўрт йилгача ҳам тугата олмади? Асарини нега Жоконда хонадонига бермади? Нега? Мона Лизанинг эри, ўз даврининг машҳур ва таниқли аслзодаси хотинининг ўша пайтларда хатти-ҳаракатлари хар хил гап-сўзларга, ғийбатларга сабаб бўлаётган рассомнинг устахонасига тўрт йил қатнашига рухсат берди? Бу саволлар ўша даврларда ҳам сир эди, ҳамон шундайлигича қолаётир.

Аммо тахминлар рассом ва бу хоним ўртасида буюк муҳаббат бўлганлиги ҳақида сўз очишга имкон беради. Мона Лиза ёшлигида бир йигитни севган. Аммо 1479 йилда, у ўн олти ёшлигида, илгари икки марта уйланиб, тул қолган аслзода Франческо Жокондага турмушга узатишади. Қизнинг севгилиси бунга чидай олмай, ўзини ҳалок этган ...

Леонардо да Винчи Мона Лизанинг тугалланмаган портретини кўтариб, бошқа мамлакатларда бир мунча муддат юради. Аммо ҳеч ўзини кўярга жой топа олмайди. Шундан сўнг, у Мона Лизадан умуман ажралмасликка аҳд қилиб, унинг пойига бош уриб боради. Йўлда ўргимчасифат бир кўримсиз кишидан жаноб Жоконда учинчи марта ҳам тул қолди, унинг ёш хотини сафардан қайтаётиб, тўсатдан вафот этди, деган гапни эшитади...

Рассомнинг Мона Лизага бўлган муҳаббатига ана шундай фожиали тарзда якун топади. У севгилиси висолига етиша олмайди...

Бироқ у муҳаббатнинг буюк тимсоли сифатида сирли, тилсимли севикли аёли Мона Лиза тасвирини қолдириб кетди...

ЭЛЧИСИЗ ТОПИЛГАН ТУЙҒУ

Ер юзида одамларнинг гапириши усуллари бир-бирига ўхшамайди. Тил, лаҳжа, талаффузлар бир миллатни ҳам ажратиши мумкин. Лекин шундай тасодифлар борки, одамлар бир хил севадилар, юрак деб аталмиш кичкина қафасчада ким учундир севгини пинҳон асрайдилар. Ҳаммасини унга атай-

дилар, қувонадилар, соғинадилар. Муҳаббат элчисиз топиладиган туйғудир. Шу сабаб бўлса керак севгида миллат, ҳеч қачон одам танланмайди.

Буюк мутафаккир Шреми Бентамни жаҳон аҳли тан олган. Унинг сўзларидан, фикрларидан дунё аҳли ибрат олди. Вале ўз ақл-идроки билан улуғ мартабага эришган Бентамнинг муҳаббати бир умр жавобсиз қолганди...

Ўшанда Бентам жуда ёш эди. Илмни, ўқиб-ўрганишни ҳамма нарсадан устун қўярди. Лекин кунлар келиб бунданда улуғроқ, муқаддасроқ бир туйғу унинг фикрини ўғирлаб олишини билмасди.

Бентам ўсмирлик чоғида бир қизни учратиб, шу қадар уни севиб қоладики, ҳатто бу гўзални чўчитиб қўйишдан исмини сўрашдан ҳам қўриқб ўзини тияди. Унга фақат дилининг тубидан оғриқ билан чиқадиган бир сўз билан “севгилим” дея мурожаат этади.

Киборлар оиласидан бўлган бу қизнинг бошқа танлагани борми ёки сариқ чақага зор бўлган олим йигитни ўзига мос кўрмайдими, муҳаббат рад этилади. Орадан йиллар ўтса-да сочларига оқ оралаган Бентам ўзи танлаган, тақдирнинг ўзигагина берган энг буюк инъоми деб билган севгилисини ҳамон яхши кўриб, сўққабошлигича юраверади. Кўплаб гўзаллар унга маҳлиё бўлишади. Лекин ошиққа ўз маъшуқасидан ўзгаси керак эмас эди. Қачонлардир ўз севгани уни ҳам яхши кўриб қолишини билган Бентам олтмиш ёшга етгач маъшуқасига мактуб йўллайди. Ҳамон уни кутаётганини ва севгисини баён этади. Афсуски, бу сафар ҳам ярим аср яшаб қўйган гўзалдан рад жавобини олади. Бу раддия Бентамни бутунлай оғир аҳволга солиб қўяди. Айтишларича, ўша хоним тўғрисида гап очилиб қолса бас, Бентам дарров кўзларига ёш олиб, бирдан ҳаяжонланиб кетар экан.

У умрининг баҳори сўлганини англагач, саксон ёшида номсиз севгилисига энг охирги мактубини йўллайди:

“Жонгинам, мен ҳали ҳаётман. Ўн олти яшар пайтим сенга гуллар тақдим этган дамларда қанчалик яхши кўрган бўлсам, ҳозир ҳам ўшандай севаман.

Мен сени севаман, шунча йилги севишларим жавобсиз қолган бўлса-да, барибир ишонаман. Бир кун келиб мени сен ҳам севиб қоласан. Мен эса ўша кунларни кутиб яшайман. Шундай муҳаббат ҳадя этган тақдирдан ва сендан розиман. Алвидо!

Бентам”.

МУҲАББАТ ДАРДИДА ТЕЛБА ХУАНА

Муҳаббат! Қиролича учун қанчалар оғир кулфатлар келтирган дард! Қироллар ҳар нарсага қодир. Тождор аслзодаларнинг уйланиши — шахсан сиёсатга дахлдор муҳим қадамдир. Монарх учун у бахтли ҳаёт кечирishi ва шахсий турмушга деярли ҳеч қандай имконият ҳам қолдирмаслиги яхши маълум. Бироқ тарихда ҳар хил воқеалар содир этилади. Испания ўзининг бой табиати ва иқлими билан ярим оролда шунчалар қулай жойлашганки, бу ернинг гўзаллиги, доимий иссиқ об-ҳавоси, мўл-кўлчилиги ўзгаларни ҳавасини келтирган. Испаниянинг ўзида ажойиб бир гўша мавжуд — бу Кастилия бўлиб, у ерда қуёш йилига 360 кун заррин нурларини сочиб туради.

“Кимки Кастилияни кўрмабди, демак Испанияни кўрмабди, Испанияни билмабди”, деб ёзган эди Гарсия Лорка. Унинг ўзи Кастилиянинг юраги хисобланмиш — Гранадада туғилган.

Бу танти, саховатли ўлка жаҳонга кўплаб буюк шахсларни туҳфа этган. Аммо Кастилиянинг қироличаси Изабелла Арагонскаяга бўлган меҳр-муҳаббат, ўзининг беғуборлиги билан ажралиб туради. У эри Фердинанд II билан бирга ўз юртининг сарҳадларини анча кенгайтирган, мамлакатда насронийликни мустаҳкамлаган, аммо у асосан, Христофор Колумбнинг экспедицияси учун сармоя ажратгани ва унинг шарофати билан Америка кашф этилгани туфайли ҳам халқнинг чексиз иззат-ҳурматига сазовор бўлган. Бироқ қиролича ўз фарзандлари кенжа қизи Хуанага алоҳида меҳр-муҳаббат кўрсатарди.

Муҳаббат ўз йўлига-ю, аммо Изабелла қизларини турмушга узатар экан, ҳар сафар давлат манфаатларини устун қўярди. Шу боис, Хуанани Фландрия шахзодаси Филиппга узатиш ҳар томонлама фойдали эканлигини яхши тушунган киролича, шахзода эндигона ўн еттига тўлгани ва у бекиёс даражада чиройли бўлгани учун халқ орасида “Соҳибжамол” деган ном орттирганини ҳам биларди. Мана шу томонлари онага бир қадар таскин берарди. Узок Фландрияга қизини узатар экан, Изабелла қизига оқ фотиҳа бериб, ҳамиша бир нарсани – қирол қизи эканлигинини бир лаҳза бўлсин унутма, дея панд-насихат қилади.

Филипп бўлғуси рафиқасини ўзи кутиб олади. Йўлдан чарчаб, толиққан ва шахзода билан бўладиган биринчи учрашувдан ҳадиксираб турган Хуана қирол хосхонасида илк бор хушсурат ёш йигитчага кўзи тушиши ҳамоноқ, гап-сўзидан адашиб, довдираб қолади. У эса қизчани қўлларига даст кўтариб олганча, қиролга, хожагон, эркакларга хос тарзда ўз ётоғига олиб киради.

Малоҳатли ёш маликада шундай кучли эҳтирос уйғондики, у бутунлай ўзгариб қолди. Хуана суткалаб эрини ётоғидан қўйиб юбормас, ҳеч нарсани тап тортмай, ҳар қандай қироллик мажбуриятлари ва ахлоқ-одобларини йиғиштириб қўйганди. Ҳатто, ўша давр солномачилари ҳам, ҳукмдорларнинг ички либоси, ҳарамдаги маш-машаларини кавлаштириб юришга мойил бўлмасалар-да, Хуана эҳтиросли ишқ-муҳаббат тунидан сўнг, қанчалар гўзал ва меҳрибон, маслаҳатгўй хонимга айланиб қолганини ёзишган! Мабодо, шахзода бирон-бир юмуш, давлат ишлари билан у ёқ, бу ёққа кетиши лозим бўлган чоғларда эса, у шунчалар жаҳлдор ва одамови бўлиб қолар эдики, уни ҳеч ким ва ҳеч нарса асло тасалли бериб, овутолмасди. Фақат биргина Филипп, ёруғ юлдуз бўлиб, малика ҳаётини порлатиб юборарди. У фақат Филиппгагина бир умр сажда қилиб келди! Сарой аёнлари маликани ғам-ғуссадан халос этиш ва кўнглини овлаш учун, унга чиройли, кўркем норғил йигитларни таништиришга уринишарди. Бироқ Хуана, қаҳр-ғазаб билан ҳар қандай хиёнатга дахлдор

имкониятни кескин рад этади. Таннозлик, ноз-карашма унга ёт эди. Суюкли Филиппдан бошқа ҳеч ким унга керак эмасди. Саройдагилар “У телба” – деган ҳукмни чиқаришди.

Ёш Филиппга хотинининг бундай муносабати хуш ёкарди. Бироқ кўп ўтмай Хуана ҳомиладор бўлади ва аввалги жозибадорлигини йўқотади. Мафтункор шахзоданинг атрофига бир талай ёш хонимлар ўралашиб қолади. Хуана ўғил туғиши биланок, ота-онаси шу заҳоти қизини эри олдига жўнатиб юборишди. Унинг зорланиб, оҳ-воҳ қилиб тўккан кўз ёшлари яхши оқибатларга олиб келмасди. Аммо Филипп уни бефарқ ҳолда, совуққонларча кутиб олди. У аллақачон енгилтаклик, бузуқлик мевасидан татиб кўрган ва рафиқасининг садоқатли муҳаббати унинг ғашига тега бошлаган эди. Хуана эса рашк ўтидан ёнар, ўзини қаерга қўйишни билмасди. У барча ёш аёлларни саройдан ҳайдаб юборди. Эридан бир қадам ҳам ортда қолмай, қаерда бўлмасин унинг ортидан қолмасди. Ҳаттоки жанговар ҳаракатлар кечаётган жойларда ҳам ундан ажралмасди. Бир куни у саройда ўтказилаётган базми-жамшидда, қўлига қайчи олиб, эри билан рақсга тушгани учунгина ҳамманинг кўз ўнгида бир хонимнинг сочларини териси билан юлиб олади! У ўз эрини телбаларча севгани учун ҳам ножўя тентакликлар қиларди. Бу малика учун жуда оғир дард эди.

1504 йили Севиляда Кастилиянинг қироличаси Изабелла вафот этади. Бутун ҳокимият ва ниҳоятда улкан, ғаройиб мамлакат унинг қизи — Хуананинг қўлига ўтади. Шаҳзода Филипп эса Испания қироли бўлиб қолади, бироқ ҳукмдорлик ва сиёсат уни унчалик қизиқтирмас, кўнгли фақат айшу-ишратни тусарди. Аммо Хуана, аллақачон телба деган номни орттириб олган бўлишига қарамай, ақл бовар қилмас даражадаги сабру матонатни намоён қилади. У муҳим сиёсий қарорлар қабул қилар, бошқа мамлакат ҳукмдорлари билан учрашувлар ўтказиб, сиёсий ҳаётга муккасидан шўнғиб кетгани боис, Испаниянинг мавқеини анча мустаҳкамланишига замин яратади. У чинакам қиролича эди. Уни бир нарса —

Филиппнинг лоқайдлиги ташвишлантирарди. Унга фарзандлар туғиб берди, ҳокимият ва қиролликни у билан бўлишди, аммо эри ўз рафиқасининг мардона, садоқатли муҳаббатини муносиб баҳолай олмади. Охир-оқибат, саройдаги хонимчалар унга камлик қилиб қолади. У шубҳали исловатхоналарга боришдан ҳам заррача тийила олмай, кунларнинг бирида мана шу саёқлиги унинг бошига етиб, 27 ёшида оламдан ўтади.

Хуана эса ўлим билан курашиб ётган эрига садоқат кўрсатиб, унинг олдидан бир қадам ҳам силжимай, уни парвариш қилди. Эрининг жони узилгач эса, ҳатто енгилгина тин олди. Мана энди у абадий уники! Уч кун мобайнида эрининг жасади ёнидан жилмади. Бетоқатланиб ташвишга тушган епископларнинг кучли тазйиқи остидагина уни мурдадан ажратиб олишди. Мўумиёланган Филиппни оилавий хилхонага кўмишади. Ана шундагина Хуана барчани чиндан ҳам телбалигига ишонтиради. У талончиларни ёллаб, катта пул эвазига хилхонадан эрининг жасадини тобути билан ўғирлатиб олиб келади. Тўртта оқ отлар қўшилган аравага эрининг мурдасини ортади-да, Кастилия бўйлаб саёҳатга йўл олади. Тунларни йўлда ўтказишар, кундузлари эса қишлоқларда тўхташарди. Хуана энг яхши мусиқачиларни танлаб олар ва улар Филипп ёқтирган куйларни чалиб беришарди. Хуана эрининг тобути ёнига ўтириб олиб, у билан суҳбатлашар, сўнгра эса яна аравага ўтириб, бошқа томонга қараб йўл оларди. Мана шу тарзда бир йил ўтди. Халқ ўзининг бечора қироличасига ичидан ачинар ва уни заррача бўлсин телба ҳисобламасди. Нима бўлишидан қатъи назар, қиролича давлат ҳужжатларини имзолар, барча ишларни оқилона юргизиб, ўзини гўё ҳеч қандай алоҳида бир нарса содир бўлмагандай тутарди.

Яна бир тарихий маълумотлардан аён бўлишича, ўша кезларда бева бўлган Англия қироли Генрих VII телба Хуанага уйланишни ният қилибди! Қачонлардир Испания қироличаси мана шу хасис ва тошнорак одамни ўзининг оддий бўлмаган хулқи билан ҳайратга солган экан. Таннозлигу, нозу карашмадан заррача нишон топа олмаган қирол унинг оқилалигига, ақл-фаросат билан иш

тутишига тан берган. Айникса, Хуананинг муҳаббат тарихи унинг юрагини шунчалар эзиб юборибдики, охир-оқибат унинг қўлини сўрашга жазм этибди.

Хуана бутун умри давомида севимли ёрига садоқатини сақлаб, бошқа турмушга чикмади. Унинг отаси Фердинанд II Арагонский қизини давлат ишларидан четлаштиришга муваффақ бўлади. У қизини телба, савдойи деб тан олинишига эришади. Бунда у асосан наслийликка ҳам эътибор қаратиб, Хуананинг бувиси эси паст, жиннилар сақланадиган зиндонда жон таслим қилганини рўқач қилиб гапирди. Шўрлик қиролича заррача ҳам қаршилиқ қилмай, тинчгина монастрга йўл олди. У суюкли ёри Филиппдан сўнг 50 йил умр кўрди ва ана шу йиллар давомида қолган умрини ёпиқ хонада ўтказди. Ҳатто қаср йўлакларидан юриш ҳам унга тақиқланган эди. Унинг ўғли Карл V Испания қироли бўлиб олгач, онаси ҳақида ўйламай қўйди. Хуана етмишларга кириб касал бўлиб бу оламдан кўз юмади. Бироқ ақл-фаросати жойида бўлган! Карл V ўлим тўшагида ётган онаси билан видолашгани кирганда у юзини тескари буриб олган ва бир оғиз сўз ҳам гапирмаган. Хаёлан у аллақачон, уни кутиб турган ҳаётидаги улкан ва адолатсиз муҳаббати – эри ёнида эди.

“МАДОННА”МИДИ ЁКИ ЖОДУГАР?

Уйғониш даврининг йирик мусаввири Андреа дел Сартони замондошлари хотинининг измидан чиқмасликда айблашарди. Вақт – олий ҳакам дейишади, асрлар ўтгач, ўтмиш воқеалари ўзгача тус олди. 1518 йили “Рождество” куни Парижда бўралаб қор ёғди. Эртасига қор эриса-да, изгирин совуқ тўхтамади. Қирол саройида маъюслик ҳукм суларди. Сарой аҳли ўчоқларга яқинроқ бўлишга ҳаракат қилишар, қўнишиб жимгина ўтиришар эди. Фақат Франциск I гина хурсанд эди.

Қирол маишатни хуш кўриш билан бирга тасвирий санъатни ҳам ёқтирарди. Мана бугун ҳам у янги, яъни Андреа дел Сарто чизган суратни кўради...

Сурат катта хонанинг ўртасида турарди. Сарой аҳли уни томоша қилиш учун тўпланишган. Биринчи бўлиб суратни кўриш ҳуқуқи қиролга берилганди. Франциск I ўз ҳайратини яширолмай, суратга янада яқинлашди. Саройда жимлик ҳукмрон. Франциск I эса ҳайратдан қотган. Бу мусаввир ким бўлдийкин?

Мусаввир довдираб қолди. У қиролнинг кайфияти тез-тез ўзгаришига сира кўниколмади.

– Бу “Севги васфи”, олий ҳазратлари, – деди у зўрға.

Қирол яна суратга термулди. Суратдан ҳусну малоҳатда дунёда танҳо бир малак боқиб турарди. Ипакдек сочлари олтиндек товланади, хумор кўзлари...

– Суратда кимни тасвирлагансан? – қичқирди қирол.

Мусаввир бош кийимини ечиб, ерга қаради:

– Бу менинг хотиним, олий ҳазратлари!

Франциск I хохолаб кулиб юборди:

– “Севги васфи” ётоқхонамга илиб қўйилсин! Гўзалликни томоша қилиш ҳуқуқи фақат қиролгагина берилган.

Юраги ҳаяжонга тўла Андреа Париждан Флоренцияга етиб келгунча қўйнидаги тугунчани бир неча марта пайпаслаб қўйди. Қирол унинг бир йиллик маошини олдиндан тўлаб қўйган эди. Ҳа, бундай бойлик етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. Хотини Лукреция роса хурсанд бўладиган бўлди. Айтганча, хотинидан яқинда мактуб олганди. Лукреция мактубида унинг кетиб қолганидан аввалига роса эзилганини, кейин биров тинчланганини ёзганди.

Сарто кўзини юмди. Қирол фойтуни уни Франция бўйлаб елдек учираб олиб кетди. Италияда қишки туманлардан асар ҳам қолмабди. Эртага қадрдон Флоренциясида уни илиқ кутиб олишади.

...Бир йил илгари баҳорнинг биринчи кунида ҳам куёш чарақлаб турарди. Андреа шаҳарнинг жин кўчаларидан шахдам кадам ташлаб борарди. Унинг омади келган – сурат чизиладиган матонинг энг яхшисидан бир тўп сотиб олган эди. Тўғри, сифатли мато бироз қимматроқ туради, аммо жуда камёб-да курғур... Андреа кадам босди-ю оёғи ерга тегмаёқ муаллақ қотди. Фаросатини қарға чўкиган бир аёл унинг шундоққина оёғи остига ювинди сочиб юборди. Оҳ, бу жин кўчалар, бемалол юролмайсан-а! Тўсатдан қаршисидаги эшик очилди. Баланд бўйли, келишган бир аёл Андреага жилмайиб бокди. Худо шохид, унинг табассумида куёшнинг нақ ўзи порлаб тургандек эди!

Эртаси куни у нотаниш аёлнинг исми Лукреция дел Феде эканлигини билди. Ёш бўлишига қарамай, у аллақачон бева қолишга улгурибди. Кекса эри унга сариқ чақаям қолдирмабди. Ўзи эса ўттизни қоралаб қўйган, устига-устак пули ҳам кўп эмас... Турмуш қуришганидан сўнг у хотинига қараб Мадоннанинг суратини чиза бошлаганида ҳам унинг қимматбаҳо ёпинчиғини қарзга олишга тўғри келганди. Андреа эса Мадоннани шундай чизгандики, тасвирий санъат усталари ҳам унинг маҳоратига тан беришган эди. Мана, Франциск I унинг хизматларини тақдирлади. Энди Андреа хотинининг яхши яшашига шароит яратиб бера олади.

... Андреа уч хонали уйни ижарага олди. Буларнинг барчасини тантанали нишонлаш ҳам керак-ку! Шаҳарликлар Франция қироли флоренциялик мусаввирни қандай кутиб олганини билишни исташарди. У бир ойдан кўп зиёфат бериб, бутун шаҳар аҳлини меҳмон қилди. Бахтдан гул-гул очилиб кетган Лукреция ҳар куни дўконларни айланар, Андреа эса хотини қувонаётганини кўриб мийиғида кулиб кўя қолар эди. Ниҳоят, қирол Франциск буюртмаси ҳақида ҳам ўйлаш фурсати етди.

– Лукреция, қиролнинг тилхати билан банкдан олган пулларим қани? – сўради мусаввир.

– Билмадим, – деди Лукреция.

– Мана бу жойда турганди, – ғаладонни кўрсатди Андреа.

– Буларми? – енгил хўрсинди Лукреция. – Уч ҳафта илгари тугаган. Мен кимматбаҳо маржон сотиб олгандим, эсингдами, сенга жуда ёқувди-ку!

Андреа ҳолсизланиб ўриндиққа секин чўкди. Демак, пуллар аллақачон тугабди-да. Нафакат ўз пуллари, ҳатто қирол берган пуллар ҳам сарфлаб бўлинибди. Шунча маблағ-а, уни бир умр ишлаб ҳам топиш қийин. Мана бу ақлсиз аёл эса қандайдир маржон ҳақида вайсаяпти...

– Айтганча, ўша маржон қани?

– Синглимга совға қилдим. Яна холаваччаларим, жиянларим келишганди. Уларни совға-саломсиз жўнатомайман-ку! Хурсанд бўла қолишсин, дедим-да. Уларнинг сенга ўхшаган ажойиб эрлари йўқ бўлса. Сен эса менга бошқасини сотиб олиб берасан...

Каттакон уйни топширишга тўғри келди. Сотиш мумкин бўлган барча нарса сотилди. Аммо қарзни тўлашга булар етармикин? Бойваччалар Сартонинг устахонасига қадам босмай қўйишди. Шогирдлари ҳам уни тарк этишди.

Андреа хизмат ҳақи борасида тортишиб ўтирмас, арзон-гаровга ҳам ишлайверарди. Одамлар билан муомала қилишни билмаслиги етмагандек, ичкиликка ҳам ружу қўйди. Буюртмаларни айтган вақтида тайёрлаб беролмайдиган бўлди.

Кечаги ичкиликбозликдан юзлари қизариб кетган Андреа хўрсинди, кўзидан оқаётган ёшлар юзини ювиб тушди. Уйга кирган Лукреция маст уйкудаги эри ва деворга суяб қўйилган суратларни кўриб, даҳшатга тушди. Сотиб олинмаган буюртмалар! Биби Марямнинг, Муқаддас Цецилия, Елизаветанинг суратлари... Ҳаммасида ўзининг қиёфаси.

– Андреа! – қичқирди Лукреция. – Сен буюртмаларга фақат менинг расмимни чизма. Сен натурачи аёл топишинг керак! Жуда бўлмаса, бирорта маъшуқа топгин!

Уйкуси ўчмаган эри унга қараб деди:

– Сендан бошқасини чизолмайман.

– Чиза оласан! – Лукреция эшикка отилди. – Мен кетаман! Қачонки мени чизишни бас қилсанг қайтиб келаман!

Эшик ёпилди... Икки ойдан сўнг Флоренцияга ўлат етиб келди.

... Андреанинг садоқатли шогирдлари пул тўплаб, устозини дафн этишди. Бир ойдан сўнг Лукреция боши оғиб, хувиллаб қолган уйига қайтиб келганида у ерда ҳеч нарса қолмаганди. На мебеллар, на суратлар... Лукреция ойна олдида турар, ёноқларидан кўз ёшлари дув-дув тўкилар эди. Наҳотки, у жодугар бўлса? Яхшиси, черковга бориб гуноҳлари учун тавба қилиши керакмикин... Аммо Лукреция черковга боришга улгурмади. Бир неча кундан сўнг у ҳам вафот этди. Айтишларича, ўша уйда ўлат юққан эмиш.

1530 йили Андреа дел Сартонинг суратлари кимошди савдосида қиммат нархда сотилди. Асрлар ўтди ва учинчи минг йилликнинг дастлабки йилида Сартонинг “Мадонна”ларидан бири Сотби аукционидида бир миллион долларга баҳоланди. Уйғониш даврининг йирик мусаввири Андреа дел Сарто кўплаб диний, мифологик мавзуларда суратлар ҳамда кўплаб замондошларининг портретларини чизди. Унинг асарлари Флоренциянинг черков ва монастрларида, дунёдаги энг йирик музейларда сақланиб қолган.

Ўз даврининг машҳур мусаввирлари Рафаэл, Тицион, Микеланжело ва бошқалар ажойиб инсон Андреани нафақат иқтидори, балки инсоний хусусиятлари учун ҳам ҳурмат қилганлар ва у билан қалин дўст тутинишган.

ДАНТЕ БИЛАН БЕАТРИЧЕ

Антик адабиётнинг йирик вакили Данте Алигьери ўзининг “Илоҳий комедия” асари орқали кўпчиликка яхши таниш. Бироқ бу шоирнинг оилавий муносабатлари ҳақида жуда кам маълумотлар сақланиб қолган.

“Мен тузилганимдан кейин дунёнинг осмони ўзича айлана-айлана тўққиз марта қайтиб ўз жойига келганда, барча Беатриче деб чақириш зарурлигини унчалик фаҳмлаб етмаса ҳам, Беатриче деб чақирадиган бир қиз, қалбимнинг ажойиб ҳукмдори, илк бора кўз ўнгимда намоён бўлди”, деб ёзади шоир ўзининг “Янги ҳаёт” номли асарида.

Итальян тилида Беатриче – қутли, қут улашувчи, баракали деган маънони билдиради. Яъни ўз-ўзидан “Беатриче” – “Қутли” эди у қиз, демоқчи бўлади шоир. Шоир бир куни туш кўради. Тушида у ўз хонасида олов рангли бир булутни. Унинг ортидан бир кишининг юзи намоён бўлади. У кўп гапирди, аммо унинг битта гапинигина илғаб олади: “мен сенинг ҳукмдорингман” дейди у.

“Унинг қўлида афтидан қип-қизил бир мато билан сал-пал ёпиб қўйилган яланғоч бир зот ухлаб ётганга ўхшайди; мен синчиклаб тикилиб бу мавжудот бир кун олдин менга таъзим қилган малика эканини билдим. Эркак кафтларининг бирида оловдай ловуллаб турган алланимани ғижимлаб ушлаб турганди: у менга: “мана, ўз юрагингга қара” дегандай бўлди. Кейин ухлаб ётган маликани уйғотиб, кафтида ловуллаб турган нарсани ейишни буюрди. Аёл кўрқиб-кўрқиб уни еди. Олдин кулиб турган эркакнинг кулгиси кейин йиғига айланди; сўнг йиғлаб туриб, маликани кўтариб олганча, осмонга кўтарилиб кетди. Мен бўлсам ниҳоятда қаттиқ кўрқиб кетдим ва уйқум ўчиб тушим бўлиндию, уйғониб кетдим”.

Шоирнинг бу туши келгусида унинг муҳаббати қандай давом этажигидан дарак бергандай эди. Бир куни Беатричени ўртоқлари даврасида кўрганда у титраб, ранги ўзгариб кетганини пайқаб қолишади: “Сенга нима бўлди?” деб сўрашади. Энди бу сирни яшириб бўлмаслигини англаган ошиқ, уларга бир қизни севиб қолганини айтади. Кимлигини сўрашганда эса исмини айтмайди. Шу тариқа узоқ йиллар давомида бу аслзода қиздан чин севгисини яшириш учун фойдаланиб юради. Бунга барчани ишонтириши учун бир неча шеърлар

хам ёзади. Аммо Беатричени шон-шуҳратларга кўмадиган шеърларини ҳеч кимга билдирмайди.

Аммо кунлардан бир куни у қиз шаҳардан кетиб, узоқ бир мамлакатга саёҳатга жўнайди. Шоир ушбу айрилиқдан қайғуриб, атрофдагилар сезиб қолишмасин деб, қизнинг кетиб қолгани ҳақида таънаомуз шеърлар битади. Бу орада бу шаҳарда ҳамма бирдек севадиган бир гўзал хоним вафот этади. Олийҳиммат малика эса унинг шарафига атаб маърака ўтказди.

“Мен аччиқ-аччиқ йиғлаётган бир талай хонимлар қуршовида нафаси тинганча ётган жасадни кўрдим. Бир пайтлар менинг Олийҳимматимга ҳамроҳлик қилиб юрганини эслаб, кўзёшларимни тиёлмадим: унинг хотирасига бағишлаб “Кўзёшли Муҳаббат” ва “Ёвуз ўлим” деган иккита сонет ёздим”.

Орадан бир неча кун ўтгач, у (Данте) ўзига қалқонлик вазифасини ўтаб юрган қизнинг ортидан кетади. Чунки эндиликда Беатричега хоҳлаганча қараб роҳатланаётган эди. Йўларо унинг тасаввурида йўловчи киши қиёфасидаги Муҳаббат гавдаланади ва шундай дейди: “Мен сенинг олдингда қалқонлик қилиб юрган қизнинг олдидан келяпман, яқинда у қайтади. Лекин барибир, мен сендан олганим ва Беатричега бормоқчи бўлганим бу юракни сенга қалқон бўлган қиз учун олиб келяпман. Ҳақиқий севгинг фош бўлиб қолмасин учун буни унга бер”.

Шундан сўнг Муҳаббат ғойиб бўлади. У қолдириб кетган таҳликадан сўнг, шаҳарга қайтиб келади. Бу гал Олийҳиммат севгилисини кўрганда, энди у таъзим қилмайди.

“Қайси томондан бўлмасин у пайдо бўлганда, унинг ажойиб таъзимидан умидворлик мендаги ҳар қандай ёмонликни йўқотар, ичимда шафқат алангасини ёқиб, ўзимни хафа қилган ҳар қандай одамни кечиришга мажбур қиларди. Ўшандай пайтларда мендан ниманики сўрашмасинлар, барчасига “Муҳаббат” деб жавоб қайтарардим ва юзим тавозегга тўлиб кетарди”.

“Энди бундай шодликдан махрум бўлганимда, мени шундай бир улуғ Ҳасрат қамраб олдики, одамлардан қочиб хилват жойларда тупроқни аччиқ кўзёшларим билан суғора бошладим. Кейин кўзёшларим бир оз пасайгач, биров эшитишдан қўрқмайдиган ётоғимга кетдим. У ерда “Вафодоримга ёрдам бер, Муҳаббат!” деб ялиниб ётдим. Йиғлай-йиғлай ёш боладай қаттиқ уйқуга кетибман. Тушимнинг ўртасида ажойиб бир воқеа юз берди, менинг хонамда ёнимда оқ кийимли ўсмир ўтирганини кўрдим... Мен унга таъзимдан махрум бўлганини айтиб бериб, бунинг сабабини сўрадим.

Беатриче сен ҳақингда гапирган баъзи одамлардан, сенинг бир қиз учун азобларга гирифтор бўлганингни эшитиб, сендан хафа бўлди... Сен энди болаликдан бери уни севишинг тўғрисида, мен (Муҳаббат) Унинг учун (Беатриче учун) сенга ҳукмронлик қилаётганим ҳақида бир неча шеър ёзишингни хоҳлардим, деди у. Бундан хабардор одамларни гувоҳликка кўрсам... Мен бўлсам ўз навбатида сенинг мойиллигинг ҳақида унга гувоҳлик қилиб, изоҳ бераман, деди у. Шеърларни далолат келтиргандай жой-жойига қўй. Беатриченинг ўзига мурожаат қилма, ундай қилсанг яхши бўлмайди. Шеърларингни менсиз жўнатишдан сақлан, аммо уларни гўзал оҳанглар билан нақшла. Ҳар гал улар ичида мен бўлайин, чунки бунга эҳтиёж бор, деди у. Шундан кейин у ғойиб бўлди, – тушим шу ерда узилиб қолди. Сўнгра Ҳукмдорим амрларини бажаришга киришдим”.

Бу воқеа юз берган ва Данте шеър ёза бошлаган даврлар 80-йилларнинг бошларига тўғри келади. Ёзганларининг аксарияти Беатричегга аталгани маълум. Кейин 1292 йилда Данте Беатричегга бағишланган барча шеърларини тўплаб, уларни бир тартибга келтириб, ҳар бирига насрий ҳикоялар қўшиб, битта китоб ҳолига келтиради. Шундай қилиб, унинг “Янги ҳаёт” номли шеърлар билан биргаликда ишқий қиссаси дунёга келади.

Шоирнинг замондошлари кўҳна тарихчилар Беатриче – ҳақиқатан ҳам ҳаётда мавжуд эканлигига шубҳа қилишмайди. Бироқ кейинги аср ёзувчилари

шоирнинг “Илоҳий комедияси” асаридаги Беатриче – бир рамзий сурат, оддий бир тимсол деган хулосага келгандан сўнг, “Янги ҳаёт” асаридаги Беатриче ҳам шундай тимсол деган фикрни билдиришади. Бироқ барча тарихий архивлар обдон синчиклаб ўрганилгач, ростдан ҳам Беатриче (Биче) Портинари исмли аёл шоир билан бир вақтда яшаб ўтгани аниқланади. Шундан сўнг барчаси ўз-ўзидан тинчиб кетади.

Дантени бир умр илҳомлантирган Беатриче-Фолько Портинари флоренциялик савдогар бўлиб, шаҳарда юқори мансабларда ишлаган кишининг қизи экан. У Симоне деи Барди исмли кишига узатилган бўлиб, фарзандлари ҳам бор эди. Бу гўзал аёл 24 ёшида вафот этган экан.

Шоирнинг “Янги ҳаёт” қиссасини диққат билан варақлаган киши Дантенинг муҳаббат тарихини уч босқичда тасаввур қилади:

Биринчиси – Беатричега ошиқлик даври. Ўша замонларда ошиқлик унга бахт-саодат ва турли изтироблар келтирди. Иккинчидан, ҳурмат-эҳтиромлар билан Беатричени кузатиш даври. Бу даврда муҳаббат уни бениҳоя кўп юксак фикрлар сари ва фаолиятга ундайди. Учинчидан, Беатриченинг ўлими ва марсиялар даври. У бутун ҳаёти давомида Беатриче учун аза тутиб ўтади. Шоир ижодининг асосий қисмини унинг гўзал тимсолини яратишга бағишлайди ва шу орқали умуминсоний ғояларни илгари суради.

Данте ёзган шеърлар тушидаги Муҳаббат таъкидлаб айтганидек, ниҳоятда ширин ва гўзал эди. Италия халқ тилидаги бадий адабиёт ўзга мамлакатлардагига қараганда кечроқ ривожланади. Данте даврида адабий тил лотин тили ҳисобланарди. Римликлардан қолган лотин тилининг ўзаклари итальянларга аجدодлар тили сифатида яқинроқ бўлиб, руҳонийлар ҳам лотинчани қўллашарди.

XIII аср 60-йилларида Болоньялик ҳуқуқшунос олим Гвидо Гвинцели шеърятда янги услуб яратди. Кейинчалик Данте буни “янги ширин услуб”

деб номлади. Унинг ғояларини флоренциялик хурфикрлик бир одам – Гвинцелининг адаши Гвидо Кавальканти эса уни давом эттирди.

1283 йилда Кавальканти ва бошқа бир қатор флоренциялик шоирлар хали ҳеч ким танимайдиган ёш шоир Данте Алиггеридан бир сонет олиб ўкиб чиқишди. Сонет “руҳи асир, юраги нурга тўла” кишиларга бағишланган эди. Кавальканти Дантега жавоб сонети ёзди. Шундай қилиб уларнинг ўрталарида дўстлик ришталари боғланди. Кавальканти уни Гвинцелли издошлари даврасига олиб кирди.

80-йилларда Данте кўплаб лирик шеърлар ёзди, уларнинг аксарияти Беатричелега бағишланган эди. Шу тариқа Данте ўз муҳаббати туфайли буюк шеърят оламига кириб қолди. Шоир “Янги ҳаёт” асарида ширин услубга эга бўлган шеърят намуналарини яратди. Данте ушбу асарида Беатриче мисолида муҳаббат билан ўлимнинг тўқнашувини, унинг инсон руҳиятига таъсирини, бир инсон ҳаётида умуминсоний ва ғайримоддий аҳамият касб этишини кўрсатиб бера олди.

Шоирнинг илоҳий муҳаббати Беатриче вафот этганда Данте 25 ёшда эди. Шоир ундан кейин яна 31 йил умр кўрди. Уйланиб, бола-чақали ҳам бўлди. Бироқ Беатриче тимсоли уни бир умрга тарк этмасдан кузатиб юрди. Данте жаҳоншумул асари “Илоҳий комедия”сида уни қайта-қайта тилга олади. Шундай қилиб, инсониятга буюк муҳаббат туфайли умрбоқий бир асар дунё юзини кўрди. Орадан неча-неча асрлар, замонлар ўтса ҳамки, бу асар дунё халқлари тилларига қайта-қайта таржима қилиниб келинмоқда. Неча-неча асрлардан буён хали ҳамон не-не зотларни ҳайратга солиб келаётир.

ТУШДАГИ ЙЎЛБАРС

Грузин халқининг улуг шоири ва мутафаккири Шота Руставели “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достони билан бутун дунёда шуҳрат қозонган. Шоир ота-онасидан эрта айрилади. Ҳаётнинг кўп қийинчиликларини

бошидан ўтказган болакай ўзини Кура дарёсига ташламоқчи бўлиб турганида, уни Варузиядан келаётган подшоҳ бехосдан кўриб қолади.

Подшо Шотани уйига олиб келиб, ўзининг ёлғиз қизи Тамара билан бирга боқиб улғайтиради. Икки ёш бир-бирини севиб вояга етишади. Улар балоғатга етишгач, бир-биридан ажралмасликка сўз беришади. Аммо севишганларнинг муҳаббат чўғини ўчиришга ҳаракат қилган зодагон вакиллари охир-оқибат икки ёшни ажратиб юборишади.

Шота туғилиб ўсган ватанидан кетиб, бошқа юртлардан паноҳ топади. Ўзга элда яшаган Шота кўп қийинчиликларни кўради. Маълумотларда келтирилишича, Шота Руставели ўзининг машҳур “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достонини ёзишдан аввал ғаройиб туш кўрган экан. Тушида соқоли кўксига тушган оқсоқол келиб, Шотани уйғотибди. Қўлидан етаклаб, ташқарига чиқариб: “Ўғлим, сенинг ватанинг – Грузия. Ўзга элда юрсанг ҳам, ўз ватанингни унутма! Бу йўлбарс ота-бобонгнинг, ота-онангнинг руҳи, у сени бало-қазодан, ёмонликдан сақлайди. Кўркма, олдига бор!” деб Шотани ғойибдан пайдо бўлган ёввойи йиртқич ёнига боришга ундайди. Оғзини очиб ириллаган йўлбарс аста Шотанинг ёнига келади. У йўлбарсдан кўркқанидан орқасига чекинади. Шу пайтда оқсоқол кўлига қоғоз, қалам беради. Шоир йигит кўзини очганда, ўзини уйда эмас, тонг нурига чўмилган далада турганини кўриб, ҳайрон бўлади. Қўлида қоғоз, қалам... Тушида кўрган оқсоқол ҳам, йўлбарс ҳам ғойиб бўлган. У бу ҳолни туш деб фараз қилай деса, кўлидаги қоғоз-қаламнинг қаердан келганига ҳайрон. Ўзи эса ётоғида эмас, далада ўтирибди. У шундан кейин яхшилик қилган йўлбарс руҳига атаб “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достонини айрича меҳр-муҳаббат билан ёза бошлайди.

Айтишларича, тушида совға қилинган, ўнгида кўлидан топилган қаламни эса Шота умрининг охиригача сақлаган экан. Достондаги Таризэл билан Нестан Дареджиннинг муҳаббати Шота ва Тамаранинг ҳаёти асосида ёзилган. Грузия

ривоятларида, шоирнинг бундан бошқа шеър-достонлари ҳам шу йўлбарс руҳига сиғиниб, ғойибдан келган хосиятли қалам билан ёзилган, дейишади. Шота Руставелига кўринган йўлбарс руҳи ҳам тилсим тўла дунёнинг бир томчисидир, балки?

ПАГАНИНИ МУСИҚАСИНИНГ СЕҲРИ

Италиялик машҳур бастакор, скрипкачи, беназир созанда Николло Паганини 1782 йил Генуя республикасининг Генуя шаҳрида тугилди. У мусиқа романтизми асосчиларидан бири эди. Скрипкачилардан биринчи бўлиб 24 мусиқа ва 5 концертни ёддан ижро этган ноёб истеъдод соҳиби ҳам эди.

У ҳақда улуғ композитор Ференц Лист шундай деганди: “*Ҳеч кимнинг шуҳрати унинг мавқеи билан биронтанинг номи унинг номи билан тенглаша олмайди... Унинг баҳоси йўқ зўр асарлари билан ҳеч кимнинг асарлари бўйлаша олмайди... Мен заррача ҳам иккиланмай айта оламанки, иккинчи Паганини тугилмайди. Бундай улуғвор истеъдод ва ўзига хос ҳаёт йўлининг уйғунлиги уни шуҳратнинг энг юксак чўққисига кўтарди – санъат тарихида бу такрорланмас бирдан бир ҳодисадир*”.

Отаси Антонионинг денгиз портида кичик бир дўкони бўлиб, тижорат билан шуғулланарди. Аслида у савдо-сотиқни ёқтирмас, мусиқачи бўлишни орзу қиларди. Мандолина ва скрипкада енгил халқ кўшиқлари ва лапарларини ижро этарди. Халойиқ эса уни олқишлар билан кутиб оларди. Аммо у тижорат, рўзгор ва беш болали оила билан ўралашиб, мусиқачи бўлолмади. Юрагида қолган катта армон унинг соғлигига ҳам таъсир кўрсатиб, у жаҳлдор киши бўлиб қолди. Онаси Тереза 17 ёшида ўзидан 7 ёш катта бўлган Антониога турмушга чиқиб, 10 йил мобайнида беш бола туғиб берди.

Николло оилада иккинчи фарзанд бўлиб туғилади. Унда болалигидан мусиқани илғаш қобилияти кучли бўлган. Тўрт яшарлигида бир куни отаси

мандолинада куй чалаётганда адашиб қолади. Шунда ўғли уни тузатишга ундаган экан. Шундан кейин у ўғлида ушалмай қолган орзуси рўёбга чиқишини хаёлидан ўтказган экан. Николло 9 ёшга кирганда отаси мусиқа дарсларини кунига бир неча соатгача кўпайтирди. Бола чарчадим дейишига ҳам қулоқ солмас, тинимсиз машқ қилдиарди.

Николло денгиз бўйларига ўйнагани кетиб қолса, қайтганда албатта жазоларди – хонага қамаб қўйиб кўчага чиқазмасди. Бу боланинг соғлигига таъсир қилмай қолмади. У озғин ва бир умрга заиф бўлиб қолди. Бунни кўриб онасининг юраги ачишарди. У билан ибодатга борган пайтларида, боланинг соғлигини ўзинг асра, деб Тангрига ёлборарди. Ҳомиладорликда кўрган тушини, фаришталарнинг Тангри номидан берган ваъдасини эслаб, келажаги порлоқ бўлишидан умидвор бўларди. Йиллар ўтиб, болада скрипкага қизиқиш, мусиқа асбобидан завқланиш ҳисси кучайиб борди. У бу мўъжазгина чолғу асбобини чап елкасига, даҳани остида қандай тираса, садо чиройлироқ чиқишини аниқлаш учун матонат билан соатларча қайта-қайта машқ қилаверарди. Кейинчалик у ўзининг ҳаёти ҳақида китоб ёзмоқчи бўлган Шоткага шундай деганди.

–Мен соз чалишдан жуда катта завқ олардим, бармоқларим учун қандайдир бутунлай янги пардаларни, ҳеч кимга маълум бўлмаган нуқталарни топишга уринар, одамларни ларзага соладиган товушларни чиқара олишга ҳаракат қилардим...

Отаси ўғлига ўргатадиган билими қолмагач, уни Жаванни Черветто исмли скрипкачига шогирдликка беради. Николло тез орада черков мусиқачилари сафида скрипка чала бошлагач, кунларнинг бирида генуялик бастакор Франческо Ньекконинг назарига тушади. У эса ўз навбатида Николлога Жакомо Коста исмли скрипкачидан дарс олишни тавсия қилади. Николло Костадан ярим йил давомида ўттиз мартача сабоқ олади, холос.

Кунларнинг бирида Генуянинг жуда машхур бир черковидаги мессада, яъни католиклар ибодат хонасида ибодат пайти айтиладиган кўшиққа скрипкаси билан қўшилганда, унинг ижроси бутун жамоани ларзага солади. Эртасига ўша даврнинг “Аввизи” номли газетаси: “Ўн бир ёшли бир йигитча – синъор Николло Паганини томонидан бир гармоник мусиқа ижро этилдики, бу ҳаммада катта завқ уйғотди”, – деб ёзади.

Николло 13 ёшга кирган вақти эди. Ўша “Аввизи” газетасининг 1795 йил 25 июнь сониди шундай эълон босилиб чиқади:

“Келаси жума куни Сант-Агостино театрида катта концерт бўлади. Концертни ёш бўлса ҳам скрипкани сайратиб юборадиган генуялик ватандошимиз Николло Паганини беради. Энди у машхур ўқитувчи Александро Ролла раҳбарлигида ўз маҳоратини янада такомиллаштириш учун Пармага жўнаб кетмоқчи. Керакли харажатларни қоплаш имконияти йўқлиги сабабли, у ўз юртдошларини концертга таклиф қилади. Тингловчиларни завқлантира олишига умидвор бўлиб, ўз лойиҳасини амалга оширишга мадад сўрашларини истайди”.

Ушбу эълондан сўнг 31 июлда театр ихлосмандлари хузурида концерт беришга ҳозирланди. Онаси унга қора барқут костюм кийгазиб, юзлари чиройли кўринсин деб, ўсиқ сочларини бармоқлари билан жингала қилди. Сўнгра ота-онаси иккаласи Николлони Сант-Агостино театрига олиб боришди.

Ёш Паганини ўз концертига французларнинг инқилобий кўшиқларидай бир куйни ҳам қўшиб ижро этдики, бу унинг ўз ижодидан бир намуна эди. Унинг фавқулодда санъати ва маҳорати, айниқса, скрипкадан чиқаётган хурликни ифодаловчи куйлари тингловчиларнинг қалбларини ларзага солди. Бу унинг биринчи катта зафари эди. Ана шу концертдан кейин у скрипкасида ҳеч қачон ажралмасликка қасам ичди ва унга абадий боғланиб қолди.

Паганини айни чоғда бир нарсани аниқ ҳис этди: агар у ўзини тўла-тўқис кўрсатмоқчи бўлса, скрипка учун ўзи куй ёзиши керак. Бировларнинг скрипка учун ёзган куйларини ижро этиш билан санъатнинг энг юксак чўққиларини эгаллаб бўлмаскан деб ўйлади. У мусикалар ёзиш ва бошқача ижро усулларида фойдаланишни ўз олдида асосий мақсад қилиб қўйди.

Бир марта ёш скрипкачи Флоренцияда концерт берганида шунчалик кўп пул ишладики, бу энди унинг оиласи иқтисодиётини кўтарибгина қолмай, Пармага бориб ўқишига ҳам етиб ортарди. Ўшанда ота-бола Паганинилар Парма сарой оркестрининг дирижёри, машҳур скрипкачи Александро Ролла хузурига йўл олишади. Ролла касал бўлиб, паришонхотир ётарди. Стол устида эса скрипка ва янги ёзилган ноталари... Николло беморнинг рухсати билан ўша скрипкада янги ёзилган мусиқани шундай усталик билан чалиб бердики, Ролла уни эшитиб, мен сенга ҳеч нарса ўргатолмайман. Йигитча, сен композитор Паэрга бор, деди. Паэр уни яхши қабул қилди, у кунига икки марта сабоқ берарди.

Паэр бир кун уни ўзи билан бирга мусиқа ёзишга таклиф қилди. Паганини бир дуэт ёздики, у билан танишган Паэр:

–Бунда биронта хато ҳам камчилик ҳам кўрмадим, – деди. Шундай қилиб, Паганини гоҳ она шаҳрида, гоҳ Пармада, гоҳ Флоренцияда концертлар бериб, шуҳратига шуҳрат қўшилаверди.

Паганини 17-18 ёшга кирганида унинг ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз берди. Классикларнинг асарларини чуқур ўрганишга аҳд қилди. Бундан ташқари у яшаш шароитини ўзгартириш, эркин ва мустақил бўлиши керак эди. Бу унинг санъати ва шахсияти тўла шакллантириши учун жуда зарур эди. Яна устига-устак Италияга Наполеоннинг армияси бостириб кирди. Генуя шаҳри таслим бўлгач, 19 ёшли Паганини Луккага кўчиб ўтди. Лукка Италиянинг марказидан алоҳида республика эди. Бу ерда ҳам уни яхши

кутиб олишди. У диний байрамлар, кўча намоёишлари ва майдонлардаги ярмаркаларда скрипкасини кўтариб айланиб юарди.

Бу ерда вазият бошқача эди. Шунда у тантаналарга қўшилгиси келди. Унга бунга рухсат беришди. Шундан сўнг одамларнинг қайта-қайта талаби билан 28 дақиқа концерт берди. Ана шу кўча байрамлари туфайли у гитарачи бир аёлни учратди. Унинг завқ билан гитара чалишлари ва ўзи ҳам куйлар оламида ҳушини йўқотар ҳолга тушишлари Паганини ўзига мафтун этди. Аёлни учратганда унинг учун бутун олам тўхтаб қолгандай бўлди. Аёлнинг мафтункор жозибаси уни ўзига маҳлиё қилди. У билан танишди, севиб қолганлигини айтди. Аёл ҳам Паганининг скрипка чалишларини эшитган ва уни ёқтирган эди. Уларнинг ўртасида муҳаббат ришталари боғланди.

Паганини бу аёлнинг кимлигини умр бўйи ҳеч кимга айтмай сир тутди. Бундай тортинчоқлик ва сир сақлашларидан унинг ҳурматга лойиқ ва аслзода аёл билан боғланиб қолганлигини англаш қийин эмас. У ўзининг “Умр баёни”да, мен бу вақтда деҳқончилик билан шуғулланардим ва бир неча йил мириқиб гитара торларини чертдим, деб ёзади.

Бельгиялик машҳур мусиқашунос олим Фетич билан суҳбатда, Паганини севгилиси кимлигини аниқ айтмасдан, фақат қаерда учрашиб туришларини айтади. У шундай деб ёзади:

“Паганини ёшлиги гуллаган ва ўз истеъдоди юксак даражада тан олинган пайтда бирдан скрипкадан аввалгидай завқ олмайдиган бўлиб қолди. Унинг жўшқин муҳаббати аслзода бир жувонга тушди. Аёл ҳам уни севди ва ҳар иккалалари хонимнинг Тосканодаги чорбоғида хилват бир гўшада яшашади. У гитара чаларди, бу созга Николлони ҳам ўргата бошлайди. Шу билан у уч йил мобайнида гитарани жуда иштиёқ билан ўрганади ва қишлоқ хўжалиги билан ҳам машғул бўлади.

Паганини шу йиллар давомида дала ишлари билан ҳам шуғуллана туриб, гитара ва скрипка учун 12 та соната ёзади. Энг бахтли онларини бу

хонимнинг ажойиб гўшасида ўтказди. Аммо кунларнинг бирида Паганини кайтадан уйғонгандай, яна ўз скрипкасини қўлига олади. 1804 йилнинг охирида Генуяга қайтиб, яна мусиқа басталаш билан банд бўлади.

Паганини вафотидан кейин яккахон гитара ижроси учун 20 та асар, шунингдек, скрипка ва бошқа торли мусиқа асбобларига бир қанча асарлар мерос бўлиб қолади. У бир нота асарида: “Николло Паганини томонидан француз гитараси учун олти соната мелодияси (қисқача бир вальс)” деб ёзиб қўйган. Бошқа бир дастхатининг сўнггида. Очиғини айтаман: “бу – чин юракдан. Хушомад эмас”, деган жумла ҳам ёзилган. Тадқиқотчилар, бу севишганларнинг аразлашиб қолганидан кейинги гаплар, деб тахмин қилишади. Алоҳида бир қоғоз парчасида: “Кичкина телбаларча ракс” деган ёзувни ҳам топишган.

Кейин скрипка ва гитара учун ёзилган дуэтлар орасида бирининг тепасига “Муҳаббат дуэти” деган ёзув бор. Унинг қисмлари эса “Бошланиш”, “Илтижо”, “Розилик”, “Ҳадик”, “Қувонч”, “Баҳс”, “Ярашиш”, “Муҳаббат белгилари”, “Кетиш хабари”, “Ажрашув” деб номланган. Бу асар муаллифнинг ўз севгилисига бағишлови эканлигига шубҳа йўқ.

Аёл гитарасини қаттиқ яхши кўрган ва уни чалиб ўтиришни ҳаётининг мазмуни деб билган. Паганини уни хурсанд қилиш мақсадида скрипкасини қўйиб, гитара учун махсус куйлар басталаб берган. Унинг тўлқинланиб, бор маҳорат билан оҳангдор қилиб ижро этиладиган Бешинчи Сонатаси гитара ва скрипканинг уйғунлашган дуэти, хоним билан Николлонинг севги майлларини ифодалаган дейиш мумкин.

Бу гўзал аёлнинг гитарага муҳаббати Паганининг ушбу чолғу асбобини ҳам жуда яхши ўзлаштиришига, гитаранинг имкониятларини ҳар томонлама ўрганишига омил бўлди. У даврларда бўйнида скрипка, тиззасида гитара билан ўтириб, ҳам гитара, ҳам скрипкани галма-гал чаларкан. Паганини скрипка чалганда, табиийки, чап қўлини ишлатмаган. Гитара чалганда эса чап қўлини

хам чўзиб, кўпроқ ишлатган. Бу унинг соғлигида мувозанатни тиклашда катта ёрдам берган.

Аслзода аёл кимлигига келсак, у Николлодан бир неча ёш катта бўлиб эри бор ё йўқлиги маълум эмас, деб тахмин қилишади. Ҳар неки бўлмасин, у ўзининг юксак мавқеидан фойдаланиб, йигит билан бемалол муносабатга кириша олган. Ёш бастакор ва скрипкачи билан ишқий саргузаштларни ўз бошидан кечирган.

Скрипкачининг тосканалик севгилиси уни ҳам шубҳасиз яхши кўрган ва қаттиқ асраб-авайлаган. Бу севги савдолари уч йилча давом этган. Паганини бутун ҳаёти давомида биронта аёлни бундай теран муҳаббат билан севолмаган. Умуман унинг ҳаётида ўзига гўзал фазилатларини юқтирган бошқа биронта инсонни учратмаган. Бу аёл унинг учун муҳаббат ва надоматлар билан эсга олинадиган бирдан-бир малак бўлиб қолган.

Паганини кўп савдоларни бошидан ўтказган бўлса-да, ҳаётининг охирида ўзини ёлғиз ҳис қилади. Бир инсон сифатида ва бутун тақдирини скрипкага бағишлаган артист сингари ҳеч қачон мукаммал бахт нашидасини тотиб кўрмаган. Бироқ бутун инсоният унинг скрипкачилиқ ва бастакорлиқ фаолиятини миннатдорлик билан ёдга олиб эслайди.

Италияда ҳар йили Паганини номидаги скрипкачилар мусобақаси ўтказиб келинади. Буюк скрипкачи ҳақида турли хил қарашлар ва фикрлар мавжуд. Аммо шундай бўлишига қарамай инсоният тарихида буюк скрипкаси сифатида абадий қолди. У ҳақда китоб ёзилди. Асарлари ҳамон инсонларни хушнуд этиб келмоқда.

Таниқли рус ёзувчиси Анатолий Виноградов Николло Паганининг ижодий фаолияти ҳақида “Паганини қисмати” номли романини ёзди. Романда мусиқачининг ҳаёти XVIII-XIX асрлар Европадаги, хусусан Италияда мавжуд ижтимоий, ҳарбий-сиёсий вазият ва айниқса, диний бошқарув муҳити акс эттирилган. Асар муаллифи бу даҳонинг фожиавий қисматини ҳаётий

тасвирларда, унинг руҳий оламини, маънавий дунёсини бор зиддиятлари билан кўрсатишга ҳаракат қилган. Ушбу асар дунёнинг бир неча тилларига қайта-қайта ўгирилган. Жумладан, ушбу асар ўзбек тилида ҳам илк маротаба маҳорат билан таржима қилинган.

РАБИНДРАНАТ ТАГОР

Дунёдаги ҳар бир миллатнинг фахри, ифтихори, буюк шахслари бўлади. Бутун ҳинд халқи Рабиндранат Тагор даҳоси олдидан бош эгади, уни юксакларга кўтаради. Бу инсонда ёзувчилик, шоирлик, бастакорлик, мусаввирлик истеъдоди мужассам эди. Бундан ташқари, Рабиндранат Тагор давлат арбоби, Нобель мукофоти совриндори, Ҳиндистон ва Бангладеш давлат мадҳияларининг муаллифи ҳам эди. У ҳинд халқини бутун дунёга танитди. Дунё аҳли ҳинд халқи ҳаётини унинг асарлари орқали янада яқинроқ танишди. Бу эса Р. Тагорнинг ўз халқи учун қилган хизматларининг энг юқори чўққиси бўлди.

Рабиндранат Тагор 1861 йилда Калькуттада обрўли ва бадавлат оилада таваллуд топди. Тагорлар сулоласи тарихи XII-XIII асрларга бориб тақалади. Машҳур сулола вакиллари Бенгал ҳукмдорлари саройида катта мавқе ва обрўга эга бўлишган. У брахман Махариши Дебендранат Тагор ва Саарада Деви хонадонидаги 14 фарзанднинг энг кичиги эди. Кенжатой Рабиндранат ота-онасининг эркаси бўлган. Болакай 14 ёшигача ота-онаси қанотида ўсиб улғайди. У отасини жуда кам кўрарди. Шундай бўлса-да, отанинг айтгани-айтган, дегани-деган эди. Оиланинг ҳар бир аъзоси унга сўзсиз итоат қилишарди. Брахман Махариши Тагор ҳаётининг асосий қисми саёҳатларда ўтарди.

Дастлаб Рабиндранат уй шароитида таҳсил олиб, сўнгра акалари сингари ўқишини ёпиқ инглиз мактабида давом эттирди. Маърифатпарвар ушбу

хонадондан жуда кўп жамоат, маданият арбоблари, санъаткорлар етишиб чиққан. Рабиндранат Тагорда адабий иқтидор жуда эрта намоён бўлди. Рабиндранат 8 ёшида шеър ёзишни бошлади. Бироқ инглиз ўқитувчилари болакайдаги қобилиятни сезишмаганди. Чунки ўша пайтда инглиз тилини хали мукаммал ўрганмаган Тагор фақат бенгал тилида ижод қиларди.

1875 йилда Рабиндранат ҳаётидаги энг катта йўқотиш содир этилди. Унинг онаси вафот этди. Меҳрибонининг бевақт ўлими Рабиндранатга каттик таъсир қилди. Севимли фарзандининг бундай ҳолатидан ташвишга тушган отаси уни Ҳиндистон бўйлаб саёҳатга олиб чиқади. Она ватанининг гўзал табиати, ҳинд халқининг кўп асрлик маданий мероси уни ниҳоятда лол қолдиради. Кўрган-билганларидан илҳомланган Рабиндранат ўқишини яна давом эттиради. Дастлаб педагогика билим юртида, кейинчалик эса Бенгал академиясида билимини мустаҳкамлайди. Бу даргоҳда у Ҳиндистон маданияти ва тарихини ўрганади. Худди шу пайтга келиб, унинг ижод намуналари матбуот саҳифаларида чоп этила бошланади.

1879 йилда Рабиндранат Тагор илк йирик асари – “Шоир ҳаёти” поэмасини нашр эттиради. Бироқ унинг адабиётга бўлган қизиқиши отаси томонидан яхши қабул қилинмайди. Чунки отаси ўғлининг келажакда ҳуқуқшунос бўлишини орзу қиларди. Шу боис Рабиндранат отасининг қистови билан Англияга жўнаб кетади. Бу ерда у Лондон университети талабасига айланади. Англияда икки йил давомида ҳуқуқни пухта ўрганган Тагорни кўпроқ инглиз маданияти ва тарихи қизиқтиради. Лондондаги талабалик пайтларида ҳам у ижод қилишдан сира тўхтамайди.

Ватанига қайтган Рабиндранат Лондонда ёзганларини жамлаб, “Сайёҳнинг Европага ёзишмалари” номи билан нашр эттиради. Адабиётга бўлган кучли иштиёқ унинг адвокат бўлишига тўсқинлик қилди. Адвокатлик дипломисиз ватанига қайтган Рабиндранат ота қаҳридан чўчиб, Калькутта шаҳри қозиси бўлган акасининг уйида кўним топди. Бир неча ойдан кейин

жахлидан тушган ота ўғлини ўз уйига чакириб олади. Бу вақтга келиб у “Бибхи соҳили” романини ёзади.

1883 йилда Тагор хаётида катта ўзгариш рўй беради. Отасининг хоҳишига кўра ўн яшар Мриналина Делига уйланади. Тагор дастлаб норасида рафиқасининг мураббийи ва устозига айланади. У турмуш ўртоғини тарбиялаб, унинг билим олиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беради. Маърифатпарвар умр йўлдоши кўмагида Мриналина ўз замонасининг зиёли, ўқимишли аёлларидан бири бўлади. Мриналина ўз билимини ошириб катта тажриба тўплайди. У Рабиндранат Тагор тавсияси билан қадимги ҳинд эпоси “Рамаяна”ни инглиз тилига таржима қилади. Бу асар жамоатчилик орасида катта қизиқишга сабаб бўлади. У ҳақиқатан ҳам зиёлилар оиласида тарбия топаётганидан далолат эди. Улар бахтли турмуш кечира бошлашади. Мриналина ўсиб, улғайиб вояга етгач турмуш ўртоғига икки ўғил ва уч нафар қизни ҳадя этади.

Тагор 1890 йилда ўз уйини тарк этиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган кўчмас мулкларини бошқариш учун шарқий Бенгалияга жўнаб кетади. У сувда сузиб юрадиган тахтачали уйчада яшайди. Шу ерда у маъмурий ишларни ижод лаҳзалари билан уйғунлаштира олишнинг уддасидан чиқади. Бўлғуси буюк инсон худди мана шу Падма дарёси устида туриб, энг ажойиб шеърый тўпламларини яратади. Кейинчалик Тагорнинг ўзи бу ҳақда ижодимнинг энг гуллаб-яшнаган даври эди дея эътироф этади.

Ҳинд адабий танқидчилари “Тагорнинг ҳар бир ҳикояси, бир роман”, деб таъкидлашади. Тагор ҳикояларидаги руҳий тасвирлар, нозик лиризм, кўтаринки услуб ва чуқур фалсафий мулоҳазалар ҳар қандай кишининг гўзалликка ташна қалбини қондира олади. Унинг асарлари асосида ҳинд фольклори ташкил этиб, Шарқ мумтоз поэзиясининг ажойиб намуналарини ўзида акс эттирган. 1901 йилда Тагор оиласи бағрига қайтиб келади. Калькуттада бир оз муддат яшагач, Рабиндранат яқинлари билан шаҳар

чеккасидаги сулолавий помесътега кўчиб ўтади. Бу ерда у шахсий мактабини очишга муваффақ бўлади. Ўғлининг бу ишларини маъқулламаган қаттиққўл ота унга моддий ёрдам беришдан бош тортади. Шунда Тагорнинг рафиқаси кимматбаҳо буюмларининг бир қисмини сотиб, турмуш ўртоғини “дарди”га малҳам бўлади. Ёзувчининг ўзи эса маърифатпарварлик йўлида муаллифлик ҳуқуқини гаровга қўйишга мажбур бўлади. Ўқув жараёнини йўлга қўйиш Рабиндранат Тагорнинг ўзи дарсликлар ёзиб, ўқув хрестоматиялари тузади. У Ҳиндистоннинг бир неча минг йиллик тарихи ҳақида сўзлагувчи ажойиб китоб ва дарсликлар яратди. Таълим-тарбияга доир қўлланма ва мақолалар ёзди.

Машаққатли, тинимсиз меҳнат билан ўтган ушбу икки йил унинг ҳаётидаги энг қувончли дамлар бўлганлигини у кеч англаб етди. 1902 йилда Тагор севикли рафиқаси, дўсти, издоши, ҳамфикри, маслакдоши, энг муҳими, меҳрибон суянчиғидан жудо бўлади. Унинг суюкли Мриналиnasi вафот этади. Мриналинанинг бевақт ўлиmidан сўнг қаттиқ қайғуга ботган Тагор “Хотира” деб номланган лирик шеърлар тўпламини нашр эттиради. Тўплaмдаги ҳар бир шеър инсон қалбини жунбишга келтиради. Уларда ўз севгилиси яъни рафиқасига бўлган меҳр-муҳаббат жўш уриб туради. Ушбу шеърларда қайноқ қалб тафти уфуради.

Бу қайғу аламнинг изи совумасдан туриб шафқатсиз тақдир унга яна бошқа зарбани ҳозирлаб қўйган эди. Рабиндранат бирин-кетин ўғли, қизи ва отасидан айрилади. Махариши Дебендранат Тагор ўғлига шунчалик қаршиликлар қилишига қарамай унга катта мерос қолдиради. Лекин молу давлат Рабиндранат учун ҳеч қачон муҳим эмасди. Шу боис ҳам у барча ишларини акаларига топшириб, ўзини буткул маърифатпарварлик ва жамоат ишларига бағишлайди. 1907 - 1910 йилларда у “Тоғ” номли фалсафий романини ёзади. Бу асар инглиз мустамлакачиларига қарши қаратилган озодлик ҳаракати қатнашчиларининг мадҳиясига айланди. Худди шу пайтнинг ўзида у энг катта аҳамиятга эга “Гитанджали” (“Қурбонлик кўшиқлари”) шеърлар тўплами устида

иш олиб борди. Унинг ўзи тўпламни инглиз тилига таржима қилди. Тўпламнинг инглиз тилидаги наشري унга катта шон-шуҳрат келтирди. Ушбу тўпламдаги бир қўшиқ шунчалик машҳур бўлиб кетдики, Ҳиндистон мустақилликка эришгач, ушбу шеър мамлакатнинг давлат мадҳиясига айланди. Кейинчалик “Ҳалокат” романи ва бир канча гўзал ҳикоялари ҳамда бошқа кўпгина асарлари дунё юзини кўради. Бу асарлар эса унга оламшумул шон-шуҳратни келтирди. Унинг асарлари дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилинди. Жумладан, унинг жуда кўп бадиий асарлари ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

Тагор 1912 йилда Англия ва АҚШ бўйлаб узоқ муддатли сафарга отланади. Саёҳати давомида у жуда кўп олий ўқув даргоҳларида маърузалар ўқийди. Кейинчалик ушбу маъруза матнлари китоб ҳолида нашр этилади. АҚШ сафари пайтида у адабиёт соҳасига қўшган улкан ҳиссаси учун Нобель мукофотиغا сазовор бўлганлигини эшитади. Олий мукофот Англиянинг Швециядаги элчисига топширилади. Бир неча ойдан сўнггина Ҳиндистон генерал-губернатори мукофотни тантанали равишда ўз соҳибига топширади. Шуниси аҳамиятлики, Рабиндранат Тагор пул мукофотини ўз ишлаган мактабига хайр-эҳсон қилади. Шундан кейин нафақат Ҳиндистонда балки бутун дунёда Тагор даҳосига таъзим қилиш бошланади. 1915 йилда Англия қироли унга рицарлик, Оксфорд университети эса фахрий доктор унвонини беради.

Рабиндранат Тагор 68 ёшида рассомчиликка қизиқиб, ранг-тасвир борасида ҳам катта муваффақиятларга эришади. Унинг адабий асарлари каби бетакрор картиналари Мюнхен, Нью-Йорк, Париж, Москва ва дунёнинг бошқа йирик шаҳарлари бадиий кўргазмаларида намоиш этилган. Европада у “шарқ ва ғарбни бирлаштирувчи куч” деб таърифланади. “Нобель мукофоти ёрлиғида “Узоқни яқин, бегонани ўзиники қилгувчи фикрлар кенглиги учун” деб ёзилганди.

Тагор саёҳат қилишни яхши кўрарди. Шунинг учун ҳам у жуда кўп саёҳат қиларди. Ватанига қайтгач, ўқитувчилик қилиб адабиёт билан шуғуллана бошлайди. Умрининг сўнгги кунларида у драматургияга қизиқиб, ўз пьесаларини театр жамоаларига тортиқ қилади. Иккинчи жаҳон уруши даврида Тагор фашизмга қарши курашнинг фаол иштирокчиси эди. Бу вақтга келиб, Тагор оғир, бедаво дардга чалинганди. Инглиз врачлари уни сақлаб қолишга ҳар қанча уринишмасин барибир фойдаси бўлмади. Рабиндранат Тагор 1941 йилда Калькутта яқинидаги дала-ҳовлисида вафот этди. У ўз халқининг тилига, унинг маданий ва маънавий меросига бўлган ишончни қайтариб берди. Шунинг учун ҳам уни кўкларга кўтаришиб, даҳо сифатида ҳурмат қилишиб, эъзозлашади. Бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

КОМПОЗИТОР МОЦАРТ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладикки, уларнинг ҳаёти сир-синоатларга тўла бўлади. Композитор Моцартнинг ҳаёти шундай сирлардан холи эмасди. Буюк композиторнинг ўлими ҳамон сирлигича қолаётир. Ўша пайтда тайёрланган тиббий экспертиза хулосасига кўра композитор юрак ва буйрак етишмовчилиги сабаб касаллик туфайли вафот этгани айтилган. Бироқ замондошларининг эсдаликларда, уни ҳамкасби Антонио Сальери заҳарлаб ўлдиргани таъкидланган. Ушбу жумбоқни аниқлаштириш икки асрдан кўп вақтдан сўнг, яъни 1997 йилнинг май ойида Милан суди Моцартнинг ўлими билан боғлиқ тафсилотларни ўрганиб чиқди. Суд бу ишда А. Сальерининг айби йўқ, деган хулосага келди. Шундай бўлса-да, баъзи мусиқашунослар ўз фикрларидан воз кечганларича йўқ.

Буюк композиторнинг тўлиқ исми Иоганн Хризостом Вольфганг Теофил Моцартдир. У 1756 йилда Зальцбург шаҳрида туғилган. Замондошларининг

айтишича, композитор жуда ҳам буюк истеъдод эгаси бўлган. Унга уч ёшида мусикага хавас уйғонади. Бу бежис эмас эди, албатта. Отаси Леопольд Европадаги энг кўзга кўринган мусика муаллимларидан бири бўлган. 1762 йилда Леопольд ўғли Иоганн ва кизи Мария Анна билан бирга кўхна китъа бўйлаб сайёҳатга чиқади. Улар Мюнхен, Париж, Лондон ва Венада, Германия, Голландия ҳамда Швейцариянинг бошқа кўплаб шаҳарларида концертлар беришади. Орадан бир йилдан сўнг яна ҳам ҳайратомуз воқеа содир этилади. Парижда Моцартнинг клавесина ва сприкка учун сонаталари босилиб чиқади. Эндигина етти ёшга тўлган болакайнинг бундай ютуғи кўпчиликни ҳайратга солади. У Зальцбургда яшаган 1766-1769 йилларда Гендел, Страделла, Кариссими, Дуранте каби композиторлар ижоди билан яқиндан танишади. 12 ёшга тўлганда эса император Иосиф II нинг буюртмасига биноан итальян труппаси учун “Хаёлдаги содда аёл” операсини яратади. Аммо артистлар бу операни ижро этишдан бош тортишади. Кейинроқ ҳам артистлар турли баҳоналар билан унинг ижодини инкор этишади. Айрим мусиқашуносларнинг айтишича, бу 12 ёшга тўлган композиторни кўра олмасликдан бошқа нарсаси эмас эди.

1771 йилда Миланда театр импесарио (артистларнинг гумаштаси)ларининг қаршилигига қарамай композиторнинг “Митридат-Понтий подшоси” операси сахналаштирилади. У томошабинлар томонидан катта олқишлар билан кутиб олинади. Унинг иккинчи операси “Луций Сулла” ҳам ижобий баҳоланади. Мусиқачи 17 ёшга тўлганда 4 та опера, 13 та симфония, 24 та соната ва кўплаб турли кичик жанрдаги мусиқий асарлар яратиб улгурганди. 1775 йилдан 1780 йилгача бўлган даврда Мюнхен, Мангейм ва Парижга беҳудага бориб келишлар, оилани моддий жиҳатдан таъминлаш, онасининг ўлимига қарамай флейт ва арфа учун 6 та соната битта симфония, 12 та балет ва яна кўплаб мусиқалар яратишга улгурди. 1781 йили унинг “Идоменей” операси Мюнхенда катта муваффақият билан қўйилди.

Композитор Мангеймда бўлганида бир хонадонга меҳмонга боради. Бу унинг икки нафар қизи бўлиб, улардан бириси қўшиқ айтарди. Моцарт қизларнинг каттаси Алоизини ёктириб қолади. Шундан сўнг тез-тез шу хонадонга бориб туради. Қизга атаб бир нечта мусиқалар ёзади. Лекин қиз унга унчалик рўйхушлик бермайди. Такдир ўйини қарангки, Моцартни шу оиланинг иккинчи қизи Констанца ёктириб қолган эди.

Ўғлининг Веберлар оиласига кўп қатнаши Моцартнинг ота-онасини ташвишга солиб қўяди. Отаси уни огоҳлантириб мактуб ҳам йўллайди. Мактубда, агар у шу қизлардан бирига уйланадиган бўлса, уйга келмай қўя қол дейди. Бу Моцартнинг кайфиятига қаттиқ таъсир қилади. Ҳаттоки, Мангеймдан кетишдан олдин касал ҳам бўлиб қолади. У тўшакка михланиб ётар экан, фақатгина Алоизи билан учрашиши ҳақида ўйларди. Аммо қиз унга эътибор бермайди.

Онаси вафотидан сўнг Моцарт отасидан Алоизи билан учрашишга рухсат олади. Бироқ бу пайтга келиб қиз Вена театрининг етакчи актрисасига айланиб улгурганди. Қиз Моцарт билан жуда совуқ муомалада бўлади. Кейинроқ Моцарт, Алоизига театрни иқтисодий томондан қўллаб-қувватлаб турганлардан бири, граф Зеро катта эътибор бераётганлигини сезиб қолади. Ўшандагина у Алоизига ўхшаган аёллар унга бахт келтира олмаслигини ва уни бошқа жойдан излаши кераклигини тушуниб етади. Шундай тушкун кунларда унинг ёнида Алоизининг синглиси Констанца пайдо бўлди. Констанца юрагидаги сирларини яшириб ўтирмади. Моцарт ва Констанца ўртасидаги муносабатлардан тезда унинг отаси хабар топади. Шу боис у ўғлига зудлик билан уйга қайтишни талаб қилади. Веберлар қизига уйланиши ҳақида ҳатто гапириш ҳам мумкин эмаслигини таъкидлайди. Ушбу мактубдан сўнг Моцарт Веберлар хонадонини тарк этишга мажбур бўлади. Шунда Констанцанинг онаси бир ҳийла ўйлаб топади. У қизининг ўз севгилиси билан бахтли бўлишини юрак-юракдан сезарди. Она қизини қанча қийнаса,

Моцартнинг унга шунча ачинишини ва охири уйланишга мажбур бўлишини яхши тушунарди. Шу боис, қизига Моцарт билан учрашишни бутунлай тақиқлаб қўяди. Онасининг бу қилиғидан норози бўлган қиз уйдан қочиб кетади...

Бу воқеалардан хабар топган ота Моцарт алал-оқибат ўғлига уйланишга рухсат беради. Шундай қилиб, 1782 йилнинг 4 август куни уларнинг тўйи бўлиб ўтади. *“Тўйимиз бўлган кун мен ва турмуш ўртоғим тўйиб-тўйиб йиғладик. Аҳволимизни кўрган бизни рўйхатдан ўтказаятган руҳоний ҳам йиғлаб юборди”*, деб ёзади кейинчалик Моцарт. Худди ўша йили композитор “Сералдадаги ўғирлик” асарини ёзади. Унинг бош қаҳрамонининг исми Констанца эди.

Лопольд Моцарт ва қизи Мария Анна кичик Моцартнинг ўзбошимчалик билан уйланганини умрининг охиригача кечиришмади. Улар орасидаги муносабатга катта дарз кетди. Бу эса йиллар ўтган сари янада кучайиб борди. Ҳатто, хонадонда чақалоқнинг дунёга келиши ва унинг нобуд бўлиши бобо ҳамда амманинг қалбини заррача бўлса-да, эрита олмади. Вольфганг хотинини Зальцбургга олиб келганда, улар келинни жуда совуқ кутиб олишди. Шу боис Моцарт ўз туғилган шаҳрида бир неча ойгина яшагач яна уни тарк этишга мажбур бўлди. Орадан бир оз фурсат ўтгач, Леопольд Венага ўғлиникига меҳмонга боради. Икки ой меҳмон бўлади-ю, лекин яна норозилигича уйига қайтиб келади.

Композиторни Англияга таклиф қилишганда ҳам ота ва қиз уларга ёрдам беришдан бош тортишади. Чунки гастролга Моцарт хотини билан бирга бориши лозим эди. Бу пайтда келиб оилада чақалоқ дунёга келганди. Ота ва амма болага қараб туришни иштасмайди. Натижада композитор сафардан воз кечишга мажбур бўлади.

Композиторнинг отаси вафот этгунига қадар ўғлини кечирмади ва 1787 йили вафот этди. Ҳаёт ташвишларидан эзилган ва чарчаган Моцарт эндигина

34 ёшга кирган бўлса-да, анча қартайган кўринарди. Бундан ташқари у маишатга берилиб кетганди. Хотини ҳам доимий касаллик ва камситишлар туфайли ўзининг жозибасини йўқотиб қўйганди. Шу боис у эрини рашк қиларди. Моцарт бу ҳақда шундай ёзади: *“Кераксиз рашк билан мени ҳам, ўзингни ҳам қийнама! Ёлвораман! ... Аёл ақли ва фаросати билан эркакнинг кўнглига йўл топа олади. Бунини унутма”*.

Улар бир неча фарзандли бўлишди. Лекин улардан икки нафаригина тирик қолди, холос. Буюк композитор вафот этганидан сўнг хотини фарзандларини эрининг мухлиси Франтишек Немечек тарбиясига беради. Немечек болаларни Прагага олиб кетади. Хуллас, улар ота-онасиз вояга етадилар. Моцартнинг катта ўғли молия соҳаси бўйича майда чиновник бўлиб етишади ва узоқ умр кўради. Кичик ўғли Вольфганг эса отасининг йўлини танлайди. Узоқ йиллар Европа бўйлаб концертлар беради. У отаси яратган мусиқаларни ижро этиб, олқишларга сазовор бўлади. Кейинроқ эса бу олқишлар ва қарсақлар отаси учун чалинганини тушуниб етади.

Констанца даниялик дипломат, давлат маслаҳатчиси Георг Ниссенга турмушга чиқади. Унинг иккинчи эри ўз умрининг кўп қисмини Моцарт архивини ўрганиш ва унинг асарларини йиғишга бағишлайди. 1828 йилда унинг Моцарт ҳақидаги китоби босилиб чиқади. Орадан ўн саккиз йил ўтгач эса Констанца иккинчи эри Ниссеннинг таклифи билан Моцарт дафн этилган қабристонга боради. Аммо унинг қабрини топа олмайди. У саксон йил умр кўриб вафот этади.

1786 йили Моцарт Лоренцо да Понте либореттаси асосида “Фигаронинг уйланиши” операсини яратади. Бу асар Вена театрида бир неча марта қўйилгандан сўнг негадир тўхтаб қолади. 1789 йилда эса уни Антонио Сальвери қайтадан сахналаштиради. Сальверининг фикрича, “Фигаронинг уйланиши” Моцартнинг энг яхши асари экан. Бу асар Венада унчалик муваффақият қозонмаган бўлса-да, Прагада томошабинлар томонидан жуда

яхши кутиб олинади. Шу боис Моцартга янги буюртма берилади. Натижада Прагада унинг да Понти билан ҳамкорликдаги “Дон Жуан” асари ҳам қўйилади. Бу икки асар ҳозирги кунга қадар дунёдаги энг яхши опералардан бири саналиб келинмоқда.

1787 йилнинг охирида К. В. Глюк вафот этгач, Моцарт император ва киро́л му́сиқачиси лавозимини эгаллайди ва 800 флорин маош ола бошлайди. Бу лавозим эгасининг вазифаси маскарадларда ўйналадиган рақслар, комик опералар учун му́сиқа яратишдан иборат эди. 800 флорин маблағ унинг оиласини боқошга етмасди. Бунинг устига у бемор хотинини даволагани учун анча қарз олганди. Иқтисодий қийинчилик туфайли 1789 йили Моцарт Венадан Берлинга кетмоқчи бўлади. Аммо пули йўқлиги учун кета олмайди. Буларнинг ҳаммаси буюк композитор моддий жиҳатдан қийинчиликда ҳаёт кечирганлигидан далолат беради.

1791 йил май ойида Моцарт Авлиё Стефан кафедрал собори капелмейстери ассистенти вазифасига ишга ўтади. Бу лавозимга ҳақ тўланмас эди. Оғир хасталикка чалинган капелмесйтер Леопольд Хофман вафот этса, унинг ўрнини ассистенти эгаллаши лозим эди. Бироқ Моцарт Хофмандан илгарироқ, яъни 1791 йилнинг 5 декабрь куни вафот этади.

Санъатшунос Кёхелнинг маълумотига қараганда, ундан мерос бўлиб 550 саҳифадан иборат 626 та асар қолган. Орадан бир неча асрлар ўтса ҳамки, унинг асарлари ҳамон умрбоқийлигини йўқотганича йўқ. Композиторнинг асарлари дунёнинг жуда кўп мамлакатларида эъзозлаб келинади. Моцартнинг номи катта-катта тадбирларда қайта-қайта тилга олинади. Бу эса буюк му́сиқачининг ижоди дунё халқлари томонидан эътироф этилганидан унинг ижоди умрбоқийлигидан далолатдир.

СОҲИБЖАМОЛ, ЧЎРИ ВА ҚОТИЛ

1784 йилнинг баҳор пайтлари ёш гўзал Эма де Ревери Пуэрто-Рико яқинидаги Кариб денгизи узра чўзилган ўз қадрдон оролчалари Мартиникидаги қирғоқ бўйларига сайр қилиш учун чиқди. Қизнинг ота-онаси бу сайрлар хавфли бўлиб, охири яхшилик билан тугамаслигини қайта-қайта тайинлашсада, бироқ қиз ўз билганидан қолмасди. Ахир 21 ёшда гўёки энди улгайиб қолган ҳамма нарсага ақли этади.

Риверилар хавотирга тушганларида, кеч бўлган эди: Алжир қароқчилари кечқурун махфий тарзда қирғоққа тушган эдилар. Улар қоятошлар ортидан отилиб чиқиб, малласоч гўзални ўраб олишди. Ўлжа оёқ-қўли боғланган кўйи кемага келтирилди. Кема капитани қизнинг оппоқ юзи, қалин сочи ва келишган қадди-қоматига қараб, қимматбаҳо ўлжа тутилганидан қувонарди. Уни қуллар бозорида пуллаш арзонга тушишини ўйлаб, яхшиси Алжирдаги бекка сотишни маъқул кўрди. Шарқ бозорларида мовий кўзли, малласоч гўзаллар қимматга сотилишини у биларди. Бой бу тухфани жон деб қабул қилади.

Ҳақиқатдан ҳам, бек талашмай қизни айтилган нархда сотиб олди. У қиз хусни малоҳатидан уни ўзининг чўрисига айлантиришни ўйлади... Лекин кўп ўтмай, унинг хаёлига бошқа фикр келди. Қизни султонга тухфа этгани маъқул. Бундай совғалардан кейин султон марҳаматидан бир умр фойдаланиш мумкин. Салим исмли султон кекса бир чол эди. Шунинг учун унга ҳаётга муҳаббат уйғота оладиган ёш гўзалларни ахтаришарди. Эме бу ролга жуда мос эди...

Эмени тунги кийимда, нафрат ва аламдан қалтираётган бир ҳолда, том маънода катта бир ликопчада олиб келишганда, подшонинг хира кўзлари қувончдан ёниб кетди...

Подшо Эме билан узун тунлари суҳбат куришни жуда ёктирарди. Дарвоқе, қиз бирпасда турк тилида бийрон “сайрайдиган” бўлди. Ёш чўри қиз ўз фикрини аниқ, тиниқ айта олиши билан султонни ҳайратлантирарди. Эме подшога ўз

юрти йигитлари, уларнинг қизларга қандай тухфалар қилиши, қандай муҳаббат сўзларини айтишини гапириб ўтирарди. Бу ерга келгунга қадар қиз ишқ саргузаштлари ҳақидаги кўпгина китобларни ўқиганди ва шулар унга жуда асқотди. Султонга буларнинг бари янгилик бўлгани учун, у қизни берилиб тингларди. Эме чолнинг бошини айлантириб олганини ҳис этар, шунинг учун тобора сўзларини ширинсуханлик тўрларига ўраб, султон кўнглига томон йўл очиб борарди. Кўп ўтмай, Эменинг ҳусни ва ақлининг мубталосига айланган шоҳ унга... гуллар такдим эта бошлади. Ўз таъсир кучи доирасини ҳис этган чўри қиз энди бошқа канизакларга мумкин бўлмаган нарсаларни ҳам секингина сўраб оларди. У боғда ҳарам оғасисиз сайр қила олар, унинг бир ўзига хона ажратилган эди (бошқа хон хотинлари эса бир хонади яшашарди). Султон кутубхонасидан истаган китобини олиб ўқирди.

Подшо саройида Эме учун барча эшиклар очик бўлиб қолди. Чўри қиз ҳарамда ўзини денгиздаги балиқдай ҳис этиб, ишқий можароларни бошлаб юборди. Шарқ учун бу кечирилмас гуноҳ бўлиб, суюқоёқ хотинлар даҳшатли тарзда қатл этилган. Аёл тириклайин қопга солиниб, унинг ичига заҳарли илон ёки қутурган мушук ташланарди. Кейин қоп оғзи беркитилиб, тош бойланган ҳолда, Босфор сувларига отиб юбориларди. Гуноҳкорлар ўзларини ипак арқон билан осишларини бахт деб билишарди. Бироқ Эменинг ҳаётга қарашлари мутлақо бошқача эди.

Бир куни боғда ёлғиз сайр қилиб юрган гўзални подшонинг ҳисобсиз ака-укаларидан кенжаси, келишган йигит Рашид кўриб қолади. Тутқундаги малика ҳамда шаҳзода ўртасида ишқ-муҳаббат ғунчаси куртак ота бошлади. Содик кули орқали Рашид чўри қизга мактуб жўнатади ва ўша кечасиёқ улар улкан саройнинг хилват бир хонасида учрашишади. Эме учун бу ишқ димиқиб кетган хонага киритилган майин шаббодадек эди. Кексайиб қолган султон ўлгудек унинг жонига тегиб кетганди.

Қиз қалбида нафрат, шоҳ юрагида эса муҳаббат гуркираб ёнарди. Султон ниҳоят чўри қизни ўз хотинлигига олди. Унинг ҳомиладор эканлигини эшитиб эса беҳад қувониб кетди. Эме соғлом, бақувват ўғил бола фарзанд кўргач, шоҳ янги туғилган шахзодага Салим II деб исм қўйди...

Султоннинг биринчи хотини Лайло чўри қизнинг энг ашадий душманларидан эди. Болалигиданоқ, эркакка бўйсуниб уктирилиб келинган қиз аёл макри эркак зотини ҳушидан айиришини қаердан билсин эди? Лайло француз қизини жодугар, деб ҳисобларди. Шоҳни ўзининг хизматкорига айлантириш фақат уларнинг қўлидан келади. Мовий кўз дилбар унда кўрқув уйғотарди. Унинг ҳар бир қадамини назорат қилиб турадиган Лайло кенжа хотиннинг шоҳга бевафолигини сезиб қолади. Уни тузоққа тушириш вақти етди. Энди у бу жангда ютиб чиқади. Сўнгги кучларини йиғиб олиб, жангга ташланмоқчи бўлиб турувди ҳамки... Бу ҳақда Рашиднинг содиқ қули билиб қолади ва ўз хўжайинини огоҳлантиради. Кечқурунги учрашувларида Рашид қизга кичкина қутича беради. Бу Лайлонинг энг севимли лаб бўяйдиган идишнинг худди ўзидек қилинган нусхаси эди. Маҳорат билан ишланган қутичага “меҳрибон қўллар” рангсиз кукун қўшишган эди. Эме кундоши ҳавзада чўмилаётган вақтда бу қутиларни сездирмай алиштириб қўяди. Бир неча кундан кейин эса олийнасаб маликанинг бевақт ўлими хабари тарқалди. Табиблар унга “ошқозони ҳазм қилмаган” деган ташҳис қўйишди. Улар-ку бор ҳақиқатни жуда яхши билишарди, лекин Рашид томонидан олиниши муқаррар бўлган соч табиблар тилини боғлади.

Хавф чекингандек бўлса-да, бу кўргиликларнинг бошланиши эди. Рашид кўп вақтдан бери акасини тахтдан ағдариб, ўзи султон бўлишни орзу қилиб юрарди. Эркин фикрлайдиган Эме бу йўлда унинг яқин маслаҳатгўйи бўлди. Рашид ёш аёлнинг бемалол султонни қандай ўлдиришлари-ю, давлат тўнтаришлари ҳақидаги гапларини эшитиб, ажабланарди. Шундай бўлса-да, у сеҳрлангандек қизни тинглар, ўз орзулари ижобатини кўргандек бўлаверарди.

Ниҳоят, ушбу кун етиб келгандай туюлди. Тунда у ўзининг содиқ одамлари билан султон ётоғига отилиб кириб, унга бир неча бор пичоқ уришди. Лекин кўрпа тагида султон Салим эмас, унинг севимли кулларида бири эканлигини кўриб, кўзғолувчиларнинг хушлари бошларидан учди. Ўша тун подшо ухлолмай, боғ сайрига чиққанди ва у унинг ҳаётини сақлаб қолди...

Рашид ва унинг издошларини тутиб, қаттиқ қийноқлар остида сўроқ қилишди. Эме учун азобли кутиш онлари бошланди. Малика агар шахзода уларнинг алоқалари ҳақида бир оғиз чурқ этса, у ҳам бошқа хиёнаткор хотинлар сингари қийнаб ўлдирилишини биларди. Ўз хонасининг қоронғу бурчагида ўз ўғли билан биқиниб ўтирган Эме худога илтижо қилиб, кўрқувдан дағ-дағ қалтирарди. Ўзи томонга келаётган бош эшик оғасини кўриб, куни битганини тушунди. Даҳшатли тарзда қичқирганча, у ўзидан кетди. Эшик оғаси дарров уни ҳушига келтириб, қўли билан султон ҳузурига олиб келди. Аёл кўнглида бу йўл унинг умридаги сўнггиси деб ўйлаб борарди. Шоҳ ҳузурига кирганидан, қалтироқ оёқлар ортиқ уни кўтаролмай, Эме йиқилиб кетди. Хонада бир неча дақиқа оғир сукунат чўкди. Кейин шоҳ ўрнидан туриб, маликани суяб турганча шундай деди: “Тахт ворисининг онаси ва султоннинг биринчи хотини чангга беланиб ётиши яхшимас. Тур ўрнингдан, менинг гўзалим”. Бир неча кундан кейин мум тишлаган Рашид қатл этилди. Шахзода сукутининг сабаби эса ўчда эди. Ахир, барибир тахтга унинг ўғли ўтиради. Бу фикрни олдинни кўзлаб иш юритадиган Эме унинг қулоқларига кўп бор шипшиган эди.

Султон вафот этгач, унинг ўрнига Эменинг ўғли Салим II тахтга чиқди. Катта кишига айланганда ҳам у ҳамиша онаси билан бамаслаҳат иш кўрар, унинг чизган чизиғидан четга чиқмасди. У ўз хотинлари ва канизакларидан кўра онаси билан кўпроқ бўш вақтларини ўтказарди. Гўзал султон онанинг ҳамма нарса ҳақида ўз фикри бўлиб, у барчани ўз йўриғига юргизишга ҳаракат қиларди. Эме шунчаки ўз фикрларини нозу-карашмалар билан эркаклар қалбига етказиш маҳоратини олий даражада эгаллаб олган эди. Шундан бўлса

керак, мағрур подшо унинг пойига тиз чўкди. Бу ажойиб султон аёли кудратининг сири ана шунда эди.

БАХТИҚАРО ФРИДАНИНГ ОСУДА ДАМЛАРИ

Мексикадан ташқарида Фрида Калони ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталаригача ҳеч ким билмасди, танимасди ҳам. Ҳозирги кунда эса у – жаҳондаги энг оммабоп мусаввирлардан бири саналади. Унинг асарлари йирик кимошди савдоларида ҳаминша юксак мувафаққият қозониб келади. Фрида ва унинг эри Диего Ривера ҳақида инглиз ҳамда испан тилларида жуда кўп китоблар чоп этилган. 2003 йили америкалик кинематографчилар Фрида Кало ҳақида фильмни сурагга олишди. Мексикалик рассомнинг ҳаёти кенг миқёсда ва ёрқин бўёқларда яратилди. Ундаги бош ролни Салма Хайек ижро этди.

Фрида 1907 йили 6 июлда Мехикода немис яхудийси Вильгелм Кало ва илдизи ҳиндуларга бориб тақаладиган испан қизи Матилда Калдерон Гонзалес оиласида туғилган. Фриданинг отаси тутқаноқ касалига мубтало бўлганди. Фрида болалигидан отасининг телбалиги ва ўзининг ҳам руҳиятидан қўрқарди. Онаси билан маънавий яқинлиги ҳеч қачон бўлмаган. Фрида 6 ёшида полимелит билан оғриб қолади. Унинг чап оёғи қурийди ва шу туфайли бир умрга оқсоқ бўлиб қолади. Қўшни болалар уни “чўлоқ оёқ” деб масхара қилишар, шу боис Фрида умрининг охиригача онасидан хафалигича қолаверди. Болага ғамхўрлик қилиб, уни парвариш қилишни хизматкор аёлга топшириб қўйганлиги ва натижада оғир дарднинг ўз вақтида олдини олиб, бартараф эта олмагани учун у онасини сира кечиролмасди.

Фриданинг орзуси, шифокор бўлиш эканлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Ўзининг аянчли тақдири бошқаларда юз бермаслигини чин дилдан истар, одамларнинг тана ва қалбини даволашни орзу қиларди. Бутун вужуди билан у

ёшлик дамларини Фрейдни ўрганишга бағишлади ва мексика аёллари ичида психоанализ курсини тугатган биринчи аёл бўлди.

Бироқ аччиқ қисмат уни гўё, кадам-бакадам таъқиб этаётгандек эди. 1925 йилнинг сентябрь ойи Фрида Калонинг ҳаётини бир умрга ўзгартириб юборди. Ҳеч нарсадан шубҳа қилмай ўз дўсти Алехандро Гомес Ариас билан автобусда кетишаётган эди. Пешонага ёзилганидан қочиб қутулиб бўлмайди деганларидек, улар кетаётган автобусга трамвай келиб урилади. Бахтсиз ҳодиса туфайли бир неча одам ҳалок бўлади, қолганлар эса оғир жароҳат олишади. Фридани қонга беланиб ётган ҳолда топишди. Металл найза чап сонига санчилиб, қорни орқали ёриб чиқади ва қизни бир умрга бола кўриш бахтидан бенасиб қилади.

Ҳамма ёғи гипсли корсет билан боғлаб ташланган Фрида, ўз алами ва чанқоғини фақат чизган расмларидагина изҳор қила оларди. Оғир молиявий вазиятга тушиб қолган ота-онаси, қанчалар қийин бўлмасин, мумкин қадар фарзандлари кўнглини кўтаришга ва унинг янги машғулотини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилишарди. Шу боис ҳам унинг кровати тепасига бемор учун махсус ясаб ўрнатилган молберт олиб беришди. Фрида ўзига ўзи модел бўлиб хизмат қилиши учун кроватига кўзгу ҳам ўрнатиб беришади.

Узоқ давом этган азоб-уқубатли терапиядан сўнг Фрида яна оёққа туриб олади. У артистлар оламида катта обрўга эга бўлган, ўз даврининг таниқли рассоми Диего Риверага мурожаат қилиб, унинг профессионал маслаҳатини олишга қарор қилади. Фрида билан танишган Диего, унинг ишларини маънодор, таъсирли эканлигидангина эмас, балки бу қизнинг гўзаллиги, жасорати ва самимийлигидан ҳам ниҳоятда лол қолади.

Мана шу биргина учрашув, уларнинг бундан кейинги бутун ҳаётларини белгилаб беришини ҳали билишмас эди. Фрида у ҳақида бундай деганди: - Ҳаётимда икки бор тўқнашганман. Бири – ўша транспорт фалокати туфайли юз берган бахтсиз ҳодиса бўлса, иккинчиси – Диего эди.

Фрида ва Диего Мексиканинг Койоакане шаҳрида 1929 йили август ойида турмуш қуришади. Фриданинг онаси бу никоҳга қарши эди. Уларнинг никоҳини у “Фил билан чумолининг иттифоқи” қиёслаганди. Бунда она уларнинг ёшлари ўртасидаги фарқни назарда тутганди. Диего Фридадан 21 ёш катта эди. Бундан ташқари, Диегонинг турмуш тарзи қандай кечишини яхши биларди ва ён-атрофларидаги одамларга ҳамиша хушёрлик билан муносабатда бўларди. Фриданинг асл мусаввирлик иқтидорининг кенг қулоқ ёйишида собирлик муҳити хайрли роль ўйнади. Бу икки ёшнинг никоҳига улар атрофидаги одамлар шубҳа билан қарашган. Шундай ёрқин шахслар бир-бирига узок муддат тоқат қилиб туролмайди, деган фикрлар ҳам бўлган. Бироқ Фрида ва Диего улар бир-бирлари учун яралганликларини чуқур ҳис қилишар, бунга ишончлари тўла комил эди.

Диегонинг биринчи хотини – Люпе Марин улар оиласининг энг яқин дўсти бўлиб қолди. Аввал бир-бирларига рашк қилишади. Кейин ушбу келишмовчиликлар барҳам топгач, Люпе ва Фрида чинакам дўст бўлиб қолишади.

1930 йили толмас Диегони Америка Қўшма Штатларида ишлашга таклиф қилишади. Фрида ҳам эри билан бирга жўнайди. Диего хусусий уйларда ва Детройт, Нью-Йорк ва Лос-Анжелесдаги давлат уйларининг деворларини безаш, сурат чизиш билан машғул бўлади. Кўп ўтмай истеъдодли бу жуфтлик Америкадаги артистлар доирасининг диққат марказида бўлиб қолади.

Тинимсиз мулоқотлар, базм кечалари, мухлислар Диегони қувонтирса, Фридани обдон толиқтиришга улгурганди. Ўша сафар кезида у ҳомиладорлигини сезиб қолганди. У қадрдон юрти ва ўз уйини жуда соғинган, бироқ бир ўзи ортга қайтишни истамасди. Орадан биров вақт ўтгач, Фриданинг ҳомиласи тушиб қолди. Ўз қайғуси, ёлғизлик ва уй соғинчи, илиқликни у ўзининг “Генри Форд госпитали”, “Мексика ва Қўшма Штатлар чегарасидаги автопортрет” ва “У ерда менинг кўйлагим осифлик” картиналарида акс эттирган.

Онасининг вафот этганини эшитган Фрида дафн маросимида улгуриш учун Мексикага шошилади. Кулфат устига кулфат деганларидек, уйга келса синглиси Кристина эри билан ажрашиб савдойи бўлиб қолибди. Худди шу аҳволда уйини тарк этиш Фрида учун оғир эди. Бу орада Нью-Йоркда Диего ва Нелсон Рокфеллер ўртасида жанжал чикиб қолди. Рокфеллер Диегога Рокфеллер марказини безаш ишларини буюртма қилган. Кейинчалик эса у ердан битта портретни олиб ташлашни сўраган. Диего буни рад этгач, Рокфеллер уни ишдан бўшатган ва Диего чизган суратларни яксон қилиб ташлаган. Диего бундан қутуриб кетади. Матбуотчилар катта шов-шув кўтаришади. Натижада бу жанжал жанг тусини олади. Фрида эрининг олдида қайтиб, уни ватанига қайтишни ёлвориб сўрайди.

Диего ва Фрида 1933 йилнинг декабрь ойида Мексикага қайтишади. Яқин дўстлари, рассом Хуан О Горман безак ишларини қилиб берган янги уйга кўчиб ўтишади. Бу уй конструктив услубда қурилган бўлиб, иккита бинодан иборат бўлган ва бир-бири ўзаро кўприк билан боғланганди. Мана шу ерда Диего ва Фрида ўртасида жанжал бошланади. Рокфеллер билан тўқнашувдан кейин Диего руҳи тушиб кетган, асабий бир ҳолатда эди ва ҳеч нарса уни бу вазиятдан чиқара олмаётган эди. Кўп ўтмай, у Фриданинг синглиси Кристинага ўралашиб қолади. Ўзига нисбатан алдов, хиёнатни сезиб қолган Фрида уни ташлаб кетади.

Сюрреалист Бретон Парижда Фрида учун кўргазма ташкил қилиб беради. Унинг асарларидан бири – “Автопортрет”ни ҳатто Лувр учун сотиб олишади. Шу давргача Лотин Америкасидан чиққан биронта ҳам рассомнинг асарлари бу ерда намоиш қилинмаганди.

Парижда Фрида машҳур моделер, сюрреализм мухлиси, Салвадор Далининг дугонаси Элза Сяпареллида алоҳида таассурот қолдиради. Элза ёш мексикалик рассом қиёфасига шунчалар берилиб кетган эдики, у ўйлаб топган “Мадам Ривера” кўйлаги, айнан ўша маҳлиёлик меваси бўлган.

Унинг саъй-ҳаракатлари билан Фриданинг суратларини барча мода журналлари чоп этишади. Париждаги ўзига бино қўйганлик ва собирлик оламининг сунъийлиги Фриданинг тезда жонига тегиб, у зерика бошлади. Диегосини жуда соғинганди. Европадаги муваффақиятларидан кўнгли тўлган Фрида яна у билан бахтли ҳаётини давом эттириш истагида ёнарди. Уйига қайтгач, Диего уни биргаликдаги бахтли турмушларини давом эттириш учун эмас, балки ажралиш учун кутаётганини сезиб қолди. Никоҳлари бекор бўлгач, Диего Калифорнияга кўчиб ўтишни режалаштираётганди.

Фрида ҳаётида яна оғир кунлар бошланди. Унинг соғлиғи кундан-кунга ёмонлашиб борарди. У бутун аламини ичкилик ва гиёҳванд моддалар билан енгишга уринарди. Айнан мана шу қийин ва мураккаб пайтлар унинг учун ижодий режада энг самарали вақтлар бўлди. Ўша кезлари у ўзининг энг машҳур асарлари – “Иккита Фрида”, “Яланғоч ҳолда ўрмонда” ва “Уйку ёки кроват” картиналарини чизади.

Фридада тузалмас касаллик бошланиб, саломатлигига путур етди. Кўп вақт ўтмай унинг оёқларидаги бармоқларини кесиб ташлашади. Шунингдек, белини ҳам операция қилдирди. Уларнинг барчаси муваффақиятли чиқди, деб бўлмасди. Жарроҳликдан сўнг унинг соғлиғи янада ёмонлашди.

Врачлар Фридани бир пайтлар фалокатдан сўнг гипсли корсетга солиб қўйганлари каби, унга яна металл корсет ўрнатишиб, тўшакка михлаб қўйишди. Расм чизгиси келган пайтларда, ҳамширалардан ўтқазиб қўйишларини сўрашга тўғри келарди.

Диегонинг ёнига қайтганини кўриб, Фрида чиндан ҳам ниҳоятда ажабланди. Муҳаббат билан бирга унинг ҳаётига илиқлик кирди. Фрида саломатлигим ҳам тикланиб қолса ажаб эмас, дея фикр қилди. У Диегонинг таклифини рад этмай, никоҳга рози бўлди. 1940 йилнинг декабрида улар яна турмуш қуришди.

У ота-онасининг уйига қайтади. Хоналарни барчасини кўк ва мовий рангларга бўяб чиқади. Мовий уйни Фрида ҳар турли расмлар, ҳайкаллар,

ўсимликлар билан тўлдириб ташлади. Итлар, қушлар ва ҳатто маймунларни ҳам уйига олиб келиб, уларни меҳр билан парвариш қила бошлади.

1953 йили Фриданинг ўнг оёғини кесиб ташлашади. У узоқ вақт касалхонада ётди. Диего ҳар доим у билан бирга бўлди. Фрида оғриқни қолдирувчи воситалар билан тирик эди. 1954 йилнинг 12 июль тунига ўтар кечаси у Диегони ёнига чақиртирди-да, унга туғилган куни муносабати билан совға – қадимий узук тухфа этди. Туғилган кун тантаналарига ҳали икки ҳафта бор эди. Ўша кунларга етиб боролмаслигини сезган Фрида олдиндан эрини табриклаб қўйишга улгурганди. Ўша кеча Фрида оламдан ўтди. У 47 ёшга тўлган эди.

Жан-Пол Готе коллекциясининг 1998 йил баҳоридаги шиори Фрида Кало исми бўлди. Саҳнага худди клонлаштириб қўйилган ва нусхалаштириб ташлангандек мағрур қора қоши қаншаридан ўсиб чиққан Фридалар биринкетин чиқиб кела бошлашди. Бу эса рассомнинг ижоди ҳали ҳам ўз халқининг қалбида яшаётганлигидан далолат эди.

ҚАРТАЛАР ШИПШИШИ ОСТИДА

Энтони Куин (ҳақиқий исми Энтони Рудолф Каксака) 1915 йили Мексикада туғилган. Драма тўғарагига қатнашгач, “Дарвоза олдида” театрига ёзилди. У ерда 3-даражали роллар, экзотик миллатлар – филиппин, хитойликлар, ҳиндулар ролларини ижро этган. 1947 йили Куин Бродвейга кетиб қолди. Элиа Казананинг “Хоҳиш трамвайи”, “Ҳислар” спектаклида у Марлон Брандо билан галма-гал Стенли Ковалский образини яратди.

Кинодаги илк иши – “Яшасин Сапата!” фильмидаги Эуфемио роли эди. Бу иккинчи даражали роли учун “Оскар”га сазовор бўлди. Орадан икки йил ўтгач, эса у Федерико Феллиннининг “Йўл” фильмида суратга тушди. Иккинчи “Оскар”ини актёр Винсента Миннеллининг “Ҳаётга муҳаббат” фильмидаги эпизодик образ – Пол Гоген роли учун қўлга киритди. Куин ҳаммаси бўлиб

юздан зиёд фильмларда иштирок этган. Улар орасида “Грек Зорба”, “Сафсата”, “Шарпалар кўлидан бу иш келмайди” каби фильмлар бор. Унинг санъат соҳасида ҳам истеъдоди бор эди. Расмлар чизар, тошдан ҳайкаллар ясарди. Италияда яшаётган пайтида ҳам умрининг сўнгги дамларида худди шу ишини давом эттирди.

Улар бирга юришганда, баъзилар “Париж жомеъ зиёратгоҳи” фильмидаги Квазимодо ва Эсмералдани эслаб қолишарди. Қўполроқ, катъиятли юз тузилишига эга Энтони ва малласоч, кўйкўз, дилтортар, чиройли қоматга эга аёл. Гўёки фильм шундоққина ҳаётга кўчгандек. Бундан саккиз йил илгари Энтони даҳшатли букри ролини ижро этган эди. Иоланда эса... у нафақат ташқи кўриниши билан эчкиси бор раққоса қизга ўхшаб кетарди. Бу венециялик қиз фол кўришда жуда устаси фаранг эди. Аслини олганда улар шу карталар орқали танишишган – дунёга машҳур актёр, Холливуд юлдузи, икки бор “Оскар” совриндори Энтони Куин ва ҳеч ким танимайдиган, костюмлар рассоми, истеъдодли Иоланда Аддолори. Бу воқеа 1962 йилда содир бўлганди.

Олдиндан кўра билиш қобилиятини Иоланда отасидан мерос қилиб олганди. Ферручио Аддолори бу соҳада тенгсиз бўлган. Нафақат оила аъзолари, балки кўни-қўшнилар ҳам ҳеч бир ишни бу одам қарталарисиз бошлашмасди. Иоланда Венецияга бориб, моделерлик касбини мукаммаллаштирмоқчи бўлганда, отаси дарров ўз хунарини ишга солди ва улар яшил чирок кўрсатишди. Бироқ, кетишдан олдин у ота касби сирларидан бохабар бўлиши кераклиги қатъий тайинланди. “Сен у ерга ёлғиз борасан, шунинг учун, ёнингда маслаҳатгўйинг бўлмоғи керак” - деб, Иоландани ўзи ўртага бошлади. Машғулот сўнггида эса ўзида шунчаки қобилият бўлган бўлса, қизида ҳақиқий истеъдод борлигини тан олди.

Дарҳақиқат карталар Римда қизга кўп бор ёрдам берди. Маслаҳат беришиб ўргатишди, огоҳлантиришди. Худдики, карталар унга отасининг тили билан сўзлаётгандек. Иоланда ҳатто, отасининг ўлимини сонияларигача тўғри сезган,

унга эса отасидан эски қарталар тўплами мерос қолди. Отасини соғинган Иоланда кўпинча қарталарни ёйиб, ҳаётини кузатарди ва улар кетма-кет бир хилликни қайтаришарди.

Яқинда жуда машҳур инсонлар билан учрашади, ҳаммага танилиб кетади... Яна отасининг безовта овози билан севгиси жанжалларга сабаб бўлиши, у ҳақда газеталарда ёзилишини огоҳлантирарди.

Бир йилдан сўнг у Энтони Куинни учратади. Актёр Италияга “Варавва” фильмида суратга тушиш учун келади. Кимни ҳам ўйнаши мумкин? Фақат қароқчи Варавванида! Куинни жуда бардошли ва кучли инсон сифатида билишарди. Лекин хотини билан ажралиш жуда узоққа чўзилиб, уни анча чўктириб азоб берарди. Иоланда Адоллори фильмда кийимлар бўйича рассом бўлиб ишларди. Хуллас, Квазимодо ўз орзусидаги қизни учратиб, девоналарча ошиқи-беқарор бўлди! Иоланда авалига унга шунчаки иш юзасидан мурожаат этар, лекин кейинчалик қарталар айнан шу одамга ишора этганлигини сезиб, тақдир ҳукмига қарши бормади. Бунинг устига Энтони аёллар қалбига йўл топишни биларди. Хуллас, муз қалъа эриб борди.

Куиннинг ажралиш жараёни жуда узоққа чўзилди. Шу қадар узоқки, бу вақт оралиғида рассом қиз унга икки нафар фарзанд туғиб беришга ҳам улгурди, никоҳ маросимида улар тўрт киши бўлиб иштирок этишган. Қарталар алдашмаганди. Ростдан ҳам, Иоланда машҳурлик тожини кийди. Юқори табақа вакиллари орасида юрди. Лекин унинг бошқа башорати ҳам рўёбга чиқди. Унинг Энтони билан муҳаббатлари ҳақида жуда кўп газета саҳифаларида шов-шувли мақолалар чоп этилди. Бироқ қонуний хотин бўлиб яшаш ҳам Иоланда учун осон кечгани йўқ. Унинг “оилавий спектакл”даги илк роли интиқом илоҳаси бўлди.

Энтони кўнглининг кенглиги, сахийлиги туфайли Холливудда афсонага айланган эди. Экранда ярамас одамлар ролининг ижрочиси ҳаётда ҳеч кимнинг илтимосини рад этолмайдиган инсон эди. Лекин “фолбин” аёлнинг ўткир

нигохидан биронта нарса ўтиб кетолмасди. Аввалига Куин ўша мафтункор кулгулар-у, садокатли дўстдек кўринишлар остида аслида фойда кўриш илинжи ётганлигига ишонмади. Хотинини уни дўстларидан рашк қилаётганликда айблади. Текинхўрлар эса вазиятни дарҳол англаб, Иоландани ялмоғизга чиқаришди.

Йиллар ўтиб, Энтони дилидаги Иоланда қарталарига нисбатан шубҳалар тобора ўз кучини йўқота бошлади. Негаки, аёл нафақат фильм ютуғини олдиндан айтар, балки эри ҳали у фильмда суратга тушмай туриб, унинг омадли ёки омадсиз келишини аниқ башорат қиларди. Энди Куин хотинига ишонар, лекин айнан, унга қулоқ осишдан ўзини олиб қочарди. “Ҳаммасини ичингда сақлаганинг маъкул” – дерди у. Энтони хотини сўзларига қулоқ осса, келгуси ишига бу салбий таъсир этади, деб ўйларди. Шунинг учун у фильм ҳақида фикрларини эри унда суратга тушиб бўлгач билдирарди. Лекин бир куни бу қоидага хилоф иш кўрилди.

... Ҳаммаси Иоланданинг “Грек Зорба” фильмининг илк уланган қисмини кўриб қолишидан бошланди. У дарҳол бу турмуш ўртоғининг энг буюк ишларидан бири эканлигини ҳис этган ва қувончини эридан яширолмаган. Бироқ Куин унинг сўзларига бу сафар ишонмаган. Қандай қилиб омадсиз, лекин тақдирига тан бермайдиган грек роли одамлар олқишига сазовор бўларкин? Лекин Иоланда айнан, Зорба унинг бутун дунёга машҳур этган роли бўлади, деган фикрида қатъий туриб олади. Ютуқ ҳақиқатан ҳам жуда улкан эди. Куинни яна “Оскар”га лойиқ топишди. Унинг юрагида умид учқунлари милтиллади. Лекин Иоланда унга кўп ўзидан кетмаслигини уқтирди.

Иоланда ҳаётда унга дам қувонч, дам ташвиш келтирадиган истеъдоди бўлмаганда яхшироқ бўларди, деб кўп айтарди... Бироқ, ҳаёт унга отаси айтиб кетган бу хислатнинг ижобий тарафлари ҳақидаги фикри тўғрилигини қайта-қайта исботларди.

...Уларнинг кичкина ўғлиллари Лоренцо касалхонага тушиб қолди. Шифокорлар касалнинг дардини аниқлашолмагач, у инфекциядан вафот этиши лозим эди. Агар Иоланданинг сўзларига кўра, у бу оғир кунларда қарталарининг боласи яшаб кетиши ҳақидаги овозига қулоқ осмаганда, рухий касалхонага тушиши аниқ эди. Феруччо отанинг қарталари бу сафар ҳам рост гапирди. Лоренцо бутунлай тузалиб кетди.

Орадан бир йил ўтди. Бир куни Иоланда ёлғиз ўтирган эди. Нью-Йоркдан кўнғироқ бўлди. “Томоғимдан саратон касаллигини топишди, - гўшакдан Энтоннинг овози эшитилди. – Шифокорлар мени тезликда жарроҳлик муолажаси ўтказишга тайёрлашяпти”. Иоланда эридан ҳовлиқмасликни сўради. Аввал отасидан қолган қарталарга бир назар ташлаб кўрсин. Энтони эса кутолмасди. Ахир, актёр учун овоз муҳим, врачлар тезликда операция қилинмаса кеч бўлишини уқтиришган. Бу эса ягона имкон эди, бироқ врачлар ҳеч қандай кафиллик беришмаган... Содиқ қарталар қайта-қайта Тонининг саратон билан оғримаганини кўрсатарди. Операциянинг унга умуман кераги йўқ эди. Иоланда эрига тинимсиз кўнғироқ қилиб, уни бу йўлдан қайтаришга уринарди. Лекин бутун ҳаракатлари зое кетди. Куин шу дамда кўпроқ шифокорларга ишонарди.

Иоланда самолётдан ўлгудай кўрқарди. Лекин севимли инсони учун бу тўсиқни ҳам енгиб ўтди. Биринчи йўналиш билан у Нью-Йоркка учиб кетди. Бирдан-бир мақсади эрини бу нотўғри йўлдан қайтариш, уни қайта текширишга рози қилиш эди. Ахир, бу “кафолатсиз жарроҳлик муолажаси” унинг ижодий инқирози эди-да! Аёл ҳозир кўзига ҳеч нарса кўринмаётган эрини бошқатдан текширувдан ўтишга мажбур эта олди. Натижалар эса ижобий чикди. Энтони мутлақо соғлом эди.

Содиқ қарталар Энтонининг кўпгина ишқий саргузаштлари ҳақида бекасига хабар берганми, йўқми, бу бизга номаълум. Кунлардан бир куни эса фол унинг бошқа аёлга кетиб қолишидан огоҳ этди. Алал-оқибат шундай ҳам бўлиб чикди. Куин унга қиз ва ўғил туғиб берган ўзининг 35 ёшли котибасига кетиб қолди.

Эсмералда билан эса орани очик қилди. Бундай бўлиши ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаганди.

... Баъзан у кўҳна қарталарини ёйиб ўтиради. Энди ҳатто улар ҳам ҳолдан тоя бошлашган эди гўё. Ферручио отанинг овози энди базўр эшитилар, у қизини юпатаётгандек эди. Иоланда кўпроқ газеталарни кўздан кечирадиган бўлди. Улар 80 дан ошган Тонининг янги ҳаёти ҳақида сўзлашарди. Унинг ёш жихатдан невараларига тенг болалари ҳақида ёзишарди. Тони уни буткул унутган эди. Орадан бироз вақт ўтгач, Иоланда ўзининг севикли ёри Энтони Куиннинг ўлимини сонияларда аниқ ҳис этди. Худди отасининг сўнгги нафасини ҳис этгандек... 2001 йили Энтони Куин бу ёруғ оламни тарк этди.

ҚИРОЛЛИК ТАХТИНИНГ ОЛДИ-СОТТИСИ

Католик черкови руҳонийси Френсис Такер Монако қироли Рененинг яширин топшириғига кўра, 1955 йили АҚШга келади. Дин пешвоси қиролнинг янги танлаган ёри шоҳлар оиласига муносиб инсонми, у қиролича бўла оладими, унинг ҳулқи олий насаб талабларига жавоб бера оладими – шуларни аниқлаши керак эди. Ҳолливуд киноюлдузи Грейс Келлининг замга тўла ҳаёт йўлини кейинроқ қиролича Диана ҳам такрорлади.

Грейснинг малика бўлганидан сўнг автомобиль ҳалокатида вафот этганлиги хусусида кўп китоблар ёзилди. Бироқ орадан анча йиллар ўтиб, кўпчиликни қизиқтирадиган малика ҳаётининг яширин қирралари намоён бўла бошлади. Улар ҳақида Лондонда чоп этилиб, шов-шувга сабаб бўлган “Малика Грейс, қирол Рене ва уларнинг оиласи тарихи” китобида батафсил баён этилади.

АҚШда Такер 25 ёшли Грейснинг ота-онаси ва дўстларидан у ҳақида суриштира бошлади. Суриштиришлар натижасида унинг жуда ибולי қиз

бўлганлиги равшанлашди. Бироқ у буни врач ёрдамида аниқлаштириши лозим эди. Гарчи Грейс врачга учрашдан сал чўчиган бўлса-да, Монако маликаси бўлиш истагига қарши боролмасди. Ахир, бу Оскар мукофотини олишдан юз чандон яхшироқда!

Келлининг бахтига уни текширувдан ўтказган врач унинг эски кадрдони бўлиб чиқди. У қиролнинг келгусида албатта тахт ворисига эга бўлишига шубҳа билдирмаслигини айтди. Бошқа бирон-бир сўз демади. Бироқ аслида Грейс Келли у қадар ҳам покиза қиз эмас эди. У нафақат ҳамманинг сеvimли актрисаси, балки жуда кўп машҳур кишиларнинг жазмани ҳам эди. Ўша замоннинг энг чиройли одамлари уни бир кўришда севиб қолишар ва унинг учун оилаларидан воз кечишга тайёр эканликларини такрорлашдан чарчамасдилар. Уларнинг хотинлари эса мухбирларга шикоят қилиб, Грейс эрларини ўғирлаётгани хусусида айтишарди.

Экзотик ишқ қиссаси ҳақидаги “Могамбо” фильмида Грейс 51 ёшли “Шамолларда қолган ҳисларим» фильми қаҳрамони Кларк Гейблни севиб қолади. Улар орасидаги 30 ёшли фарқ ҳам бу фикрдан қайтара олмайди.

Бироқ Гейбл унинг ишқ бобидаги кейинги саргузаштига айланишни истамади. Шу туфайли Грейснинг нозик кўнглига озор етказди. Машҳур кўшиқчи ва актёр Фрэнк Синатрага эса у қатъий рад жавобини беради.

Рене билан Грейснинг учрашувлари Канн кинофестивали пайтида рўй берди. Актрисани Монако қироли билан суратга тушишга таклиф этишди. Ақлли аёл дарҳол қиролнинг бошини айлантиришни кўзлади. Негаки, унинг уйланиб, тахт ворисларини етиштириш пайти келган, шунинг учун ўзига мос қайлиқ излаётган эди.

Кейинроқ, у Грейсда унга энг ёққан аъзо лаблар бўлганлигини тан олган. Лабларнинг чиройли чизик бўйлаб чизилганлиги унинг ҳушини олган. Рене аёл лабларнинг нафис ҳаракатини кузатиб ўтираркан. Унинг сўзларини умуман эшитмасди.

Грейснинг яқин дўстлари астрология билан шуғулланишини яхши билишарди. У ҳар бир қадамини мунажжимлар башорати билан таққослаб кейин босарди. Чаён буржида туғилгани боис, унинг буржи кўпроқ Арслонлар билан тўғри келарди. Грейснинг илгариги севиклиларининг деярли ҳаммаси Арслон буржидагилардан эди. Юлдузлар башорати китобида Чаён Эгизаклар билан қарама-қарши эканлиги ёзилган эди. Шунинг учун ҳам Грейс ҳеч қачон Эгизакларга тегмаслигини қатъий айтарди. У агар ўз қўлини сўраган киши шу бурж соҳибларидан бўлса, орқа-олдига қарамай, қочишини кўп бор қайтарарди.

Бир неча кун ўтиб, қирол унинг хотини бўлишини сўраганда, у рад жавобини беришга ўзида куч топа олмади. Ахир болалик дунёсининг орзуларидан бири, ҳақиқий малика бўлиб, қирол саройида яшаш ҳаваси амалга ошиши мумкин эди-да.

Унинг ота-онаси дарҳол рози бўла қолишди. Улар қувончининг чегараси йўқ эди. Ахир қизлари қаёқдаги актёрчани эмас, балки жиддий бир инсонни танлаган эди-да.

Грейснинг кадрдонлари сўраб қолишарди:

–Муҳаббат борасида нима дейсан?

–У эса қуйидагича жавоб қайтарарди:

Ишқ шаробидан тўйгунча нўш айладим. Энди тинчлик ва хотиржамликда яшамоқчиман.

Бироқ никоҳни охиригача тасдиқлатиш учун анча-мунча тер тўкишга тўғри келди. Грималди оиласи Европада унчалик камбағал бўлишмаса-да, қироллик урф-одатига кўра, Келлининг отасига куёв учун сарпо тайёрлашлари шартлигини эслатиб ўтишган. Жек Келлига куёви учун 2 миллиондолларлик совға-салом қилиши кераклиги буюрилди. Акс ҳолда, тўй ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Америкалик ишбилармон бундай ноҳақликка рад жавобини беради. У бу қадар пасткашликни юқори насаб одамларидан сира кутмаганди. Узоқ давом этган машмашалардан сўнг Грейс бу пулни ўз чўнтагидан тўлашини билдирди. Охир-оқибат миллион долларни отаси, қолган миллионини қизи тўладилар. Кейин эса шу нарса ойдинлашдики, Грималди никоҳ шартномасида Грейснинг барча пулларида фойдалана олишини ва хотинига эса қироллик хазинасидан ҳар ойда тўланадиган пул миқдори жорий этишини билдирган эди. Шунда илк бор Грейснинг хаёлидан “Ўзи қиролга тегишим шартмиди?” деган савол ярқ этиб ўтди. Қатъий савдолашувлардан сўнг у ўзининг бир неча банк ҳисоблари устидан назоратини сақлаб қола олди. Бироқ, агар ажрашадиган бўлишса, қиролича болаларидан жудо бўларди. Кейин тўй ҳақида ҳам анча қарама-қаршилиқларга борилди. Қирол ҳаммасини имижимида ўтказишни, киноюлдуз эса дабдабани истарди. Унга қарши боришганда, Рене ўзини бошқаролмасди.

–Сизлар ўзи кимсизлар? – қичқириб юборарди у. – Сизлар шоу-бизнеснинг майда одамчалари бўлсангиз. Мен эса давлатни бошқарадиган қиролман. Менга қарши боришга қандай ҳаддингиз сиғди?

Баҳсни Жак Келли босди-босди қилди. У ўзининг бўлғуси қариндошига қарата шундай деди:

–Олий ҳазратлари, сиз ўзингизнинг қироллигингизда шохдирсиз, ўша ерда истаганингизча буюраверинг. Бу ернинг ҳокими эса биз. Шунинг учун ўпкангизни босинг!

Унинг рухсатисиз ташкил этилган матбуот конференциясида ундан дабдурустдан, унинг қироллиги дунёнинг қайси бурчагида жойлашганлиги, у Грейсга кинода суратда тушишига тўсқинлик қилмайдими, деган саволлардан Рене баттар жазавага тушди. Грейс эса бахтдан еттинчи самоларда юрар, у ҳали бу ёрқин толе унга қандай кулфатни ҳозирлаб турганидан беҳабар эди.

Илк жанжал унаштириш маросимидан қайтаётганда, машинадаёқ юз берди. Қирол хотинига кинода суратга тушишни тақиқлаб қўйди. Унинг севимли режиссёрларидан бири Хичкокни умуман ёдидан чиқаришини эслатди. Грейс ўзининг “Метро голдвин майер” студияси билан тузган шартномасига асосан, уни ишга қайтишини қиролдан талаб этишади, деб умид қилганди. Бирок бундай бўлиб чиқмади, кино ижодкорлари Монаколар билан тўқнашувга боришдан ўзларини тийишди. Монакога у улкан кемада кетди ва кўпчилик уни хаёл оғушида ёлғиз турган ҳолда эслаб қолишди.

Кўп ўтмай у саройда зерикди, ҳар бир олий насабли меҳмонларни кутиш учун шляпа киявериш жонига тегди. У сўроқсиз ташқарига чиқиши мумкин эмас эди. Бир куни у ўз хонасини хризантемалар билан безатганини кўрган қирол, бу гуллар фақат мотам учун олинишини айтиб ўтди. Ўз навбатида Грейсга унинг автопойгалари-ю, сув ости сузишлари ёқмасди. Қирол ўта разил одам эканлиги кейин билинди. Тушлик қиларкан, унинг ёнида овқатдаги ҳар бир камчилик ёзиладиган дафтарча турарди.

Улар орасида жанжаллар кўп чиқиб турарди ва Грейс ўзининг чўри эмас, қиролича эканлигини эслатиб турарди. Грейс ўзининг сўнгги ролини зўрға ижро этарди. Меҳмонлар қўлини мафтункор табассуми билан қисиб, фото камералар олдида жилмайганча суратга тушарди. У илгариги ҳаётини тобора қўмсай бошлади. Грейс кино оламига қайтишни истаганда, унга бутун Грималдилар қарши чиқишди. У тушкунликка тушиб, эри билан гаплашишдан бош тортди. 1962 йили бир амаллаб даволаниш баҳонасида Швейцарияга борди ва у ердан ўз адвокати билан телефонлашиб, ажралишнинг осон йўлларини суриштирди. Бироқ, ушбу ҳолда у ўз фарзандлари – икки қизи ва ўғлини кўришдан маҳрум этиларди... Ҳатто, унинг Монакога қайтиб келиши ҳам муаммога айланиши мумкин эди. Грейс тақдирига кўнишдан ўзга чора тополмади.

Унинг эркатой қизлари улғайган сари ўз ота-оналарини чарчата бошлашди. 17 ёшли Стефания Белмондонинг ўғли Полникига кетиб қолиб, автопойгачи

бўлиши билан кўрқитарди. У онаси билан зўрға тил топишар, улар орасидаги жарлик тобора катталашиб борарди. 1982 йилда Грейс Стефания билан бирга вилладан саройга тоғ йўлидан қайтишаётган эди. Бир соат аввал ҳайдовчи Монако қиролини олиб кетган эди. Ўзининг “Ровер 3500” машинаси рулида маликанинг ўзи эди.

Бир куни худди шу йўлда Грейсининг ўз дугонасига айтган сўзини эслашди:

–Қачон бўлмасин, бу ерда даҳшатли ҳалокат рўй беради. Кимдир, албатта вафот этади. Унинг башорати тўғри чиқди. Навбатдаги муюлишда автомобиль пастга кулади. Бахтли тасодиф туфайли Стефания мия чайқалиши ва енгил жароҳатлар билан қутулиб қолди. Онаси эса шифохонада орадан 36 соат ўтиб, 52 ёшида вафот этди. Рулни Стефания бошқарган деган тахминлар ҳам айтилган. Бироқ қизининг эслашича, сўнгги дақиқаларда онасининг:

– Мен машинани тўхтатолмаяпман, тормозлар ишдан чиқибди, уни тўхтатолмаяпман, – деганини эшитган.

Стефаниянинг фикрича, асаби чарчаган онаси тормоз ва тезликни адаштириб юборган. Агар у хавфсизлик камарини таққанида, балки тирик қолиши мумкин эди. Худди шу ҳолат шубҳали тарзда малика Дианада ҳам қайтарилган. Кейинроқ, Грималди оиласи барча текширувларни тўхтатиб, Стефанияни сўроқ қилишларига қарши чиқишган. Маликанинг тасодифий ўлими ақлбовар қилмас шубҳали миш-мишларга сабаб бўлди.

ШОИРНИНГ ҚАЙҒУЛИ МУҲАББАТИ

Инсон ҳаётида ҳар хил вазиятлар бўлади. Унда на бойлик ва на бошқа бирор бир нарса бўлмаслиги мумкин. Афанасий Афанасевич Шеншиннинг уйланиши учун унда на пул, на мерос, ҳатто фамилияси ҳам бўлмаган. У узоқ вақт “Фет” фамилияси остида имзо чекмаган. Бу фамилиядан умр бўйи орланиб ўтган.

Орловлик бой, бўлажак шоирнинг отаси Афанасий Неофитович Шеншин Германияга ташрифида мафтункор Шаролтта Фёт билан танишади. Улар ўртасидаги муҳаббатга Фёт хонимнинг эри борлиги ҳам раҳна бўлолмайди. Оқибатда ҳомиладор Фёт хонимни жаноб Шеншин Россияга олиб келади. Шарлоттанинг эри билан ажрашиши узоққа чўзилади. У Шеншин билан расмий никоҳдан ўтган вақтда бола дунёга келган эди. Болани отасининг шарафига Афанасий деб аташади. Бироқ унинг ноқонуний туғилганини яшириш мақсадида қалбаки ҳужжат тайёрланиб, Шеншин фамилиясига ўтказилади. Аммо Афанасий 14 ёшга тўлганида ёлғоннинг миси чиқади. Қалбаки ҳужжат устидан иш қўзғатилиб, бола нафақат фамилиясидан, ҳатто Россия фуқаролиги, дворянлик унвони ва ота меросидан ҳам маҳрум этилади. Шу кундан у онасининг фамилиясига ўтиб, чет элликка айланади. Бўлажак машҳур шоир учун бу оғир эди. У бор кучи, ақлини ишга солиб, нима қилиб бўлса-да, отасининг фамилиясига ўтишга бел боғлайди. Университетга “чет эллик” талаба сифатида қабул қилинади. Худди шу ерда у шеъриятга ошно тутинади. Танқидчи Апполон Григоревич билан яқиндан танишади ва шеърларини чоп эттира бошлайди. Ҳарф терувчининг хатоси туфайли фамилиясидаги “ё” ҳарфи “е” га айланиб, илк шеърлари “Фет” фамилияси билан нашр этилади.

Шу тариқа унинг фамилияси иккинчи бор ўзгартирилиб, Фетга айланди. Ўқишни тугатиб, барча ҳуқуқ ва меросдан маҳрум этилган ёш шоир ҳарбий хизматга кетишга мажбур бўлади. У ерда кавалерия зобити бўлиб ишни бошлайди. Армиядаги ҳаёт ва хизмат ёш йигитни қизиқтирмас, у ҳамон шеърият ва муҳаббат шайдоси эди.

Бироқ муҳаббат уни узоқ куттириб қўйди. 28 ёшида уни ўзи хизмат қилаётган полк яқинидаги зобит Лазичнинг уч дилбар қизи мафтун этиб қўяди. Камелия, Юлия ва Мария! Фет аввалида нозик қад-қоматли Блияга, сўнгра қирмизи юз Камелияга лутф кўрсатади. Аммо орадан кўп ўтмай

кенжа киз – 22 ёшли ўта жиддий Марияга эътибор бера бошлайди. Бу кизни замондошлари таърифлашганда, қадди-қоматидаги бетакрорликка, тим қора сочларининг жозибасига алоҳида урғу беришарди. Фет у билан танишган кунларини шундай эслайди: “Мени унинг шеърият ҳақидаги теран ва кенг мушоҳадалари, севимли шоирларимнинг деярли барчасини билиши хайратга солди. Худди шу нарса бизни яқинлаштирди”.

Машҳур адиблар асарлари тўғрисидаги охири йўқ мунозара ва тортишувлар, Фетнинг ўз шеърларини қизга ёниқлик билан ўқишлари уларни бир-бирига тобора боғлаб борар, бахтли муҳаббатига раҳна соладиган кучнинг ўзи йўқдек кўринарди.

Севишганлар тез-тез боғда айланишар, боғ тўридаги ўриндиқларда узок суҳбатлар қуришар, Мария роялда куй чалса, Фет унинг ёнида тик туриб тингларди. Мария унинг қариндошлари Фет яқин кунлар ичида севимли Машанинг кўлини сўрашига шубҳа қилмасдилар. Бироқ Фет шошилмади. “Қандай қилиб уйланаман, – деб ўйлади у, – ахир ҳеч нарсам йўқ-ку! На пул, на мерос, ҳатто фамилия!” Мария ҳам сепли қиз эмас эди. Хуллас, ҳавас билан турмуш қуриб, ҳавас билан яшаш орзулари пучга чиқди.

“Мен аниқ кўриб турибман: ойига 300 рубл, уй-жойи йўқ зобитнинг сепсиз қизга уйланиши ўйланмай ташланган қадам ва муқаддас никоҳга виждонсизларча қарши бориш билан тенгдир. Чунки мен кейинчалик барча талабларни бажариш имкониятига эга эмасман, – дея қатъий қарорга келган Фет Мария билан гаплашиб кўришга уринади. У қизга бу муносабатларнинг келажаги йўқлиги, чунки доимий тежамкорлик ва муҳтожлик ҳар қандай, ҳатто, энг кучли туйғуларни ҳам айтганда, қиз бунга ишонмайди. Муносабатларни узиб юбормасликни ўтиниб сўрайди. Шунда Фет Мария билан ажрашиш учун полкдан ҳам кетиши лозимлигини англаб етади. Мария бу айрилиққа чидай олмай Фетга тинимсиз оташин хатлар йўллайди. Орадан икки йил ўтгач, орани очик қилиб олиш ниятида Фет Лазичлар кўрғонига келади.

Лекин Мария билан учрашув ҳеч нарсани ҳал қилиб бермайди – қиз аввалгидай шоирга турмуш қуришлари зарурлигини қайта-қайта айтади. Фет эса ўз фикридан қайтмайди.

Кўп ўтмай Афанасий Фетга даҳшатли хабар етиб келади. Мария кўйлагига илашиб қолган гугурт чўпи оловидан куйиб кулга айланади. Ўчиб улгурмаган гугурт чўпи лоп этиб Машага урилади. Қўрқиб кетган қиз ўзини балконга уради. Айтишларича, Мариянинг ўлими тасодиф эмас, аксинча, у ўз жонига чинакамига қасд қилган. Бунинг сабабини Фетга бўлган бахтсиз севгига йўйишди. Афанасий Фет ҳам севгилисининг ўлимида ўзини айбдор деб ҳис этади. “Умр бўйи мени тушунадиган аёлни кутиб яшадим, кутиб бўлдим ҳам”. У ёнаётиб қичқирарди: “Барча муқаддас нарсалар ҳаққи, хатларни қутқариб қолинг!” Ўлаётиб шундай деди: “Ўзим гуноҳқорман, ўзим айбдорман, у эмас”, – эслайди шоир.

Шоир ҳали олдинда қандай қийинчиликлар борлигини билмасди. Фетни қайғули кунлар кутарди, ҳаётидаги рангсиз ва қувончсиз дамлари бошланди. “Мен орзу қилган дунё остин-устун бўлиб кетди. Энди нима қилишни буюрадилар. Бир умр адъютант бўлиб ишлашми, бундан ҳам ёмони – бир-биримизга ёт, бир-биримизни тушунмайдиган хонимни топиш ва у билан бирга яшашми?!” Гап шундаки, 1856 йилда ҳукуматнинг янги қарори чиқди. Унга кўра, дворянлик унвонини олиш учун зобит полковник даражасига кўтарилиши талаб этиларди. Афанасий ўзида бундай имконият йўқлигини биларди. Шунинг учун мақсадига етишиш йўлини танлади. Бу бадавлат қизга уйланиш эди.

Фет 1857 йили 37 ёшида йиллик таътил ва шеърларидан йиғилган пулларни олиб, Парижга жўнади. У ерда москвалик бадавлат бой савдогарининг қизи Мария Петровна Боткинани учратди. Мария унчалик гўзал ҳам, ёш ҳам эмас – 28 ёшда эди. Фет қизнинг кўлини сўради. Тўй олдидан бир-бирлари билан очик гаплашиб олишди. Бахтсиз ва олис муҳаббатларини эслашди. Фет бошидан

ўтганларини бирма-бир сўзлаб берди. Мария ҳам ўтмиш муҳаббатининг кўнгилсиз хотималарини яшириб ўтирмади. Никоҳдан сўнг ёш оила Москвага кўчиб ўтди.

Бироқ Фет пойтахтдан кетишга жазм этди. Москвадан унчалик узоқда бўлмаган жойдан кўрғон сотиб олиб, хўжалик ишларига шўнғиди. Айни вақтда гўзал шеърларини чоп эттиришдан ҳам тўхтамади. Қўшнилари, шундай тадбиркор хўжайин қандай қилиб нозик туйғули лирик шеърлар ёзишидан ҳайратланишарди. Фет бойиб борарди – у яна икки кўрғон эгасига айланди. Унинг машҳур олмалари император ва буюк князлар дастурхонига кўрк бағишларди. Мана шу олмалар даромади 1873 Фетга қонуний фамилияси – Шеншин ва дворянлик унвонини қайтариб берди. Бу ҳақда шоир хотинига ёзган эди: “Менга Фет фамилияси қанчалик ёқимсиз ва таҳқирли эканлиги тасаввурингга ҳам сиғмайди. Минг шукрлар бўлсинки, ҳаммаси тугади. Сендан ўтиниб сўрайман, менга қарши бўлиб қолишни истамасанг, бу фамилияни менга ҳеч қачон ёзма, ишлатма”.

Шоирнинг оилавий ҳаёти тинч ва бахтли кечди. Эҳтимол, улар орасида муҳаббат бўлмагандир, аммо уларда ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушунишдек бахт мужассам эди. Мария Петровна иштиёқ билан эрининг барча хўжалик ишларига кўмаклашарди. Улар биргаликда 35 йил умр кўришди. Ҳаёт ана шундай қизиқ ажойиботларга бой. Инсон бир-бирини тушуниб яшаши керак. Шундагина ҳаёт лаззатли ва ширин бўлади. Бу икки жуфтлик ўзаро бир-бирларини тушуниб яшади.

ЖОРЖ БАЙРОН ВА СОҲИБЖАМОЛ НОВВОЙ ҚИЗ

Буюк инглиз шоири Жорж Ноэл Гордон Байрон юзлаб лирик шеърлар, романтик поэмалар ва тарихий асарлар ёзиб қолдирган. Шоир бой-бадавлат дворянлар оиласида дунёга келган. Ўн ёшида оилавий унвон, кўрғон ва лордлар

палатасидаги ўрин вориси бўлган. Унинг ижоди ҳамиша инқилобга бағишланган эди. Шоирнинг ўзи эса буюк француз инқилобининг ашаддий тарафдори эди. У ҳаётни севарди, шунинг учун ҳам бемалол вақтичоглик қилишни хуш кўрарди.

Шоир ўзининг кўп таниш аёллари орасида биргина соддадил, аммо шиддатли Маргарита Конини бир умрга эслаб қолди. Окшом пайти Бренти кирғоғи анча гавжум бўлади. Икки инглиз салобат билан одамлар тўдаси орасида кетиб боришар экан, ёшгина гўзал қизлардан кўзларини узишмасди. Ҳа, ён-атрофда сайр қилиб юрган, кўзни қувонтирувчи дилбар жононлар ҳар қандай одамнинг ҳам юрагини энтиктириб юборарди.

–Ҳа, мана шу авом халқ ичидан ростмана пари-пайкарларга дуч келиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас, нима дединг Хобхауз? – дея шеригига юзланди бироз оқсаётган олифтароғи.

– Бизнинг инглиз фунтларимиз, юртимиздагидан кўра, бу ерда анча қадри баландлигига ҳам шукур қилаверинг, – дея кулиб қўйди дўсти. Йўқса, бу жононларнинг ишвасига пул сарфлашни чўнтагингиз кўтармай қолармиди, милорд Байрон.

Уларнинг бу суҳбати рўпарадан ўтиб кетаётган малоҳатли хонимлар қулоғига етиб борган шекилли, улардан бири ҳеч тортинмай суҳбатга қўшилди:

–Саховатли жаноблар, сизлар шунчалик бой-бадавлат экансиз, ночор қизга ҳам ёрдам қўлини чўзарсиз балки?

– Сен шунчалар ёш ва малоҳатли қиз бўлсанг, қандай қилиб ёрдамга муҳтож бўлишинг мумкин? – дея гап қотди шоир.

–Мен қандай кулбада яшаб, нималар билан овқатланаётганимни кўрганингда эди – бундай демаган бўлардинг, – деди гўзал қиз шартта ортига бурилиб ва ғурур билан бошини баланд кўтарганча, дугонаси ёнига бориб, йўлида давом этди.

Орадан бир неча кун ўтиб, Жорж ногаҳон ўша пул овчиси, итальян қизи (маълум бўлишича, у – маҳаллий новвой Конининг хотини экан) билан яна учрашиб қолди. Байрон шу заҳоти унга очиқчасига ўз таклифини айтди.

– Мен қарши эмасман, – дея осонлик билан рози бўлди Маргарита. Фақат, эрим ўлгудек жаҳлдор, қўлга тушиб қолсам борми, соғ қўймайди...

Бир неча кундан сўнг Байрон “Дон Жуан” устида ишлаб ўтирар экан, дераза ортида қандайдир шовкин кўтарилиб қолди. Бири-бирига гап бермай, уйни бошига кўтариб жанжаллашаётган аёлларнинг овози ва зинапоя томонидан ниманингдир ерга гурсиллаб йиқилган эшитилди. Эшик шаҳд билан очилиб, остонада Маргаританинг қомати кўринди. Ҳеч нарсадан ҳайиқмай, уятни ҳам йиғиштириб қўйиб, у уй бекаси билан даҳанаки жангини давом эттирарди:

– Мен унинг хотини эмасман ва сен ҳам унга рафиқа эмассан. Эримнинг шохи бор, сеники ҳам ундан қолишмайди! Хўш, нега менга бақрайиб, кўзингни лўқ қилаверасан? Бир нарсани билиб қўйсанг ёмон бўлмасди – менинг қоматим, сеникидан кўра унга кўпроқ ёқиб қолган... чидайсанми, чидамайсанми, бор гап шу!

Ушбу маломат тошлари Марианна Сегатига – уй соҳибининг яхшигина хотинига қаратилган эди. Бу дилбар хоним мато тўқувчи эрининг пинҳона розилиги билан, ижарачи-шоирнинг атрофида парвона бўлиб, эҳтиросли муҳаббати билан унинг кўнглини овлаётган ва пулини шилаётган эди. Уларнинг савдоси касодга учраган ва синор Сегати хотини ўз жозибаси ва малоҳати билан шоирнинг қалбини забт этиб, пул ишлаб олишидан манфаатдор эди. Бу лорд эса пулини қаёққа совуришни билмай юрган, кип-қизил хотинбоз, маишатпараст чиқиб қолди. Бундан фойдаланиб қолиш керак-да!

Шоир аёллар жанжалига аралашмай, уларни кузатиб тураверди. Бундан ташқари Марианна, очкўзлиги ва рашки билан охирги пайтда анча ғашига тега бошлаган, Маргарита эса анча фаросатли кўринади. Марианна билан алоқани

узишни талаб ҳам қилмаяпти. Бошқа кўча жононлари унинг бўйнига осилиб, муҳаббат изҳор қилмоқчи бўлганларида, неча бор шоирнинг кучли зарбидан бир чеккага учиб тушган ва тўғноғич, рўмолчаларини йўл-йўлакай йўқотганча, нари кетишганди...

Шоир ҳозиргина олиб келишган портретдан кўзларини узолмай қолди. Ким билсин, балки расм учун Харлоуга кўп пул тўлагандир, аммо у ишини қойил қилиб бажарибди. Рассом Маргаританинг соҳибжамол чехрасини маҳорат билан тасвирлабгина эмас, балки унинг жажжигина кўзлари ва ғунчадек лабларида акс этган майингина айёрликни усталик ила очиб бергани ҳам шоирни лол қолдирганди.

Италияда ўтказган икки йил давомида қанчадан-қанча гўзал аёллар билан мулоқотда бўлди. Ҳозир уларнинг бирортасини на исмини, на чехрасини эслай олади! Биргина Маргаританинг сиймосини умрини охиригача эслаб қолди. Бунчалар жозибали бўлмаса! Бироқ тўлароқ демаганда, барибир қандайдир кўркемлиги, айниқса бўй-бастини гулдек яшнатиб турган миллий либосдаги қад-қомати ҳар қандай одамни эсанкиратиб қўяди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлаверади. Эндигина 22 ёшга кирган бу аёл жуда мафтункор эди! Чехрасини айтмайсизми – нақ ростмана венециялик қизнинг ўзгинаси, гўё қадимги полотнодан чиқиб келгандек! Ҳа, Маргарита, шубҳасиз, кўлига ханжар берсанг, ошиғи қаерга санч деса, ўша ерни мўлжалга оладиган аёллар тоифасидан. Жиғига тегиб, ҳақорат қилсанг, ўзингни ҳам бир ёқлик қилиб қўйишдан тоймайдиган, шиддаткор қиз. Жоржга ундаги айни мана шу хислатлар қанчалар ёқишини билсангиз эди! Бироқ орзу-хаёлотда эмас, балки ҳақиқатда Маргарита билан мулоқот қилиш осон иш эмас.

Жорж ҳаммадан уни афзал кўрганини ҳис этган ҳамонок, Маргарита истаган пайтида ошиғи олдига тўғридан-тўғри бостириб келаверадиган одат чиқарди. Шоирни бегона аёл билан учратиб қолса борми, шунчалар қаҳр-ғазабга тўлиб, рақибасига чунонам мушт туширардики, шўрлик ерга қандай учиб тушганини

хам билолмай қоларди. Уларни ажратишга уринган хизматкорлар ҳам ўз насибаларини олиб, четга қочишарди. Мана шу жанжаллар сабаб, Байрон Марианна билан алоқани буткул узиб, катта канал ёнидаги Мочениго саройларидан бирини ижарага олади. Худди шу ерда унинг Маргарита билан ҳар замондаги учрашувлари, қандайдир қиёслаб бўлмас даражадаги катта нарсага айланиб қолди. Кунларнинг бирида шоир уни эшиги олдида ўлгудек калтакланган ҳолда учратди. У катъий қилиб, энди уйига қайтмаслигини, эри ҳар доим дўппослаб, пулларини олиб қўяётганини айтди. Ҳа, бунақа шиддаткор аёлни кимдир хафа қилишига ишонгинг келмайди. Аммо ярим тунда уни шу аҳволда кўчада ҳам қолдириб бўлмайди, ахир?! Эртаси куни эса уни ҳайдаб чиқаришнинг имкони ҳам бўлмади. Хотинини излаб келган новвой Кони ўкириб йиғлади, таҳдид қилди. Уйга қайтишини ялиниб ёлворди, кейин эса полициячини бошлаб келишдан ҳам тоймади.

Байрон мен бировнинг хотинига даъвогарлик қилаётганим ҳам йўқ дея полициячини ишонтиришга уринди. Ана эрининг кўлидан келса олиб кетаверсин.

Бироқ орадан бир неча кун ўтиб, Маргарита яна ўзининг “касалманд-шоҳдор” эридан қочиб, шоирнинг уйида мустаҳкам ўрнашиб олди. У инглиз шоирининг бутун нозик томонларини тезликда пайқаб олиб, ўзининг жозибали қарашлари, аёллик назокати билан банди қилди-қўйди. Энг асосийси, Маргарита анча тежамкор аёл чиқиб қолди.

Кўп вақт ўтмай, у хўжалик харажатларини икки баравар камайтиришга эришди. Хизматкорлар ўз вазифаларини яхшироқ бажара бошлашди. Хоналар тозаликдан ярқираб турадиган бўлди. Афсуски, янги уй бошқарувчисининг интилишлари чегара билмай қолди. Маргарита саводсиз эди. Шундай бўлса-да, маҳбубининг хатларини тутиб қолар, ҳуснихатига қараб бу мактуб аёл кишиданми ёки йўқ, аниқлаб оларди. Ҳатто, алифбони ҳам ўрганишга киришди. У ғазабланган шоирнинг юзига тик боқиб, “Мактубларни очиб, ўқиб кўраман,

ана шундан кейин уларни сенга бериш-бермасликни ўзим ҳал қиламан” – деди. Агар у эркига зўр берганида борми, бизнинг донжуанимиз аллақачон аёллардан мосуво бўлиб қоларди. Бу аёл хушторига яхши кўринаман деб, кийинишни ҳам қуюшқондан чиқариб юборди. Аваллари халқона либосда анча кўркам ва латофатли кўринган бу хоним энди баданига ёпишиб турадиган думли турнюр ва патли шляпа кийиб юришни одат қилганди. Бу либос ўзига ярашадими ёки йўқ, буниси билан иши бўлмасди.

“Маргарита мени чиндан ҳам севади, шекилли, – дея ўйга толди Байрон. Унинг кенг юбкаларини шалдиратиб, хоналарни тартибга келтираётганини кузатар экан, – севганда ҳам, ўзига хос, табиатига мос тарзда севади!”.

Бир куни шоир Маргаритани италияликлар учун ҳақоратли саналган “мол” деган сўз билан ранжитди. “Сенинг молингман, ҳазрати олийлари”, – дея шу заҳоти оғзидаги гапини шоирнинг ўзига ёпиштириб, такаллуф билан эгилиб таъзим ҳам қилиб қўйди у. Мана шу кўркам, ҳозиржавоб аёл, айна пайтда учига чиққан шалақи, заҳар бўла олишига ишонгинг ҳам келмайди. Бир аёл тимсолида икки хил табиат мужассам. Ажабо!..

Кўплаб латофатли аёллар Маргаритани шоирнинг ҳаётидан сиқиб чиқаришга уринишди, аммо барча ҳаракатлари бесамар кетди. Ўзини ҳаддан зиёд аҳмоқона тутиши эса унинг бошига етди. Ўтакетган тиришқоқ бека билан охир-оқибат тил топиша олмай қолган хизматкорлар, хўжайинларининг ҳам унга нисбатан жаҳли чиқаётганини сезиб, унинг устидан шикоят қила бошлашди. Натижада Байрон ҳамманинг кўнглига теккан маҳбубасига, ажралиш вақти етганини билдириб қўйди.

– Сен уйимда хизмат қилиб, етарли миқдорда пул жамғариб олдинг, энди уйингга қайтсанг ҳам бўлаверади. Маргарита бу гапдан қандай жазавага тушганини кўрсангиз эди! Аввало, бу уйни тарк этиш нияти йўқлигини айтди. Ниҳоят, қатъий талаблардан кейингина ханжар билан таҳдид қилиб ўч олишини таъкидлаб бу уйни тарк этди. Эртаси куни у чиндан ҳам уйга бостириб кириб,

ошхонадаги ойнаванд эшикни уриб синдиради ва тушлик қилаётган лорднинг пичоғини тортиб олади. Пичокни ўзига урмоқчи бўлганми ёки хушторининг кўксига санчмоқчи эдими – номаълум. Аммо соҳибжамол аёлни тезда тинчлартириб қўйишди. Қайикчиларни чақиртириб, уни уйига олиб бориб ташлашни буюришди. Буни қарангки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Маргаритани яна уйга қайтариб олиб келишди. У ўзини сувга ташлаган экан. Қайсар қиз ўзини совуқ сувга ташлаб чўкмоқчи бўлганига ишониш қийину, аммо мутлақо сузишни билмай туриб, бундай ишга қўл уриш унинг қўлидан келганди. Ўзига келиши билан уни яна уйига жўнатиб юборишди.

Шундан сўнг Жорж Байрон Маргарита билан қайта учрашмайди. Фақат икки марта улар операда узоқроқдан тўқнаш келишди, холос. Бирок соҳибжамолнинг унга яқин боришга юраги бетламади. Ҳа, у муҳаббат буткул рад этилганини тушунди, шекилли. Аммо шоир уни умрининг охиригача унутолмади. Умри ҳам афсуски, ниҳоятда қисқа бўлганди... Шоир безгак касалидан Грециянинг Миссолунги шаҳрида вафот этади.

ДУНЁГА МАШҲУР КОМПОЗИТОР

Ҳар бир халқнинг ўз миллий қаҳрамонлари бўлади. Ўша халқ ўзининг ана шу улуғ фарзандлари билан фахрланади. Поляк халқининг миллий ифтихори, буюк композитори Фридрих Шопендир. У Варшаванинг Железово воля гўшасида 1810 йилнинг 22 феввалида ўқитувчи оиласида дунёга келди. Фридрихда мусиқага иштиёқ жуда эрта уйғонди. У 19 ёшида мусиқадаги муваффақиятидан руҳланган Шопен 1830 йили 20 ноябрда сафарга отланади. У ўша пайтда ўзи тугилиб ўсган Ватанини бир умрга ташлаб кетаётганлигини бир зум бўлса-да, хаёлидан ўтказдимикин?! У Польшани мангуга тарк этаётганди. Яланғоч дарахтлар извош ортидан шамол увиллашини тинглаб борарди. Гўё шамол унга: “Алвидо... сен бутунлай

кетяпсан...” деяётгандек эди. Йўқ, у албатта қайтади, унинг доврўги бутун Польша шуҳратига айланади.

–Тезроқ жўна, сен Вена, Берлин, Лондонда ўз истеъдодингни намойиш этишинг лозим. Бу ердан кетишинг керак, - дерди унинг биринчи мусика устози Элснер, айна куч-гайратга тўла пайтингда дунёни кўр, келажакда буюк санъаткор бўлишинг керак...

Шопен Варшава кўзғолони ҳақидаги хабарни Венада эшитди. Отаси ёшлигидан Польша мустақиллиги учун курашган, энди эса Фридерикнинг дўстлари баррикадаларда жанг қилишарди. Унинг кўнгли ташвиш ва умидларга тўла эди. Афсуски, Парижга кетаётганда мағлубият ҳақидаги хабарни эшитади. Уни умидсизлик, алам ва изтироб чулғаб олади. Шу кайфиятда у ўзининг “Инқилобий этюд” номини олган машҳур до минор этюдини яратади.

1831 йилнинг сентябрида Шопен Парижга келади. Бу вақтда Фридерик 21 ёшда эди. Шопеннинг биринчи чиқишиёқ унга катта шуҳрат келтирди. Ёш аммо машҳур венгер пианиночиси Лист ҳам немис шоири Хейне ҳам, Шопеннинг тинглаш бахтига муяссар бўлишган, унинг юксак маҳоратига қойил қолишган. Композиторнинг доврўги тобора ортиб борарди, бироқ соғлигини ҳам ўйлаши лозим эди. Чунки унинг соғлиги жойида эмасди.

Шопен болалигида ўпкасини шамоллатиб қўйганди. Бу касаллик уни борган сари қийнаб борарди. Аммо буюк композитор ҳар қандай шароит бўлмасин бу дард билан мардонавор курашарди. Ҳаётидан ҳеч қачон нолимасди. Томошабинлар олдига чиққанда ўзини ўта дадил ва сипо тутарди. Роял қаршисида ўтирганида унинг фикри-хаёлини она юрти – Польшанинг соғинчи чулғаб оларди.

Истеъдодли фаранг адибаси Жорж Санд билан дўстлашув Шопен ҳаёти ва ижодида бутунлай ўзгача ўзгариш ясади. Бу дўстлик ришталари алал-оқибат

муҳаббат туйғуларига айланди. Бу икки истеъдод эгаси кўп йиллар бирга яшаш бахтига муяссар бўлишди. Шу даврда композитор ўзининг энг етук ва мукамал асарларини яратди. Жорж Санд эса романларидан бирига композитор билан ўтказган унутилмас дамларини асос қилиб олди...

1847 йил. Париж... Киборларнинг базм ва балларида кўпчилик орасида жанжалкаш номи билан танилган адиба Жорж Санднинг “Лукреция Флориани” романини муҳокама қилишарди. Наҳотки, бу сурбет хоним ётоғидаги воқеа-ҳодисаларни китобхонга ипидан-игнасиғача ҳикоя қилиш даражасига етган бўлса дея ҳайрон қолишарди. Бадгумон ва инжиқ шахзода Карол ким эканлигини биласизми, у буюк Шопен эмиш. Лукреция-чи? Хушторларини тинимсиз алмаштирадиган ва барча эркак зотини ёш боладай кўрадиган Жорж Санднинг ўзи эмасми? Бу аёлнинг хурмача қилиқларидан ажабланмаса ҳам бўлади. Унинг бой тажрибасига буни солиштирилса, бу хушторлар мисоли бегуноҳ гўдак. Аммо Шопен... Наҳотки адибанинг у ҳақда ёзганлари рост бўлса?

...Улар 1936 йилда графиня Мари д* Агунинг киборлар учун базмида танишишди. 26 ёшли Фридерик Шопенни бутун Париж аллақачон таниб улгурганди. Истеъдодли композитор асарларини моҳирона ижроси туфайли нуфузли фаранг хонадонларининг қимматли меҳмонига айланиб улгурганди. Поляк йигитининг жозибали қиёфаси кўп хонимларнинг оромини ўғирлаганди. Ҳар доим ўйчан юрадиган чехрасининг нозик чизгилари, оч малларанг соч, ғуссали кўзлар, мулойим овоз... “Бу хафақон шахзода ўз маликасини қидириб тополмаётганга ўхшайди. Эҳтимол, дилгирлигининг сабаби – унинг севги бобидаги омадсизлигидир?”, дея Париж ғийбатчилари гап-сўз қилишарди.

Композитор базмдаги ўзининг бир неча этюдларини ижро этгач, хонадон соҳибаси эркаклар либосидаги халатли бир хонимни рўпара қилишди. Улар танишишдилар. Аёл баланд пошнали этик кийган, оғзида сигараси бор эди. Бу бутун Парижга маълуму машҳур Жорж Санд эди. Қисқа суҳбатдан сўнг Шопен

уй бекасига “Бу Жорж Санд деганлари жуда кўпол экан-а... Шуям аёл бўптимиз бунга шубҳам бор”, дейди. Дарҳақиқат, Жорж Санднинг ташқи кўриниши жуда кўпол эди. Унинг биринчи никоҳидан икки нафар фарзанди бор эди. Эҳтимол, ана шу муваффақиятсиз никоҳ Аврора Дюпен (унинг аввалги исми шарифи) ни Жорж Сандга айлантиргандир? Аврора ўз саккиз ёшли артиллерия зобити Казимир Дюдеванга турмушга чиққанди. Казимир Дюдеван хотинига кўп ҳам эътибор беравермасди. Хотининга нисбатан совуққон эди. Эр-хотин ўртасидаги ниҳоясиз жанжаллар охири ажралиш билан якунланди. Ўртада икки нафар фарзандлари бўлишига қарамай, тўққиз йиллик турмушлари барбод бўлди.

Парижда Аврора бадиий ижод билан жиддий шуғуллана бошлади. 1832 йили Парижда Жорж Санд тахаллуси билан “Индиана” романини чоп эттирди. Ушбу асар адиба номини кенг китобхонлар оммасига таништирди. Аврора Парижга келгач, кўчада эркаклар кийимида юришни ёқтирар, ўзини аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи сифатида кўрсатишга мойил эди. Адибанинг ишқий саргузаштлари ўша оқшом Шопеннинг қулоғига ҳам етиб келди.

Графиня Мари д* Агу хонадонини тарк этиши олдидан Шопен яна Жорж Сандга рўпара келди. Бу галги суҳбат узок давом этди. Ушбу лаҳзалардан Шопен ҳайратланарли бир ҳолатни туйди: “Бу аёлда эътиборни тортадиган нимадир бор?!” Аммо бу мулоқотда муҳаббат мавзуида гап-сўз бўлмади. Бирок Жорж Санд ушбу урашувдан ниҳоятда қаттиқ таъсирланди: у ёш композитор истеъдодига асир бўлиб қолганди. Бундай ширин суҳбатлар тез-тез бўлиб турадиган бўлди.

Шопен қаерга бормасин адиба ҳам ўша ерда ҳозир у нозир эди. Фридерик бу аёлсиз ўз ҳаётини ҳатто тасаввур қилолмаслигини англаб етгунга қадар орадан бир ярим йил вақт ўтди. Улар табиатан бир-бирига мутлақо ўхшамасди: зиёли ва баъзан тортинчоқ Шопен ҳамда сержаҳл, шаддод Жорж Санд.

1838 йили Шопеннинг саломатлигини тиклаш учун Жорж Санд Испанияга жўнашга қарор қилди. У ердаги Майорка оролининг иқлими Фридерикнинг хаста ўпкасига шифо бўлиши мумкин эди. Афсуски, Майорка севишганларни тинимсиз жала ва ёмғирлар билан кутиб олди. Шопен бу ерда ўзини жуда ёмон ҳис этди. Жорж Санд касал боқувчи ҳамширага айланди.

1839 йили февралда улар Францияга қайтиб, Жорж Санднинг қўрғонида яшай бошлашди. Фридерикнинг соғлиги аста-секин тиклана бошланди. Аммо Испаниядаги сайёҳатдан сўнг композитордан Жорж Санднинг кўнгли совиганди. Шопеннинг жисмонан зўриқиши мумкин эмаслигини у тушуниб етганди. Шунга қарамай, севишганлар бирга яшашда давом этишди. Шу тариқа улар саккиз йил биргаликда яшашди. Жорж Санднинг ҳаётни сева билиши, ҳар қандай муаммони оқилона ҳал қила олиши, мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилиши ва композиторга худди онадек ғамхўрлиги – буларнинг ҳаммаси хаёлпараст ҳамда беқарор Шопенга сув ва ҳаводек зарур эди.

Улар 1847 йилда, яъни илк учрашувларидан ўн йил ўтгандан сўнг ажрашдилар. У Жорж Санднинг бу жудоликнинг асосий сабабчиси деб билиб, севгилисининг мактубларига жавоб бермай қўйди. Композитор ўзини усиз бахтсиз ҳисобларди. Энг охирги ҳаётий куч-қуввати маҳбубаси билан бирга қолиб кетгандек туюларди. 1849 йили, қирқ ёшга тўлишига бир неча ойгина қолганда Фридерик Шопен ҳаётдан кўз юмди. Унинг сўнгги сўзи шундай бўлди: “Унинг оғушида ўлмоқчи эдим...”.

Жорж Санд Шопен вафотидан кейин 27 йил яшади. Шопен билан видолашганидан сўнг ҳам унинг феъл-атворида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмади. Адиба 60 ёшида Париж аҳли унинг 39 ёшли рассом Шарл Маршал билан ишқий саргузаштларини муҳокама қилишарди. Фақат бир нарса – Шопен вальсларининг оҳангларигина бу хонимни аччиқ кўз ёшлар тўкишга мажбур қиларди...

Буюк композитор Фридерик Шопендан – фортепяно учун иккита концерт, трио, сонаталар, тўртта баллада, тўртта экспромт, 16 та полонез, 58 та мазурка, 17 та вальс, 21 та ноктюрн, 26 прелюдия, 27 та этюд, 19 та кўшиқ ва бошқа муסיкий асарлар ижодий мерос бўлиб қолди.

Варшава шахрининг энг сўлим ва хушманзара хиёбонларидан бирида Фридерик Шопен шарафига ажойиб меъморий ёдгорлик бунёд этилган. Бу ёдгорлик пойига ҳар йили минг-минглаб муסיқа ишқибозлари гуллар қўйиб уни ёдга олишади. Бу ерда ўтказиладиган халқаро танловларда дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган энг салоҳиятли созандалар ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Утрата дарёси соҳилида унинг уй-музеи ҳам ташкил этилган. Бу эса поляк халқининг буюк шахсига айланган композиторига юксак ҳурмат-эҳтиромидир.

ФРАНЦ КАФКАНИНГ УШАЛМАГАН ОРЗУСИ

Тақдир уларни илк бор Прагадаги кафелардан бирида учраштирди. Ўшанда Кафка пул майдалаётиб, шундоққина ёнидан ўтиб кетган ёшгина, кўркем аёлга унчалик эътибор бермаганди. Унинг кўзи рангини, юз тузлишини, ёқимтой чехрасини эслаб қолмаган эди. Фақат кафедан чиқа туриб беихтиёр нигоҳи аёлга тушди. Аёлнинг нозик жуссаси, ҳарир кўйлагига узоқ термулиб қолди.

Аёл Венада, Кафка Прагада яшар эди. Кафка немис тилида ижод қиларди. Унинг асарини чех тилига биринчи марта айнан шу аёл, яъни Милена Есенская таржима қилади. Бу Кафканинг хориж тилида нашр қилинган дастлабки китоби эди. Муаллиф таржимоннинг маҳоратига юксак баҳо берди ва унга мактуб ёзди. Шу тариқа улар ўртасида ёзишмалар бошланди. Кафканинг мактублари борган сари узун, очиқ-ойдин тус ола борди. У Миленага ҳар хусусда ҳатто энг яқин

кишисига ҳам ўйлашиб сўзлайдиган воқеалар ҳақида ёзарди: “Сен меникисан, хатто сени ҳеч қачон кўрмасам ҳам”, - дерди у ҳар сафар мактуб сўнггида.

Кафкага севгилисини ҳеч қачон кўрмаслик уни бир кун учратиб қолишдан кўра ишончлироқ туюларди. Баъзан у ҳамма нарсага қўл силтаб таваккал қилмоқчи бўлди-ю, аммо бунинг ўзи кифоя қилмаслигини англаб, хаёллар гирдобига шўнғирди. Ўртада бир тўсик, у ҳам бўлса Миленанинг эри борлиги Кафкани шаштидан қайтарарди. Агар бу ҳақда Миленанинг эри билиб қолса жанжал бўлиши аниқ эди. Ниҳоят, у Венага жўнашга аҳд қилди. Бироқ бу қарори ҳам қатъий эмасди. У доимо бирор нарсани бошлаб қўйгач, кўп вақт иккиланиб юрарди. Унинг хаёллари беқарор эди. У Венага кетишини эрта-индин деб чўзиб юрарди. Кафка бир нарсани аниқ биларди. У ҳеч қачон севгилисини ўзи билан учрашишга мажбур қилмасди. У бехосдан Миленани кўрқитиб қўйишдан чўчирди.

Кафка Венага етиб келгач, аввал шаҳарни обдон ўрганди. Шундай ҳашаматли шаҳарда севгилиси иккаласига бир хонали уй ҳам етарли эканлигини, шу мўъжаз кулбада ширин турмуш кечириш мумкинлигини хаёлидан ўтказди. Ниҳоят, у Миленага шошилиночнома жўнатди. “Агар бирор қор-ҳол юз бермаса, сешанба куни Венага етиб бораман”.

Икки кечани уйқусиз ўтказганини айтмаса, Кафканинг ҳаётида ғайритабиий ўзгариш деярли рўй бермади. Айтилган куни, яъни 1920 йилнинг 29 июль куни суғурта компаниясининг ходими Франц Кафка хўжайинидан тўрт кунлик таътил олиб, Венага йўл олди. У ерга келгач, Жанубий вокзалдаги қаҳвахонага тамадди қилгани кирди. У ерда бемаза қақони ичиб ўтирган қўйи севгилисига мактуб ёзди. Унда ҳамма нарсаси тўғрисида: ўзига ёқмаган қақо, печенье, шунингдек, “Рифа” меҳмонхонасига жойлашгани ва бошқа воқеалар ҳақида ёзаркан, мактуб сўнггида кичик илтимосни ҳам айтиб ўтишни унутмади: “Сендан ўтинаман, Милена, яна кутилмаганда ёнимдан ёки ортимдан чиқиб, мени кўрқитиб юборма!”.

Мактубга эътибор берилса, Кафканинг ўша пайтдаги асосий ташвиши фақат кутишдан иборат бўлган. “Мен шаҳарни шовқинсиз, ҳеч кимга сездирмай кезмоқчиман”. Бу ибора калбида муҳаббати бор йигитнинг эҳтиёткорлигидан дарак берарди. Ҳа, Кафка Венани оҳиста кезмоқда эди. У Миленанинг қўпол, вазоҳатли эрига дуч келишдан, юрагидаги сирни ошкор бўлиб қолишидан ҳадиксирарди. Кафка доимий беркиниб юришдан безиб кетганди, - “Битта кулба бўлса-ю, тинчгина яшасанг, биров ҳаётингга аралашмаса, сен ҳам бировнинг ишига бурун сукмасанг”, - дерди.

“Уя” новелласида Кафка бош қаҳрамон тилидан сўзлайди. “Хўш, крот (ер остида яшовчи сут эмизувчи ҳайвон) бўлсам нима бўпти? Мен ўзимга тааллуқли бўлмаган нарсалар ҳақида ёзмайман”.

Гайратли, ҳаётни севувчи Милена дўстини ана шундай уядан тортиб олишга муваффақ бўлди. Бироқ бу билангина чекланиб қолмади. У Кафкани ҳаракатга чорлаб, руҳлантирди, далда берди. Кафка Милена билан ўтган ажойиб кунларини хотирларкан, шундай деб ёзади: “Мен уни Венанинг атрофида жойлашган ўрмонларга олиб бордим. Мен олдинда кетардим. У эса ортимдан ёш боладек эргашиб, секин юриб келарди. Кўзимни юмсам, бўлди, дарҳол кўз ўнгимдан унинг оппоқ кўйлаги, офтобда куйган бўйни намоён бўлар, кўп юриб толиққанидан ҳансираб нафас олгани эшитиларди. Милена тоғ ва тоғолди дараларда жазирама қуёш остида юрса ҳам бирор марта ҳансирамас, чарчадим демасди”. Улар соатлаб сайр қилишар, кўпинча Кафка қорни очикқани сабабли дам олар ва уйкуга кетар эди. Ёзувида ҳеч ким бундай ҳолатни ҳеч қачон кўришмаганди. Прагага қайтгач, Кафта Милена билан бирга ўтказган кунларини, қизиқарли саёҳатлари ва суҳбатларини кўп бора эслади. “Сен ёнимда борардинг, Милена, ўйлаб кўр, ёнимда борардинг-а!”. У Халқ боғи номини олган хиёбонни, шаҳар чеккасидаги қайинзор ва қуёш нури зўрға етиб борадиган ўрмонни кўп кўмсарди. “Сенинг чехранг, ярим очик сийнанг шундоққина кўз ўнгимда”.

Кафка фақат севгилиси ҳақидаги ўй-хаёллар билан кифояланганда ўзганинг юрак сирларини билишга интилаётган синчков жарроҳ ҳолига тушиб қолган бўлур эди. Хўш, аслида Кафка нимани билишга интиларди? “Йўқ, бу севги эмас, балки севгидан ҳам юксак туйғу, у менинг бутун вужудим, борлиғим, қобилятим, истейдодим”.

Афсуски, Кафканининг хаёлидаги муҳаббати вақтинчалик эди. Шаҳар чеккасидаги ўрмонзор ва боғларда сайр қилиб бўлишгач, Милена уйига – эрининг ёнига қайтарди. Ноилож, Кафка ҳам Прагага уни орзиқиб кутаётган қайлиғи сари йўл оларди. Бироқ оила қуриш учун севгисиз қурилган никоҳ омонатлигини, ҳар иккаласига ҳам бахтсизлик келтиришдан қайлиғини огоҳ этмоқ учун унинг ёнига борарди. Милена-чи? Йўқ, Милена банкир эри билан ажралишни хаёлига ҳам келтиролмасди.

Жуссаси нозик, юзида табассум жилва қилиб турадиган Милена Кафканинг тинч, осуда ҳаётини алғов-далғов қилиб юборди. Энди Кафка батамом ўзгарди. Ҳа, ўзини жониворга қиёслаган Кафка хаёлпараст, ёлғончи одамдан буткул бошқа одамга айланганди.

“Бир куни тонгда уйқудан чўчиб уйғонган Грегор Земза ўз ўрнида кўрқинчли ҳашаротга айланганини кўради”. “Ўзгариш” ҳикоясидан олинган ушбу сатрлар қиёфаси ўзгарган одамга берилган кичик бир нисбатдир. Бу қисса Кафка ижодининг энг шоҳ асаригина бўлиб қолмай, XX аср адабиётининг сара асарларидан бирига айланди. Ҳикояни чех тилига таржима қилган Милена Кафканинг руҳий ҳолати кескинлашганини ҳис қилиб турарди. Бу асарнинг ҳар бир сатрида ғалати, ҳеч кимникига ўхшамас руҳ ҳукм сурарди. Ҳар қандай бўёқлар жилолардан холи эди... Мен ҳамиша одамлардан кўрқувни сингдириб келаман. Бироқ унинг кўп қисмини ўзимда қолдиришга ҳаракат қиламан.

Кафка Миленага кўрқувга қарама-қарши бўлган ҳис-туйғуларни сингдиришга интиларди. Ўз навбатида у бу фикрларини шошилиноччи ва мактуб орқали юборарди. “Юборган мактубларингдан эсим оғиб қолай деяпти”,

- деб хотирлайди Кафка. Бир сафар у шошилинчномани йўқотиб қўяди. “Мен хафаман. Жўнатган шошилинчномангни қаерга қўйганим ёки туширганимни эслолмаяпман. Ҳозир карахт аҳволдаман. Тушкунликка тушганман. Бунга ҳам сен айбдорсан. Агар чиройли сўзлар битмаганингда эди. Мен уни хадеб кўлимда ўйнайвермай, бир чеккага олиб қўйган бўлардим”.

Милена Кафка билан бирга бўлиш ҳақида кўп ўйлар, ёрқин келажак тўғрисидаги тасаввурини қоғозга туширарди. Унга жавобан Кафка мийиғида кулиб қўя қоларди. “Милена, сен мутлақо рўёбга чиқмайдиган орзулар ҳақида фикр юритасан. Ахир, биз ҳеч қачон бирга бўлолмаймиз-ку! – деб ёзарди у Миленага. – Дунёда англаб бўлмас сир-синоатлар кўп. Шулардан бири бизнинг йўлимиз айро эканлигидир. Битта уйда яшаб, бир столда ўтириб, ҳатто шахримиз умумий бўлса ҳам орзу ниятларимиз амалга ошмайди”.

Кафка бутун ҳаёти давомида оила қуриш орзуси билан яшади. “Бу менинг ягона ва бирдан бир мақсадим, фақат оила бўлсагина, мен ўзимни тўлақонли инсон деб ҳисоблашим мумкин, - деганди унинг ўзи. – Фарзанд кўриш, болачақа орттириш менга насиб этмайдиган кўринади, чоғи”.

Дунёда бола-чақасиз ўтиш Кафка учун жуда оғир эди. “Бу бахтсизликка ҳам пешвоз чиқдим. Нима қилай, ахир ота бўлиш учун таваккал қилишнинг ўзи кифоя қилмас экан”.

Кафка нима қилиб бўлса-да, севган аёли билан бирга бўлишга рози эди. Аммо бунга Милена рози бўлмасди. Чунки бундай жасоратга тайёр эмасди. “Ҳозирча пулим кўп бўлмаса-да, иккимизнинг яшаб туришимизга етади”, деб Миленани олиб кетишга кўндирмоқчи бўлиб ёлворарди Кафка. У барибир рад жавобини бераверар, эрини ёлғизлик домига ташлашга кўзи қиймасди. Қайсидир режалар ҳақида орзу қиларди? Шуниси қизиқки, хаёлий келажак ҳақида Кафкага унинг собиқ қайлиғи Фелица Бауэр ҳам сўз очганда, ёзувчи шундай жавоб берган эди: “Менинг ҳеч қандай режаларим йўқ, ҳатто тахминларим ҳам. Келажакка қараб юришни ҳали ўрганганим йўқ. Ҳозирча мен

фақат сувга калла ташлашни, келажакдан сирпаниб тушишни, ўмбалок ошишни, сўнг қоқилиб, чирпирак учишни биламан, холос”.

Милена бу хатарли қулашнинг олдини олишга, Кафкани тўхтатиб қолишга ҳаракат қиларди. Кафка Венага қайтмагач, унинг ўзи Прагага боришга аҳд қилди. Кундалик дафтарида бу ташриф Кафкани беҳад қувонтириб юборганини қайд қилиб ўтади.

Кафка оғир бетоб эди. Касаллик уни енгиллашга интилар, унинг эса таслим бўлгиси келмасди. Ҳолсизлик уни ниҳоят тўшакка михлади. Буни қарангки, Милена ҳам худди шу касаллик билан оғриганди, фақат унинг касаллиги бир оз енгилроқ эди. Бироқ Милена ўлишни ҳеч қачон истамасди. У бор кучи-ю, имконияти билан тубанликдан, қоронғуликдан қочишга ҳаракат қиларди. Кафка ҳаёт синовларига тайёр бўлмагани учун йўлидаги ҳатто энг кичик тўсиқларни ҳам ёриб ўтишдан воз кечди. Милена эса барча қийинчиликларга астойдил қаршилиқ кўрсатишга ўзида куч топа олди. У Чехиядаги ҳаракатларда иштирок этгани учун немис концлагерига тушиб қолади ва 1944 йили Кафка вафотидан йигирма йил ўтгач оламдан ўтади. Бу вақтга келиб Кафка Чехияда классик ёзувчи сифатида танилиб бўлганди. Унинг илк таржимони Милена ёзувчи ҳақидаги қимматли фикрларини айтишга ҳам улгурганди.

“Биз ҳаётда кўникиб яшадик, ёлғондан, зулматдан, руҳиятдан, интилишдан, қатъий фикрдан, тушқунликдан, хуллас, бизни ўраб турган ҳамма нарсадан нажот изладик, — деб ёзади Милена Есенская. — Кафка бўлса бирон-бир иш қилиш учун яъни қочишга жой ҳам қидирмади. У ёлғон сўзлаш у ёқда турсин, лоақал тузукроқ бирон нарса еб-ичишни ҳам билмасди. Унинг ҳеч қаерда ҳимоячиси ҳам, бошпанаси ҳам йўқ эди. Кийим-боши бор одамлар орасида яланғоч эди...”.

Унинг тақдирига шундай қийин ҳаёт битилган бўлса-да, у Миленани энг улуғ нарса довбюракликка ўргатди. Бошқа барча гўзал фазилатлари унга Аллоҳ томонидан берилган эди. Миленанинг яна бир фазилати — ўзгалар ишидан

хайратлана олиш эди. Айнан ана шу хайрат унга Кафка ҳақида энг аниқ, энг таъсирчан сўзларни айтишга ундади. Бу сўзлар жуда оддий эди: “Унинг китоблари ажойиб, ўзи эса ундан-да ажойиб”.

ВОЛЬТЕРНИ ИЗТИРОБГА СОЛГАН ҚИЗ

Муҳаббатда кўҳна дард, лекин ҳар ким уни ўзича янгилайди, дейилади бир ҳикматда. Мана неча асрлар ўтса ҳамки, муҳаббат мавзуси эскирмай келади. Маишхур француз адиби Франсуа Аруэ Вольтернинг асарлари жаҳон бўйлаб қўлма-қўл бўлиб кетган. Бироқ азиз китобхон унинг бир қиз ишқида куйиб-ёниб, гадо бўлганлигини билмаса керак.

1712 йилнинг кеч кузи, хазонларнинг шитирлаши, ҳатто бадқовоқ осмону ёмғирнинг шаррос қуйиши ҳам Вольтерга хуш ёқарди. Боиси, эндигина ўн саккизга қадам қўйган ёш адиб ўн олти ёшли Олимпия Дюнуайэни астойдил севиб қолганди.

Қизнинг онаси насроний динининг протестант, отаси эса католик мазҳабига мансублиги ёш Олимпияни анча сарсон-саргардон қилиб қўйганди. Улар отадан айри ҳолда Париждан Гаага шаҳрига кўчиб келишади. Вольтернинг илк изтиробли муҳаббати ҳам айнан шу шаҳарда бошланади. Кўпинча жоҳил она ёш адибнинг Олимпияга юборган мактубларини йиртиб ташлар ёки ёқиб юборарди. Қиз эса бу пайтда аччиқ аламдан юм-юм йиғларди. Ниҳоят, Аруэ ўз севгилисига мактуб юборишнинг антиқа йўлини топди. Севги мактублари энди Олимпиянинг қўлига этикдўз-косиб орқали борарди. Ҳаёт бошқа, хаёл бошқа деганларидек, гарчи бир-бирига кўнгил қўйган икки ёш умри давомида висолга етиша олмаган бўлсаларда, улар муҳаббатининг покизалиги, софлиги ва беғуборлиги бу туйғунинг нақадар улуғворлигидан дарак беради. Қуйида

Вольтернинг ўз севгилиси Олимпия Дюнуайэга юборган мактубларини ўқийсиз:

“Азизим Олимпия! Сизни қанчалар севишим ўзингизга яхши аён. Бироқ бизнинг муҳаббатимиз кимларгадир ёқмаяпти. Юзага келган вазиятга кўра, мен бугуноқ Гаагадан чиқиб кетишим керак эди. Лекин бир амаллаб ушбу муддатни бир кун кейинга сурдим. Сизни яна Парижда кўриш орзуси менга катта бир далда бўлади, деб ҳисоблайман. Негаки, ҳозир қаттиқ қайғу-изтиробдаман”.

“Жонгинам Олимпия! Бу мактубни ярим тунда ёзяпман. Голландияни тарк этиш олдидан сиз билан кўришим насиб этишини ёлвориб Тангримдан сўраяпман. Азизам, сизни умрим бўйи севаман ва бу севгидан ҳеч қачон воз кечмайман. Тўғри, бундай сўзларни ҳатто энг енгилтак ошиқлар ҳам бир-бирига айтаверганидан сийқаси чиқиб кетгандек. Лекин уларнинг муҳаббати менинг севгимчалик самимий эмаслигига иймоним комил. Сизнинг сурагингиз ва сийратингиз гўзаллиги олдида ҳамиша тиз чўкаман. Мен сизни Парижга қайтишингизни жуда-жуда истайман. Онангизни бунга кўндиролмадим. Барча саъй-ҳаракатларим бекор кетди. Биламан, у кишининг мени кўргани кўзи йўқ. Лекин нима бўлганида ҳам мен билан бирга Париждек файзли шаҳар сизнинг қадмингизга интизор.

Сизни қучиб, Аруэ”.

“Севгилим Олимпия! Сизни қалбимнинг ҳукмдори десам, балки ишонмасиз. Лекин доимо шундай бўлган ва шундай бўлади. Шўрлик ошигингизни ҳам онда-сонда эслаб туришингизни истардим. Лекин бу хотиралар гусса-қайғуга йўғрилган бўлишини сира хоҳламайман. Ўзингизни асранг. Саломатлигингиз ҳақида қайғуринг. Агар мени десангиз ҳамиша муносабатларимизни пинҳон тутинг. Айниқса, онангиздан. Илтимос, мактубимни ўқибоқ ёндириб ташланг. Тўғри,

ҳижрон азоби оғир. Лекин тез кунда кўришамиз, деб умид қиламан. Сизнинг гул чеҳрангиздан Париж янада нурафшон бўлиб кетишига шубҳам йўқ. Ўзимни бебахт қилиб бўлса-да, сизни бахтиёр кўрсам дейман. Хайр, париваш Олимпия.

Аруэ.

Ўзимни хавф-хатарга қўйиб бўлса-да Сизни кўриш бахтига сазовор бўлганимдан беҳад шодман. Илтимос, мен билан худди мактубларда битганингиздек, ғамгин оҳангда гаплашманг. Энг ашаддий душманингиз – онангиздан эҳтиёт бўлинг. Туйгуларингизни ҳеч кимга ошкор этманг. Тўлин ой чиққанида тайёр бўлиб турунг. Мен меҳмонхонадан чиқиб от-арава билан роп-па-роса тунги тўртда кўчангизнинг яқинида сизни кутаман. Мени чин дилдан севсангиз ўзингизнинг бутун шижоатингизни намоён этасиз, деган умиддаман. Ҳозирча хайр, Севгилим!

Аруэ”.

ГЁТЕ ОРЗУ ҚИЛГАН САНАМ

Жаҳон адабиётининг атоқли намояндалари сафида немис шоири Иоганн Вольфганг Гётенинг ўз ўрни ва такрорланмас овози бор. Унинг лирик шеърлари, драматик асарлари икки асрдан буён дунё ошиқлари кўнглига севгининг қувончлари-ю, ширин азоблари билан ҳаяжон солиб келяпти. Унинг ўтли сатрлари жунжиккан қалбларга олов сочади, мудроқ ҳисларни, туйгуларни жунбушга келтиради. Шоир асарларининг бунчалар латофати, қудратининг манбаи нимада? У ҳам муҳаббатга ташна, севгига қул бўлганмикин?

Гёте ўсмирлик чоғидаёқ, руҳонийнинг қизи гўзал Гретхенни севиб қолади. Барча расм-русумлар билан улар унаштирилиб қўйилади. Тўйга озгина вақт

қолганида Гёте илмий унвон билан тақдирланади. У бундай бахтга – кишлоқнинг обрўли, эътиборли кишиси бўлиб қолишга ўзини нолойиқ деб топади ва ҳаттоки қайлиғини ҳам ташлаб, шаҳарни шошилинич тарк этади.

У ўша 1772 йили Веймар шаҳрига келиб, адвокатга шогирд тушади. Бирок суд биносига қадам босмайди. Асосий вақтини “Немислар уйи” деб аталмиш бинода ўтказишга ҳаракат қилади. Чунки уни бу ерга элчихона котибининг қайлиғи Лотге Буфф ипсиз боғлаб қўяди. Шоир котиб билан яқин дўст, шунга карамай, унинг қайлиғига хуштор эди. Қиз ҳам бу кўркем йигитга кўнгли борлигини яширмасди. Дўсти Лотгега қилган хиёнатидан ўзини кечиролмаган Гёте дўстлари билан хайрлашмай кетиб қолади.

Гёте Франкфуртда яшар экан банкирнинг мафтункор қизи Лили Шёнеман билан танишади. У кечқурунлари ой ёғдусида қизнинг уйи атрофида кезар, унинг ҳеч бўлмаса қомати соясини кўришни орзу қиларди. Гёте худди шу дамларда севги ҳақидаги энг сара асарларини яратади. Шундай оқшомларнинг бирида Гёте ўзи ёзган шеърни Лили хиргойи қилиб юрганини эшитиб қолади. Шоирнинг қалби гурсиллаб уради, қувончдан ўзини йўқотиб қўйиш даражасига етади. *“Йўқ, бу ердан қочиш керак”, – ўйлайди шоир. – Кетиш керак*”. Гёте севгилисига висолига етай деганида бу шаҳарни ҳам тарк этади.

1775 йилнинг ноябрь ойида у Веймарга қайтиб келиб, 18 ёшли герцог Карл-Август хизматига киради. Гёте герцогликда биринчи вазир лавозимида ишлайди. Давлат ишлари билан бўлиб шоир ижод учун кўп вақт ажрата олмайди. Орадан ўн йилча вақт ўтгач, у Италияга қочиб кетади. Бу ерда унинг руҳи, дили озодликка чиқади. Италияда Христиана Вильпиус исмли оддий оиланинг фарзанди бўлган қизга кўнгли қўяди ва кейинчалик унга уйланади.

Гётенинг мудом севгига ташна қалбига 1821 йилда Чехословакиянинг курорт шаҳарларидан бири Мариенбодда яна бир мафтункор қиз ўт ташлайди. 17 ёшли санам Ульрика фон Левецов билан 73 ёшли шоир бир-бирини қаттиқ севиб қолади. Улар уч йил бир-бирларининг висолига интилиб яшайдилар.

Икки юрак ўртасидаги ёқилган муҳаббат олови кўпдан-кўп ғийбатлар, фиску-фасодлар ҳамда ғанимлар кўпайишига сабаб бўлади. Аммо ҳеч нарса уларни айира олмайди. Гёте умрининг шами сўнишига қарамай, қиз билан никоҳдан ўтишга интилади. Лекин унинг бу ҳаракатлари оила аъзоларининг каттик қаршилигига учрайди. Ульрика ҳажрида азобланган Гёте қалб қийноқларини шеърга кўчиради. У умрининг сўнгги йилларида севгилисига бағишлаб “Элегия” номли шеърлар туркумини ёзади.

Гёте аёлларни ўзига мафтун эта олар эди. Унга кўплар хуштор бўлган. Немис адибаси Беттина фон Арнит уни шу қадар севганки, ҳатто суюкли кишиси билан учрашиш учун Веймар шаҳрида эркаклар либосини кийиб, унинг хузурига борган. У шоирга бўлган муҳаббати тарихини “Гётенинг гўдак билан ёзишмалари” асарида ифодалаган. Хуллас, машҳур шоирнинг муҳаббатга тўла ҳаёти ана шундай олатасир кечди. Бироқ умрининг сўнгги дамларида ўзи орзу қилган санамни топди.

МУҲАББАТ УЧБУРЧАГИ

Одам бор экан, севган-севилган. Кўнгил бор экан, куйган. Одамлари бир-бирига зор дунё бу. Бас шундай экан, “муҳаббат учбурчаги” ҳам такрор-такрор тақдирларни синовидан ўтказаверади. Ўз санъатини намоён қилаверди.”Мен уни севаман, у эса уни, анави эса... мени севади” қабилида. Европалик адабиёт ихлосмандлари Стал хоним тахаллуси билан чиройли ва таъсирчан асарлар битган аёлни яхши танишади.

Стал хоним умри давомида муҳаббат туйғуларини пок-омон сақлаб ўтган ва умри давомида фақат бир одамни севган. Аслзодалардан бўлган таг-тугли хонадоннинг қизи ёшлигидан дунёга тийрак кўз билан қарашга ўрганади. Стал хоним 1766 йил Неккер исмли барон хонадонида туғилган бўлса-да, оддий одамлар турмушидан бохабар, энг муҳими меҳрибон эди. Иқтидорли ёзувчи аёл

Бенжамен Констан исмли кишига кўнгил беради. У билан ғойибдан сирлашар, бир неча лаҳзалик учрашувларда эса айтмоқчи бўлган барча дардларини ширингина табассуми ортига яширар эди. Балки шунинг учундир, Стал хоним каламига мансуб “Корина” романи эҳтиросли муҳаббат ва хижрон ҳақида.

Стал хоним 51 ёшида оламдан ўтган. Умрининг сўнгги дақиқаларигача Бенжамен Констанни севган, унга бўлган ихлосини йўқотмаган. Бенжамен Констан эса... Стал хонимнинг муҳаббатини билса ҳам унга бирор оғиз бу мавзуда гапирмаса ҳам, бошқа бир аёлнинг ишқида ўртаниб юрган.

Икки оғиз сўз Бенжамен Констан ҳақида. 1767 йилда туғилган Бенжамен сиёсий арбоб сифатида ном қозонган. У узоқ йиллар давомида Стал хоним билан дўстона алоқада бўлади. Лекин умрининг сўнгги ўн йилида Рекамье исмли аёлга бўлган муҳаббати туфайли унга қатор ишқий мактублар битган. Хуллас, Стал хоним ҳаётининг сўнгги кунларида ҳам Бенжамен хотираси билан яшади. Бенжамен Констан эса қўл етмас муҳаббати – Рекамье ишқида саргайди. *“Мен кимга зор, кимдир, қайдадир менга интизор”* деганлари шу бўлса керак-да?!

Стал хонимнинг Бенжамен Констанга мактуби.

“1813 йилнинг ноябрь ойи.

Лондон.

Йўқ, ростдан ҳам мен сизни унута олмайман. Дардимни, гам-гуссаларимни кўнгилхушликлар ила унутишим мумкин эди. Аммо ҳар гал ёлғиз қолсам, у қалбимда яна бош кўтаради. Абадий топталган бахт! Агар сиз бир умр дўстликни қўлидан бой бермайдиган садоқатли бир одам бўлганингизда эди, мен энг бахтиёр одам бўлиб жон берардим. Аммо афсус, бундай шарафга арзимаيمان. Сиз билан бир дақиқагина кўришганимда эди, барча туйғуларим каби сўнган ишончим қайта тирилармиди? Агар сиз менинг олдимга келишига қодир бўлмасангиз, ўзим ёнингизга борар эдим. Мен бунга қодирман... Шлегел орқали юборган хатингизни олдим. Уни вазирларга бериб қўйганман. Ушбу мактуб ҳам

сизнинг қўлингиз теккан барча нарса сингари гўзал ва ажойиб эди. Бу каби услуб бирор кишида яна учрашига шубҳа қиламан. Сиз каби ҳеч ким ўз фикрини дадил ва аниқ ёза олмайди. Сизнинг мартабангиз улуг бўларди, агар ўзингизга ва атрофдагиларингизга садоқатингиз йўқолмаганида.

... Сиз билан учрашгандан сўнг, Грецияга отланаман. “Ричард” номли шеърим эса мендан мерос қолади. Бенжамен, сиз мендан ҳаётни тортиб олдингиз! Сўнгги ўн йил давомида бирор кун йўқ эдики, сиз ҳақингизда ўйлама-сам, юрагим сиз дея урмаса. Мен қанчалар севар эдим. Келинг, шу гапларни қўяйлик – бу жуда оғир мен учун. Аммо ҳеч қачон сизни кечирмайман ва ҳеч қачон унутмайман...

Ҳаёт тупрогидан қаср қуриш машаққатли меҳнат. Фақат дардгина содиқ, вафоли. Менга мактуб битинг”.

Бенжаменнинг Рекамьега мактуби:

“1814 йил, 3 сентябрь.

Эрта оқшом, эрта оқшом. Бу кеча мен учун нимадир асли? У тонгги соат бешидан бошланади билсанг. Эрта менинг бугунимдир. Яратганга шукрки, кеча ўтиб кетган. Шундай қилиб, сизнинг эшигингиз тагида соат 9 00. даноқ туриб оламан. Менга сизни йўқ деб айтишади. Соат 10-11 лар оралигида ҳам сизни излаб бораман. Яна “йўқ” дейишса-чи?

Ҳали туйишим мумкин бўлган гам-ташвишларни сезиб, куйиниб юрибман. Ишончим комилки, сиз менга ишонмайсиз. Чунки мени яхши билмайсиз. Қалбимда сирли бир тор мавжуд. Унга тегиб кетсангизгина, асл қиёфамни билиб оласиз. Балки ҳали ҳам кеч бўлмагандир?

Ўз хаёлларимга эрк бермасликни истасамда, сиз ҳақингизда ва фақат сиз ҳақингизда ўйлашдан толмаяпман. Шу икки кун мобайнида сиздан бўлак ҳеч нарсани кўрганим йўқ. Сизнинг сеҳрингиз буткул қамал қилди мени шундан кўрққандим. Сизга мактуб бита туриб, ҳаво етишмай қоляпти. Эҳтиёт бўлинг, мени буткул бахтиқаро қилиб қўйишингиз мумкин. Сиёсат, жамият – ба-

*ри сароб бўлди. Балки сиз мени ақлан заифлашган дея ўйларсиз. Аммо ҳар сония қаршимда нигоҳингизни кўряпман, ўз-ўзимга сизнинг сўзларингизни так-
рорлайман. Танграм! Нақадар қаҳрингиз қаттиқ-а! Шунчалар дард чекканим
етар ахир! Аммо, севмоқ-куймоқ дегани. Севмоқ-яшамоқ ҳам демак. Мен эса
анчагача яшамаган эдим. Балки бу каби ҳеч қачон яшамагандирман. Яна бир
бор оқшом учрашгунча!”*

БАХТСИЗЛИККА АЛИШИЛГАН ҚАЛБ

*Ўзининг ишқий саргузаштлари билан хорижда жуда яхши таниш бўлган
граф Габриэл Мирабо 1749 йилда тугилган. Турмушининг носозликлари графни
ҳар хил одамлар, турли давралар билан тўқнашишга мажбур қилади. У ҳаётда
ўз ўрнини топишга интилиб яшайди ва доим ёлғиз унгагина аталган сирли
севгилисини топишга умидвор юради. Графнинг атрофида қанчадан-қанча
хурлиқолар бўлмаган дейсиз. Унинг изларини кўзга суртишга тайёр хонимлар
Мирабонинг бир оғиз ширин сўзига интиқликда яшаганлар. Аммо граф Габ-
риэл минглаб гўзаллар орасидан ўз маъсумасини қидиради. Топганида эса ...*

Топганида граф аллақачон уйланиб бўлган, кўнгил берган севиклиси
Софиянинг ҳам эри бор эди. Бир томонда оила, бир томонда севги. София ҳам
кўнглининг тожу сарварини Габриэлда кўрганди. Сабаби, 16 ёшга тўлиб
улгурмасдан гўзал қизни ота-онаси 70 ёшли қарияга турмушга узатишади. Бу
тенгсиз никоҳ Софиянинг очилиб улгурмаган орзулари устига қора кўланка
солиб турарди. Муҳаббат барча гап-сўзларни, миш-мишларни енгди. Граф
Габриэл Мирабо ва София Монье Голландияга қочиб кетишади. Аммо бало-
офатлар уларни ҳар қадамда синовдан ўтказар, севишганларнинг мўъжазгина
бахтларини қийноқларга соларди. Ниҳоят уларни ҳибсга олишди. Графни уч
ярим йил муддатга Венсен қалъасига қамаб қўйишди. София эса кўзи ёриган-

дан сўнг, монастирга йўл олди. Айрилиқдаги йиллар бошланди. Севишганлар фақат мактублар ёрдамида дийдорлашишар ва бир куни келажак дориломон кунларга умид қилиб яшашарди. Мактубларни эса полиция бошлиғи Лёнуар ташиб турган. Сиртдан баджаҳл, дийдаси каттиқ кўринган бу бошлиқ, асли ушбу ошиқ-маъшуқлар изтиробига шерик, шоирсифат бир одам эди. Муддат тугаб, граф тутқунликдан озод бўлади. Аммо севишганларга бирга бўлиш насиб этмаган экан. София қайта турмушга чиқади. Аввалги муҳаббати қалбини буткул банд этган, энди унга иккинчи бир киши кириши мушкуллигини англаган София сўнгги йўлни танлайди. 1789 йил у ўз жонига қасд қилади.

Мирабо ўз севгилисини яна узоқ-узоқлардан излайди. Афсуски, унинг интилгани аллақачон кўкга парвоз қилганди. Мирабонинг қамоқхонадан ёрига ёзган мактублари эса то ҳануз қўлма-қўл. Улардан эҳтиросли илоҳий ишқнинг иси келади. Уларда ёшлик, шижоат ва сеҳр бор.

* * *

Ла-Брюйер: “Инсон севган кишилари орасидагина ўзида қониқиш ҳис қилади. Яқинларимиз билан суҳбат қураимизми, йўқми улар тўғрисида ўйлаймизми ёки ўзга ишлар хусусида – буларнинг бари муҳим эмас. Муҳими, севганларинг ёнида бўлиш!”

Нақадар тўғри бу гаплар, дўстим! Ва биз бунга кўникиб ҳам тўғри қилганмиз. Афсус ... мана уч ой бўлдики сендан йироқдаман, уч ойдирки сен меники эмассан ва менинг оддийгина бахтим бахтсизликка алишилган. Шундай бўлса-да, тонгда туриб сени излайман, ўзимнинг ярмимни – бу ҳақиқат. Кунига йигирма марта ўз-ўзимдан сени қайдалигингни сўрайман. Тунда уйқуга кетишим олдидан сен учун ҳам тўшақдан жой қолдираман. Деворга қапишиб олиб, сенга жой ажратаман. Ҳаракатларим беихтиёр, ўз-ўзидан содир бўлади. Чунки мен шунга кўникканман. Одамзот бахтга тез кўникиб кетар экан. Афсус! Уни фақат йўқотгандагина тушуниб етар экансан. Бир-биримизга

нақадар кераклигимизни ҳам ажралишиганимиздан сўнггина англаб етдик, тўғрими? Кўз ёшларимизнинг манбаи тугаб битмаган, қадрли Софиям. Қалбларимизда муҳаббат мангу, шунинг учун ҳам кўз ёшларимиз абадий. Буюк айрилиқ, ғаму кулфатни кучли ирода ва ақл билан енгиб бўлади дейишади. Майли, деяверишсин. Бу гапларни оғиз ва беўйларгина айтади. Ҳеч қачон ўрганиб бўлмайдиган, ўрни тўлмайдиган айрилиқлар бор. Бахт муҳаббатда топилмаса, уни ҳижронда топишади. Сени ҳеч ким менчалик севмайди. Юрагимда шунчалар куч-қувват борки, у бирор-бир ўзгада йўқ. Ва ҳеч бир ошиқ менчалик маъшуқаси олдида қарздор эмас.

Мен жуда кўп аёлларни билганман, анча-мунчасига ошиқ ҳам бўлганман. Лекин... лекин сен ҳуркак оҳу сингари тажрибасиз эдинг. Шунинг билан мени ром этганмисан, билолмадим”.

Менинг ёлғиз, менинг севимли ёрим! Сенинг мактубларингни кўз ёшларим билан ювдим, ўпичларим билан алқадим. Менинг Софиям, ўзинг, соғлигинг ҳақида бир оғиз гапирмабсан! Дардларинг ичида мактуб битибсан. Аҳволинг қалай, жоним? Ўзимни қўйрга жой топа олмаяпман, София. Бундай хушхабардан сўнг ҳуснихатим ҳам ўзгариб кетди. Моҳим, мендан ранжима.

Жоним, азизам, сен – онасан! Боламиз сенинг ғам-қайғуларингни аритсин. Ота – нақадар таъсирли жаранглайди бу сўз-а! Сен руҳий тинчликка муҳтожсан, жоним. Илтимос ўзингни авайла, эҳтиёт қил, ўзингни бахтли кунлар учун асра. Қизимнинг қиёфасини менга ўхшашини ёзибсан, лекин унинг қалби сеникидай бўлсин. Узун мактуб битиб сени толиқтиргим, келмаяпти. Бунга имконият ҳам йўқ. Сенинг соғлигингдан, юрагингдан ташвишдаман. Сенга тиз чўкиб илтимос қиламан София, ўзингни асра! Соғ бўл! Алвидо менинг қувончим, алвидо, менинг ҳаётим!”

УЧ ОПА-СИНГИЛГА ОШИҚ АДИБ

Маишхур англиз ёзувчиси “Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари” ва бошқа кўплаб асарлар муаллифи Чарльз Диккенс ҳаётида севилган аёллар кўп бўлган. Бироқ шундай бўлса-да, ёзувчининг Жорж Хогарднинг оиласига бўлган муносабати эса жуда чигалдир, ҳаттоки унинг ўзи ҳам Хогард қизларидан қайси бирини кўпроқ севишини аниқ айтиб беролмаган. Диккенснинг бу оила билан ҳаёт тақдири боғланиб қолади.

... Ёш ёзувчи бу оила билан танишганда ҳали унчалик довруғ қозонмаганди. Оила бошлиғи Жоржнинг адабиётга иштиёқи ниҳоятда баланд бўлиб, у “Ивнинг Кроникл” номли газетанинг муҳаррири эди. Унинг самимий муносабати туфайли Чарльз фақат таҳририятгагина эмас, Хогарднинг Чилсидаги уйига ҳам тез-тез бориб турарди. Жорж Хогарднинг уч нафар қизи бўлиб улар бир-биридан гўзал, латофатли эдилар. Аммо Чарльз улар ичида Жоржнинг кенжа касалманд қизи Мэрини севиб қолади. Бироқ унинг опаси Кэтга уйланишга мажбур бўлади. Тақдир деб шунга айтсалар керакда. Мэри орадан кўп вақт айнаи балоғат ёшига яъни, 18 ёшга тўлганда вафот этади. Чарльз эса эндигина жони узилган қайнсинглиси кўлидаги узукни ечиб, ўзининг бармоғига тақиб олади. Ёзувчи шу бўйи бу узукни умрининг охиригача ечмайди. Хўш, шундай экан, адиб нега Кэтга уйландийкин деган савол туғилади?

Бу ҳақда аниқ маълумотлар йўқ бўлса-да, аммо ўша пайтда битилган мактублар бирмунча аниқлик беради. Мэри опасининг тўйидан сўнг, уларнинг Роут Стритдаги янги уйларига кўчиб ўтишга ҳаракат қилган. Бу қиз ҳам ёзувчини ёқтирган бўлиши табиий. Ўз навбатида унинг бу уйга кўчиб келишини Чарльз ҳам жуда-жуда истаган.

Кэт эри билан шўрлик синглиси Мэри ўртасида муҳаббат ришталари борлигини сезган бўлса-да, негадир синглисининг буларнинг уйига кўчиб келишига ҳеч қандай монелик қилмайди. Аксинча, унга ёрдам беради. Ёзувчи бу лобар қизга атаб жуда гўзал сатрлар битиб хотинига ўқиб берар, Кэт эса бундан жаҳл ёки рашк қилмасдан диққат билан тингларди. Балки Кэт ўша пайтда синглисининг оғир хасталигини эътиборга олгандир? Ёки бошқа бирор сабаб бўлгандир. Бу эса жумбоқлигича қолган.

Мэрининг ёш бўла туриб ўлиши ёзувчи Чарльзга қаттиқ таъсир қилади. У бу оғир дардни ичида сақлаб қололмайди. Адиб шундай ёзганди: *“Мэри уйимизнинг гули эди. Биз у билан бахтли эдик. Ҳаётда бирорта тирик жонни бунчалик севмагандим. Дунёда энг азиз нарсани йўқотгандайман. Унга бўлган меҳримни сўз билан таърифлашим қийин”*.

Кэт бу сўзларни ўқиган бўлиши табиий. Ўқимаганда ҳам у эрининг бармоғидаги узукни доимо кўриб турган-ку! Мэрининг қабр тоши устидаги битик ҳам Чарльзники.

Орадан бир неча йиллар ўтгандан сўнг Чарльз қайнонасига Мэрига бўлган муносабатини билдирган хатни узатаётиб: *“Уни унутишга ҳаракат қилдим. Лекин ҳеч унутолмадим”*, дейди. Кетма-кет фарзандлар дунёга кела бошлагач, Кэт болалар тарбияси билан машғул бўлади. Энди уларнинг уйига синглиси Жоржина кўчиб келади. У турмушга чиқишдан воз кечгани учун ҳам опасининг уйида яшашни бошлайди ва жиянларини тарбиялашда унга ёрдамлашади.

Ёзувчининг рафиқаси билан оилавий муносабатини замондошлари ҳар хил таърифлашади. Диккенс омма ўртасида катта обрў-эътибори эга эди. Айтишларича, Чарльз билан учрашув уюштирилса залга одам сиғмас экан. Америкада у иштирок этиши муқаррар бўлган кечаларга патта топиш учун ҳатто аёздаям одамлар касса олдида тонг оттиришаркан. Шунчалик унинг ишқибозлари кўп эди.

Душманлари унга бўхтон қилишиб, хотинига бевафо деган ёлғонни тарқатишди. Устига-устак ёзувчининг аёллардан танишлари кўп эди ва табиийки улардан кўплаб мактублар олган. Кунлардан бирида ана шундай мактублардан бири Кэтнинг кўлига тушиб қолади. Шу сабаб бўлиб ўртада жанжал бошланади. Алал-оқибат шу баҳонайи сабаб адиб оиласи билан ажрашади. Болаларга қараш баҳонасида Жоржина собиқ поччаси билан унинг уйида қолади. Кэт синглиси билан Чарльз вафот этгунга қадар гаплашмайди. Чарльз кундалигининг сўнгги варақларига вафот этишидан бир неча кун аввал қайнсинглиси Жоржина ҳақида: *“Болалар уни – холасини жуда севишарди. У мен учун ҳам бебаҳо эди”*, деб ёзади.

Жоржина ўз севгиси ва бутун ҳаётини Диккенслар оиласига бағишлаб, турмуш қурмайди. Чарльз унинг кўлида вафот этади. Адиб барча бойликларини Жоржинага қолдирди. Шундай қилиб, ҳар учала Хогардлар ўз тақдирини Диккенс билан боғлашди. Чарльз Диккенс ҳаётида уч опа-сингилдан қайси бирини кўпроқ севган?! Бу жумбоқ орадан бир неча асрлар ўтса ҳамки, ҳамон ечилгани йўқ. Вафотидан кейин адибнинг қизи шундай ёзганди: *“Нима бўлганда ҳам, у барибир аёл зотини тушунмади”*.

БЕТХОВЕННИ ЙИҒЛАТГАН САНАМЛАР

Камбагал оилада дунёга келган Людвик ван Бетховен замондошларининг хотирлашларича ўрта бўйли, бақувват гавдали, кенг юзлари қип-қизил, қулоғи оғирроқ бир киши эди. У ўзининг гаранглигидан айниқса кўп азият чеккан. Шунга қарамай, Людвик ўта нозиктаъб, назокатли инсон эди. Севгини муқаддас санарди. Бастакорнинг яқин дўстларидан бири Шиндлер “Бетховен бутун умр бокира ҳислар оғушида яшаб ўтди. Севги лаззатлари унга армон бўлиб қолди”, деб ёзганди.

Ҳа, у доимо севгига ташна, унга сиғиниб яшайдиганлар тоифасидан эди. Гўзаллик олдида тиз чўкадиган бастакор қалбида бир неча севги ғунча тугди. Аммо ҳар гал очилмасданоқ сўлди. Унинг ҳаётида из қолдирган, телбаларча севган санамлари ҳар гал ундан юз ўгирганида Людвик дил қийноқларидан эзилар, хижрон юракларини тилка-тилка қилиб азобларди.

Ўттиз бир ёшида анча танилиб қолган бастакор Жульетта Гвиччарди исмли қизга кўнгил берди. Муҳаббати меваси сифатида унинг машҳур “Ойдинликда” сонатаси ва кўплаб бошқа асарлари дунёга келди. *“Менга яшаш бунчалар завқ-шавқ бағишламаган эди, – деган эди у дўсти Вегелерга. – Одамларга қўшилиб қолдим. Ҳаётимдаги бу ўзгаришлар... фақат гўзал суюқлигим шарофатидандир. Мен уни жонимдан ортиқ кўраман, у ҳам мени севади. Сўнгги йилларда ҳеч қачон ўзимни шунчалик бахтли сезмаган эдим!..”*

Бироқ Бетховен севгилисига етиша олмади. Жульетта серхархаша, тантиқ, манмансираган эди. Қиз бастакорнинг камбағал оиладан эканлигини, қулоғи оғирлигини юзига солди. Орадан кўп ўтмай, таннозхоним граф Галленбергга эрга тегди. Бу воқеа Бетховен қалбини ларзага келтирди. Ўз ҳаётини жар ёқасида кўрган ижодкор ҳаётдан умидини узиб, укаларига васи-ятнома ҳам қолдирди. Аммо бақувват вужуди, метин иродаси севги бобидаги омадсизликни енга олди. У ўзининг шахсий ҳаётини ижодга бағишлади...

Орадан йиллар ўтди. Бетховен 1806 йилда илгариги таниши Тереза фон Брунсвик билан учрашади. Тереза бастакорни болалик чоғларидан, ундан фортепьянодан машғулот олган давридан бери севарди. Бетховен қизнинг акаси граф Францнинг дўсти эди.

Людвик Терезага кўнгил қўйди. Бу даврда бастакор ижоди айниқса гуллаб-яшнади. У машҳур тўртинчи симфониясини ёзиб тугатди. Бет-

ховеннинг ҳаётга муҳаббати ортди, у яна хушчақчақ, кувноқ, одамларга меҳрибон бўлиб қолди.

Бироқ ҳозиргача сирли бўлиб қолган сабабларга кўра, бу севги ҳам бахтсизлик билан тугади. Улар бирга бўла олмадилар. Тереза бастакорни умрининг охиригача унутмади, унинг ўлмас куйлари ҳаёли билан яшади.

Тереза Людвиikka портретини тақдим этар экан, хошиясига *“Ноёб даҳо, буюк санъаткор, меҳрибон инсонга”*, деб ёзиб қўйган эди. Бетховен суратни ҳаётининг сўнгги кунларигача ёнида олиб юрди. Бастакор умрининг охириги йилларида унинг дўстларидан бири Людвикини ғалати ҳолатда кўрди. У йиғлар, қўлидаги суратни гоҳ ўпар, гоҳ силаб-сийпалар ва бир сўзни так-рорларди: *“Сен ҳаётимсан. Бу дунёда сенсиз менга ҳаёт йўқ!..”*

Бастакорнинг қўлидаги Терезанинг сурати эди...

БАЛЬЗАКНИ БОЙЛАГАН БИР ТОЛА СОЧ

“Сизни соғинаман, ҳар кун, ҳар соатда. Шу сабаб Сизни учратганимдан, суратингизни қалбимга муҳрлаганимдан буён портретингизни сўраб олмоқчи эдим. Аммо бунга журъат қилмадим. Ўзингизни ҳақоратланган сезиб, мендан ранжиб қолишингиздан қўрқдим”. Буюк француз адиби, юзлаб ишқий асарлар муаллифи Онорэ де Бальзак суюклисига ушбу мактубни қирқ ёшларга бориб қолганда битганди. У адабиёт осмонидаги порлоқ юлдузлардан бири эди.

Ўртаҳол оилада туғилган Бальзакнинг ҳаёти машаққатли меҳнат ва муҳтожликда ўтди. Шоирликни ҳавас қилган Онорэнинг илк шеърый драмасини ўқиган ота-онаси ундан шоир чиқмаслигини ва бу ишни йиғишти-ришни айтишади. Сўнг у матбаа соҳасига ўзини уради. Бу гал ҳам иши юриш-

майди. Ноилож қолган Онорэ ёзувчиликда бахтини синайди. 1829 йилда дастлабки романи босилгач, у ҳаётини адабиётга бахшида этди.

Адиб ўттиз тўрт ёшида поляк аслзодаларидан бўлган Ева Ганская хоним билан хат орқали танишиб қолади. Улар узоқ йиллар бир-бирларига мактуб ёзиб юришади. Ниҳоят, кутилган висол дамлари орадан етти йил ўтгач, Петербургда содир бўлди. Нева дарёси соҳилларида соатлаб ўтказилган суҳбатлар, ойдин тунлардаги дил изҳорлари пировардида улар бир-бирларисиз яшай олмасликларини англаб етишларига сабаб бўлади. Бирок Ганская хонимнинг бошида эри бор эди. Шу боис икки қалб бир-бирига талпинган ҳолда бошқа-бошқа шаҳарларда ҳижронда яшайди. Улар фақат мактублар орқалигина дийдорлашар эдилар. Орадан ўн йил ўтади. Ўн йил! Бу узун ҳижрон йиллари улар муҳаббатининг қаддини эгмайди, эскиртирмайди. Аксинча, у янада мустаҳкамланади, чиниқади.

1850 йилда адиб эллик ёшга тўлган вақтда Ганская хонимнинг эри вафот этади. Шундан сўнг улар Бердичев шаҳрида қонуний никоҳдан ўтадилар. Ниҳоят, севишганлар ўз бахтлари оғушида яшай бошлайди. Лекин севги қудратининг бу тантанаси, бу лаззатли онлар, эҳтирослар афсуски, узоққа чўзилмайди. Эртадан кечгача қилинган тинимсиз меҳнат, оғир ҳаёт адибнинг бақувват қаддини эгиб қўйган эди. Бальзак ва Ганская хоним турмуш қурганларидан сўнг бир неча ой ўтгач, адиб ҳаётдан кўз юмади.

Онорэ де Бальзак буюк адиб, эҳтиросли қалб соҳиби эди. У бутун умр Ганскаяни худди ёш йигитлардек севди. Унинг висолига талпинди. Буни адибнинг Ганская хонимга ёзган мактублари ҳам исботлайди:

“Кеча оқшом хатларингизни қайта-қайта ўқир эканман, фақат Сизгина мени тушунасиз, ҳаётимни англай оласиз, деган фикрга келдим.

Сиз сочимни толасини жўнатишимни сўрабсиз. Ҳозир уни ўстиряпман. Баъзилар нега ундай қияпсан, деб мендан қулишмоқда. Соч ўссин, сўнг жўнатаман. Ундан Сиз билагузук ёки занжир ясаб олишингизни хоҳлайман.

...Эсингиздами, Сизга агар мени йигирма етти ёшли аёл севиб қолса ўзимни энг бахтиёр инсон деб ҳисоблар эдим, дегандим. Уни ёшимиздаги тафовутлар оқибатида юз бериши мумкин бўлган ҳижронлардан, машаққатлардан қўрқмай худди ёш болалардай севган бўлардим. Сиз – фариштагинам, бу орзуларимни рўёбга чиқаргайсиз...

Париж. 1833 йил, 9 сентябрь”.

“Уйга келсам сендан мактуб келибди. О, қалбим, мен бундан жуда ҳам хурсанд бўлдим.

Сен қаҳрлигимсан! Сен менинг ҳақимда ёмон фикрларга борасан. Портретингни бўйнимга осиб юриш учун сочинг толасидан занжир тўқиб олишга етарлигини сўраган эдим, холос.

Сурагини ишлатмоқчи бўлсанг, кичикроқ қилиб тайёрлатгин. Назаримда, Женевада яхши рассомлар бор. Улар уни юпқа медальонга жойлаштириб беришсин...

Азизам, севимли Момо Ҳавойим, сен туфайли ҳаётимда янги саҳифа очилди. Ниҳоят, баданларимиз ҳам қалбларимиз каби бирлашиди ...

Сен ўтган якшанба куни тил билан эмас, балки фақат нигоҳим билан айта олишим мумкин бўлган сўзларни айтишимни хоҳладинг. Мен эса фикрларимни қалбимдан қалбинга етказишни истардим, холос...

Париж. 1833 йил, 6 октябрь”.

МУСИҚА УЧРАШТИРГАН ҚАЛБЛАР

Графиня қаришисида турган ўн етти ёшлардаги, қотмадан келган камтарона кийинган, аммо шу кунларда бутун Париж аслзодалари ноёб қо-

билиятли бастакор, пианиночи дея алқаётган йигитга яна бир бор синовчан тикилди, сўнг кумуш қўнғироқчасини қоқди. Хонага кириб келган хизматкорга қизини чақиришни буюрди. Эшик очилиб, хонага яноғида кулдиргичи бор, нафис қоматли, болаларча безубор кўзлари чарақлаб боққан қиз кириб келди.

–Бу ўша!

Ференцнинг хаёлидан шу фикр ўтди. У йигитлик қони жўш ура бошлаган кейинги йилларда ўз орзуидаги қиз тимсолини хаёлида шакллантирган, у худди тонг юлдузи каби нафис, кўркем, нигоҳлари масъума бўлишини орзу қилган эди. Ўз хаёлидагидек гўзал унинг рўпарасида пайдо бўлгач, у тақдирнинг бу илтифотидан лол қолди.

Каролина Ференцдан мусикадан сабоқ ола бошлади. Йигит ҳар сафар машғулотларга қизғин тараддуд кўрар, ҳар гал қизга нимадир ўргатишга интиларди. Ўша даврдаги русумга кўра бойвучча қизга дарс бериш вақтида унинг онаси ҳам машғулотда қатнашар, устоз ва шогирд муносабатларини назорат қилиб борарди. Кунлар ўтган сайин қизи ва Ференц ўртасида муҳаббат пайдо бўлаётганини сезган графиня хурсанд бўлди. У оғир хасталикка чалингач ўлими олдида Каролина ва Ференц Лист ўртасидаги муҳаббатга қаршилик қилмаслик тўғрисида эрининг ваъдасини олди.

Қиз ва йигитнинг ишқий муносабатлари борган сари мустаҳкамланарди. Каролина энди унга мусиқа ўқитувчиси сифатидагина эмас, балки дунёдаги яккаю ёлғиз ишонган кишиси – маҳбуби сифатида муносабатда бўларди. Улар бир-бирларига узук тақдим этишди. Унга “Орзиқиб кутмоқдаман” сўзлари битилган эди.

Энди икки ёш доимо бирга, севишганлар учун вақт жуда тез ўтар, висолга ҳеч тўйишмас, Ференц фақат ярим тундагина қасрни тарк этарди.

Вазиргина эмас, тадбиркор ҳам бўлган граф Сен-Крикнинг бойлиги жуда кўп, аммо уни янада кўпайтириш ташвишида эди. Бунга эришишнинг осон йўлларида бири гўзал қизини бойроқ одамга турмушга узатиш деб ўйларди. У де Артико исмли кекса графни биларди. Граф уч йил муқаддам Каролинани кўриб ёқтириб қолган, Сен-Крик ҳам қизини кекса бўлса-да, бой бадавлат де Артикога узатишдан манфаатдор эди. Шу туфайли у Ференцни ҳузурига чорлаб, Каролина ўқишни битиргани, энди унинг хизматига муҳтож эмаслигини билдирди. Гап орасида Каролина тез орада турмушга чиқишини ҳам айтиб ўтди. Бу шум хабардан Ференц ҳушини йўқотиб қўйди. Каролина билан учрашмоқчи эканлигини билдирганда, граф унга кинояли тикилиб:

– Бугун тунда у қишлоққа кўчиб кетди, – деди.

– Ахир бир-биримизни севамиз-ку? – тили танглайига ёпишиб қолгандай зўрға пичирлади Ференц.

– Сиз ҳали ёш боласиз, – жавоб берди граф. – Биз қуйи табақа одамларининг иқтидорини қадрлаймиз. Марҳума хотиним сизни беҳад ҳурмат қиларди. Аммо сиз бизнинг тенгимиз эмассиз.

Ференц Лист муваффақиятсиз севгидан сўнг анча қийналди. Черковга бориб, роҳиб бўлишга ҳам қарор қилди. Ференц тушкун кайфиятда юрган бир вақтда матбуотда ёш бўлса-да, ноёб қобилияти билан бутун Парижни забт этган навқирон Ф. Лист вафот этгани ҳақида таъзия босилди. Душманнинг қилган бу найранги аксинча унинг ҳаётга муҳаббатини оширди. Ференц дўстлари, устозларининг ёрдами ва кўмагида ижодга қайтди...

У ҳар доим Каролинани соғинар, аммо ундан бирорта ҳам хабар йўқ эди. Кунларнинг бирида Ференц баҳона ишлатиб, Каролина яшаган қасрга кирди. У билан бирга юрган йўллар, мусиқа дарси ўтган хоналарида узок ивирсиб юрди.

Орадан бир неча йиллар ўтиб Ференц Лист буюк бастакор сифатида дунёга танилди. Гўзал қиз Мари д'Агуни ёқтириб, унга уйланди. Фарзандлар кўрди. Лола Мантез исмли аёл билан эҳтиросли кунлар ва ойларни ўтказди... Аммо у ҳеч қачон Каролинани — биринчи, аммо бахтсизлик билан яқунланган муҳаббати, маҳбубасини унутмади. Ўзи яратган асарларининг барчасини унга бағишлади.

Ҳаёт, машҳурлик Ференц Листга жуда кўп гўзалларни тухфа этди. Лекин уларнинг ҳеч қайсиси унинг назарида Каролина каби беқиёс гўзалликка, ўзликдан кечиб севишга арзимас, арзий олмасди.

КУЗНИНГ СЎНГГИ ГУЛИ

Жаҳон адабиётида дурдона асарлари билан ўз муносиб ўрнига эга бўлган Генрих Гейне қисқа умри давомида жуда кўп машаққатларга дуч келди. Унинг эркак даъват этувчи асарлари ўша давр ҳукмдорларига манзур бўлмагач, қувғинга учраган Гейне умрининг сўнгги йигирма беш йилини Парижда, гурбатда ўтказди. Шоир асарларининг асосий қисмини баҳор ва ёшлик, севги ва садоқат, гул ва булбул, осмон ва денгиз каби мавзулар ташиқил этади.

Гейне биринчи муҳаббати — бадавлат амакисининг қизи Амалия васлига етиша олмаган. Шу боис умрининг дастлабки давридаги кўп шеърлари Амалияга бағишланган бўлиб, уларда армону хижронлар, фироқлар қийноғи куйланади.

Мени сева олмадинг ҳайҳот!

Бунинг учун чекмайман фигон.

Рухсорингга боққаним заҳот

Топгандайман тенгсиз армузон.

*Дудогингда майли ҳар лаҳза
Менга ҳасад –рашк ўти ёнсин.
Фақат ундан олайин бўса
Ва дилгинам жиндай юпансин.*

Генрих Гейне эллик ёшида бедаво дардга дучор бўлди. Оғир фалаж хасталиги шоирни саккиз йил тўшакка михлаб қўйди. Аммо руҳан тетик Генрих ҳаётни севарди. У касаллигига қарамай, тинимсиз ижод қилар, асарларини тўплаб китоб ҳолида нашр эттирарди.

Ҳа, у гўзалликни, нафосатни севарди, шунинг учун яшагиси келарди. Ундаги ҳаётга муҳаббатнинг манбаи шоир қалбидаги севгида эди. Бемор Гейне Камилла Селден исмли ўзидан жуда ҳам ёш қизни севиб қолди. Гейне сўнгги бор муҳаббат арши аълосида юрган дамларида шундай сатрларни битган эди:

*Кимки севса биринчи дафъа,
Парвардигор эрур бегумон.
Кимки севса иккинчи дафъа,
У шубҳасиз ноумид, нодон.*

СЕВГИДАН ЎЗИМНИ ТЎХТАТА ОЛМАЙМАН

Лорд Байроннинг бетакрор асарлари замирида буюк ва сирли муҳаббат ётади. Ҳаётда ҳам Байрон севги ва ҳижрон ўтида куйган. Буни унинг мактубларидан ҳам билиб олиш мумкин. Мактублар – кўнгил ойнаси. Мильбэнк хонимга битган мактубида у севгилиси ва бўлажак рафиқасига муҳаббат

изҳор қилмаган. Худди дўсти, маслаҳатдоши билан дардлашгандек бўларди. Бу эса келажакда оилавий низоларнинг келиб чиқиши табиийлигидан дарак берар эди, гўё. Чунки орадан бир йил ўтмай, Августа Лейг сабаб бўлиб улар ажрашиб кетишади. Августа Мильбэнк хонимнинг қариндоши эди...

1818 йили Байрон гўзал ва ёш графиня Тереза Гвиччиолига кўнгил қўяди. Яқингинада 60 ёшли бойваччага турмушга чиққан графиня эридан ажрашиб, Байрон билан 1823 йили – у Грецияга кетгунига қадар яшайди. Ана шу фурсат ичида Байроннинг жаҳон адабиёти майдонида катта эътиборга сазовор бўлган энг залворли ва гўзал асарлари яратилган. Қуйида унинг севги мактубларидан парчаларни ўқийсиз.

“Мильбэнк хонимга!

... Сиз билан самимий дўстлигимиз ҳаққи-ҳурмати очиқчасига ёзишим, ҳеч нимани яширмаслигим лозим. Қалбимга меҳмон бўлган бу туйғу менга сира-сира бўйсунмайди. Сизни севмай туришим мумкинмикан? Йўқ, мен сизни таъқиб қилмайман. Мендан холисиз. Аммо сизга бефарқ эмаслигимни яшира олмайман. Бундан мендан талаб қилманг.

Тўғри, менингдек бир бахти қарога мактуб битишингиз мушкул вазифа. Хат ёзишингизни талаб ҳам қила олмайман. Ушбу хатимда асли ёзмақчи бўлмаганларимни битдим. Айтмоқчи бўлганларимни эса айтолмадим. Бўлди. Кучим имзо чекишга етади, холос.

Сизнинг содиқ хизматкорингиз Байрон”.

Августа Лейгга мактубдан:

“... Ҳа, жоним, кўлда мен хавф-хатарга дуч келдим. Бу билан мақтанмоқчи эмасману, аммо гап севиклилар ҳақида кетса, ишон, худо гувоҳ, унақасидан менда битта бўлган. Жаҳлинг чиқмасин, мен нима қила олардим, ахир? Ақлсиз

қизча у. Қайга қарама менинг атрофимда гирдикапалак бўлиб қолди. Ундан кейин қолишга ҳаракат қилсам-да, йўлимдан чиқиб келарди. Уни уйига кузатиб қўйиш мендан катта куч талаб қилди. Ва ниҳоят у кетди. Севгилим, сенга сўз бераман, у билан орамизда ҳеч гап йўқ. Қўлимдан келганича орада масофа сақлашга ҳаракат қилдим. Мен уни севмаганман, ваъда ҳам бермаганман. Аммо мени деб саккиз мил юриб келган аёлнинг кўкрагидан қандай итарай?

Мана энди нимани билсам Сен ҳаммасидан хабардорсан, менга мактуб ёз, илтимос. Сўнгги мактубингни тўрт-беш ҳафта олдин олган эдим. Кўчага ҳам кам чиқяпман ҳозир, тоза ҳаводан нафас олгим келиб қолсагина кўл бўйлаб саёҳат қиламан... Мени деб одамлар бир-бирларини юлишгача боришяпти.

Худо мени шундай яратган экан...

Қайғурма жоним, ишон, сени умрбод севаман.

Сенинг Байронинг”.

Мана бу мактубни эса Байрон графиня Тереза Гвиччиоли китобчасининг сўнгги варағига ёзиб қўйган экан.

“Азизам Тереза!

Ушбу китобингни сенинг боғингда мутолаа қилдим. Ёнимда сен йўқ эдинг, бўлганингда китоб ўқирмидим... Қўлимда сенинг севимли китобинг, у севгилимнинг азиз китобига айланган. Ундан сенинг исинг келади. Ва у ёлғиз сенигина эслатади, жоним. Барча тилда севги бир хил жаранглайди. Унда менинг борлигим, бугуним ва эртам мужассам. Мен фақат биргина муҳаббат учун яралганман. Буни ҳис қилишдан хурсандман. Ва мана шу хавотирдаман. Менинг тақдирим сенинг қўлингда. 17 ёшли хоним, сен икки йил аввалгина монастырдан чиққансан. Аммо мен чин кўнгилдан ўша ерда қолишингни ёки бўлмаса турмушга чиққан аёл сифатида сени билмасликни истайсан.

Аммо бари жуда кеч содир бўлди. Мен сени севаман. Сен эса мени. Ҳар қалай ўзинг шундай дейсан, севгандай қилиб кўрсатасан балки. Мен-чи, севибгина қолмай, севгидан ўзимни тўхтата олмаяпман, ҳатто.

Илтимос, Альп тоғлари ва океанлар орамизни узганда, баъзан-баъзан сен ҳам мени эслаб қўй. Лекин шуни билки, улар бизни фақат сен хоҳлагандагина ажратишлари мумкин.

Болонья. Илҳом парисини аёл қиёфасида тасвирлаган рассомлар ҳақ эканлигига ушбу мактубларни ўқиган ҳар қандай одам иқрор бўлади. Чунки Байрон ҳам ана шу соҳибжамоллар ишқи, ҳижронида куйиб шоҳ асарлар яратганди.

25 август, 1819 йил, Байрон”.

ЭНГ ЭЪЗОЗЛИ ТУЙҒУ

“Ерни тирик тутган ошиқлар” дардидан французларнинг таниқли адиби Гюстав Флобер ҳам бенасиб қолмаганди. Флобер 1821 йилда туғилган. У табиатан одамови, ўз ўй-хаёллари билан юрадиган одам эди. Давраларнинг тўри уники бўлса-да, огир-босиқлиги, сермулоҳазалиги учун кўпинча бўлмагур сафсаталардан кўра сукут сақлашни лозим кўрарди. Унинг учун санъат ва ижоддан бошқа ҳеч нарса қизиқ бўлмаган. Бироқ у муҳаббат дардига мубтало бўлганида барчаси ўзгариб кетди...

Айтишларича, Гюстав Флобер Луиза Коле исмли адибага ошиқ бўлган. Уларнинг муносабатлари саккиз йилча давом этган. Аммо бизгача етиб келган Флобер қаламига мансуб мактубларда маъшуканинг исми ёзилмаган. Бу ҳақиқат эса мактублар Луизага аталганлигига шубҳа уйғотади. Лекин нима бўлганда ҳам кўнглида бир оз чўғи бор, муҳаббатни ардоқлаган, гўзал туйғуси

бўлган инсонгина авлодларга етук ишқий романлар қолдириши ва куйидагидек ширали мактублар битиши мумкин.

Флобернинг номаълум хонимга мактуби:

“ 7 август, 1846 йил.

Бир-биримизга муҳаббат изҳор қилганимиздан сўнг сени бир савол қийнаётган бўлиши табиий: нега энди мен бир умрлик ошиқлик ҳақида гапирмадим. “Бир умрлик!” Чунки мен ҳаётни олдиндан кўра биламан, бундан ташқари қарама-қаршиликка ҳам ўч одамман. Қачонки, гўдакка нигоҳим тушса, кексалик ҳақида ўйлайман, агар бешикка қарасам, тобут ҳаёлимга келади. Қачонки назарим аёл кишига тушса, унинг руҳи-жисми гавдаланади. Қувонч қайғудек таъсир этади, ғам-ғусса эса мендан йироқ. Ҳаёт ташвишлари эса мени қайғуга сололмайди. Оилам бўлган пайтлар, уни бўлмаслигини истар эдим; чунки эркинлик туйиб, истаган маҳалим Хитойгами ёки бирор бир ёввойилар даврасига боришим мумкин эди. Энди эса, оилам барбод бўлганидан сўнг, уни қўмсаяпман. Деворларни тирнаб, ундан қолган элас-элас сояларни ардоқламоқчи бўлаяпман. Мана бугун юрагимда муҳаббат эҳтироси сўнганидан сўнг, нақадар мени севишингни ҳис қиляпман. Агар менинг қанақалигимни билганингда эди, сен шунчалар кўз ёши тўкмаган бўлар эдинг.

Эркатойим! Сен мени бир умр сева оламан деб ўйлайсанми? Бир умр-а? Аммо сен аввал ҳам севгансан-ку, худди мен сингари. ўшанда ҳам шу сўзларни айтгансан – бир умр деб. Жуда оғир гап айтдим-а? Сени хафа қилдимми? Аммо сенинг бахтингни ўйлаб шундай қиляпман. Кейин кеч бўлади. Топталган бахт қисмати оғир. Ким билсин, балки сен билан у қадар эътиборли муомала қилмаганим учун кейинчалик мендан миннатдор бўларсан. Агарда мен Парижда яшаб, ҳар кун сенинг ўнингда бўлишдек бахтга эришганимда эди, қўрқмасдан муҳаббатимга ишонтирган бўлардим. Қалбим ва шуурим учун

етарли, сўнмас озуқа олардим. Аммо биз баъзида учрашиб туришдек тақдир эгасимиз. На илож! Қандай қилиб сен билан ажраша олдим-а? Агар мени севмаганингда, қайғудан ўлиб қолардим. Сен мени севасан, аммо мен муносабатларимизнинг ўта жиддийлашиб кетишини истамайман! Ҳаётингдан муздеккина ирмоқ бўлиб ўтишини хоҳлар эдим, токи эҳтиросларинг жўшиб кетмасин. Менинг хотирам сенинг қалбингни титроққа солишини хоҳламайман. Мени қарғама! Жуда катта, эҳтиросли муҳаббатга дуч келсамгина сенга бўлган ишқим сўниши мумкин. Сен менинг бир умрлик илоҳий фариштамсан. Тимсолинг бир умр илҳом ва назокат ила чулганган бўлади хотирамда.

Мен ёлғиз сенгагина ёқишни истайман. Балки ёлғиз сенгагина ёққандирман. Раҳмат. Аммо мени буткул қабул қилармикансан? Менинг галати одатларимни, эркаликларим ва ўз-ўзидан зойиб бўлиб, ногаҳон пайдо бўлишларимни тушунармикансан? Сен ҳар кун мендан мактуб кутасан. Ана шу фикрнинг ўзи ҳам сенга ҳар кун хат ёзишимга халақит беради. Сени ўзим истагандай севишимга ижозат бер. Мени бирор нарсага мажбурлама. Мени тушун ва муҳокама этма. Агар сени баъзи ақллар сингари енгилтабиат ва бўйи деб билганимда, турли ваъдаларни устингдан ёғдириб ташлар эдим. Менинг сўзларим туйғуларимдан устун бўлишини истамайман. Сўзлар эмас, дилим гапирсин.

Юрагинг ўт-отаи бўлиб ёнса, ундаги галаёнлар авжига чиқса, чўчима жоним. Бунинг билан сенинг назокатинг сўниб қолмайди. Булар бари – муҳаббат”.

САРКАРДАНИНГ МУНГЛИ ДАРДИ

Муҳаббат деб аталмиш сирли бир хилқат борки, унинг саждасига бош эгган ҳеч бир қалб уни титроқсиз эсламайди. Куз хазонларидек сокин, баҳор

ёмғиридек жилокор, қиш қаҳратонидек зулмкор муҳаббат шоҳнида, гадонида ўз йўлида қурбон қилаверади. Жаҳолатдан, ўлимдан кўнгил қўрқади, ишқни эса одамлар орзулашади. Энг чиройли ташибеҳлар, энг гўзал мушоира тўрида шу калом туради.

Машҳур инглиз саркардаси, кўплаб жангларда мағрур юришлари билан дунёни, айниқса, инглиз хонимларининг тилларида дoston бўлиб қолган герцог Веллингтон жуда ўзига бино қўйган йигитлардан эди. У умри давомида фақат қизларнинг сеҳргарига айланиб қолишнигина истар, шунинг учун турли давраларда энг бадавлат оила аёлларидан хушомад кутарди. Лекин тақдир уни аёвсиз жазоларга лойиқ топди. Бировларнинг муҳаббатини оёқ ости қилиб, улардан кулиб юрувчи герцог севиб қолди. Севганда ҳам мўъжизавий, ҳам ғарибона. Мағрур юрак кўпгина аслзодаларнинг оромини ўғирлаган, мард Гонгфорднинг қизи бўлмиш гўзал Катеринани ёқтириб қолди. Катеринанинг чиройини ҳатто қизнинг замондошлари ҳам тасвирлаб беришолмасди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, не-не зотларни писанд этмаган қиз ҳам оддийгина герцогга мойиллик билдирди. Катерина ва Веллингтоннинг бахтли ва саодатли кунлари бошланди. Ҳар бир учрашувда икки ошиқ ўртасида ушбу қасам такрорланарди: “Бир-биримизни умрбод севамиз!” Аммо Катеринанинг отаси қизини герцогни куёвликка лойиқ топмади. Веллингтонни Ҳиндистонга – ҳарбий хизматга жўнатиб юборишди. Қизнинг отадан берухсат орттирган муҳаббати шу тариқа қаттиқ жазоланди.

Шундай қилиб айрилиқ онлари бошланди. Икки ошиқ ўртасини фақатгина ширин армонлар боғлаб турар, на хат, на хабардан дарак бор эди. Ҳурилиқо Катерина эса суюкли ёрини сабр-бардош билан кутиб яшайверди. Орадан тўққиз йил ўтди. Бунгача не-не нохуш хабарлар етиб келмайди, Ҳиндистонга етиб бормайди, дейсиз. Аммо ҳар қанақа гумон-шубҳалар бу ёшларнинг илоҳий муҳаббатлари олдида ожизлик қилди.

Ниҳоят, ҳарбий хизмати тугаб, ватанига қайтган Веллингтон ўз севгилисини танитай қолди. Ваҳоланки, кечасию кундузи фақат шу қизни ўйларди. У тўққиз йил йиғлайвериб, юзлари шишиб кетган Катеринани юзидаги пардани очишга зўрға кўндирди. Во дариғ! Герцог кўзларига ишонмасди. Чунки чечак касаллиги Катеринанинг гул чехрасини аллақачон бадбашара қилиб қўйган, шу туришда у дунёдаги хунуқлар сардори эди. Бироқ Веллингтон учун бу тўсиқ бўла олмади. У дабдабали тўй қилиб, бир пайтлар жондан ортиқ севган қизига уйланди ва бутун умр у билан яшади.

ЭҲТИРОС МАЛИКАСИ

Қарийб бир ярим асрдан буён севиш, севилиш бахти, лаззати, ишқ изтироблари, аламлари ҳақидаги кўплаб асарлари дунё ошиқлари қалбига ҳаяжон солиб келаятган адиба Жорж Санд ҳар бир давр, ҳар бир миллат ва элат кишилари учун бегона эмас. Инсоний туйғулар куйчисининг шахсий ҳаёти қандай кечган? У ҳам севганмикин, сеvilганмикин, ишқ лаззати, рашк оловидан баҳраманд бўлганмикин? Жуда эрта турмушга чиққан Жорж йигирма етти ёшида эридан ажралади. Орадан кўп ўтмай, Альфред Мюссе исмли шоирга кўнгил қўяди. Улар кўпчиликнинг назарида худди узукка қўйилган кўздай бир-бирларига мос эди.

Альфред – шу пайтгача муҳаббат боғига кирмаган масъум ва покдомон йигит турмуш кўрган Жорж билан бир тану бир жондай эди. Альфред севиклисини Италияга саёҳатга таклиф этади. Улар хорижда юрганларида шоир оғир дардга чалинади. Жорж ошиғини даволаш учун Пачелло исмли докторни топади. Шифокор Альфредни даволашга келиб юриб Жоржни ёқтириб қолади. Жоржда ҳам итальян йигитга нисбатан меҳр уйғонади. Жорж итальян

тилини, италиялик эса англиз тилини яхши тушунмаса-да бу икки ёш ўртасида севги куртаклари уйғонишига тўсиқ бўла олмади.

Альфред соғая бошлар экан, Жорж ундан йироқлашар, уни севгилисидан кўра кўпроқ ҳиссиётли итальян йигитнинг қайноқ бағри ўзига кўпроқ тортар эди. Ишқнинг лаззатли онлари англиз аҳли ва итальян йигитига унутилмас оромбахш лаҳзалар ҳадя этса-да, бемор Альфред Мюссе қалбини ўртар эди.

Жорж Санд тез орада итальян йигитидан ҳам совиди. У яна Альфред томон талпинди. Адиба ва шоир ўртасида яна севги олови гуриллаб ёнди. Унинг ёғудусида Альфред Мюссенинг кўплаб дилбар шеърлари, Жорж Санднинг севги ҳақидаги эҳтиросли романлари туғила бошлади. Аммо ҳаёт тўфони уларни яна турли қирғоқларга улоқтирди. Шунда адиба севиклисидан яна бир марта ажралар экан, шоирга учта мактуб ёзади. Уларни ўқисангиз Жорж Санднинг севгига, ҳаётга ташна қалбининг қувончлари ва изтиробларига шерик бўласиз. Баъзан у биз ўйлаганчалик эҳтирос қурбони, енгилтабиат аёл бўлмаган экан, деган фикрларга ҳам борасиз.

“Севгилим Альфредим, кимнидир севсанг жон-дилинг билан сев. Мендан ёшироқ, гўзалроқ, ҳозиргача севги нима эканлигини билмаган, ишқ ўтида ёнмаган, қуймаган аёлни сев! Уни ардоқла, унинг ишқингда мен каби қуйиб ёнишларига йўл қўйма! Аёл қалби, билсанг жуда нозик, у тош ҳам эмас, муз ҳам эмас”.

“Сен мендан ўзингни олиб қочаверсангда, сен юз марталаб қайтарган сўзларингни эслатай: дунёда арзийдиган биттагина нарса бор: бу – севги!

Мен севги йўлида кўп марта азоб чекканман, баъзан адашдим, аммо мен барибир севдим...”

“Севги – бу одамлар бир-бирига ҳадя этиши мумкин бўлган ягона бахт!

Сен йигирма уч ёшдасан, мен эса ўттиз бирдаман ва ҳаётимда кўп қайғу-аламларни кўрдим. Шунчалар кўп қийналганман. Кўз ёшларим кўп оққан.

... Ҳа, сен ёшсан, сен – шоирсан, сен куч-қувватга тўлган, баркамол йигитсан. Ҳаётдан завқлан, севгин. Мен эса, мен эса бу дунёни тарк этаман. Алвидо, алвидо, мен сени ташлаб кетмоқдаман. Сен билан бошқа учрашишга ҳолим йўқ.

... Мен сени бошқа севмайман ва бир умр ёдинг билан яшайман. Мен сени хоҳламайман. Бироқ, сенсиз ҳам яшай олмайман...”

Жорж Санд Альфреддан ажралгач, яна узоқ йиллар яшади. Альфред билан ўрталарида бўлиб ўтган севги тарихини “Аёл ва эркак” романида тасвирлади.

Адиба 72 йил умр кўрган бўлса, шу давр мобайнида 92 та роман ва қиссалар ёзиб қолдирди. У Англияда XIX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган романтизм оқимининг асосчиларидан бири эди. Табиатан романтик аёл бўлган Жорж Санд ўз ҳаётида бошқаларникига ўхшамаган севгини орзу қилди ва шундай олий муҳаббатни куйлаб ўтди.

БАХТИНИ ТОПМАГАН ИНСОН

Маишхур француз ёзувчиси Ги де Мопассан 300 тадан кўп новеллалар ва қатор романлар муаллифидир. “Ҳаёт”, “Азизим”, “Монт Ориол”, “Пер ва Жан”, “Ўлимдан ҳам кучли”, “Бизнинг юрак” каби романлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Франция гимнининг муаллифи Ги 1850 йили 5 августда тугилди. Гининг онаси ақлли, ишни кўзини биладиган аёл эди. Ҳатто унинг ёзувчи бўлиб шаклланишида ҳам катта ҳисса қўшган. Отаси эса маишатга ружу қўйганидан кўп вақтини кўнгилхушлик билан ўтказарди...

Шу боисдан бўлса керак, тўйдан кейин эр-хотин ўртасида турли келишмовчиликлар чиқа бошлади. Ниҳоят, 1862 йили улар ажралишди. Бу эса, ёш Гига қаттиқ таъсир қилди.

Гининг шундай шиори бор эди. *“Аёл – бу ҳаёт. Ҳаёт – бу аёл”*. Ёзувчи умр бўйи бу қонидани эсдан чиқармади. Кечалардан бирида ёш йигит Фанни исмли парижлик қизча билан танишиб қолади. У хушчақчақ, ёқимтойгина эди. Ги илҳомланиб кетиб, Фаннига дарров бир шеър ёзиб беради. Кечқурун йигит қиз билан боғдаги учрашувга йўл олади. Хаёллари осмонга юрган йигит қўққисдан пайдо бўлган кулгудан ўзини йўқотиб қўяди. Фанни ёш йигитнинг шеъри устидан масхара қилиб кулаётганди. Ги бундай камситишдан каттиқ ранжиди. Бу унга катта ҳаётӣ сабоқ бўлди. Кейин ҳаёти давомида у бошқа аёлларнинг бундай камситишларига ҳеч қачон йўл қўймади...

1869 йили октябрь ойида Ги де Мопассан Париждаги ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. 1870 йили 18 июлда Франция Пруссияга уруш эълон қилгани боис Ги ҳам армияга кетди. У армияда ҳарбий котиб бўлди. 1872 йили 20 мартда Мопассан Парижда таъминот флотига ишга кирди. Бироқ бу иш ҳам ҳарбийлашганлиги бўлганлиги учун унга ёқмади. Ги ишни ташлаб, ҳикоялар ёзишни давом эттирди. Онасининг яқин дўсти, ёзувчи Гюстав Флобер уни чинакамига шогирдликка олди.

Ги бўш вақтларини Сена дарёси бўйида ўтказишга ҳаракат қиларди. Ёзувчининг иш кабинети рўпарасидан дарё оқиб ўтарди. Бу унга жуда қулай жой эди. Қизлар, ишончли қайиқ ва эски қадрдонлар... Ги жуда яхши балиқ овловчи эди. Меҳнат таътилини у Этретадаги денгиз бўйида ўтказди. Бўлғуси машҳур ёзувчи Ги шундай деганди: *“Мен ўша пайтларда жуда кўп ажойиб жойларни кўрдим, гўзал қизларни учратдим. Хизмат қилаётган давримда, ҳеч қандай ортиқча нарсалар йўқ эди. Энди эса хоҳлаган пайтимда инжиқликларим учун катта маблағни сарфлашим мумкин. Ўша пайтларда яшаиш оддий ва қийин эди. Ишхона ва Париж, дарё ва Аржантейе ҳамда Буживалеларда...”* Ўша жойларда у новеллалари қаҳрамонларини топди. Мисол учун “Мушка” ҳикоясида ҳаётӣ воқеалар билан бирга тўқималардан ҳам фойдаланади. Дарёдаги саёҳатлардан бирида Мопассан озғин бир қиз билан

танишиб қолади. Бу қизнинг исми Мушка бўлади. У қиз қайикдаги беш кишининг бошқарувчиси эди.

1879 йили мартда Мопассан ўзининг дўсти Робуруга хат жўнатади. Каттик касал бўлиб қолганлиги ва даволаниши кераклиги хақида ёзади. 1879 йили сентябрь-октябрь ойларида Ги биринчи саёхатини Бретани бўйлаб пиёда бошлади. Гини эса бу юртнинг минг йиллик тарихи мафтун этди. Бретан ёзувчида катта таассурот қолдирди. Бу жойда бир қизча билан танишади. Қизча французча биронта ҳам сўзни билмасди. Шундай бўлишига қарамай, улар тил топишишди. Ёзувчи ўз юртига жўнаб кетаётганда қиз уни қолишини қаттиқ ўксиниб айтади. Ги бунга рози бўлмагач, қизча ўтириб олиб йиғлаб хайрлашади...

Яқин кишиси бўлган Лора Мопассан Гига Этретадан ер ажратиб беради. Ёзувчи 1883 йили бу жойга бир қаватли уй қуради. У бу ерда катта боғ барпо қилади. Ги ана шу ўз боғидаги нокдан қўшнисига олиб чиқиб беради. Шу баҳонада у гўзал Эрнестина билан танишади. Ги ундан сўнг Феликс Николас Потоцк графининг хотинини ўзига қаратади. 1883 йили “Ҳаёт” романи шов-шув бўлган пайтлар эди. Мопассан Эммануэлга шундай ёзганди: *“Мен бахтиёрман. “Ҳаёт” номли романим жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Бундан бошқа бирон нарса менга бундай қувонч бахш этолмайди. Бунинг учун мен сиздан жуда миннатдорман. Тиз чўкиб сизга раҳмат айтишига тайёрман”*. Графиня – ҳеч кимга бўйсунмайдиган, қатъиятли, жаҳли тез, совуққон бир аёл эди.

Ги бу аёл билангина қаноатланибгина қолмай, яна бир қанча аёллар билан танишади. Ёзувчи графиня Эммануэл Потоцкни “Бизнинг юрак” романига бароннеса де Фремин номи билан киритди. Бу аёл Мопассандан ҳеч қандай ёрдамларини аямади. Ўз навбатида Ги ҳам унинг аёллар салонини гуллатди.

1884 йили март ойида Ги Каннахдаги Редан кўчасига кўчиб ўтди. Ўшанда бир куни Ги номаълум хонимдан хат олди. *“Жаноб, сизнинг асарларингизни*

ўқиб ўзимни бахтли сезаман. Сиз табиатни севасиз ва уни шоирона тасвирлаб бера оласиз... Менинг сизга жуда кўп сўзларим ва кўрсатадиган нарсаларим бор. Буни амалга ошириш қийин албатта. Мен бундан афсусланаман. Сиз анча машҳур инсонсиз. Сизнинг энг яқин одамингиз бўлишни хоҳлайман. Билмадим, буни сизга қандай тушунтирсам экан. Мен буни орзу қилмасам ҳам бўлади...” Мактуб муаллифи ўз исм-шарифини ёзмаганди.

Мопассан бундан каттиқ хаяжонланди ва нотаниш қиз мактубига жавоб йўллади. Улар ўзаро бир-бирига хат ёза бошлашди. Ёзувчи қизнинг тузалмас дардга чалинлигини билмасди. У ёзишмаларидан бирида бу қизнинг олти ойлик умри қолганини билиб қолади. Бу номаълум қизчанинг исми Мария Башкирцевой эди. “Асли рус бўлган Марияни Муся деб аташарди. У кундалик тутган бўлади. Қизнинг мақсади бисотидаги ана шу ягона бойликни бирорта машҳур ёзувчи қўлига топширишини истади. Узоқ ўйлаб ниҳоят, Гига хат ёзади. У кундалиги энди ишончли қўлга тушишидан хурсанд эди. Мусянинг ўзи бу ёзишмаларга якун ясайди: *“Биз бир-биримиз учун яралганмиз деб қасам ичиш сиз учун кулгили албатта. Мен бунга арзимайман. Бундан афсусдаман...”*”.

Бир неча йилдан сўнг Ги қабристонга келиб ўша қиз қабри устида узоқ сукут сақлаб туриб, шундай деди: *“Қабрни гуллар билан бегаиш керак эди”*.

Мопассан “Азизим” романи энди тилларга туша бошлаганда пайтларда кулиб туриб, ярим ҳазил куйидаги сўзларни айтади: *“Азизим” – бу менинг ўзимман*”.

Ги аёллар билан танишишни тўхтатмади. 1886 йили Ги Этретага бир неча марта келади. У ерда Эрмина Леконт дю Ньюини учратади. Бу гўзал аёлнинг бир ўғли бор эди. Ёзувчининг бу аёл билан муносабати яхши эди. Аёл бир ўзи яшарди. Унинг эри подшоликда архитектура соҳасида хизмат қилганидан Бухарестда ҳеч қаёққа чиқмай ишларди. Аёл эса ёлғизликдан қийналарди. У эрини астойдил севарди. Аммо кўшнисининг ҳадеб илтифот кўрсатиши уни йўлдан урди.

Леконт де Ньюи ўз танишига шундай ёзганди: “... У шундай сўзлайдики, гўёки, сўзлаш қобилиятини йўқотадигандек. У илтифотга муҳтож, кийимлари афтодаҳол. Эски галстукларни тақиб юради”.

У ёзади: “Албатта, фақат кўнгилхушлик учунгина эмас, ўғлим Пеърга ҳам қараши керак”. Ги ўз атрофидаги аёллардан Эрминага бошқачароқ илтифотда бўлди.

Эрминага битилган мактублар сақланган. Мактубларнинг барчаси “Сизнинг қўлларингизни ўпаман” сўзлари билан тугалланган.

Леконт дю Ньюи фикрига ҳам қўшилмаслик мумкин эмас. Мопассан бева кўшнисига бошқа аёлларга илтифот кўрсатганидек йўл тутган. Леконт ўз эрига садоқатини сақлади. Кейинроқ Эрминани кўнгли юмшаб, Гига юрагидан жой берганди... бироқ ёзувчи буни қабул қилмади. Шунча синовлардан сўнг, Мопассан Эрмина учун дўст бўлиб қолди. Бу ҳақда шундай ёзганди. “*Ҳурматли дўстим, – Леконд де Ньюи, – минг раҳмат сенга*”.

Ёзувчи архитекторнинг хотини янги йилга галстук тўғноғичи совға қилгани учун хурсанд бўлди. Унга жавобан аёлга билагузук ҳадя қилди. “Бизнинг юрак” романи ёзувчининг сўнгги асари эди. Эрмина бу романга бош қаҳрамон образи хоним де Бюри эканлигини дарров сездди. Айрим тадқиқотчилар ёзувчи бу асарида бошқа таниш аёлларини ҳам акс эттирган деган фикрни айтишади. Нима бўлганда ҳам Эрмина асосий қаҳрамон бўлиб қолди. Ги ўз васиятини ягона меросхўр акаси Эрвеннинг қизи Симонга қолдирди. Ота-онасига бойлигининг тўртдан бири тегди.

Мопассан никоҳсиз бола пайдо бўлишидан жуда кўрққан. Ўша даврларда никоҳсиз бола туғилса, ташлаб юбориш одати бор эди. Оддий аёлга уйланиш Мопассан учун фожеа эди.

Мопассан ҳам Флоберга ўхшаб оила қуришга қарши эди. Гининг ўзи буни бир неча марта таъкидлаган. 1887 йили Ги графиня де Х. нинг уйида ёш гўзал аёлни учратди. Бу номаълум аёл унга Тунисдан 1887 йили 19 октябрь хат

жўнатади. *“Кечаги кундан бери, хаёлим жойида эмас, фақат сизни ўйлаяпман. Сизни яна учратишни орзу қиляпман. Сизни ҳозир кўргим келяпти. Юрагим тўлиб-тошиб кетяпти... Сиз буни сезмаяпсиз. Ҳаммасидан ҳам сизнинг кўзингизни кўргим келяпти... Бир неча ҳафтадан сўнг Африкани тарк этаман. Сизни яна кўриш насиб этармикин? Сиз менинг олдимга келасиз. Тўғри эмасми, менинг дўндоғим. Сиз келасиз...”*. Хатнинг давоми эса йўқолган.

Балки, шу аёл билан оила курса у тирик қолармиди... Аммо доктор Бланшнинг фикрича: *“Мопассан, ўйланиш масаласида жуда катта рассом эди...”*

Ёзувчи Мари Канн билан “Монт Ориол” романи ёзилгандан бери таниш эди. Бу аёл украиналик яҳудийлардан эди. У Мопассаннинг ҳақиқий яқин кишисига айланди. Бу аёл Гидан 2500 та хат олганини айтиб мақтаниб юради. Аммо ёзувчининг замондошлари буни инкор этишади.

1888 йили Потоцкая Мопассан ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Ги шундай ёзади: *“Сиз билан саёҳатга чиқиш мўъжизадир! Мен сизнинг гўзаллигингиз ҳақида эмас, ўзимга мос бирорта аёлни мен билан бирга саёҳатга ҳамроҳ бўлганлигини эслолмайман...”* Бир куни Ги ва графиня кўл бўйига саёҳатга боришди.

Эртаси куни Потоцкаяга хат ёзди: *“Мен сени севаман, сени доимо излаб юраман”*.

1888 йили 20 октябрда Мопассан учинчи марта Африка бўйлаб саёҳатга чиқади. Қишда Ги Аллумой исмли қиз билан танишади. Бу араб аёлини ўзининг ҳикояларидан бирида тасвирлаб ёзади. 1889 йил баҳорида Мопассан Парижга қайтади.

Ёзувчида бирон-бир нарсга аёллар билан танишишдан қайтара олмади. Эрминанинг акаси шундай деганди: *“Мопассаннинг машҳурлиги учун ҳам аёллар уни ўзлари қидириб келишарди”*.

Ёзувчи эса бундан ғурурланарди. Унга аёлларнинг ўзи эмас фикри керак эди.

Мопассан умр бўйи мукаммал аёлни қидирди. Аммо тополганича йўқ. У шундай ёзганди: *“Мен – Нотаниш, Кўп қутилган, Кўнглимдагидек, У менинг юрагимни тушунадиган, Менинг барча фикрларимни уқиб оладиган Ягона фариштамни севаман”*. Аммо бундай аёлни топиш мушкул эди, албатта. У буни жуда яхши тушунарди.

Мопассан оиладан бахтини тополмаган бўлса-да, унинг асарлари унга шон-шуҳрат ва бойлик келтирди. Умрининг охирида унинг тўртта виллеси ва иккита яхтаси бор эди. Ги де Мопассан 1893 йили вафот этди. Ундан умрбоқий жуда кўп гўзал асарлар инсониятга мерос бўлиб қолди. Унинг кўпгина асарлари ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Оилавий ҳаёти ҳавас қилгудек бўлмаса-да, ёзган асарлари ўзбек китобхони учун қадрликдир.

УЗОҚ ЙИЛЛИК ҲИЖРОН

Париждаги театрлардан бирида ўз даврининг таниқли ёзувчиларидан бири Виктор Гюгонинг “Лукреция Борджиа” асари қўйиладиган бўлди. Ундаги малика Негрони ролини ижро этиш ёш актриса Жюльетта Друэга насиб этди. Асарни сахналаштириш жараёнларида Виктор ва Жюльетта бир-бирларини ёқтириб қолишди. Орадан бироз вақт ўтгач, карнавал ўтаётган кунларнинг бирида улар бирга тонг оттиришди. Бу тун икки ошиқнинг тақдирини бир-бирига боғлади. Саккиз йилдан сўнг, Гюго Друэга ёзган мактубида қирқ ёшни аллақачон ҳатлаган ёзувчи ўша илк учрашувни ҳаяжон, меҳр, орзиқиш билан эслаганини ўқир экансиз, адиб севиш, севилишида ҳам танҳо эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

“Эсингдами, биз тонгни кутиб олган кичкинагина хона. Ташиқаридан байрам қилаётган маст париждикларнинг қаҳқаҳалари, қийқириқлари эшитилар, биз эса висол дамларидан сархуш эдик. Сен, фариштагинам, ўша тақдиримизни ўзгартириб юборган куннинг ҳар бир соати, дақиқаларини

эслайсанми? Биз саккиз соат бирга бўлдик. Саккиз соат севги фуқаролари эдик. Шу дамларда вужудимизгина эмас, бутун борлигимиз, томирларимизда оқаётган қон ҳам гўё бирлашиб кетди”.

Гюго ва Друэ бир-бирларига мос эди. Жюльетта адибнинг хотинини севиклисининг рафиқаси бўлгани учун ҳам беҳад ҳурмат қиларди.

Жюльетта 1851 йил, 27 декабрда Гюгога йўллаган мактубида шундай деб ёзади:

“Азизим, бечора севгилим, мендан хавотир олма. Мен сени оиланг тинчлиги, фаровонлиги, хотининг ва фарзандларингни бахти ва иқболи учун гамхўрлик қилаётганингни билиб турсам, сенга бўлган муҳаббатим янада алангаланади. Тирик экансан, ўзини сенга бағишлаган сабр-қаноатли рафиқангни эъзозла. У ҳаётида кўп қийинчиликларни кўрди, азобланди. Энди унинг хотиржам, бахтли яшаши учун ҳеч нарсани аяма...”

Жюльетта ўз ҳузур-ҳаловати, бахтини ўйламади. Севгилисининг тинч турмуши учун барчасидан воз кечди. Фақат Гюгони ҳеч кимга ишонмай, уни ҳаммадан қизғанди. У билан бир тану бир жон бўлиб яшашни орзу қилди. Улар ўттиз беш йил пинҳоний муҳаббатнинг изтиробу қувончлари бағрида яшашди. 1868 йилда Гюгонинг хотини вафот этади. Шундан сўнггина сочларига қиров кўнган, 60 ёшларни қоралаган Жюльетта кекса адиб хонадонига кўчиб келди. Улар 17 йил бирга яшашди. Жюльетта Гюгодан икки йил олдин вафот этди...

ҚУЛОҚЛАРИНИ ҲАМ АЯМАГАН

Машҳур рассом Ван Гог ҳаёти давомида тўрт аёлни севди. Лекин уларнинг биронтаси ҳам рассомни бахтиёр эта олмади. Ван Гог кимгаки ихлос қўйиб, кўнгил тўридан жой берган бўлса, бунинг эвазига унинг дилини оғритиб,

битмас жароҳатлар етказишди. Винсент қоронгу ошхонада одатдагидек яна учрашув ҳақида илтижо қилиб турарди. Уни яна рад этдилар. Ўлгудай чарчаган бир ҳолда эшик томон бурилди-да, иссиқ таратаётган чироққа назар ташлаб қўйди.

Толиққан қўллари тутаётган чироққа чўзди... Оғрикни деярли сезмади. Шунда у қаттиқ севиб қолган маҳбубаси билан кўришмагунча бу азобга чидаб туражагини айтиб хайқирди. Кексайиб қолган амакиси кўрқиб кетганидан чироқни ўчирди. Винсент ҳушидан кетиб йиқилди...

Винсент болалигида ҳар якшанба куни ўлик туғилган акаси қабри ёнидан ўтар экан, юраги орқасига тортиб кетарди. Нега энди унга узоқ кутилган, аммо ўлик туғилган боланинг исмини қўйишган-а? Бу ҳам майли, хаёлида доим ноҳуш ўйлар кезгани учун катталар феъли оғир бола деб ҳисоблашгани-чи? Шу боисданми, ўн етти ёшга тўлганда ота-онаси уни “Гупил” рассомлик фирмасида ишлаш учун жўнатиб юбордилар. Винсент Гаагда, сўнг Лондонда ишлай бошлади. Биринчи бор мана шу ерда севиб қолди.

Ван Гог турадиган уй бекасининг ёшгина қизини Урсула Луайе деб аташарди. Йигит умидсизларча севса-да, муҳаббати жавобсиз қолмаслигига ишонарди. Бироқ қаттиқ янглишганини билгач, эсидан озаёзди. Маълум бўлишича, Урсула яширинча унаштирилган экан. Винсент фотиҳани бузишга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин бу билан у қизнинг қариндошларини ўзига қарши қилиб қўйди. Йигитнинг биринчи муҳаббати зарбага учрагач, у янада қайғули, ғамгин бўлиб қолди. *“Менинг қайиғим умримнинг биринчи фаслидаёқ сувга чўка бошлади”* деб ёзади кейинчалик Ван Гог. У расм чизиш, динга берилиш билан ўзини овутади. Унинг диншуносликка берилиши чинакам иродали одамнинг иши эди. Ван Гог дин илмини Амстердам университетида эгаллади. Лондон атрофларида Евангелийни тарғиб қилди ва миссионерлар тайёрлайдиган курсни битирди. Ван Гог диндан биров чалғиди ва рассомлик илмидан

сабоқ олиш учун Брюсселга жўнади. Ўқишни битириб, ота-онаси олдига қайтди.

У иккинчи муҳаббатини худди шу ердан топди. Кее Вос-Стриккер исмли бу аёл Винсентга амакивачча бўлиб, эс-хушини йиғиб олган бева эди. Амакиваччаси томонидан қилинаётган илиқ илтифотларни қариндошлик ҳурмати деб тушунган Кее гап нимадалигини билгачгина “Сен ва фақат сен” дея ўз сўзида қатъий туриб олган ошиқ амакиваччани эшитгиси ҳам келмади, яқинига ҳам йўлатмади. Навбатдаги мағлубиятни тан олгиси келмаган Винсент ўзини қўярга жой тополмади. Амакисининг уйига эшик қоқиб келганида, Кее билан кўришишга рухсат беришмади. Ниҳоят, у умидсизлик билан кўлини тутаётган чироққа чўзади...

Бу қалтис ҳаракати ҳам амакиваччасининг тош юрагини эритолмади. Аксинча, қариндошларининг ҳайрат ва таажжубларини оширди, холос. Бахтсиз ошиқ ота уйини тарк этишга мажбур бўлди.

Винсент Гаагдан синглиси Вилленина, укаси Теодорга ёзган мунгли мактубларида қалбини ва жисмини эгаллаб олган ягона орзуси – севиш ва севилишга интилишлари бир зумда оғир жароҳатларга айланиш сабабларини кидириб кўрар, улардан жавоб кутар ва ўзи ҳам жавоб топмоқчи бўларди. Бунинг сабаблари унга жўн кўринади. Унда кишини ўзига тортадиган ҳеч нима йўқ – малла, озғин, тунд ва ғамгин кўринишга эга. Бунинг устига ҳеч вақоси йўқ қашшоқ рассом бўлса... Урсула туфайли чеккан изтироблари уни дин илмига, дин йўлида хизмат қилишга ундаган бўлса, Кее томонидан севгисининг рад этилиши рассомни буткул ақлдан оздирди. Қалби тилка-пора бўлди, ҳистуйғулари топталди. Энди иш, ижодгина тақдирга тан бериб яшашга, одамларга бўлган муҳаббати яна аланга олишига умидвор этарди.

...Винсент ўз устахонасида шалоқ курсида ўтирарди. Стол устида қоғозлар қалашиб кетган – ярим тунда портретлар чизиб чиққан: озғин, сўлғин юзлар, тўзиган сочлар... Булар кўча дайдилари бўлиб, уларни рассом Гаагдаги

ковокхоналардан бирида учратиб, устахонасига бошлаб келганди. Ван Гог деярли ҳар оқшом шуларга ўхшаш бирор дайдини бошлаб келар, ўзининг афтангори ҳам улардан қолишмасди. Бас, етар, кўча дайдилари бугун охири марта шу ерда бўладилар! Узоқ ўйлардан сўнг Винсент катъий қарорга келди. Синни олиб келади, унга уйланади. Чизма тахталари ёнида болалар қаравотчаси бўлади.

Ван Гог Син деб чақирадиган аёлнинг асл исми Христин Хоорник бўлиб, кўча аёли эди. Жуда хунук бу аёл ёлғиз ўғилнинг онаси эди. Шунга қарамай, у рассом қалбида илиқлик ва мурувват уйғотди.

Теодор акасининг интиқ ва бесамар кутган оила бахтига ниҳоят эришаётганини эшитиб, уникига югурди. *“Биласанми, Тео, – дейди руҳланиб акаси – мана энди ҳаётини илдизлари мустаҳкам ўз устахонам бўлади. Беланчаги, болалар стулчаси бор устахона! Булар мени қанчалик илҳомлантираётганини билсанг эди!”* Теодор акасига эргашиб уйга кирди. Кўзига дастлаб кўринган нарса – турли ҳолатда тасвирланган биргина аёлнинг сон-саноксиз суратлари эди: Син бола билан, Син – уй бекаси, Син уйқуда... Бир неча дақиқа ўтгач, сурат қаҳрамонининг ўзи кириб келди. *“Наҳотки, шу бесўнақай, одобсиз аёл илҳом ва муҳаббат уйғота олса?”* Теодор уй бекасининг арзон винони бордоқларга қандай қуйишини ва тўкилаётган томчиларни кир кўйлаги этаги билан артишини кўриб ҳайрон бўлди. Тўғри, беланчак билан бола стулчаси устахонада турарди. Лекин Теодорга “илҳом париси” туширилган суратлар бахтли воқеликдан кўра кўпроқ хунук, бемаъни тушдек туюларди. Акаси эса бахтиёр, жуда ҳам бахтиёр эди...

Винсент бир ярим йил ана шундай ҳавойи орзу-ҳавас билан яшади. Балки Син маълум муддат рассомни ростдан ҳам бахтиёр қилгандир. Рисоладаги аёллар каби кийиниб ҳам олди. Бироқ Син эски хунарини тез-тез қўмсаб турар, Ван Гогнинг ношуд ва нотавонлигини юзига солар эди. Бунга баҳона ниҳоятда кўп эди. Ахир рўзғор ҳамон қашшоқлик ботқоғидан чиқа олмаганди. Оқибат

шу бўлдики, бир куни Винсент уйига келса ҳеч ким йўқ. Ҳаёти яна танҳолик билан ўтадиган бўлди! У умидсизлик билан исловатхонага йўл олди ва ўйлаганидек, хотинини ўша ердан топди. Ялинди, ёлворди, ҳатто ўзимни ўлдираман деб пўписа ҳам қилди. Ахлоқсиз аёл эса бунга жавобан хохолаб кулди, тутуриксиз сўкинди.

Ёлғизлик жон-жонидан ўтиб кетган Винсент кишлоққа расм чизиш учун жўнаб кетди. Бу ҳам уни овута олмади. Шунда ота-онаси бағрига қайтишни маъқул кўрди. Лекин бу ерда дардисар ўғилга ҳеч кимнинг кўзи учмаётган эди. *“Улар мени худди дайди итдан қўрққандек ўз уйларига киритишни истамадилар”*, деб ёзганди Ван Гог.

Рассом узок чўзилган тўрт йил ичида қалб жароҳатларига даво излади. Бу вақт мобайнида тинмай ишлади. Телба бўлиб қолмасликнинг ягона чораси шу деб ўйлади. У ҳануз оддий инсоний севги, севилиш нима эканлигини билмасди.

Винсентнинг тўртинчи – сўнгги ишқи ҳам бузук аёлга тушди. Бу аёл бир куни *“Нега менинг олдимга келмайсан?”* деб қолди. У эса *“Пулим йўқ”* деб жавоб берди. Аёл ҳазиллашиб *“Ундай бўлса мана бу шалпанг қулоқларингни кесиб кел”*, – деди. *“Зўр фикр!”* – ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарди Винсент. – *Фақат қарзимни қайтарганимда қулоқларимни қайта тикиб қўйгин!”*

Ўша кунги чидаб бўлмас жазирама рассом миясини айнитиб қўйди чоғи, ишқий сўз ўйини мудҳиш ҳақиқатга айланиб кетди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, бошининг икки томонидан қон оқаётган рассом рўмолчага авайлаб ўралган қулоқларини маҳбубасига келтириб берди...

1890 йил, 27 июль куни Ван Гог аллақаяқдан топиб олган револьверни курткази чўнтагига солди-да, шаҳар четидаги майдонга йўл олди. Ўша ерда юрагини нишонга олиб ўқ узди. Лекин ўқ мўлжалга тегмай, пастроқни тешиб ўтгани боис, у кулбасига етиб келолди. Қийналиб 36 соат ётди. Ўлими олдидан

мана бундай деди: “*Ҳозир уйимга борсайдим... Лекин барибир қалбим яраси қоларди...*”

ОГЮСТ РОДЕН ВА КАМИЛЛА КЛОДЕЛ ЯГОНА ЭҲТИРОС ТАРИХИ

Огюст Роден миллионерга айланди. Камилла Клодел эса қашшоқликда вафот этди. Огюст бутунжаҳонга машҳур ҳайкалтарош, Франциянинг миллий қаҳрамони бўлди. Камилла – клиника деворлари маҳбусига айланган ва у ердан чиқиш ҳуқуқидан маҳрум эди.

Камилла Розали Клодел Франциянинг Шампан провинциясидаги Фер шаҳарчасида 1864 йили, 8 декабрда дунёга келди. Унинг отаси Луи-Проспер Клодел эътиборли ва ўзига тўқ кишилардан бўлиб, аجدодлари сингари хусусий мулк юмушларини бошқарарди. Онаси Луиза Серво оғиртабиат, босиқ аёл бўлганлиги учун ўзини фарзандлар тарбиясига бахшида қилганди. Уларнинг қизлари – Камилла ва Луиза ҳамда Пол исмли ўғиллари бор эди.

Камилла ўз дунёсида яшар, уй ишларини юритишни ёқтирмас эди. Сирларини унга яқин бўлган укаси билангина ўртоқлашарди. Йиллар ўтиб дипломат, шоир, рассом ва Франция академиги бўлиб етишган Пол Клодел опаси ҳақида шундай эслайди: “*У буюк ишлар учун яралганини ҳис қиларди...*”

Камилла ноёб истеъдод соҳибаси эди. Унинг бармоқлари теккан лой бўлаклари гўёки жонланиб кетарди. Ёшлигиданоқ антик давр адиблари китобларини кўп ўқир, ҳайкалтарошларнинг асарларига ҳайрат ила боқар эди. 1881 йили Луи-Проспер Клодел хизмат юзасидан Парижга боради. Тез орада бутун оила аъзолари ҳам бу ерга кўчиб ўтади. Бу вақтда Камилла эндиgina ўн етти ёшга кадам қўйганди. У машҳур Каларосси академиясига тез-тез бориб туришни одат қилади. Нотаниш қизчанинг ишларини кўрганлар ўз

хайратларини яшира олмас, унинг иқтидорига тасаннолар айтишар эди. Моҳир кўллар орқали жонланган ҳайкаллар ўзининг оригиналлиги ва ғайритабиийлиги билан ажралиб турарди. Клоделнинг биринчи устози ҳайкалтарош Алфред Буш бўлган. Айнан мана шу инсон 19 ёшли Камилла Клоделни парижлик машҳур ҳайкалтарош Огюст Роденнинг устахонасига олиб боради...

Тақдир уларни учраштирганди. Камилла гўёки Огюстга маъшуқа ва шогирдлик учунгина яралгандек эди. Камилла илк бор устахонага қадам қўйганида Роденни унинг гўзаллиги эмас, санъатга бўлган қизиқиши, ҳис-ҳаяжонга йўғрилган ҳаракатлари ҳайратини оширганди. Огюст ҳаётида кўп маъшуқалар бўлганди, аммо ўзидан икки барабар ёш бу қиз илк бор унда ҳақиқий эркаклик эҳтиросини уйғотган бўлса ажабмас. *“Боттичелли портретларидаги гўзалларникидек тўқ кўк рангдаги мовий кўз, таъсирчан нафис лаб, елкасига тушиб турган тилларанг сочлар. Мағрур, ажойиб ва болаларникидек қувноқ қиёфа”* – уни буюк ҳайкалтарош мана шундай таърифлаганди.

Огюст ўрта ёшларда бўлиб, барваста ва ҳаракатчан, бармоқлари катта, қудратли гўёки табиатнинг сеҳрли кучидан яралгандек туюларди. Малларанг сочларига озгина оқ оралаган, кенг пешонали, соқоли сарғиш, мовий кўзли эди. Камилла унинг ишхонасига ҳар кун келишни одат қилди. У хонани ювиб-сидирар, лой пишитар, ишларга кўмаклашар, Роден эса қизнинг ҳаракатларини зимдан кузатар эди. Қизнинг ёшлиги уни хижолатга қўярди. Уни биргина нарса – Камилланинг қоматини кўриш истаги қийнарди. Бир куни Камилла Клодел устахонасида ҳар қачонгидан кўпроққа қолиб кетди...

Шундай қилиб устахона икки ошиқ ишқий муносабатларининг бошпанасига айланди. Бир вақтлар бу ерда Жорж Санд ва Алфред де Мюсселар ўз асарларини яратишганию муҳаббат оғушида ҳаёт кечиришганига тарих гувоҳ. Энди эса янги исмлар: Огюст Роден ва Камилла Клоделларнинг эҳтиросли

учрашувлари пайдо бўлди. Ва яна, ҳатто вақт ҳам ўз таъсирини ўтказа олмайдиган СЕВГИ ва ИЖОД.

Камилла Роденнинг илҳом париси эди. Унинг шарофати билан қатор ажойиб ишлар – “Абадий санам”, “Данаида”, “Сиреналар”, “Ўй”, “Аврора” каби ўлмас санъат дурдоналари пайдо бўлди.

Устозига бўлган муҳаббати Камилланинг калбини ёқар, мактовларидан ғурурланар эди. Огюст ҳам борган сари Камилланинг ўз ишларини ниҳоясига етказишига ишониб қолганди. Уларнинг ҳаёти ажойиб ўтиши мумкин эди, фақатгина...

Йигирма йилдирки, Огюст Роден унга ўғил ҳадя этган Роза Бере билан никоҳда эди. Роза оддий, босиқ аёл бўлган. Огюст уни бирорта дўсти билан таништирмас ва ҳеч қачон ўз режалари билан ўртоқлашмасди. Роза эрининг ишларидан хабардор бўлмаса-да, унда шубҳа уйғонди. Чунки Огюст кўпинча кечани уйида ўтказмас, устахонада кечгача иш билан банд бўлганини баҳона қилар эди. Уйга келганида эса чарчоқдан ўз ўрнида михланиб ётарди. Шундай қилиб, “Касалини яширсанг иситмаси ошкор қилади”, деганларидек, тез орада Роза унинг ҳаётида Камилла пайдо бўлганидан огоҳ бўлди. Аммо бу билан ҳеч нарса ўзгармади. Роден аввалгидек ҳар икки уйда яшаб юраверди. Бир аёли хўжалик ишию оила қозонини қайнатса, иккинчиси устахонада доимо у билан бирга эди.

Ўша йиллари Огюст ўзининг энг ажойиб асари “Абадий баҳор”ни яратди. Бу Роден томонидан яралган севги мадҳияси эди...

Уларнинг муносабатлари шу зайлда давом этиши мумкин эмасди. *“Бирор марта менга севишингни айтганмисан?” – деди Камилла. “Сен менинг бутун борлигимсан, – жавоб қайтарди у. “Ҳеч қачон Розани ташлаб кетмайсан”, – давом этди Камилла, – ачиниш ҳисси баъзан севгидан кучли...”*

Камилла деворга қараб жим ётар, йиғламас ҳам, гапирмас ҳам эди. Бир неча кун аввалги асаб тутқаноғи уни шу кўйга солиб қўйганди. Ўн йилдан ортиқ

умрини унга ёрдам бериш учунгина бағишлади. Огюст хурматга, обрўга эга бўлди. Камилла-чи? Шу йиллар давомида ўзининг бирорта ҳайкалини ярата олмади. Камилла бироз ҳордиқ чиқариши, кучга тўлиши керак эди. Роден Клоделни Париждан узоқроққа олиб кетишга қарор қилди. Бу кечиккан асал ойидек эди гўё... Аммо бир ой ўтиб, ортга қайтганларидан сўнг унинг яна эски дардлари кўзғади. У ўттиз ёшга кириб улгурган. Қачонлардир у ёш эди ва умид билан яшарди. Шу вақтгача у нимага эришди? Бировнинг ёри ҳам, яхши ҳайкалтарош ҳам эмас. *“Мен кетаман, – ўйлади Камилла. – Агарда у билан қолсам – бу мени ҳалок этади”.* Аммо уни ҳалок этадиган нарса Огюстдан айрилиш... Қани эди у буни билса!..

Камилла Италия хиёбонларидан бирида жойлашган уйда ёлғиз ўзи, қамалиб яшарди. Бу уй унга устахона, ётоқхона ҳамда ошхона вазифасини ўтар, хонанинг мебели бир каравот ва стулдан иборат эди. Унинг ўзи озиб-тўзиб кетди, сочларига оқ тушди. Ишлари ҳам ривожланмади. Қандай қилиб “бозори чаққон ҳайкалтарош” бўлиши мумкин? Ахир уни қўлловчи кишиси ҳам, восита ҳам бўлмаса. Ҳатто Роден учун ҳам унинг буюклигини тан олишлари учун ўн йиллаб вақт керак бўлган.

Улар ажралишган илк йилларида Камилланинг ишлари анча яхши бўлиб, кўчага айланишга чиқар, ўзига қаҳрамон топиб, ҳайкал ясашга киришар эди. Унда ҳали ҳам “роденлик” ҳиссиёти яшарди. Аммо бу борган сари сўниб борди. Бошлаган ишини тугатмасданоқ бузиб ташларди. Уйнинг юзаси тугалланмаган ишларнинг бўлакларига тўлди, ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди. Огюстнинг ёрдамларини рад этган Камилла бутунлай ёлғизланиб қолди. Энг яқин сирдоши, укаси Пол бу вақтда Хитойда яшарди. У ўзининг барча қийноқларига ҳали ҳам севадиган кишисини айбдор деб биларди. Шу орада унинг соғлиги шунчалик ёмонлашдики, яқинлари уни ақли заифлар шифохонасига олиб боришга мажбур бўлишди...

1917 йили Роза Бере шамоллашдан ҳаётдан кўз юмди. Шу йилнинг охирида Роден ҳам ҳаёт билан видолашди. У 77 ёшда эди. Камилла Клодел ҳаммадан кўра каттиқроқ азоб чекди. У Франциянинг жанубида жойлашган Мондер-верге шаҳридаги руҳий касалликлар клиникасида ўттиз йиллик умрини ўтказди ва шу ерда 1943 йили 79 ёшида вафот этди.

Ҳар бир ижодкорнинг асарида муаллифнинг тақдири ётади. Камилланинг ишларида ҳам бу ўз аксини топган – “Персей ва Горгона”, “Балоғат ёши”, “Ўтинч”, “Шакунтала”, “Вайсақилар”, “Вальс”... Унинг санъат дурдоналарида аёлларга хос мулойимлик, таъсирчан қайғу, ҳиссиёт барқ уриб туради. Эндиликда музейнинг Клодел асарлари жойлашган қисми доимо одамлар билан гавжум.

ВАФОНИНГ АЧЧИҚ ҚИСМАТИ

Венгриялик Шандор Петефи бор-йўғи йигирма олти йилгина умр кўрди. Аммо ёндириб кетган ёруғ юлдузи бир ярим асрдан буён Ватанини севганлар, ёри ишиқида куйган ошиқларнинг қоронғу йўлларини ёритмоқда. Шандор тўрт ёшида отасига атаб ёзган шеъри билан ҳаммани лол қолдиради. Гимназиянинг биринчи синфида ўқиб юрганида руҳонийнинг Эмилия исмли қизини севиб қолади ва унга бағишлаб шеър битади. Мурзак Шандорнинг гаройиб одатлари бор эди. У қаҳвани қандсиз ичарди. Онаси ўғлининг бу одатини хуш кўрмай, ҳаёти ҳам шу қора қаҳвадай аччиқ ўтмаса гўрғайди, дея нолир эди. Афсуски, онанинг баишорати йиллар ўтиб тўғри чиқди.

Шандор гимназияни тугатгач, театр артистлари сафида юрди, журналларда ишлаб кўрди. Ёзган шеърларини тўплаб, йигирма бир ёшида каттагина

китобини нашр эттирди. Бу тўплам уни венгер адабиётининг йирик намояндаси, мумтоз вакили сифатида элга танитди.

Кунларнинг бирида шоирни дўстларидан бири балга таклиф этади. У бу ерда ўн саккиз ёшлардаги қора, қайрилма қошли, келишган қоматли қизга кўзи тушади. Шандор кўплаб қизларни таниган, суҳбатдош бўлган эса-да, унинг каршисида ўзини йўқотиб қўяёзди. Қизни рақсга таклиф этди. Аммо у аслзода хонимнинг олдида ўзини ўнғайсиз сезиб, рақс тушишга қийналади. Бал уларнинг назарида жуда тез тугайди.

Юлия бой-бадавлат оиланинг фарзанди, оқила, ақл-фаросатда ягона, ҳар қандай аслзода йигит уни умр йўлдошликка олса бахтли қила оладиган қиз эди. Бироқ у қассобнинг ёлғиз ўғли, таниқли шоир, довюрак, кўзлари, бутун вужудидан ғайрат ва шижоат уфуриб турган навқирон Шандорни танлади.

Орадан бир неча кун ўтиб, улар Эрдёд шаҳридаги қасрда учрашдилар. Йигит ва қиз олти соат бирга бўлишди. Аммо бир-бирига ташна қалблар эҳтирос жиловини маҳкам тутишди. Кейинги учрашувлар ҳам шундай ўтди. Шандор урф-одатларга қаттиқ риоя этадиган йигит эди. Юлиянинг кўнглида ўзига нисбатан заррача ҳам ғубор тушиб қолишини истамасди. Шоир Юлия тимсолида маъшуқагина эмас, балки уйининг бекаси, болаларининг онасини ҳам кўрар, у билан бир умр бирга яшашни орзу қиларди.

Кўнгли жуда нозик Юлия салга хафа бўлиб, аразлаб қолар, бечора шоир бундай пайтларда ўзини қаерга қўйишни билмас, дунё кўзига қоронғу бўлиб кетар эди. Яхшики, қиз дилида гина сақламас, бир-икки кундан сўнг яна аввалгидай бўлиб, ярашиб кетишарди.

Бир йил ичида севишганлар ҳаётларини бир-бирисиз тасаввур эта олмасликларига кўзилари етиб, никоҳдан ўтишди. Улар бир ярим йилгина хотиржам яшадилар. 1848 йилда бошланган Венгрия инқилобида шоир четда туролмади. У қўлига қурол олиб, халқ ҳимоясига отланди.

Офицер Шандор Петефи Шегешвардаги тенгсиз жанглarning бирида халок бўлди. Бироқ жанг майдонидан унинг жасади топилмади. Бу эса ҳар хил миш-мишларни туғдирди. Кимдир душманга асир тушиб, Россияга ўтиб кетибди, ҳозир Сибирда эмиш деган гап ҳам тарқатди.

Икки нафар фарзанди билан йигирма ёшида бева қолган Юлия бундан каттиқ изтироб чекди. У эрининг пок номини тиклашга, унинг тақдири ҳақидаги турли гапларга чек қўйиб, ҳақиқатни рўёбга чиқаришга онт ичди. Бунинг учун ёш, гўзал жувон нима қилсин? У жанглр бўлиб ўтган жойларга бориб, эрининг сафдошларини сўраб-суриштирмоқчи бўлди. Бунинг учун ўзига мослаб йигитлар кийимини тиктирди.

Юлия эри билан бирга жанг қилганлардан бири Туркияда яшашини билиб, у ерга бориш учун чет элга паспорт олиш мақсадида ҳатто Австрия зобитларидан бирига турмушга чиқишга ҳам мажбур бўлди. Бу эса Юлия ҳақидаги ҳар хил уйдирмалар пайдо бўлишига олиб келди. Кўп машаққатлардан сўнг турмуш ўртоғининг ҳақиқатдан ҳам жангтоҳда қаҳрамонона халок бўлганини аниқлади. Эрининг руҳи олдидаги муқаддас бурчини адо этди. Аммо барибир унинг қабрини топа олмади.

Хўрланишлар, тухматлардан адои тамом бўлган Юлия 1867 йили оғир хасталик билан касалланиб вафот этди.

НОБЕЛ ҚОЛДИРГАН ХАЗИНА

Алфред Нобел 1895 йилнинг 26 ноябрида Париж нотариуси хонасида ўз васиятини ўқир экан, хаёлига келган бир фикрдан ўткир кўзларида табассум учқуни чақнади. У қароридан қариндош-уруғлари ва яқинлари қандай аҳволга тушишини тасаввур этганди. Ахир улар 30 миллион кронга эга бўлиш арафасида эдилар-да. Қанчадан-қанча заҳматлар эвазига жамғарилган ҳар бир

кронда одамларнинг ҳаёти, тақдири акс этиб турарди. Қатъий қарорга келган Нобел васиятномага имзо чекар экан Берта ҳақида ўйлади...

Бўлғуси “Динамит отаси” 1833 йилнинг 21 октябрида Стокгольмда Иммануэл ва Каролина Андиетта Нобеллар оиласида таваллуд топди. Алфред ёшлигидан нозик ва касалманд эди. Шунинг учун у саккиз ёшгача таълимни уйида олди. Ўғлида даҳолик белгиларининг намоён бўла бошлаганини илғай олган она унинг яқин дўсти, мураббийи ва ҳамроҳига айланганди. Бола фанларни пухта ўрганиб, фикрлай олишда акаларидан ажралиб турарди. У хорижий тилларни ўзлаштиришда ўзгача йўл тутиб, Волтер асарларини немис, рус, инглиз, испан тилларига ўгирди. Сўнгра яна қайта французчага таржима қилди. Бу машғулоти қайта-қайта давом эттирарди. Ота-онаси Алфреддаги бу истеъдод бежиз эмаслигини билишарди. Чунки Нобеллар аждоди асосчиси, XVII асрда яшаган Перрус Олаф Нобелиус шундай катта ақл-заковат эгаси эди. Шунинг учун сулоланинг ҳар бир босқичида у ёки бу соҳада буюк кашфиётлар соҳиблари учрарди. Масалан, Алфреднинг отаси Иммануэл ҳам истеъдодли кашфиётчи, қурувчи ва меъмор эди. У унчалик ҳам илмли бўлмаса-да, ўз ақли билан бойиб кетганди.

Улар – саккиз нафар фарзанднинг уч нафари (қолганлари вафот этишганди) йиллар давомида тадбиркорликдан муваффақият қозонишди. Катта ўғил Роберт Бокудаги нефть саноати эгаси, ўртанчаси Людвиг Санкт-Петербургда қурул-яроғ заводини ташкил этди, кенжатой Алфред эса Нобел исм-шарифини бутун дунёга танитишга муваффақ бўлди.

Аввалига ишлар унчалик силлиқ кетавермади. Катта қарздорлик туфайли Иммануэл отасини Швецияда қолдириб Россияга бахтини излаб кетди. Санкт-Петербургда унинг омади чопиб чилангарлик дастгоҳларини ишлаб чиқариш корхонасини бунёд этишга мушарраф бўлди. Орадан тўрт йил ўтгач эса отасини бу ерга кўчириб келди. 17 ёшга тўлган Алфредни химия фанини ўрганиш учун

Парижга, бир йилдан кейин эса Америкага, биринчи кема ихтирочиси Жон Эриксонда малака ошириш учун юборишади.

1853-56-йилларда Қримдаги харбий ҳаракатлари даврида Иммануэл Россиядан кўплаб вино ва портловчи моддалар буюртмасини олади. Аммо рус-турк уруши тугагач, у бирданига молиявий таназзулга юз тутди. Катта ўғлини Россияда қолдириб, Алфред билан Швецияга қайтиб кимёвий лаборатория ташкил этадилар.

Алфред бир неча йиллик изланишлари натижасида нитроглицерин учун капсулаларни детонатор ишлаб чиқаради. Бироқ бу ихтироси унга қимматга тушди: тажрибаларнинг бирида лабораторияда кучли портлаш юз берди ва саккиз киши ҳаётдан кўз юмди. Қурбонлар орасида унинг 20 ёшли акаси Эмил ҳам бор эди.

Бу қайғуни кўтара олмаган ота ўлим тўшагига михланди. Қанча ғам-ташвишларга қарамай, Алфред нитроглицерин ҳақида ўйлашни бир лаҳза ҳам тарк этмади. 1867 йилдагина уни тугал кашф этишга эришди. Бундан унга туганмас бойлик оқиб кела бошлади. Тез кунда уни “динамит отаси” деб ша-рафлай бошладилар.

Афсуски, Нобел ўзини ҳақиқий оила бошлиғи сифатида бахтли санай олмасди. Унинг шахсий ҳаёти чигалликларга бой бўлди. Йигирма ёшида дорихона хизматчиси бўлган француз гўзалига ошиғу беқарор бўлди. Аммо унга уйланиш таклифини айтиш умидида юрган вақтида қиз қаттиқ касалга чалиниб оламдан ўтди. У бу зарбадан анчагача ўзига келолмай юрди. Ниҳоят, 25 ёшида 20 ёшли гул сотувчиси Софи Гессни севиб қолди. Аммо бу муҳаббат ҳам узокқа чўзилмади. Қиз сиртдан соҳибжамол кўринса-да, аслида заҳар-заққумнинг ўзи эди.

Алфреднинг Сара Бернарга иштиёқи ҳам саробга айланди. Бу актрисага уйланиш ҳақидаги қарорини сеvimли онаси қатъий рад этди. “Ўғлим, умуман

актёрларнинг шахсияти сахнада ўйнаган ролларидагина мужассамдир. Сенга замхўр аёл керак, яхшиси уни ёддан чиқар”, деганди онаси.

Унинг Берта Кинскига бўлган ҳис-туйғулари ҳам барбод бўлгач, ишқий ҳаракатларга чек қўйди ва ҳаётини илмий изланишларига бахшида этишга аҳд қилди.

Алфред билан Бертанинг ҳаёти туташмаган бўлса-да, улар яқин дўст бўлиб қолдилар. Тўққиз йиллик таниши Алфред динамитни яратганини эшитгач, Берта ўз мактубида уни фақат тинчлик мақсадидагина ишлатишни илтижо ила сўраганди. Аммо бу кашфиёт 1870 - 71-йиллардаги Франция-Пруссия урушида қўлланилди. Бундан Алфреднинг виждони ниҳоятда қийналди. У кашфиёти фақат ер ости йўллари, канал ва йўллар қурилишида ишлатилишини истарди. Алфред ўзини тинчликпарвар киши деб биларди. Ҳатто у бир марта Бертага *“Менинг бир орзуим бор: шундай машина ёки ашё ишлаб чиқсам-у, у ҳар қандай урушга тўсиқ бўла олса”* деганди. Йиллар ўтиб жамғарилган пулларни фан, адабиёт ва тинчликни сақлаш хизматлари соҳиблари учун мукофат сифатида сарфлаш ҳақидаги Бертанинг маслаҳати унинг ёдига тушди. Фурсат етганини билган Нобел нотариусга қараб йўл олди...

Ўша даврда Нобел васиятномасидаги қарордан қариндошлари ва яқинлари қандай ҳолатга тушганию, ўзларини қандай ҳис этишгани бизга номаълум. Бироқ Нобел жамғармаси бугунги кунгача инсониятга нафи тегадиган кашфиётлар учун бериб келинаётгани бор ҳақиқат.

Берта эса Нобелнинг оламшумул васиятидан беҳабар эди. 1897 йилнинг январь ойининг бир тонгида эри келтирган газетадаги қуйидаги сатрларга кўзи тушади: *“Алфред Нобелнинг шов-шувли васияти”*. У шу дамда Нобел айтган қуйидаги сўзларни эслайди: *“Минглаб кашфиётларим ичида ақалли биргинаси инсониятга хизмат қилса, мен бахтиёр бўлардим”*. Берта бу қарордан ҳаммасини тушуниб етди ва *“гуноҳларга тўлов”* деб пичирлаб қўйди. У бир неча йилдан сўнг Нобел мукофоти совриндори бўлди...

Алфред Нобел 1896 йилнинг 10 декабрь куни миясига қон қуйилиб дунёдан ўтди. У умрининг сўнгги дақиқалари ҳақида жуда тўғри башорат қилганди: *“Умрим поёнида қўзимни юмиб қўювчи ва майин сўзлар билан эркаловчи яқин кишим бўлмайди”*.

Бироқ нима бўлганда ҳам Бертадан кўнгил уза олмаганди. Уни қалбининг тўрида сакларди. Улар яқин дўст ва сирдош бўлиб қолдилар. Агар шундай бўлмаганида, балки бундай жаҳоншумул васиятнома дунёга келмаган бўлармиди?!

НАПОЛЕОННИ МАҲВ ЭТГАН НОЗАНИН

Вест-Индиядаги балиқчилар оиласида тугилган, маҳаллий қанд заводи ёнида жойлашган хароба хонадонлардан бирида бир аёл яшарди. Жаҳондаги энг машҳур инсонлардан бирига турмушга чиқишини ўйлаб ҳам кўрмаган бу аёлнинг исми Мария Жозефина Роза Ташер ла Пажери эди. Бироқ уни оддийгина қилиб, Жозефина деб аташарди.

Жозефина Наполеондан олти ёш катта бўлиб, улар танишган пайти аёл 33 ёшда, Наполеон эса 27 ёшда эди. Аёлнинг тишлари хунукроқ, ўзи ҳам унчалик гўзал эмасди. Устига-устак икки нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказар экан, ҳамиша муҳтожликда кун кечирарди. Ижара ҳақини тўламагани учун хоҳлаган вақтида судга бериши мумкин бўлган уй эгасига пулни учма-уч тўлаб борарди. Алалхусус, у ҳаёт йўлини қийинчилик билан бошлаган. Лекин унинг битта қимматли фазилати бор эдики, у эркалар билан муомала қилишни биларди. Айниқса, бевалигида бу борада кўп тажриба орттирган эди.

Француз инқилобчилари биринчи эрини ўлдиришганда, у маблағсиз ва ёрдамсиз қолди. Барча соғлом аёллар интилувчи нарса унинг ҳам эътиборидан четда қолмади. Жозефина ўзига эр танлай бошлади.

Дўстларидан бири унга Наполеон тўғрисида гапириб берди. У пайтларда урушдан эндигина қайтган Наполеон ҳали машҳур эмас, ҳеч вақоси ҳам йўқ эди. Бунинг устига у касалликдан қутулиш учун сочини тақир қилиб олдириб юрарди. Бироқ дўстлари Наполеон ном қозонмоқ илинжида юрганлигини айтишганида Жозефина фақат аёллик туйғуси орқалигина у билан танишмоқчи бўлди. Хўш, буни қандай амалга оширди.

Жозефина ўз режасини амалга оширишнинг антиқа йўлини ўйлаб топди. У ўн икки яшар кичик ўғлини Наполеоннинг олдига юборади. Ўғли марҳум отасининг қиличини совға сифатида қабул қилишини сўраши керак эди. Аёнки Наполеон бунга эътироз билдирмайди. Шу боис, Жозефина эртаси куни бурнига упа суртиб, кўзида ёши билан марҳамат кўрсатгани учун миннатдорчилик билдиргани Наполеоннинг олдига отланади.

Наполеон Жозефинанинг шахсидан ҳам, унинг латофатидан ҳам ғоят таъсирланади. Ижтимоий ўрни жиҳатидан аёл юқори мавқеда турганлиги учун бир пиёла чойга таклиф этилгани Наполеоннинг бошини кўкка етқизди. Меҳмонни қабул қилар экан, Жозефина у албатта тарихдаги энг буюк генерал бўлишига ишонишлигини айтди... Уч ойдан сўнг уларнинг бўлажак тўйлари ошкор қилинди.

Наполеонда ҳар бир нарсани ўз вақтида бажаришга ихлос кучли эди. “*Вақт ҳамма нарса!*” дерди у. Бошқа ўринда эса: “Мен жангда бой беришим мумкин, лекин дақиқани йўқота олмайман” деган эди. Шунга қарамай никоҳи белги-ланган вақтга икки соат кечикиб келди. Никоҳни қайддан ўтказувчи судья кута-кута, Наполеон келгунча ухлаб қолди. Тўйдан сўнг роппа-роса қирқ саккиз соат ўтгач, Наполеон Италияга қарши урушга кирди. Унинг армияси очликдан, ёмон таъминотдан азоб чекарди. Шунга қарамай, қитъада акс-садо берган ғала-

бага эришди. Европа тарихи бир неча асрдан буён бундай ғалабани кўрмай келаётган эди. Шуниси ажабланарлики, Наполеон жанг майдонида ҳам Жозефинага ҳар куни мактуб ёзишга вақт топарди. Яна қанақа мактублар денг – эҳтиросли, ҳаяжонли, туйғуларга бой. 1933 йилда Наполеоннинг Жозефинага юборган саккизта мактуби Лондонда, оммавий кимошди савдосида тўрт минг фунтга сотилди. Мана ана шундай мактублардан бири:

“Азизам Жозефина!

Сенга бўлган муҳаббатим ақлу ҳушимдан айирмоқда. Ҳатто овқат тўғрисида ҳам ўйламай қўйдим. Уйқуни тарк этганман. Дўстларимга ҳам эътибор бермай қўйдим. Мен шон-шуҳрат ҳақида ўйламайман ва сенинг мезонинг билан ўлчангувчи ғалабанигина қадрлайман. Акс ҳолда мен армияни ташлаб, пойингга бош эгмоқ учун Парижга қайтган бўлардим.

Сен адоғсиз муҳаббатинг билан мени тўлқинлантирдинг, эҳтиросларинг билан қалбимни қайта уйғотдинг. Соат сайин сувратингга боқаман, соат сайин уни бўсаларга буркаб ташлайман”.

Бошқа мактублар бундан-да сертуйғу. Ҳар қандай аёл бундай мактубларга бош эгиши тайин. Бироқ Жозефина уларга унча аҳамият бермаган кўринади. У ушбу ишқ номаларига жавоб йўлламай, Наполеонни ҳижрон азобига қўярди. Шу билан бирга бошқаларга хушомад қиларди.

Ниҳоят Наполеон ундаги бефарқликдан чарчади. Мисрдаги уруш пайти бир хилқатни чойга таклиф этди. Узоқ Париждан туриб, Жозефина бу ҳақда хабар топди. Наполеон Францияга қайтгач, эр-хотин ўртасида келишмовчилик келиб чиқди. Жозефина кўнглидаги борини тўкиб солди. Наполеон ҳам худди шу тахлит жавоб қайтарди ва хонасининг эшигини ёпиб олди. Оилада бошқа чигалликлар ҳам пайдо бўла бошлади. Жозефина Наполеоннинг опа-сингилларидан кўра юқорироқ даврага мансуб эди. Бу эса уларни ғазаблантирарди. Жо-

зефинанинг илтифотсизларча муомаласидан ўзларини қўйрга жой топишолмасди. Опа-сингиллар унинг устидан кулишар, “кампир” дея масхара қилишарди. Наполеонга эса “қари, семиз” хотинини ташлашни, ёш хотинга уйланишни таъкидлашгани-таъкидлашган эди.

Бироқ барча уринишларга карамай, улар Наполеоннинг Жозефинага бўлган мухаббатини сўндиролмадилар. Бу йўлда уларга ҳеч нарса ёрдам беролмади. Лекин барибир Наполеон ундан ажралишга қарор қилди. Чунки унга ўғил керак эди. Айрилиқ заруриятини ҳис қилар экан, унинг юраги қаттиқ сиқилди. Ажралиш тўғрисидаги қоғозга имзо чекар экан, аччиқ-аччиқ йиғлади. Ажралишганидан сўнг уч кун ўтгач, у ўз саройида ўй-хаёллар оғушида олдиға ҳеч кимни қўймай, ёлғиз ўтирарди. Орадан бироз ўтгач, Австрия маликаси Мария Луизага уйланди.

Ушбу никоҳнинг бемаъни томони шунда эдики, барча австрияликлар каби, Мария Луиза ҳам Наполеонга нафрат руҳида тарбияланган эди. У ўз ҳаётини Наполеон билан боғламасликни ҳамиша худодан илтижо қилиб сўрарди. Аммо отаси сиёсий манфаатдан келиб чиққан ҳолда, шунга мажбур қилди. У эрига бефарқ эди. Ҳатто ўғлини ҳам отасига душманлик руҳида тарбиялай бошлади. Урушларда мағлубиятга учрай бошлагач эса, ундан воз кеча қолди. Наполеоннинг эса биринчи, сўнгги ва ягона мухаббати Жозефина бўлиб қолди. Ҳатто ҳаёт билан видолашаётганида айтган сўнгги сўзи ҳам шу бўлди: “Жозефина!”

“АРГЕНТИНА МАДОННАСИ”

Диктатор Хуан Перон ва унинг хотини Эвита узоқ йиллар Аргентинага ҳукмронлик қилишди. Мамлакатни гуллаб-яшнатишини амалга оширишни ниқоб қилган Перонлар давлатни инқироз ёқасига келтириб қўйишди. Улар “Аргентина халқи” учун кўп нарса қилишганди. Бу жуда галати ва бир-бирига мос келмаган жуфтлиқ эди. Эвита шубҳали ўтмишига эга бўлган қўшиқчи, Хуан

эса армия полковниги эди. Улар Аргентина мамлакатини кўп вақтлар бошқаришди. Ушбу мамлакат халқи уларни ҳозиргача унутгани йўқ.

Аргентинада ўша даврларда перонизм деярли динга айланган, Хуан ва Эвита эса ярим худо эдилар. Бу эр-хотинлар ҳеч иккиланмасдан давлат хазинасини талаб, пулларни Швейцариядаги ўз ҳисоб рақамларига ўтказишди. Иккинчи жаҳон уруши даврида улар Европадаги фашистлар ҳаракатини кўллаб-қувватлашди. Оппозицион матбуот бўғиб қўйилди, дин арбоблари қувғин қилинди. Перон ҳокимият тепасига келгунига қадар Аргентина дунёнинг энг бой мамлакатларидан бири эди. Ундан сўнг эса инқирозга учраган давлатга айланди.

Хуан Доминго Перон 1895 йилда камбағал муҳожир оиласида туғилди. У мансаб пиллапояларидан тиришқоқлиги ва қобилияти туфайли кўтарилиб борди. Хуан Перон шон-шуҳратни орзу қилиб яшарди.

1943 йилгача, ҳарбий давлат тўнтариши юз бергунга қадар Аргентинада Рамон Кастило президент эди. “Ёш бургутлар” махфий жамиятининг армия зобитлари ҳукуматга қарши фитна уюштирдилар. Улар орасида полковник Х.Перон ҳам бор эди. Президентнинг антифашистик сиёсати Муссолинини ўзларига дохий деб биладиган итальян миллатига мансуб зобитларнинг ғашини келтирарди. Давлат тўнтариши пайтида Х.Перон ҳарбий бошқармада ишлар ва фашизмга ўта мойил зобитлардан ҳисобланарди. Янги ҳукумат уни ҳарбийлар томонидан ташкил этилган меҳнат вазирлигида юқори лавозимга тайинлади. Аргентинада ишчилар ҳаракати одатда касаба уюшмалари томонидан назорат қилинарди. Х.Перон ишчиларни нацистлар Германияси ва фашистлар Италиясига сафари давомида кўриб, қойил қолган ҳарбийлашган иттифоқларга бирлаштирмоқчи бўлди. Касаба уюшмалари раҳбарларини ўз томонига оғдириш, ўзини уларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилашга уринаётган “катта оға” сифатида кўрсатиш учун бор маҳоратини

ишга солди. У ишчилар ва корхоналар раҳбарлари ўртасида маош бўйича музокаралар ўзи орқали ўтказилишига эришди. Х.Перон касабга уюшмалари ва корхоналар раҳбарларидан олган пора пулларини Швейцариядаги банкка ўтказарди. У пул тўланадиган таътил, Рождество байрами учун мукофот пули берилиши ва бошқа имтиёزلарни амалга киритди.

1945 йилнинг августида эълон қилинган фавқулодда ҳолат бекор қилинди. Келаси ойда Аргентина пойтахти кўчаларида ярим миллион кишилик намоёиш ўтказилди. Халқ инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини талаб қиларди. Бу ҳукуматни чўчитиб юборди ва кўп одамлар ҳибсга олинди. Ҳарбийлар орасида ҳам қарама-қаршиликлар юзага келиб, уларнинг айримлари ишчилар билан бир фикрга кела бошлагач, Х.Перон ҳокимият тепасига кўтарилиш вақти келганлигини англади. У радио орқали чиқиш қилиб, ишчиларни ҳал қилувчи ҳаракатга чақирди.

Эвита (Эва) 1919 йилнинг 7 майида Лос Толдос қишлоғида туғилди. Отаси у бир яшарлигида вафот этганди. Эвита ёшлигидаёқ қашшоқлик нима эканлигини жуда яхши англаб етди. Онаси қизининг бой одамга турмушга чиқишини хоҳларди. Аммо қизи бошқача фикрда эди. Хунине шаҳарчасида ҳаваскорлик спектаклида кичкина роль ижро этгач, Эвита актриса бўлиш, бутун мамлакатга танилишга қарор қилди.

У шаҳарга қандай келиб қолганини ҳеч ким билмайди. Бироқ ёш соҳибжамол воқеалар марказида турарди. У радио ёки телевидение орқали чиқиш имкониятини ҳеч қачон қўлдан чиқармасди. Вақт ўтиши билан у халқ эътиборига тушди. 1943 йили у сайёранинг энг машҳур аёллари ҳақида туркум кўрсатувлар тайёрлашни бошлади...

Улар 1944 йилнинг январида учрашишди. Ўшанда Сан Хуан шаҳридаги даҳшатли зилзила юз берганида Аргентинанинг барча юқори табақа вакиллари бу ерга келган ва 49 ёшли полковник Хуан Перон ёш актрисани севиб қолганди. Улар танишишди ва Хуан бир умрга унинг измига бўйсунди.

1945 йилнинг кузида оммавий тартибсизликлар уюштиришга даъват қилгани учун Х.Перон ҳибсга олинди. Эва полковникни қўллаб-қувватлаш учун митинглар уюштирди. Буэнос-Айрес кўчасида икки кун давом этган тўс-тўполонлардан сўнг, Перонни озодликка чиқаришга мажбур бўлишди. Унинг сиёсий мавқеи мисли қўрилмаган даражада ошиб кетди.

Неофашистик тузум ҳақидаги орзулари хомхаёл эканини тушунган Перон истеъфога чиқди ва янги ишчилар партияси раҳбари сифатида сиёсатга қайтди. Пероннинг диктатура сари қўйган биринчи қадами касаба уюшмалари ҳаракати ташкилотининг тоталитар буйруқларига бўйсунмаган косиблар ва янги саноатчилар касаба уюшмаларининг йўқ қилиниши бўлди. Олти ой ичида ишчилар ҳаракатининг бўйсунмас раҳбарлари мамлакатдан бадарға қилинди. Бўлажак президентлик сайловларида ғалаба қозониш учун Перон католик черковини ҳам ўзига оғдириши лозим эди. Бу пайтда черков унинг Эва Дуарте билан алоқасини очиқчасига муҳокама қилаётганди. Хуан ўзидан 24 ёш кичик бўлган Эвитага уйланиш мақсадида хотини билан ажрашди. Перон черков билан ҳам тил топишди ва Эвитага уйланди. 1946 йилда Х.Перон президентлик сайловларида ўз орзусига эришди.

1946 йилнинг 4 июнида у Аргентинанинг 29-президенти этиб сайланди. Бир йилдан сўнг Эвита Европа бўйлаб саёҳатга чиқди. Ушбу саёҳат пайтида у 40 ёшли грек миллионери Аристотел Онассис билан танишди. Гўзал Эвитани кўрган Онассис ҳушидан айрилаёзди. У аргентиналик гўзални ўзи билан бирга бўлишга таклиф этди. Эвита унинг таклифини қабул қилди. Унга қуймоқ пишириб, меҳмон қилди. Миллионер у билан ўтказган бир кеча учун ўн минг доллар берди. Кейинроқ Онассис *“Бу умримдаги энг қиммат қуймоқ бўлди”*, деганди.

Хуан Перон инқирозга учраган темир йўлларини тиклаш учун катта пул сарфлади. Ишчиларнинг ҳурмати қозониш учун уларга катта имтиёзлар

берди. 1948 йили “Эвита шахри”даги асосий уй қуриб битказилди. Бу ерга камбағал ишчилар кўчиб ўтишди.

1945 йилдан 1952 йилгача Эвита 2500 та уй совға қилган, 3500 та талабага стипендия улашган ва 7800 марта чўқинтирган она бўлган. Эва темир йўл ҳалокатлари қурбонларига пуллар тарқатар, қишлоқларда мактаблар очарди. Буларнинг ҳаммаси кейинчалик Аргентинани иқтисодий инкирозга учратди. 1949 йилга келиб, Перонларнинг режасини инфляция барбод қилди. Митинглар бошланди. Бу йиллар ичида Эва тадбиркор ва ер эгаларидан катта миқдорда пул олишни давом эттирди. Эва ҳақиқатан ҳам шунча ишларни амалга оширарди. Аммо унинг “Эва жамғармаси” деб ном олган жамғармасига тушган пулларнинг катта қисми Швейцария банкига ўтказиларди. Унинг вакиллари мамлакатдаги барча корхоналарга боришар ва Эвита талаб қилган бадални йиғишарди. Ўз ихтиёри билан пул бермаган корхоналар тезда ёпиларди. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Эвита бу жамғармадан 100 миллион долларни ўмарган ва Швейцариядаги ҳисоб рақамига ўтказган. Эва ҳар бир ишчи ва тадбиркордан пул талаб қиларди. “Биринчи хоним” армия ва полицияга таянарди. У харж қилган пуллар диктаторлик режимининг эҳтиёж ва манфаатлари билан боғлиқ эди. Мамлакат президенти ҳам сиёсатчиларни унинг жамғармасига пул ўтказишга мажбур қиларди.

Перонлар импорт-экспорт лицензияларидан миллионлаб даромад қилишарди. Тадбиркорлар бошқа мамлакатлар билан савдо қилиш ҳуқуқини олиш учун уларга йирик миқдорда пора беришарди.

1951 йили Хуан ва Эвитанинг ҳукумати нурай бошлади. Шу йилги сайловларда Пероннинг хотинини вице-президент этиб сайлаш таклифи халқнинг кескин норозилигига сабаб бўлди. Хуан Перон намоёнчиларни бос-тиришга эришди ва сайлов бюлетенларида хотинининг номи тилга олинмади. Президентлик сайловидан бироз олдинроқ давлат тўнтаришига уриниш содир бўлди. Аммо бу уриниш муваффақиятсизликка учради.

Кузда ўтказилган сайловда Перон 61 фоиз овоз олди. Халқ хали ҳам унинг ваъдаларига ишонарди. Келаси йилнинг ёзида Аргентина халқи Эвита Пероннинг 33 ёшида вафот этганидан донг қотди. У халқ хотирасида диктаторлик ҳокимиятпараст хотини, халқ бойлигини таловчи, мамлакатни таназзулга учратган аёл эмас, балки гўзал хоним сифатида қолганди.

Меҳнат вазирлиги биноси олдига у билан видолашгани миллионлаб аргентиналиклар келишди. Перон унинг жасадини мўмиёлаш учун Испаниядан Педро Ара исмли мутахассисни чақиртирди. У бор маҳоратини ишга солиб, Эвитани гўёки ухлатаётгандек ҳолатга келтирди. Бу иши учун Ара юз минг доллар олди.

Тез орада мамлакатдаги иқтисодий вазият кескин ёмонлашди. Қирол ўз тарафдорлари кўз ўнгида қашшоқлашиб борарди. Университетларда чаласаводлар жойлаша бошлади. Порахўрлик авжига чикди. Пероннинг шахсий гвардияси отрядлари Буэнос-Айресдаги санъат музейи ва миллий кутубхонани талашарди. Бу ердаги қимматбаҳо ашёлар диктаторнинг уйига ташиб кетилди. Перон бир неча суиқасдлар ва давлат тўнтаришларидан омон қолди.

1955 йилнинг 8 июнида ҳарбий-денгиз флотининг самолётлари президент саройи атрофига йиғилган президент тарафдорлари устига бомба ёғдирди. Қуролли кишилар пойтахтни талай бошладилар. Кордовадаги армия гарнизони президентга қарши бош кўтарди. Йигирманчи сентябрь куни Хуан Перон мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди.

Диктатор қочиб кетганидан сўнг халқ Эвита аслида қандай яшаганини ўз кўзи билан кўрди. Шиша поллар нархи икки миллион фунт бўлган қимматбаҳо тошлар жилосидан ярақларди. Ичкарида катталиги каптар тухумидек келадиган бриллиантлар турарди. Эвитанинг тўрт юздан ортиқ кийимлари бўлиб, бу тўплаган бойликнинг бир қисми эди, холос. Уларнинг асосий бойлиги Швейцария банкида эди.

Хуан Перон дастлаб Парагвайда, сўнгра Бразилияда яшади. Кейинрок Испаниядан паноҳ топди. Эвитанинг мўмиёланган танаси эса янги ҳукуматга кўп ташвиш келтирди. Унинг жасади қаерда сақланишидан қатъи назар, ўша ерда шамлар пайдо бўлиб қоларди. Жасад солинган тобут ҳарбий-денгиз базасига, полиция академияси биносига, ҳарбий-ҳаво кучлари базасига келтирилди. Аммо барибир ёниб турган шам пайдо бўлаверди. Унга сиғинадиганлар ҳарбийлар орасида ҳам бор эди. Ниҳоят, янги президент уни бутунлай кўздан йўқотишга буйруқ берди.

Хуан ва Эвитани жуда ёмон кўрадиган майор Арандия унинг жасадини ўз уйида сақлашни таклиф этди. Арандиянинг хотини эрини тушунолмай қолди. Уйига қандайдир қути келтирилганидан бери у хонасидан чиқмай қўйганди. Бир куни у эрининг нима билан шуғулланаётганини билиш учун қутини очиб кўради. Мудраб ўтирган эри уни отиб ташлайди.

Вақт ўтган сайин ҳарбийлар ҳукумати мамлакат иқтисодини тиклаш чоратadbирларини излашарди. Перон эса яна ҳокимиятни эгаллаш учун пайт пойларди. Олтмиш беш ёшли Хуан йигирма ёшли Мария Эстеллега уйланди.

1973 йили мамлакатда вазият кескинлашди. Генераллар Перонни мамлакатга чақиришди. У яна президент этиб сайланди. Ҳокимият тепасига келгач, у Эвитанинг жасадини қидира бошлади. Маълум бўлишича, Эва Миландаги қабристонга кўмилган экан. Унинг тобути қазиб олиниб, Буэнос-Айресга келтирилди. Эва ҳали ҳам худди тирикдек эди. Жасад Оливис қабристонига кўмилди.

Бир йилдан сўнг Хуан Перон ҳаётдан кўз юмди. У Эванинг қабри ёнига дафн этилди. Ҳокимият Хуаннинг сўнгги хотинига ўтди. Лекин халқ уни ёқтирмасди. 1976 йили давлат тўнтаришидан сўнг у миллионлаб долларни ва давлат мулкани талон-торож қилишда айбланиб ҳибсга олинди. 1981 йили қамокдан чиқди.

Эва эса бир вақтлар ўзи учун кадрли бўлган кишиси билан хайрлашди. Унинг жасади президент қабри ёнидан олиниб, оддий қабристонлардан бирига қўйилди.

Эвитага бағишлаб кўплаб китоблар ёзилди. У ҳақида фильм суратга олинди. Бу фильмда Эва ролини машҳур Мадонна ижро этди. Эвитани “Аргентина Мадоннаси” деб аташарди. Балки, оддийгина қишлоқ қизи бўлган Эвита шаҳарга бир пайтлар ана шу мақсадда келгандир? Агар шундай бўлса, у ўз орзусига эришди.

СЕВГИ УЧУН ТАХТДАН ВОЗ КЕЧГАН ҚИРОЛ

1936 йилнинг декабрь ойида Буюк Британия қироли Эдуард VIII тахтдан воз кечди. Оддий америкалик аёлга бўлган муҳаббати унинг учун ҳар нарсадан, ҳатто қиролликдан ҳам устун чиқиб қолди. Собиқ қиролнинг столи устида ҳамиша хотинининг сурати турарди. Эдуард қилган иши тўғрилигига заррача шубҳа қилмасди. Аммо миллионлаб фуқароларга буни қандай тушунтиради? Газеталар унинг тахтдан воз кечиши хусусидаги хабарлар билан тинмай оламга жар солиб турган бўлса.

Мамлакатда юз бераётган бугунги аҳволдан эса кўнгли эзилиб таъсирланса, иккинчи томондан, муҳаббат қалбини зирқиратарди. 1936 йилнинг январь ойида отаси, қирол Георг Vнинг ўлиmidан сўнг, у тахтга ўтирганди. Халқ эса бундан қувонган, улар ўзини чиндан ҳам яхши кўришига Эдуард шубҳаланмаган эди. Энди-чи? Котибаси ҳар куни унинг тахтда қолишига ёлвориб битилган ўнлаб мактубларни қабул қилмоқда.

Демак, ҳамма ҳам уни муртад ва бефаросат ҳисобламас экан-да? Унинг душманлари ва хайрихоҳлари ушбу воқеа хусусида қандай фикр билдиришаркин? Имкони бўлса эди, барчани бир жойга тўплаб, бор ҳақиқатни

уларга айтиб берса? Балки шунда тўғри бўлармиди? Бундан беш йил аввал уэлс шахзодаси бўлиб турган пайтида кабулига келган, ҳаётининг мазмунига айланиб қолган бир аёлни учратганини айтган бўлармиди... Ҳа, у соҳибжамол эмас, бунинг устига, оилали. Ноилож, яхшиям у тож кийишга улгурмаган экан? Энди кичик укаси Алберт ҳеч қандай тўсиқларсиз тахтни эгаллайдиган бўлди...

Эдуард ҳукмронлигининг 325-куни, яъни 1936 йилнинг 10 декабрида тахтдан воз кечганлиги хусусидаги далолатномага имзо чекди. Радио орқали халққа мурожаат қилар экан, ўз ҳиссиётларини уларга тушунтириб беришга уринди. Чунки орқага йўл йўқ эди. Тахтни Георг VI номи билан унинг укаси Алберт эгаллади. Эдуард эса герцог Виндзорский бўлиб қолди.

Эдуард 325 кун, 13 соату 57 дақиқа тахтда ҳукмронлик қилди. Уоллис унинг тахтдан воз кечишига қарши бўлганди. Ўша куни у Каннда эди. Эдуард унга кўнғироқ қилиб, “ҳал қилувчи қадам қўйилди” деган. Телефон орқали сўзлашган пайтида ўша ерда ҳозир бўлган хизматчиларнинг айтишларича, Уоллис аниқ-равшан қилиб, “Бефаросат аҳмоқ”, деб бақирганича юм-юм йиғлаган экан...

1937 йилнинг июнида Уоллис эри билан ажрашгач, Эдуардга турмушга чиқади ва герцогиня Виндзорская унвонини қабул қилади. Маълум сабабларга кўра, маросим Францияда бўлиб ўтган, қироллик оиласидан ҳеч бир аъзо унда иштирок этмаганди. Тўйдан сўнг Герцогинянинг кўнгли Америкадаги Палм-Бич курортига бориб, ҳордиқ чиқаришни тусаб қолди. Бунинг устига, оилавий дўстлари лорд Сефтон уни сиртдан яқин дугонаси Жесси Донэхю хоним билан таништириб қўйган эди. Бу миллионер хоним ҳам Палм-Бичда дам олаётганди. У машҳур ошиқ-маъшук жуфтлигини кўришдан бахтиёр эканлигини айтган эди. Бу танишув негадир Уоллисни ўзига торта бошлади.

Махсус зиёфатда ўзи билан ёнма-ён ўтирган Жесси Дон-эхюнинг 25 ёшли ўғли Жимми Уоллисга ёқиб қолди. У ҳатто бу йигит жанжалкашлиги ва қўпол ҳазиллари билан анча шуҳрат қозонганини, шу боис ҳамма ундан безор

эканлигини ҳам унутаёзди. Бу орада герцог ва герцогинянинг Жимми билан танишуви тиклангунга қадар олти йил ўтди. 1947 йилнинг июнида Эдуард ва Уоллис тўйларининг ўн йиллигини тантанали нишонлаб Парижга қайтишди. Жимми ҳам Францияга келди. Ўша ердаги базм оқшомларининг бирида улар яна учрашиб қолишди. Шундан сўнг улар бир-биридан сира ажралишмади.

Кўп ўтмай ғаройиб учлик Нью-Йоркка йўл олади. Дастлабки пайтларда герцог ҳам Донэхюдан завқланиб юрди. Ёш миллионернинг ҳамиша ҳисоб-китобларни ўз ёнидан қилишга тайёрлиги унга маъқул бўлганди. Зиқналиги билан шуҳрат қозонган собиқ қирол одатда ресторанларда ўтиришганда тўлов қоғозини кўриб қовоқларини уюб олар, ҳисоб-китоб қоғозини бошқа кимдир “илиб кетар” деган умидда, ўзидан нарироққа суриб кўяр эди. Бунақа пайтда Жимми ҳамиша ҳамёнини қўлга олиб, уни хижолатпазликдан қутқарарди...

1950 йилнинг 24 май куни трансатлантик лайнер “Қиролича Мария” Нью-Йоркдаги бандаргоҳдан йўлга чиқиб, Шербур томон суза бошлади. Йўловчилар орасида ушбу учлик ҳам бор эди. Уоллис билан Жимми кемага дўст бўлиб кўтарилишди-ю, аммо ундан ошиқ-маъшук бўлиб тушишди. Донэхю ва герцогиня бир-биридан кескин фарқ қиладиган одамлар бўлгани боис, аввалига, нафақат Эдуард, балки репортёрлар ҳам улар ўртасида ҳеч нима йўқ деган фикрга боришган.

Бир куни Виндзорлар икки ойга Нью-Йоркка қайтиб боришларига тўғри келиб қолди. Париждаги ноширга ўз қўлёзмасини топширишга шошилаётган герцог сафарни бошқа пайтга қолдиришга уриниб кўрди. Бироқ Уоллис бу ҳақда эшитишни ҳам истамади. Натижада “Қиролича Мария” кемасининг бўлинмасига герцогинянинг ёлғиз ўзи чиқди. Париждаги вокзалда Эдуард севимли рафиқаси билан кўз ёш тўкиб хайрлашди. Кема Нью-Йорк бандаргоҳига келиб лангар ташлангандан сўнг, герцог эртаси куни хотинига – Уолдорф Тауэрсдан сотиб олган уйларига қўнғироқ қилди. Аммо уни топа олмади. Бир ҳафта мобайнида телефон гўшагини хизматчи аёл кўтарар ва бекасининг

каердалигини билмаслигини айтарди. Каттиқ изтиробга тушган Эдуард Нью-Йоркка йўл олди. Уоллис эрини бандаргоҳда кутиб олди. Хаяжонга тушиб, азоб-уқубатларга дучор бўлган Эдуард рафикасининг нозланиб, майин эркалашларидан сармаст бўлиб, кўнглидан ғубор кўтарилди. Боз устига герцогиня уйда бўлмаганини осонгина тушунтириб кўя қолди. Яна бахтли дамлар, эҳтиросли тунлар оғушида кунлар бирин-кетин ўта бошлади. Герцог хотиралар ёзишга шунчалар берилиб кетган эдики, ҳатто уни тунлари ҳам ёзув столи устида учратиш мумкин эди. Уоллис кундузлари баъзан эрининг хонасига кириб турар, ишқий мазмундаги алланималарни хиргойи қилганича ноз-карашма ила юриб чиқиб кетарди. Айримда бирга тушлик қилишарди. Мабодо герцогинянинг кўнгли ўйин-кулгини тусаб қолса, бу ишга Жимми ҳозир у нозир эди. Донэхю ва Уоллиснинг ишқий саргузаштлари ҳақидаги миш-мишлар барча киборлар хонадонига аллақачон етиб борган эди.

Уоллис дўстлари билан суҳбатларда тез-тез эри билан ажрашиш нияти борлигини шама қиладиган бўлди. Эдуарднинг эса бу гап-сўзлардан беҳабар дейиш қийин эди. Ниҳоят, гап-сўзлар ўз тасдиғини топа бошлади. Жимми эр ролини ўйнашга тайёр эди. Бироқ унинг онаси ушбу режага қатъий қарши чиқди. Агар Эдуард ва Уоллис ажрашадиган бўлса, “тентак” ўғлини у бир тийинсиз қолдириши билан таҳдид қилди. Герцогиня ора йўлда қолганди. У кўнгил истаги рўёбга чиқишини жуда-жуда хоҳларди. Бироқ бошқа томондан, қирол мана шу аёлни деб бутун бошли тахтдан воз кечган бўлсаю, бу хоним кейинчалик уни қаёқдаги онасининг эркасига, бунинг устига яна бебош одамга алмаштириб ўтиргани ҳақидаги ҳақиқат ҳаммага ошкор бўлиб қолса, халқ қаҳру ғазабига дучор бўлишини яхши тушунарди.

Ҳа, амалий мушоҳада рўёдан устун келганди. Жимми бўлса Виндзорлар оиласи аъзолиги ролига шунчалар киришиб кетган эдики ҳатто уларнинг устидан ошкора кулиб, масхаралашдан ҳам ҳайикмади. Нью-Йоркдаги “Марокко” клубида нишонланган Янги йил кечасида у сархуш хўрандалар

карсаклари остида герцог ва герцогиняга қоғоз қалпоқчалардан қилинган “тож” кийдирди. Виндзорлар оиласининг сирини фош этувчи суратлар кўплаб мамлакат газеталарида босилди. Ана ўшандан сўнг Виндзорлар олдида Донэхю номини ҳатто тилга олиш ҳам қатъиян ман этилди.

Собиқ қиролнинг хотинини тортиб олишга озгина қолган ошиқ кейинги умрини ичкиликка муккасидан кетиш билан ўтказди. У 1966 йилнинг сентябрида навбатдаги маишатдан сўнг вафот этди. Унинг мурдасини ўз ётоғидан топишди. Деворда эса Виндзор герцогиняси Уоллис Симпсоннинг ўн учта сурати осифлик турарди.

Виндзорлар эса Парижда ҳаётдан кўз юмишди. Герцог 1972 йилнинг 28 май куни саратон хасталигидан вафот этди. Уни дафн қилиш куни тўйларининг 35 йиллик санасига тўғри келган эди. Герцогиня 1986 йил 24 апрелда тўксон ёшида оламдан ўтди. Ҳар иккалалари ҳам Виндзор қасри яқинидаги қироллик қабристонига дафн этилган.

Эдуарднинг ўлиmidан сўнг, Уоллис: “*У менинг жону жаҳоним эди. Билмадим, унингсиз нима ҳам қила олардим. Мени деб у ҳамма нарсасидан воз кечган эди-я...*” деганди.

ЯГОНА БОЙЛИГИ МУҲАББАТИ ЭДИ

Эдгар Аллан По Америка адабиётининг ёрқин сиймоси, романтик, гаройиб шоирлардан бири эди. Ўз вақтида у Виржиния университетидан қимор ҳамда ичкиликка муккасидан кетганлиги учун ҳайдалган. Кейинроқ эса Вест-Пойтдаги Ҳарбий академиядан ҳам четлатилади. Чунки ҳамма майдонда қурол билан машқ бажараётган бир пайтда, у казармада шеър ёзиб ўтирарди.

Ёшлигида етим қолган шоир тамаки савдоси билан шуғулланувчи бир бой ишбилармон томонидан ўғил қилиб олинади. Бироқ охир-оқибат у ҳам бундай ноқобил ўғилдан воз кечади. Таёқ билан уриб уйдан ҳайдайди, меросдан маҳрум этади, ҳатто тирикчилиги учун сарик чака ҳам бермайди.

Понинг оила қуриши ҳам қизиқ бўлган. У ўзининг қариндоши Виржиния Клемга уйланади. Ўша пайтларда унинг бир тийин ҳам пули йўқ эди. Умуман олганда унда ҳеч қачон пул бўлмаган, чунки По пул топиш йўлини билмасди. Понинг яккаю ёлғиз опаси ақлдан озганди. Шунинг учун кўпчилик уни ҳам девонароқ бўлган дейишади.

Эдгар Понинг ёши хотинидан анча катта бўлган. У уйланаётганда 26 ёшда, хотини эса эндигина 13 ёшга қадам қўяётганди. Барча ақидаларга кўра, ушбу никоҳ тез орада бузилиб кетиши керак эди. Бироқ бундай бўлиб чиқмади, аксинча улар тузган иттифоқ романтик мувафқиятларга эришди. У хотинини еру қўкка ишонмасди. Ана шундай сўнмас муҳаббат инглиз тилини бойитган шоҳ сатрларнинг туғилишига сабаб бўлди. Эдгар По жаҳон адабиётига ўз ҳиссасини қўшиб ажойиб шеърлар ва ҳикоялар яратди, аммо бу асарларни ҳатто бир бурда нон эвазига ҳам сотолмади.

У “Қарға” достонининг ҳар бир мисрасини ўн йил давомида қайта-қайта ишлади. Чоп этилганда эса ушбу асар учун бор-йўғи икки фунт маблағ олди. Ваҳоланки, кейинчалик (албатта, шоирнинг вафотидан сўнг) шу қўлёзма бир неча ўн минг долларга сотилган.

Нью-Йоркнинг гавжум майдонларидан бирида Эдгар По ва Виржиния яшаган уй савлат тўкиб турибди. Улар умргузаронлик қилган даврда бу уй ярим вайрона кулба эди. Ҳозир эса у салобат касб этган. Атрофи кўп хонадонли уйлар билан ўралган. Авваллари уйнинг теvaraги боғ бўлганди. Баҳор келиши билан чор-атрофни настарин ва олча гулларининг хушбўй ислари тутиб кетарди. Ариларнинг шодон гўнғиллаши ажиб бир гўзаллик касб этарди. Худди эртаклардагидек, ҳақиқий жаннатмонанд гўша эди бу жой.

По уй учун бир ойга 12 шиллинг тўлаши керак бўларди. Бироқ унинг шу арзимас пулга ҳам қурби етмас, кўпинча ижара ҳақини умуман тўламай олмасди. Хотини сил касаллиги билан оғриб ётганда, уни боқиш учун пул топа олмаган вақтлари ҳам бўлган. Эр-хотин кўп ҳолларда оч ўтиришарди. Баҳорда, момақаймоқ гуллаган паллада унинг бошчаларини қайнатиб тановвул қилиш билан чекланишарди.

По ва унинг хотини очликдан ўлар даражага тушганини эшитган қўшнилар раҳмлари келиб, саватчаларда овқат олиб чиқишарди. Понинг шоирлик иқтидо-ри, Виржиниянинг оташин муҳаббати олдида ҳаётнинг машаққатлари арзимас бир нарса эди.

Виржиния худди шу жойда оламдан ўтди. У вафотидан олдин бир неча ой мобайнида сомон тўшакдан турмади. Бадани жунжика бошлаганда онаси кўлларини, По эса оёқларини ишқалашарди. Сўнг эса устини Пога Вест-Пойнт-дан ёдгорлик бўлиб қолган камзул билан ёпиб қўйишарди. Негаки, уларнинг етарли иссиқ кийим-бошлари ҳам йўқ эди...

Орадан бир неча йил ўтгач, Нью-Йорк ҳукумати шоир яшаган уйни ўз қарамоғига олиб, мемориалга айлантирди.

ЧАРЛИНИНГ ГЎЗАЛЛАРИ

Чарли Чаплин ўйнаган ролларни телевизорда мириқиб томоша қилмаган одам бўлмаса керак? Бироқ унинг оилавий шароити, маъшуқалари ҳақида ҳам хабардормисиз? Эдуард қилган иши тўғрилигига заррача шубҳа қилмасди. Аммо миллионлаб фуқароларга бунини қандай тушунтиради? Газеталар унинг тахтдан воз кечиши хусусидаги хабарлар билан тинмай оламга жар солиб турган бўлса, унинг экранда кўринишининг ўзиёқ миллионлаб мухлисларнинг юзида табассум уйғотиб, мунгли ва маҳзун кулгиси кўзларга беҳосдан ёш

келтирарди. Ҳа, у камдан-кам машҳурларда учрайдиган кулиб туриб йиғлатувчи ноёб истеъдод соҳиби эди.

У Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам, турғунлик йилларида ҳам америкаликларнинг оғир қийинчиликларни енгишда кулгуси билан хизмат килди. Кишиларда яшашга умид уйғотди. Унинг овозсиз, оқ-қора тасвирдаги фильмлари миллионлаб инсонларнинг ҳаётини рангли бўёқлардан ҳам аъло даражада кўрсата олди. Унинг барча гуноҳини биргина исм-шарифи билан авф этиш мумкин. Чарли Чаплин.

...1978 йилнинг сокин март ойи кечасида Швейцариянинг Корсье-Сюрвеве қишлоғидаги қабристон қоровули у ерни кезиб юриб мудҳиш ҳолат устидан чиқиб қолди. Бу ерда мангу кўним топган Чарлз Спенсер Чаплиннинг қабри қазилиб, ўлиги ўғирлаб кетилган эди.

Чаплиннинг мурдаси икки ярим ойдан сўнг тобути билан бирга топилди. Чаплиннинг беваси Уна мурда талончилари билан алоқа боғламаганининг сабабини қуйидагича изоҳлади: *“Эрим менинг қалбимда яшайди. Уни ҳеч ким ўғирлай олмайди”*. Полициянинг тезкорлиги билан мурда талончиси суд ҳукмига ҳавола этилди. Ҳукмда қуйидаги сўзлар қайд этилганди: *“... Марҳумнинг тинчини бузгани учун...”*

Кино санъатининг машҳур арбоби Вуди Аллен журналистлар билан қилган суҳбатларнинг бирида бундай деганди: *“Ҳозир Америка жамоатчилиги орасида Бастер Китон санъатига таъзим қилиш урф бўлиб қолди. Шубҳасиз Китон қойилмақом санъаткор. Унинг фильмлари техник жиҳатдан Чаплин филмларидан устун туради. Аммо шахсан мен Чаплинда муҳим инсоний ва кулгили жиҳатлар кўпроқ деб ўйлайман...”* Албатта бу хусусда ҳар кимнинг ўз нуқтаи назари бор. Лекин шуниси аниқки, буюк Чаплинни ҳали очилмаган ва кашф этилмаган жиҳатлари жуда кўп. Бунинг учун яна юз йиллар керакдир.

Шундай қилиб, Чарлз Спенсер Чаплин 1889 йилнинг 16 апрелида лондонлик актёрлар Чарлз Чаплин ва Ханна Хилл оиласида дунёга келган. Шуниси кизиқки, бўлғуси буюк комикнинг кашшоқона болалиги сўнгги роли эмасди.

У вақтини мазмунсиз ўтказа олмасди. Шунинг учун у тинч ўтиролмай, яшаш учун ҳаракатни жуда эрта бошлади. Маълумки, у гапиришдан олдин куйлай, хали юришни ўрганмай рақс туша бошлади. Ёш Чарли табиатан ўта зехнли, кузатувчан ва ҳажвни юксак ҳис қилишу ўзгаларга юктиришда фавқулодда истеъдод соҳиби эди. Онаси боласини бежиз куйидагича алқамаган: *“Болагинам, қачондир сен жуда ҳам машҳур кишига айланасан”*.

Чаплиннинг кейинги бутун ҳаёти мана шу ҳаққоний айтилган фикрни тасдиқлади. Маҳаллий труппа сахнасида беш ёшли Чарли титраган оёқчалари билан шуҳрат сари дастлабки қадамни босганди. Бу ерда овози бўғилаёзган онаси билан қўшиқ айтарди. Болакай буни шунчалар уддалардики, меҳри товланган томошабинлар унинг оёқлари остига ҳовуч-ҳовуч тангалар сочардилар. Йиллар ўтиб, Чаплин томон пуллар оқиб келаверди...

У саккиз ёшида “Саккиз ланкшар йигитлари” рақс гуруҳида қатнаша бошлади. Синчков томошабиннинг диққати Чарлига қаратилди. Шуҳратнинг дастлабки ютуқлари уни янада янги ютуқларга илҳомлантирди. Бунда унга ўғай акаси Сиднейнинг кўмаги катта бўлди. Айниқса, Чаплин 10 ёшида Лондоннинг “Ипподром” театрида Англиянинг энг машҳур болакайига айланди. Бироқ мурғак қалб янги-янги чўққилар сари одимлаётган кезде омадсизлик гирдобига тушиб қолди. Унинг ҳаётида чуқур алам излари қолдирадиган мудҳиш кунлар бошланган эди.

Чарли бор-йўғи 12 ёшга тўлганида, аниқроғи, 1901 йилнинг май ойида вискига ниҳоятда ружу қўйган отаси бу дунёдан кўз юмди (ароқхўр оилада ўсган синчков Чарли ўзи ичмасада, кўп йиллар ўтгандан сўнг омадсиз ичкиликбоз ролини муваффақиятли ижро этганди). Бу ҳам камлик қилгандек,

Чарлининг онаси Ханна ҳам асаб касаллиги билан оғриб, рухий касалликлар касалхонасига умрбодга жўнатилди.

Қаровсиз қолган болалар хайрия етимхонасидан паноҳ топдилар. Бундай оғир кунларда Чаплинга ролларни сахнада эмас, ҳаётда ижро этишига тўғри келди. Икки йил мобайнида сартарошхона ва иш қоғозлари моллари дўконида дастёр, доктор кўмакчиси сифатида ва ойна фабрикаси, босмахонада дуч келган юмушларни бажариб юрди.

Дарвоқе, бу тажрибалари ҳам ўта кузатувчан Чарлининг ижодий фаолиятида жуда асқотди. Унинг хотирасида муҳрланиб қолган бу кунлар 40 йиллардан сўнг “Буюк диктатор” фильмидаги яҳудий сартарош ролини моҳирона ижро этишига асос бўлди ўша мушкул аҳволга тушиб қолган йилларда Чарлининг ўқиши ҳам ўлда-жўлда қолиб кетди. 1903 йили у маҳаллий труппа тайёрлаган “Шерлок Холмс” томошасидаги газетачи бола ролига таклиф этилди. Уч йилдан сўнг эса астойдил уринишлари натижасида сўзсиз роллар ижро этувчи актёр сифатида ишга қабул қилинди.

“Соқов” комедиянинг бўлғуси қироли 17 ёшга тўлганда унинг ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўла бошлади. Кунларнинг бирида у акаси Сидней билан “Ипподром” гуруҳида “Таъмир” сахна асари қўйилаётган кечага башанг кийинган, қимматбаҳо ботинкали бир жаноб ҳам ташриф буюради. Бу пантомимо ва сўзсиз томоша театрнинг ҳомийси Фред Карно эди, У томошадан завқланиб, шу куниёқ ака-ука Чаплинларни ўзида ишлашга таклиф этади. Шу тариқа “Кулгу хоқони” ҳомийлигида Чарлининг самарали фаолияти бошланди, десак муболаға бўлмайди. У 1910 йили труппа таркибида бутун Америка Қўшма Штатлари бўйлаб кенг кўламли гастролларда қатнашди. Бу унга катта кинога йўл очиш имкониятини берди. 1913 йили “Keys-tone” студияси соҳиби Адам Кессел у билан ҳафтасига 125 долларли шартномани имзолади. Ўша пайтда кино санъатини халққа етказишда муҳим ишлар амалга оширилаётган эди. АҚШда сўзсиз кино намоиши учун 20 мингта кинозал

барпо этилди. Шундан кейин бир ярим йил ўтгач, у бошқа йирик киностудия билан шартнома тузди.

Чарли 1915 йили бирваракайига 14 фильмда рол ўйнаб муваффақият қозонди. Унинг экрандаги дайди, жулдурвоқи ва катта ботинка кийган, кулгуни кистовчи мўйловчали, бетакрор “пингвинча” юриш каби ҳолатларини ўзида жамлаган қахрамони миллионлаб томошабинларнинг қалбида муҳрланиб қолди. Буни буюк комикнинг ўзи қуйидагича изоҳлайди: *“Барчага маълумки, ҳамиша ноқулай аҳволга тушиб қолувчи бахтсиз йигит омманинг ачиниш ва уни ёқтириб қолиши тимсоли бўла олади. Шунинг учун ҳам қахрамонларимнинг оғизлигини имо-ишоралар тили билан тасвирлардим-ки, бу нафақат жамоатчилик, балки киночиларнинг ҳам диққатини ўзига тортарди”*. Дарҳақиқат, 1917 йилнинг май ойида йилига бир миллион долларлик ижодий ишга таклиф этилди.

Ҳаётдаги кетма-кет муваффақиятлар, шон-шуҳрат Чарлини “юлдузлик” касалига гирифтор этди. Маълумки, юлдузлик хасталигининг ажралмас қисми аёллар билан ҳам боғлиқдир. Чаплин машҳурлик шоҳсупасига кўтарилган сари ўн йил илгари оддий ҳолдек бўлиб қолган сахналарда роль ўйнаш таклифларини рад эта бошлади. Айти пайтда Голливудга ўз бахтини излаб келган ёш, бокира қизлар унинг диққатини тортмай қолмасди. Унинг қармоғига илинган шундай қизлардан биринчиси Эдна Первенсдир. Аммо қизнинг нозик ҳиссиёти унинг қалбини забт эта олмади. Шунга қарамай, Эдна унинг кинодаги шериги сифатида тарихга муҳрланиб қолди. У Чаплиннинг 30 дан ортиқ фильмида роль ўйнаб, узоқ вақт ҳамкорлик қилдилар.

Шунга қарамай, Чаплинни муҳаббат бобида омадсиз деб бўлмайди. У 29 ёшида 16 ёшли Милдред Харрисни учратди. Уларнинг висол онлари Харриснинг ҳомиладорлиги аён бўлгач тўй билан якун топди. Аммо қанчалар тез содир бўлган бу никоҳ шунчалар тезлик билан барҳам топди. Бу интиҳони бир неча кунгина яшаб нобуд бўлган фарзанди ҳам тўхтата олмади. 20- йиллар

бошида кўл етмас чўққига айланган Чаплин билан Американинг бирорта киностудияси ҳамкорлик қилишга имкон тополмас эди. Шундай қилиб, у ўзининг кинокомпаниясини ташкил этиб, ўз фильмларини яратишга тўғри келди. Шу тариқа “United Artists” киностудияси юзага келди. Унинг таркибида Чаплиннинг яқин дўсти актёр Дуглас Фейрбенкс, машҳур актриса Мэри Пикфорд ва директор Д.Гриффитлар бор эди. Улар суратга олган “Кичкинтой”, “Пилигримм”, “Парижлик аёл” фильмлари Чаплиннинг шуҳратига янада шуҳрат кўшди. 1923 йили Холивудда “Парижлик аёл” фильмини яратиш даврида польшалик Пола Негри билан танишиб қолади. Чаплин у билан оила куради. Бироқ Чарли Берлинда кинога олиш жараёнида ёш мексикалик Марина Варга билан танишиб унга ҳам уйланмоқчилигини айтади ва Америкага қайтиб келади. Ўша ердан Марина актёрни қидириб уйига келади. Чаплинни уйланганини эшитиб жанжал кўтаради. Ҳатто боғ ичида ўзимни ўлдираман деб кўрқитади. Маринани амаллаб ўз уйига жўнатиб юборишади.

Пола Негри рашкчи эди. Шу баҳона сабаб улар ажралишади.

Унинг бўшаб қолган юрагини Лилита Макмюррей тўлдирди. Чаплин Лилитани 12 ёшидан биларди. Лита Грей (Чаплин унга шундай тахаллус берган) “Кичкин-той”га таклиф қилинганда 16 ёшга ҳам тўлмаганди. Чаплин уни навбатдаги фильми “Олтин талвасаси”да ҳам суратга олишни мўлжаллаган эди. Аммо у ўша пайтда Чаплиндан фарзанд кутаётгани маълум бўлгач, унинг артистлик фаолияти вақтинчалик тўхтатиб қўйилди. Улар уч йиллик никоҳи вақтида икки ўғил кўрдилар. Никоҳнинг бекор қилиниши эса Чаплинга миллион долларга тушди.

У пайтда Чаплиннинг ижодида ҳам турли қийинчиликлар юзага келаётганди. Чунки 1928 йили жаҳонда биринчи овозли фильм пайдо бўлди. Чаплин эса бунга қарши навбатдаги соқов филми – “Цирк”ни яратди. Бироқ навбатдаги фильми “Шаҳарда ёнғин”га машҳур мусиқани муҳрлади. Бу унга катта даромад келтирди. Чаплин ўша пайтда шундай хотирлаганди: *“12 ойнинг*

ўзида “Нью-Йорк бўйича “Шаҳарда ёнгин”дан 400 минг доллар соф даромад топдик”.

1940 йили Чарли янги таниши – 22 ёшли Полетт Годдар билан бирга биринчи овозли фильми – “Буюк диктатор”да ўйнашди. Мазкур фильм йилнинг ўнта яхши фильми қаторида саналди. Фюрер танқид остига олинган бу фильм нафақат фашистлар Германиясини, балки Америкадаги йирик танк савдогарларини ҳам Чаплинга қарши қилиб қўйди. Шундан кейин Федерал қидирув Бюросида унга қарши иш очилиб, кун сайин саҳифалари кўпайиб борарди. Бунда унинг азалий душмани ФБР директори Эдгар Гувер жонбозлик кўрсатади. Чаплиннинг Жоан Барри деган беҳаё қиз билан муносабатлари натижаси ҳам Гуверлар тегирмонига сув қуйди.

Судма-суд юришлар буюк Чаплиннинг асабига таъсир этмай қолмади. Бу оғир ҳолатларда Нобель мукофоти совриндори Южина О’Нилнинг қизи Уна О’Нил унинг жонига оро кирди. Улар сўнгги дамларгача бирга бўлишиб, саккиз фарзандли бўлишди.

Шу йиллари унинг “Мсье Вердо”, “Рампа чироқлари” фильмлари экран юзини кўрди. 1952 йили фильм тақдимоотида қатнашиш учун Англияга кетган Чаплин душманлари туҳмати билан Америкага келолмай қолади. Бу вақтда 63 ёшли Чаплин Швейцариянинг Корсье-Сюр-Вевето қишлоғида яшай бошлайди. Шу ерда у “Нью-Йорклик қирол”, “Гонконглик қирол”, “Дарбадар жентельмен” фильмларини суратга олади. Аммо Америкада ташкил қилинаётган ҳар қандай тадбирлар таклифига рад жавобини беради. 1972 йилдагина Оскар мукофоти тақдимоотида қатнашиш учун АҚШга келади. Ўша даврнинг машҳур кино арбоблари унинг олдида айбдор эканликларини изҳор қилишиб таъзим қиладилар. Чарли Чаплин ҳаётининг сўнгги йилларини Женеванинг сўлим ва сокин жойидаги хонадонда ўтказди. У 1977 йилнинг Рождество байрами субҳидамида оламдан ўтди.

Чарли Спенсер Чаплиннинг буюклик сирлари нимада эди? Тўғри, унинг фильмлари техник жиҳатдан қашшоқ эди. Аммо у яратган фильмлардаги қаҳрамон қашшоқ дайдининг мунгли ҳаёти ёрқин бўёқларда акс этгандек эди гўё. Мухими, унинг кино асарларида одамийлик, адолат тимсоллари уфуриб туради. Шунинг учун ҳам буюк кулги дарғаси мангуликка дахлдор бўлиб қолган бўлса ажабмас.

ФИАСКО ПРЕЗИДЕНТИ НИКСОН

Американинг бўлажак 37-президенти 1913 йили 9 январда Лос Анжелесдан унча узоқ бўлмаган Йорба Линда шаҳрида тугилди. Бўлғуси президент ота-онасининг озиқ-овқат магазини бор эди. Квакерлар оиласи кўп болали оила ҳисобланишарди. Никсоннинг тўрт нафар укаси бор эди. Улардан икки нафари ёшлигидаёқ вафот этиб кетишганди. Тўнғич фарзанд Ричарддан оиланинг умидлари катта эди. Ричард квакерлар коллежига ўқишига кирди.

У яхши ўқиганлиги учун Дарема университетининг стипендиясини олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Р. Никсон курсда дарсни ўзлаштириш бўйича учинчи ўринни эгаллади. Курсдошлари уни оғир-вазмин, доимо ҳаёл суриб юрадиган йигит сифатида билишарди. Бироқ у сиёсат бобида баҳслашганда ўзгариб кетарди. У президент Рузвелт сиёсатини доимо танқид қилиб келарди. Рузвелт АҚШ сиёсати ва иқтисодиётини тубдан ўзгартириш ҳамда назорат қилиш учун қаттиқ интизом ўрнатди. Унинг давлат бошқарувида муваффақиятли қатор ижтимоий реформалар ўтказилди. Рузвелтнинг душманлари кўп эди. Р. Никсон ўзининг бу хатти-ҳаракати билан ҳокимиятга кўз олайтирмаган, балки унинг

бошқа мақсади бор эди. Шунга қарамасдан, квакерлар ҳокимият ишига ара-лашишни тақиқлашганди. Р. Никсон ФҚБ айғоқчиси бўлишни жуда-жуда хоҳ-ларди, аммо бошқарма бошлиғининг Рузвелт билан муносабати яхши эмасди. Унинг ходимлари олий ўқув юртларидан доимий равишда ёш йигитларни кидириб юришарди. Никсоннинг бу ташкилотга аъзо бўлиш учун берган ариза-сига рад жавоби берилди. Ташкилот бошлиғи Гувер сектантларга ишонмасди. Шундан сўнг коллеж битирувчиси Ричард ФҚБни ёмон кўриб қолди.

Махсус хизматга кириш фикридан қайтган Р.Никсон юридик билим юрти бакалаврианти Виттер шаҳридаги адвокатлик корхонасига ишга жойлашди. Ана шу ерда у бўлғуси хотини билан танишди. Патриция Риан маҳаллий мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаш билан бирга ҳаваскорлар театрида роль ўйнардди. Бу ўқитувчи ўқувчиларда оғир-вазмин, мулойим сўзловчи, талабчан, сариқ сочли қиз сифатида таассурот қолдирганди. Ричард уни сахнада кўриб-ок севиб қолди. У бундан руҳланиб, ўзига кичкина ролни ҳам сўраб олди. Ричард кейинчалик бу ҳақда шундай эслаганди: *“Назаримда, гўёки шаҳарда ҳаммани танийман. Кўз олдимда бирданига чиройли, олтинранг сочли, қалби қайноқ аёл гавдаланди. Мен шу пайтгача бундай аёлни учратмагандим. Ундан нигоҳимни узолмадим”*.

Ўша куни у қизга учрашув таклиф қилди. *“Мен жуда бандман”*, жавоб берди қиз. *“Ундай демагин, мен барибир сенга уйланаман”*, деди Ричард. Бунга эса Патриция индамади. Қиз бундай безбет йигитдан қутулиш йўлларини из-лади. Аммо Р. Никсон қатъиятли экан, ўз сўзида туриб олди. Уларнинг севгиси икки йилга чўзилди. Адвокат қиз олдида келажак режаларини чиройли қилиб тасвирлаб берди. Ниҳоят, қизни кўндирди. Ажойиб кунларнинг бирида Патриция дугонасига шундай деди: *“Қачон бўлмасин у президент бўлади”*. 1941 йили 21 июнда уларнинг тўйи бўлиб ўтди. Бир томонда квакерлар черкови уларни никоҳини ўқиётган бўлса, дунёнинг бошқа бир буржида Иккинчи жаҳон уруши бомбалари портлаётганди.

Никоҳ саёҳати жуда камтарона ўтказилди. Ёш келин-куёвлар автомобилда чўнтакларида икки юз доллар билан Мехикога йўл олишди. Саёҳат тугагач, эр-хотин иш излаб кетишди. Вашингтонлик квакерлар юристни ишга жойлашишга кўмаклашишди. Бу эса уни қаноатлантирмади. У шаҳар марказига Республикачилар партияси офисига борди. Кейинроқ унинг барча йиғилишларида иштирок этди. Яхши нотиклик таланти бўлишига қарамай, ёш раҳбар ўзини етарли даражада кўрсата олмади.

Японларни Тинч океан денгизидаги АҚШ флоти базаси хужуми америкаликларни танг ахволга солиб қўйди. Ватанпарварлик туйғулари Американи эгаллаб олди. Ўз тақдирини сиёсат билан боғламоқчи бўлганлар, ҳарбий кийимни кийишди. Ричард Никсон кўнгилли равишда чақирув пунктига борди. Тўғри, у анкетада квакерга эътиқод қилишини ёзмаганди. Р. Никсон фронт ортида ишга жойлашди, уруш охирларида эса транспорт қисмида бошлиқ ёрдамчиси вазифасида уйига қайтди. Уруш сўнггида Ричард бир ўйинда ўн минг доллар (ҳозирги икки юз минг доллар) ютиб олди. Вашингтонга тўлишиб, нотикликни янада мукаммал эгаллаб қайтган йигит тез орада Республикачилар партияси назарига тушди. Никсон Конгрессда фақатгина қатнашибгина қолмай, сайловлар жараёнида ҳам иштирок эта бошлади.

Патриция Никсонни эса ҳеч қандай сиёсат қизиқтирмасди. У оилада иккита шарт қўйди: сиёсатга на ўзи ва на фарзандлари аралашмасликлари керак эди. Бўлғуси президент бу шартга унчалик рози бўлмади. Сайловлар арафасида у хотинини варақалар ва сайловолди компанияларидаги сўзларни ёзишга ундади. Никсон ўз сайловолди компанияларини жуда кўпол равишда олиб борди. Бу эса кейинчалик унинг обрўсига путур етказди.

Ричард Никсон 1950 йили сенаторликка ҳаракат қилди. Ўзининг сайловолди компаниясини рақиби демократ Элен Дугласга қаратди. Унга телевидение роликларига тарихда биринчи мартаба сиёсий рекламани жойлаштиришга рухсат беришди. Ричард, хотини ва қизлари – Жулия ҳамда

Трисиялар бир-бирини кучоклаган ҳолда *“Биз Вашингтонга борамиз. Никсон учун овоз беринг”*, деб куйлашди. Қўшиқ самимий ва дилдан айтилди. Калифорнияликлар бундан кўзларига ёш олишди. Шундай қилиб, Р. Никсон Сенатдан жой олди.

1952 йили Республикачилар партиясидан президентликка даъвогарлар Роберт Тафт ва Дуайт Эйзенхауэрлар Ричард Никсонни вице-президентликка ўзини синаб кўришни маслаҳат беришди.

Сайловолди компанияси жуда бетартиб равишда ўтказилди. Р. Никсон Эйзенхауэрдан кейин иккинчи ўринда бўлди. Партиядаги айрим кишилар Дик (партияда Никсонни шундай аташарди) ка ўз номзодини қайтариб олишни таклиф қилишди. У эса деярли рози бўлганди, бироқ Пат бунга қарши чиқди. Агар сен ҳозир шундай қилсанг, унда Эйзенхауэр ютқазади. У агар хоҳласа сени ўзи йўлдан олиб ташлаши мумкин. Мабодо сен хужумга ўтмасанг, унда сен сиёсатчи сифатида йўқ бўласан. Бизнинг барча орзуларимиз чилпарчин бўлади.

Бир қанча маслаҳатлардан сўнг Р. Никсон курашишга рози бўлди. 1952 йили 23 сентябрда телевидениега мурожаат билан чиқди. Ўзининг ночорлиги хусусида нолиб шундай деди: *“Айрим сотқин демократларга ўхшаб менинг хотинимнинг ҳаттоки шубаси ҳам йўқ. У оддий матодан тикилган пальто кийиб юради. Мен унга имкониятларимни очиқ-ойдин айтаман”*. У пора олганлигини қатъий рад этди. Кичкина қизига кучукча беришганини тан олди.

Эйзенхауэр ва Никсон сайловда ғолиб чиқишди. Аммо улар қалин дўст бўлишмади. Эйзенхауэр ўз *“ўринбосарига”* шубҳа билан қарайдиган бўлди. Дик кўпинча президент ва партия ўртасида воситачилик вазифасини бажарарди. 1955 ва 1957 йиллари Р. Никсон президентнинг бетоблиги даврида унинг лавозимини икки маротаба қойиллатиб ижро этди. Бўлғуси президентни ташқи сиёсат кўпроқ қизиқтирарди. У расмий визит билан 61 та мамлакатга сафар қилди.

Унга барча сафарларга хотини ҳамроҳлик қилди. Албатта, бу ташрифлар доимо ҳам силлиқ ўтди дейиш қийин. Венесуэла пойтахти Каракасда бу икки жуфтликни оломон тош ва калтаклар билан кутиб олишди. Ана шундай оғир вазиятда ҳам Пат ўзини эркин тутди. Кейинчалик Р. Никсон шундай ёзганди: *“Пат делегация ичидаги энг оғир вазмини эди”*. Хавфсизлик хизмати ходими эса қуйидаги фикрни билдирганди: *“У айрим эркаклардан ҳам ўзини мард тутди”*.

Баъзи ноқулайликларга қарамай, Никсон ва Эйзенхауэр икки муҳлат президентлик муддатида “битта том остида” бирга бўлишди. Тўпланган тажрибасига кўра, Дик Оқ уйнинг хўжайини бўлишга қурби етишини сизди.

1960 йили Ричард ўз номзодини президентликка қўйди. Патриция сиёсатни кўрарга кўзи йўқ эди. Бироқ у ўз эрига сидқидилдан ёрдам беришни кўнглига тугди. Республикачилар уни сайловолди компаниясининг асосийларидан бири деб билишди. *“Сиз агар Никсонни сайласангиз, унда биринчи хонимни ҳам танлаган бўласиз. У ўзининг жозибадорлиги билан ҳам ягонадир. Унинг ўз режалари бор. У ҳали бутун Американи дунёга танитади”*. Сайловларга Пат сурати туширилган кўкрак нишони тарқатилди. Р. Никсоннинг асосий синовии телемулоқот эканлигини айтишди. Бу таклиф унинг рақибии Кеннедидан чиқди. Ўзининг яхши нотик эканлигига ишонган Никсон бунга розилик берди ва шундай деди: *“ Мен ҳамманинг устидан кула оламан”*. Аммо Дикнинг тўрт марта уриниши ҳам зое кетди. Аввал унга омад кулиб боқмади. Телевидениега чиқиш олдидан оёғи синиб қолди. Ҳар қанча уринишлар фойда бермади. Кеннедининг эса омади келди. Овоз беришда уни алдашди. Ниҳоят, овоз санашда Кеннеди устун келди.

Икки йилдан кейин Калифорния губернатори бўлишга ҳаракат қилди. Дик бу ҳақда ресторанга кечки овқатга кетиш олдидан хотинига айтди. Пат эса: *“Бу сафар мен сайловларда қатнашмайман”*. Никсон қоғоз олиб ариза ёза бошлади. Тўхта, деб хотини унинг сўзини бўлди. Ричард қоғозни йиртиб

ташлади. Бошқа қоғоз олиб ариза ёзиб, энди губернаторлик учун катъий курашишини маълум қилди. Бу сайловда у мағлуб бўлди ва сиёсат майдонидан бутунлай кетишни ўйлаб қолди. *Сиз энди Ричард Никсонни калтакланган бола сифатида бошқа кўрмайсиз*, деб матбуотда ёзиб чиқди. Аммо 1968 йили президентлик сайловида Р. Никсон ғалаба қозонди. Шундан сўнг у хотинига бриллиантли тўғноғич ва маржонли сирға совға қилди. Энди бу оиланинг яшаш тарзи ҳам ўзгарди. Президент ва биринчи хоним алоҳида-алоҳида хоналарга жойлашишди. Квакерлар анъаналарига зид равишда Р. Никсоннинг давлат қасамёдини қабул қилиб АҚШнинг 37-президенти этиб сайланди. Бу давр Америка учун қийин пайтлар эди. Вьетнамда уруш кетаётганди. Ҳар ойда армия 500 аскарини йўқотаётганди. Никсон сайловолди компаниясидаги тезисларида шундай сўзлар бор эди: *“Менга ярим йил муҳлат беринг, бу ярамас урушни тугатаман”*. Ярим йилдан сўнг у ўзининг маслаҳатчисига шундай деди: *“Мен бу уруш ҳақида шундай қарорга келдимки, бунинг иложи йўқ экан. Лекин биз бу ҳақда очиқ-ойдин айтолмаймиз. Мен урушда АҚШ тарихида биринчи марта енгилган президент сифатида қолишни истамайман”*. 1969 йили 14 майда президент нутқ сўзлаб, Американинг Вьетнам уруши ҳақидаги ўз сиёсатида ўзининг саккизта йўналишни айтиб ўтди. Улар Жанубий Вьетнамдан ўз иттифоқчилари билан аскарларни аста-секинлик билан олиб чиқиб кетиш хулосасига келишди. 1970 йили апрелида АҚШнинг 110 минглик армияси Жанубий Вьетнамдан чиқарилди. Шундай қилиб армия секинлик билан Вьетнам тупроғини тарк эта бошлади. Аммо авиация қолдирилди. Ҳаво кучлари ёрдамида нафақат Вьетнам, балки Лаос ва Кампучия ҳам бомбардимон қилинди. Бироқ Вьетнамнинг шимол қисми бўйсунитишни хоҳламади. Шундан кейин қуюшқондан чиққан Р.Никсон ядро бомба қўллаш ҳақида буйруқ берди.

Квакер ота-онаси унинг ўғли миллионлаб инсонларни йўқ қилишга қодир эканлигини билишмасди. Президентнинг оилавий ҳаётида ҳам ноаҳиллик вужудга кела бошлаганди. 1971 йили 12 майда Р.Никсоннинг қизи турмушга

чикди. Тўйда президент хотини билан роса рақсга тушишди. Квакерлар одатига кўра, у рақс тушиши мумкин эмасди. Ричард хотини билан кунига бир соат, у ҳам бўлса тушлик пайтидагина учрашарди. Шунда ҳам деярли сўзлашишмасди.

Ричард Никсон биринчи рақамли душмани Хитой ва собиқ Иттифоққа расмий ташрифни режалаштирди. Бу жуда ажойиб дипломатик йўл эди. Мао-Цзе-Дуннинг Москва билан муносабати яхши эмасди. Шундан сўнг Никсон Москвага таклиф этилди. Унинг бу мамлакатга ташрифи муҳим воқеалардан бири бўлди. Аҳоли ўртасида Америка президентининг обрўси янада ошди. Сотувда биринчи мартаба Pepsi-Cola пайдо бўлди.

1972 йили 7 ноябрда Ричард Милхаус Никсон кўпчилик овоз билан иккинчи муддатга яна президентликка сайланди.

Сайловлар қандай ўтганлиги ҳақида ҳар хил миш-мишлар тарқатилди. Эрининг атрофида бўлаётган гап-сўзлардан Пат ҳам сиқилди. Улар бирга яшашмаётган бўлса-да, Пат бу ҳақда унинг хонасидаги кундалигидан билиб қолди. Унда Р. Никсон ўзи бажараётган ишларини қайд этиб борарди. Архивда унинг минг соатдан кўп нутқлари ёзиб қолдирилган. Уни сайловда бўлиб ўтган ноҳақликларда айблашди. Буни эса исботлаб ҳам беришди. 1974 йили 8 августда Р. Никсон телевизорга чиқиб исьтефога чиқаётганлигини маълум қилди. Президентлик ваколати тугагунча унинг вазифасини вице-президент Жералд Форд бажариб турди. Бир ойдан сўнг янги президент нутқ сўзлаб, Р. Никсоннинг айбсиз эканлигини маълум қилди ва уни таҳқирловчи суддан қутқарди.

Бу ҳақда Ричард Никсон кейинчалик шундай эслаганди: *“Менинг президентликдан кетишимга, ўзимдан кўра хотиним кўпроқ сиқилганди. Мен ҳамон ҳайрон қоламан, буюмларимизни Вашингтондан Сан-Клементога олиб ўтаётганда у 48 соат ухламаганди”*. Р. Никсон мансабидан айрилди. Аммо оиласини тарк этмади. Аксинча оиласида илиқлик пайдо бўлди. Улар яна йигирма

бир йил бирга умргузаронлик қилишди. Р.Никсоннинг АҚШ президентлари орасида ўз ўрни, обрўи бор. Америка уни ҳамон эслашади, ҳурмат қилишади.

МАРЛЕННИНГ СЎНГГИ СИРИ

Буюк актриса Марлен Дитрих бутун ҳаёти давомида мухлислари қуришовида ҳаёт кечирди. Буюк Жан Габендан тортиб, Жон Кеннедигача унга зоятда ошуфта эдилар. Аммо шу кунгача унинг биринчи муҳаббати – қандолатчи-новвой Михел билан ишқий ёзишмаларидан ҳеч ким бохабар эмасди. Актрисанинг Ганновердан топилган бисотлари ичида бир қанча шеър ва Михелга ёзган мактублар чиқди...

Улар 1921 йилда учрашганларида 19 ёшда эдилар. Унда Марлен мусиқа билан шуғулланиб, скрипка чалишни ўрганар, концертмейстер бўлишга интиларди. Михел эса отасининг қандолатчилик корхонасида ишларди. Бўлғуси кино юлдузи Марлен йигитни шу ерда учратади.

Кейин Марлен мактабни ташлаб, Берлиндаги театр студиясига жўнаб кетади. Шу ердан Михелга муҳаббат мактубларини бита бошлайди. У сўнгги мактубни 1922 йилда ёзганди. АҚШда Марлен қатнашган “Мовий фаришта” фильми суратга олингач, актрисанинг жаҳон киносидаги шуҳрати бошланиб, уларнинг муҳаббати ҳам тарихга айланди.

1988 йили кекса Михел дунёдан ўтди. Ундан кейин Марлен тўрт йилгина яшади. Ҳар иккиси ҳам узоқ ҳаётлари давомида ўсмирликдаги муҳаббатлари ҳақида на оғзаки, на ёзма равишда лом-мим демадилар. Тасодифан топилган мактубларгина уларнинг беғубор севгисини фош этди.

ПИКАССОНИНГ ЕТТИ ГЎЗАЛИ

Буюк рассом Пабло Пикассо етти марта уйланган. Бироқ рассом билан ўз тақдирини бозлаган аёлларнинг ҳаёти фожияли тугаган. Пикассо хотинлари билан ажрашгач, улар ё касаллик туфайли вафот этганлар, ё ўз жонларига қасд қилганлар. Пикассо ташқи кўринишидан унчалик кўзга ташланмайдиган, жисмонан бақувват бўлмаса-да, унинг тийрак, ўтли нигоҳи бир қараида киши юрагини ёндириб юборарди. У бир вақтнинг ўзида жоҳил ва меҳрибон, таъсирчан ва мағрур, раҳмсиз ҳамда катта муҳаббат эгаси эди.

Пикассо 23 ёшида Парижга бориш истагида Барселонани тарк этади. 1904 йили Монмартда ўз устахонасини ташкил қилади. Шу ерда рассом Фернанда Оливе билан танишади ва улар бирга яшай бошлашади. Фернанда фарзанд кўргиси келиб, бу ҳақда Пикассога оғиз очади. Лекин рассом ҳозир бунинг мавриди эмаслигини, олдинда катта режалар турганлигини айтиб, аёлнинг таклифини рад этади. Рассом кўпроқ одамлар орасида бўлишга интиларди. 1911 йили Пабло Пикассо “Эрмитаж” кафесида Ева Гуэлни учратиб, уни севиб қолади. Бу севги таъсирида рассомнинг “Менинг гўзалим” портрети дунёга келади. Ушбу портретни чизиб, Пикассо аёлга ўз муҳаббатини изҳор қилган эди. Ева Пикассога худди шундай муҳаббат билан жавоб беради ва улар иккаласи Европа бўйлаб саёҳатга жўнайдилар. Ева Пикассони илҳомлантирар, унга ижодий куч-қувват бағишлар эди. 1915 йили улар турмуш қуришмоқчи бўлишганида, тўсатдан Еванинг рак билан касаллангани маълум бўлиб қолади. Ева баҳордан то қишгача касалхонада даволанади ва оламдан кўз юмади. Бу воқеа Пикассога қаттиқ таъсир қилади. У ўйчан, одамови бўлиб қолади. Тушкунлик кайфиятини ўзидан йироқлаштириш мақсадида рассом Римга қайтишга мажбур бўлади. Римда Пикассо театрда ишга жойлашади. Бу ерда у “Парад” балетининг костюм ва безаклари устида ишлаётганида 26 ёшли рус

балеринаси Олга Хохловани учратади. У Олганинг ўйчан ҳолатдаги сиймосини полотноларга кетма-кет кўчириб аёлни ўзига мафтун этади. 1918 йили улар турмуш қуришади. Олга рассомни дўстларидан йироқлашиб, ёлғиз яшашга кўндиришга ҳаракат қилади. 1921 йили уларнинг Пауло исмли ўғли дунёга келади. Шундай қилиб, 40 ёшида Пикассо ота деган номга мушарраф бўлади.

1927 йили Париждаги “Галерея Лафайет” дўконига рассом 17 ёшли қиз юрагини забт этади. Қизнинг исми Мария-Тереза Уолтер бўлиб, у хали балоғатга етмаган эди. Шу боис Пикассо у билан бўлган алоқасини Олгдан яширишга мажбур бўлади. Мария-Тереза сиймоси Пикассонинг портретлари, расмлари, ўймакор, ҳайкалтарошлик ишларида аста-секин акс эта бошлайди. Ҳатто, рассом 1937 йили Парижда ўтказилган жаҳон кўргазмасида “Кўза кўтарган аёл” деб номланган портрети билан қатнашади. Ҳозирда бу портрет рассомнинг қабри устига ўрнатилган.

1935 йили Мария-Тереза Пикассога ундан фарзанд кутаётганини маълум қилади. Бироқ оилавий шароити туфайли Пикассо Марияга уйланоолмас эди. У хотини Олга билан узил-кесил ажрашиши учун бор мол-мулкнинг ярмидан воз кечмоғи лозим эди. У арқонни узун ташлаб, ажралишни орқага суради. Бундан ташқари, ўзи ҳақида турли миш-мишлар тарқалишини хоҳламайди. Олга бўлса эридан заррача шубҳаланмас, қайтага уни тезроқ Буател қалъасига кўчиб ўтишга шоширар эди. 1935 йили Мария-Тереза Пикассога қиз фарзанд ҳадя этади. Унга Майя деб исм кўядилар. Бу воқеадан сўнг Пикассо она-болани турли кўринишларда қоғозга туширади.

Кейинги воқеалар бошқача тус олади. 1936 йили сахнада Дора Маар деган фотомодел пайдо бўлади. Пикассонинг муҳаббати Олга ва ўғли Пауло, Мария-Тереза билан қизи Майя ҳамда янги севгилиси Дора Маар ўртасида тақсимланади. Дора Олга ва Мария-Тереза ҳақидаги барча ҳақиқатдан хабардор эди. Уч аёл қуршовида яшаш Пикассога катта ташвиш ва қийинчиликлар туғдиради. Ниҳоят, у Олга билан қонуний ажралишга аҳд қилади. У Мария-Тереза ва

қизчасини ёлғизлатиб қўймай, вақти-вақти билан хабар олиб туради. Дора билан эса бирга яшай бошлайди. У рассомга қайтадан илҳом берар, аёлнинг ишқидан сармаст Пикассонинг қонида куч-ғайрат жўш урарди. Айнан шу аёл туфайли рассомнинг машҳур “Герника” асари яратилган эди. Доранинг рассом билан ишқий алоқаси 1946 йилгача давом этади. Пикассо Дорани ҳамиша йиғлаб турган ҳолатда тасаввур қиларди. Балки шу сабаб Парижда ўтказилган аукционда Дора сиймоси тасвирланган “Йиғлаётган аёл” портрети жуда катта пул – тўққиз миллион долларга сотилиб кетади. “Йиғлаётган аёл” қайсидир жиҳатлари билан “Герника” қаҳрамонларига ўхшайди. Бундан ташқари, аукционга қўйилган “Дора Маар яшил тирноқлари билан”, “Дора Маар пляжда”, “Дора Маар сариқ шарфда” портретлари беш миллион долларга сотилади. Ушбу аукциондан тушган катта маблағни Дора Маар икки кекса аёлга ҳадя қилади. Дора 55 ёшли Пикассони севиб, у яратган полотно ва расмлар таъсирида яшаган аёлнинг тақдири фожеали тугайди. У ўзини ўзи ўлдиради.

1943 йили Пикассо Парижда ўз устахонаси рўпарасидаги ресторанлардан бирида Франсуаза Жило билан учрашади. Пикассо аёлни бир кўришда ёқтириб қолади ва унинг суратини полотноларга кўчиради. Рассом бу аёл билан учрашиб юрганда Мария-Терезани ҳам унутмайди. Франсуазага бўлган муҳаббати натижасида “Аёл ва гул” номли портрети дунёга келади. Рассом ҳаётга энди бошқача нигоҳ билан қарайди. Тез орада Франсуаза ҳомиладор бўлади ва 1947 йили ўғил кўради. Болага Клод деб исм қўйишади. Орадан икки йил ўтгач, уларнинг Погома исмли қизалоқлари туғилади. 1953 йили Франсуаза бевақт оламдан кўз юмади. 1955 йили эса Олга вафот этади. Фақат шундан кейин Пикассо Мария-Терезага уйланиш ҳақида гап очади. Бироқ Мария-Тереза вақт ўтганини рўкач қилиб, никоҳга розилик бермайди. Пикассо ўзини қандай овунтиришни билмай юрган кезларда Жаклин Рок исмли аёлга рўпара келади. Аёл рассомнинг юрагидан жой олади. Пикассо Жаклинга Канар оролидан вилла сотиб олиб

беради. 1961 йили эса улар ўз тўйларини нишонлашади. Ўшанда Пикассо 80, Жаклин эса 34 ёшда эди.

Пикассо билан яшаган аёллар, уларнинг фарзандлари ундан катта миқдорда нафақа олишарди. Умрининг сўнгги йилларини Пикассо Жаклин билан дўст-ёрларидан йироқда ўтказишни маъқул кўради. У устахонасида туну кун ишлар, тинимсиз меҳнат қилар эди. 1972 йили рассом қаттиқ шамоллаб қолади. У каравотда ётар, ёнида доим кислород тўлдирилган ёстикча турарди. Шундай оғир дамда ҳам у ишлашга, расм чизишга куч топа биларди.

Пикассо 1973 йилнинг 7 апрелида вафот этади. 92 ёшли рассом 80 мингга яқин мўйқалам, ҳайкалтарошлик асарларини ўзидан кейинги авлодга мерос қилиб қолдирди. Яратган портретларининг деярли барчасида ўзи севган, бирга яшаган ҳамда ёқтирган аёллар сиймосини акс эттирган ва улар ҳозиргача барчани ҳайратга солиб келмоқда.

РАССОМНИНГ СЕВИКЛИСИ

Тақдир уларни учраштирган пайтда Гала турмуш қурган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотишга улгурган жувон, Салвадор эса ноёб қобилияти энди-энди гунчалай бошлаган ёш йигит эди. Кўркам, келишган қад-қомати, гап-сўзлари ўзига мос бўлган дилбар аёл рассом йигит кўнглини ром этди. Учрашувларнинг бирида аёл, Салвадорнинг пинжигига тиқилар экан: “Биз ҳеч қачон ажралмаймиз!” дея шивирлади. Гала ич-ичидан севиклисининг келажакда буюк санъаткор бўлиб етишишини сезарди. Шу сабабли у йигитнинг истеъдоди гуллаб-яшнаши учун тинимсиз ижод қилишга шароит яратиб беришга уринди.

Аммо... уларнинг бахти кемтик, аёл бошқа бировнинг рафиқаси эди. Гала 1913 йилда Швейцарияда бўлган вақтида ёш шоир Пол Элюар билан танишгач, бир-бирларини ёқтириб турмуш қуришганди. Шоир хотинини қаттиқ севар,

унга атаб кўплаб шеърлар битганди. Бироқ Гала уни ёқтирмас, асосий вақтини ўзидан ўн ёш кичик бўлган рассом билан ўтказар эди. Хижрон, рашк, висол аралашиб кетган узундан-узун кунларнинг бирида учта қалб битта қарорга келишди. Франциянинг фуқаролик ишлари бўйича департаменти Гала ва Элюар ўртасидаги никоҳни бекор қилди.

Гала ва рассом энди тўла бахтиёрлик нашидасини сура бошлаганида аёл каттиқ касал бўлиб қолди. Мураккаб кечган жарроҳликдан сўнг Гала бир умр фарзанд кўриш бахтидан маҳрум бўлди. Аммо бу фожиа ҳам Салвадор Далининг севиклисига бўлган муҳаббатини заррача ҳам камайтормади. У дунёдан фарзандсиз ўтишга ҳам рози бўлди.

Севишганлар маълум давр бир-бирлари билан бирга бўлиб бошқа дунёни унутишди. Гала унга илҳом париси бўлиш билан бирга Салвадорнинг барча хўжалик ишларини ҳам зиммасига олди. Рассомнинг фақат ижод билан машғул бўлишига шароит яратди. Унинг асарларини бош қаҳрамони бўлди.

Гала жуда соҳибжамол эмасди. Аммо рассом рангларни севгига лиммо-лим қалбидан олиб ишлагани боис, унинг асарларида тасвирланган аёл бетакрор хусн-латофат соҳибасига айланди.

1941 йили Америкада С. Далининг ўлмас асарларидан бири “Атом хоним” намоёйиши жуда катта шов-шувга сабаб бўлди. Унда тасвирланган жозибадор аёл ҳам рассомнинг рафиқаси Гала эди...

Йиллар ўтиб, Салвадор Далининг шуҳрати дунёга танилгач, кўп гўзаллар унга ошиқи беқарор бўлди. Маъшуқалардан бири Парижга янги либослар кўرғазмасига келган мафтункор Аманда Лиргина рассомни ўзига ром этаолди. Биринчи учрашувдаёқ рассом ўзидан йигирма ёш кичик гўзалга бир вақтлар Гала айтган сўзларни қайтарди: *“Биз энди бир умр бирга бўламиз”*. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди.

Аманда ҳам Гала сингари кўп йиллар рассомнинг гўзал асарларини яратишда тимсол бўлиб хизмат қилди. Ҳозирда дунёнинг энг нуфузли кўргазма залларида намоиш этилаётган “Анжелика ва Аждархо”, “Муқаддас Георгий” асарларида Аманда тасвирланган.

Рассом кўп вақтини Аманда Лир билан ўтказса-да, ёшлик ҳуснини йўқотган илк маҳбубаси Галани ҳам унутолмасди. 1982 йилда Гала вафот этгач, Салвадор Дали шундай деди: – Мен аввало Аллоҳ таоло, сўнг рафиқам Гала шарофати билан оламшумул шону шуҳратга эришдим. Аслида ҳам шундай бўлганди.

ОПЕРА ҚЎШИҚЧИСИ — МАРИЯ КАЛЛАС

Опера санъатини юқори чўққиларга олиб чиққанлардан бири Мария Калласдир. Унинг асл исми Сесилия София Анна Мария Калогеропулос бўлиб, 1923 йилнинг 2 декабрида Нью-Йорк шаҳрида туғилган. Америкаликлар уни Мария Каллас деб аташарди. Уч ёшидан классик қўшиқларга меҳр қўйди. Кейинчалик уятчан қизалоқни ёлғизликдан қутқарадиган бирдан-бир овунчоқ мусиқа бўлиб қолди...

Мария ўн уч ёшида Чикагода ёшлар ўртасида ўтказилган телешоуда иккинчи ўринни эгаллади. Агар у ўзига жудаям ортиқча бино қўймаганида ва ўзига хос инжиқ табиати бўлмаганида бунданда юксак марраларни эгаллаши мумкин эди. Онаси уйда доимо отаси билан жанжал қиларди. Бу эса мурғак қизнинг асаб тизимига таъсир қилмай қолмади. Айти шу пайтда онаси жанжалкашликни йиғиштириб, иккала қизини эргаштирганча Афинага жўнаб қолади. Бу ерда Марияни нуфузли Қироллик мусиқа консерваториясида ўқитиш учун барча имкониятларни ишга солишди. Онаси қизини унчалик ҳам хушламаса-да, унинг машҳур қўшиқчи бўлишини доимо хоҳлаган.

Консерваторияга ўн олти ёшдан қабул қилишгани боис она ёлғон ишлатишга мажбур бўлди (Мария 13 ёшда эди). Марияни консерваторияга қабул қилишди. У испаниялик машҳур операчи Элвира де Идалго бошчилигида асосий танловларда кетма-кет муваффақият қозонди.

1941 йили илк дебютини аёло даражада ижро этган Мария ва биринчи маротаба 65 доллар миқдорида гонорар олди. Афина консерваториясини битирган Мария 1945 йилнинг ёзида Нью-Йоркка қайтади. Унинг турмакланмаган сочлари-ю, содда, жўн кийимидан бошқа “эътиборни тортадиган” жиҳати йўқ эди. Бунинг устига, ёш бўлишига қарамасдан, вазни 90 килограммдан ошар эди. Шунга қарамай, артистизм қобилияти кучли бўлган Каллас сахнада ўзини қандай тутишини биларди.

Кейинчалик Марияни Нью-Йоркдаги “Метрополитен-Опера” хўжайини Эдвард Жонсон ишга таклиф қилди. У шунингдек, Италияга уюштириладиган гастролга доир шартномага ҳам имзо чекади ва 1947 йилнинг августида Веронада “Жоконда” операсида ўз дебютини ижро этди. Италиялик опера ихлосмандлари Калласни жуда яхши қабул қилишди. Мария Италиyani ўз уйидек яхши кўриб қолди. У шу ерда ўз жуфтини топди. Саноатчи, миллионер, операнинг ҳақиқий ишқибози, ўзидан йигирма етти ёш катта Жованни Батиста Менеджини билан танишди. Бироқ бу тафовутлар Мариянинг юрагини забт этишга тўсиқ бўлмади. 1949 йил, 21 апрель куни кечки пайт улар Веронадаги кичик Муқаддас Филипп черковида никоҳдан ўтишди. Уларнинг муносабатларида самимият ва барқарорлик зоҳир эди. Икки жуфтлик гўё яхши йўлга қўйилган механизмга ўхшарди. Менеджини унга энг яқин маслаҳатчи ҳам эди. Мария яна ижодга шўнғиб кетди.

Турмушга чиқиш Мариянинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Такдир унга шундай бахтни насиб этди. Акс ҳолда турмушда ўз ўрнини топа олмаслиги ҳам мумкин эди. Чунки у ҳаётнинг қийинчиликларига мутлақо тайёр эмасди.

1950 йили кўшиқчи Мехикода опера мавсумини “Норма” ижроси билан очиб берди. Шу ўринда айтиш лозимки, ортикча вазн, семириб кетиш 50-йилларнинг бошларида Мариянинг асосий муаммосига айланганди. У ҳар куни эрига мактуб ёзарди. Хатларининг бирида шундай дейди: *“Мен Мексикага келган кунимданоқ беморман. Ўзимни яхши ҳис қилган бирон кунни эслолмайман. Эрталаб 8.30, лекин ҳалигача ухлоганим йўқ. Бу ерда ақлдан озиш ҳеч гапмас”*.

Каллас 1950 йили “Ла Скала” (Милан)да “Аида”ни куйлади. Бу билан у яна бир бор ажойиб истеъдод соҳибаси эканлигини намоиш эта олди. Мария илк бор ўзига нисбатан адолатсизликларга, бўҳтонларга ҳам шу ерда дуч келди. Унга жуда кўп қаршиликлар бўлди. Шунга қарамасдан 1951 йили “Ла Скала” труппасига расмий қабул қилинди. “Life” журнали Мариянинг истеъдодига энг юқори баҳони бериб шундай ёзганди: *“Аллақачон музейлардан жой олган кўшиқларни ўрнидан қўзғатиб, қойилмақом куйласа бўларкан-ку!..”*

1952 йили Каллас фаолияти давомидаги энг баланд чўққига кўтарилди. У Лондондаги Қироллик “Ковент Гарден” операсида “Норма”ни куйлади. Шу билан бирга “сарик матбуот” билан ҳам курашишга тўғри келди. Ўшанда унинг семизлигидан “кулмаган” газета қолмаганди. Ўзини кўлга олиб парҳез тутган Мария ўн саккиз ойда ўттиз килограммга озди.

1954 йили 1 ноябрда Мария Каллас Чикагода яна “Норма”ни ижро этди. Унинг бу концерти ҳақиқий шов-шувга сабаб бўлди. Газеталар у ҳақда “Каллас ўткир овоз соҳибаси” дея жар солишди. Аммо шунга қарамай, мунтазам асабга тегишлардан чарчаган Мария концертларини тўхтатди. Бунинг учун эса уни маломат қилишди. Ана шундай оғир вазиятларда кўшиқчи санъатни шахсий ҳаёти учун қурбон қилишга мажбур бўлди. Аччиқ ҳақиқат шу – унинг фарзанди йўқ эди. М. Каллас эрига фарзанд кўриши лозимлигини тез-тез эслатар – бу биров бўлса-да, чарчаган асабларини тинчитишга ёрдам берар, деб ўйлар эди.

Мана шу кемтиклик ҳар хил гап-сўзларга сабаб бўлаётганди. Бу вақтда Менеджини 60 ёшни қоралаб қолган, Каллас эса эндиgina 30 ёшга кирган эди.

1957 йили сентябрь ойида Мария Венециядаги балда жаҳондаги энг улкан пароход компаниясининг хўжайини Аристотел Онассисни илк маротаба учратди.

Врачлар Калласга денгиз ҳавосидан баҳраманд бўлишини тавсия қилишганди. Бу орада Онассис Мария ва Батистани Ўрта Ер денгизи бўйлаб саёҳатга чиқишга таклиф этди. Ушбу саёҳат уларнинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборди. Онассиснинг яхтасида Мария бутунлай ўзгариб қолди. У ҳар кеча Аристотел Онассис билан рақс тушар ва тонггача унинг ёнида қолиб кетар эди...

Саёҳатдан кейин Каллас эрини ташлаб кетди ва Онассисга яқинроқ бўлиш учун Парижга кўчиб борди. У грециялик миллионернинг оиласи ва икки нафар фарзанди борлигига қараб ўтирмади. Уларнинг ишқий муносабатлари ошқор бўлиб қолгач, ғазаби қайнаган Афина Онассис эри билан ажрашиш учун судга мурожаат қилди. Суд иши катта можарога айланди. Ниҳоят, хотинига ўз бойлигининг бир қисмини қолдирган Аристотел “эркинликка” эришди. У Марияга уйланишга ваъда берди. Лекин бунга Мариянинг Менеджини билан никоҳи борлиги тўсқинлик қилди. Яна бир неча йиллар мобайнида Мария Онассиснинг гуллари ва қимматбаҳо совғаларига “кўмилиб” яшади. Аристотел Жованнидан фарқли ўлароқ, Мария учун пулни аямасди. Муҳаббат асирасига айланган Каллас кўшиқчилигини ҳам эсдан чиқарди. Ҳомиладор бўлганида Аристотел ҳомилани олиб ташлашга мажбур қилди. Севгилисини йўқотиб қўйишдан кўрққан Мария фарзанд кўришдан воз кечгани учун кейинчалик роса пушаймон бўлди.

Улар ўн йил мобайнида учрашиб турган бўлсалар-да, ўрталаридаги ришта мустаҳкам эмас экан. Аникроғи, Аристотелнинг севгиси Мария ўйлаганчалик самимий бўлиб чиқмади. Чунки бошқа бир аёл ҳам Онассиснинг эс-хушини

ўғирлаб қўйди. Бу аёлни бутун дунё Жаклин Кеннеди сифатида яхши биларди. Мария Онассиснинг Жаклин билан никоҳланганини эшитиб, қаттиқ ға-
забланган ҳолатда. *“Менинг сўзларимга қулоқ тутинг. Худо унга кўрсамади”*
деб юборди. У ҳақ бўлиб чиқди. Онассиснинг ягона ўғли автохалокатдан вафот
этди. Бир йилдан сўнг ёшгина қизи Кристина оламдан ўтди.

Каллас 1975 йилнинг март ойида, Онассис вафот этганида у шундай ёзганди:
*“Энди ҳеч нарсанинг қизиги қолмади. Мен аввало овозимдан маҳрум бўлгандим,
ҳозир эса ҳаётимни йўқотяпман”*.

Мария умрининг сўнгги кунларини Париждаги уйида ёлғизликда ўтказди. У
тўсатдан, эллик тўрт ёшида вафот этди. Ўлимидан сўнг ҳеч қандай васиятнома топил-
маган. Бу борада Каллас васиятнома қолдирмаган, мабодо топилгудек бўлса ҳам у
номаълум шахс томонидан олиб кетилган деган тахмин мавжуд. Баъзи бир
тадқиқотчиларнинг фикрича, васиятномани унинг собиқ эри Батиста Менеджини ёки
онаси Евангелия олган бўлиши мумкин дейишади. Ўша пайтда уларнинг ҳар иккаласи
ҳам саксон ёшларда бўлган. Бироқ бу сир жумбоқлигича қолиб келмоқда. Мария
Калласнинг буюмлари ҳамон кимошди савдоларида сотилиб келиняпти. Аммо ҳар
қандай гап-сўзлар бўлмасин, у машҳур опера қўшиқчиси сифатида тарихда ўз номини
қолдириб кетди.

АГАТА КРИСТИНИНГ УЧИНЧИ МУҲАББАТИ

*1910 йилнинг ёз кунлари бирида Александриянинг “Гелиполис” кемасидан
бири балозатга етган, иккинчиси жуда ёш икки нафар инглиз аёли тушди.
Каттасининг исми Клара Миллер, иккинчиси унинг қизи Агата эди. Ҳа, ке-
йинчалик “детектив қироличаси”га айланган Агата Кристи эди у. Ўн
тўққиз ёшли Агата Миллер ўша пайтда адабиёт оламида машҳур бўлишни*

хаёлига ҳам келтирмаганди. У ўз жуфтини топишдек бирдан бир орзусининг амалга ошиши учун Александриядан Қоҳирага келган эди

Бу жойда кўплаб инглиз ҳарбийлари яшашарди. Ёзувчи Агата Кристи ўз таржимаи ҳолида шундай ёзади: *“Қоҳира ёш қизнинг тасаввурича жаннат эди. Бу ерда уч ойгина яшадик, холос. Бироқ у ҳаётимда алоҳида ўрин тутади. Мен ҳафтада беш марта рақс кечасига борардим”*.

Агата рақс билан чегараланиб қолмасдан, найзабозлик, от пойгаси каби турли хил спорт турларига ҳам қатнашади. Бу ердаги қизиқарли, мазмунли ҳаёт уни шундай мафтун этиб қўядики, онаси билан Луксорга бориб, қадимги осори-атиқаларни кўришга ҳам вақт тополмайди. Бу ҳақда ёзувчининг ўзи шундай эслайди: *“Осори-атиқалар мени ҳеч ҳам қизиқтирмай қўйди. Мисрнинг Луксор, Карнак каби шаҳарлари шундай мўъжизали жойлар эканки, буни мен 20 йилдан кейин англадим”*.

Агата Қоҳирадан ўзига муносиб ёр тополмади. Бироқ жуда кўп танишлар орттирди. Улар билан Англияда ҳам борди-келдини давом эттирди. Агата 1912 йили Қоҳира компанияларидан бирида 23 ёшли ҳарбий учувчи Арчибалд Кристи билан танишди. Ёш йигит Арчибалд Агатани севиб қолди. Икки йилдан сўнг уларнинг тўйи бўлиб ўтди.

Арчи Европага – фронтга кетди. Агата эса госпиталга ишга кирди. Ёзган китобларини нашр эттиролмаса-да, бундан у асло тушкунликка тушмади. Аксинча, ижоди гуллаб, кўплаб ҳикоялар ёза бошлади. 1917 йили у ўзининг биринчи “Стайлсдаги сирли ҳодиса” китобини ёзиб тугатди. Ушбу асар аввал Америкада, сўнгра Англияда нашр этилди. Ёш ёзувчи ўзининг бу асари ўқувчилар ва тадқиқотчилар томонидан яхши қабул қилингач, ҳикоя ва романлар ёзишга шўнғиб кетди.

Агата учун 1926 йил оғир келди. Шу йили яқин кишиси, онаси вафот этди. Кейин Арчи кетиб қолди. Бу оғир жудоликлар Агатани қаттиқ қайғуга солди. Шунда дўстлари бошқа шаҳарларга саёҳат қилишни маслаҳат беришди. У Яқин Шарқни танлади. Агата 1928 йилнинг кузида Лондон, Истамбул, Сурия, Дамашқ ва Байрут бўйлаб саёҳатга чиқди. Шарқ ўзининг гавжум бозорлари билан ёзувчини мафтун этади. Айниқса, яйдоқ чўллар унга кўпроқ ёқарди.

Ёзувчи автобусда Бағдодга келади. Унга Англия қадимшунослари ишлаётган кўҳна Ур шаҳрига боришни маслаҳат беришади. Агатага бу шаҳарда олимлар томонидан олиб борилаётган қазилма ишлари ёқиб қолади. 1930 йилнинг бошида бу ерга у иккинчи марта боради. Агата ушбу шаҳарда иккинчи муҳаббати – Макс Мэллоуэнни учратди. Бу йигит Агатага муҳаббат изҳор этганида олдиниға у ҳайрон бўлди. Чунки Макс Агатадан 14 ёш кичик эди. Шунга қарамасдан тез орада уларнинг тўйлари бўлди. Швед журналида биринчи марта бу ҳақда ҳазилнома қилиб шундай ёзишганди: *“Қадимшуноснинг хотини бўлиш яхши экан. Ёшинг ўтган сари сенга қизиқиш кўпроқ бўларкан”*. Қисматни қарангки, Агата Макс билан умрининг сўнгги дамларигача бирга бўлди, улар бахтли ҳаёт кечиришди.

Шарқ ўзининг қадимий мўъжизалари ва айна пайтда жўшқинлиги билан ёзувчи ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Агата Шарққа меҳр қўйди. У умрининг охиригача Шарқни севиб яшади.

Макс ҳар йили қиш ойида Сурияда қазилма ишлари билан шуғулланар, хотини эса доимо у билан бирга эди. Агата эрига экспедицияни ташкиллаштиришда ёрдам берар ва ижод қилишга ҳам вақт топарди. 1933 йили Агатанинг қизи Розалиндани ҳам олиб Миср бўйлаб, теплоходда саёҳатда бўлишди. Агата бу сафар барча тарихий жойларни синчковлик билан томоша қилди.

Ёзувчининг айни ижод қиладиган даврида уруш бошланди. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши Макснинг қадимшунослик ишини ҳам тўхтатиб қўйди. Ниҳоят, Макс эллигинчи йилларга келиб қиш ойларида Ироқнинг қадимий, шов-шувли Нимруд шаҳрига боради. Бу эса унга дунёга машҳур қадимшунос бўлишига ёрдам берди. Агата унга доимо ҳамроҳ эди. 1963 йили Агата учинчи марта Макс билан бирга Мисрга келди. Ушбу сафари ҳақида: *“Қуёшда ўтириб, хурсандчилигимдан ақлдан озиб кетяпман”*, деб ёзганди у.

Кейинчалик Жанет Морган Агата Кристининг асарлари ҳақида шундай дейди: *“Ёзувчи қаҳрамонларни ҳаётдан олиб ёзади. Нима бўлганда ҳам уларнинг аксарияти Шарқ саёҳатлари таассуротларидир. “Нилдаги ўлим” ва “Оқибат ўлим келади”, “Эхнатон” пьесаси каби асарлар Мисрга қилинган саёҳатлар маҳсулидир. “Месапотамиядаги қотиллик”, “Улар Бағдодга келишди”, “Ўлим билан учрашув” каби асарлари Ироқ сафаридан кейин дунёга келган. “Сен қандай яшаяпсан” асари эса Макснинг Суриядаги тажрибалари асосида яратилди. “Шарқий экспресс” асарида Лондон, Истамбул ва Сурия поездидаги саёҳатлар акс этади”*.

Ниҳоят, Шарқ Агата ҳаётида туб бурилиш ясади. У учинчи муҳаббатини шу ердан топди. Агата Кристи ўз хотираларида шундай ёзганди: *“Мен дунёнинг бу жаннатмакон гўшасини шундай севиб қолдимки, таърифлашга сўз камлик қилади! Ҳозир ҳам севаман – бутун умр севиб ўтаман”*. Ҳа, ижодкорнинг учинчи муҳаббати – Шарққа бўлган мислсиз меҳри эди.

КЕННЕДИГА СУИҚАСД

Жон ва Жаклин Кеннедилар XX асрнинг энг машҳур жуфтликлари бўлган. Чунки уларда мансаб, бойлик, ақл ва гўзаллик – барча-барчаси мужассам эди. Бироқ шундай бўлишига қарамай, омад улардан юз ўгирди. Улар чинакамига

бахтли бўла олишмади. АҚШ тарихида бўлажак энг ёш президент кўп болали ва шовқин-суронли ирланд оиласида дунёга келди. Жоннинг саккиз нафар укаси ва сингиллари бор эди. Отаси Жозеф Кеннеди америкадаги бойлар рўйхатида 12-ўринда турарди. У асосан спиртли ичимликлар савдосидан бойлик орттирганди.

Жозеф Кеннеди Рузвелт тарафдори бўлиб, АҚШнинг Лондондаги элчиси эди. У 40-йилларда демократик партиядан кўйиладиган президентлик номзодидан умид қиларди. Аммо унинг бу орзуси рўёбга чиқмаслиги маълум бўлгач, келажакда ўғлининг президент бўлишига аҳд қилди...

Жаклин Жон билан танишгунча, унинг ҳарбий соҳадаги хизматлари, севгиси ҳақидаги гап-сўзлар ва ваъдабоз сиёсатчи эканлиги ҳақида эшитганди. Жаклин америкалик аслзодалар орасида ўсди. Унинг раҳнамоси отаси эди. Ота ва қиз ҳамфикр эдилар. Жаклиннинг отаси унга эркаклар билан муомала қилиш сир-асрорлари ҳақида шундай деганди: “Эркак кишига ҳар томонлама эътибор бер. У нима ҳақида сўзлаяпти, шунга диққат қил. Ундан кўзингни узма. Ўзингни унга кераксиздай тут ва сирингни бой берма. Эркак киши сирингни билиб олдим, сенга нисбатан дарров қизиқишни сўнади”. Жаклиннинг кийим танлашда диди анча баланд эди. Дугоналари кийим танлаш учун уни бирга олиб боришарди. Мактабнинг битирув альбомига Жаклин Буве шундай ёзганди: “Энг муҳими уй хизматкори бўлмаслик”. Унинг бу орзуларига фаришта омин дедими, унга омад кулиб боқди. “Вог” журнали ўтказган “Одамлар мени яқиндан билишни истайдилар” мавзуидаги танловда Жаклин ғолибликни кўлга киритди. Танловнинг мақсади аёллар орасида иқтидорли журналистларни танлаб, узоқ юртларга ишга жўнатиш эди. Танлов ғолиби журналнинг Нью-Йорк ёки Франциядаги бўлимида кичик муҳаррир вазифасида бир йил амалиёт тажрибасини ўташи лозим эди. Жаклин у ерга боришга аҳд қилди, аммо онаси бунга кўнмади. У қизини уйдан узоққа кетишини хоҳламади.

Жаклин сенатор Кеннеди билан танишган вақтида “Вашингтон таймс гералд” газетасида ишларди. Жон Кеннеди таниқли бўлганлиги учун вашингтонлик барча қизлар унга турмушга чиққиси келарди. Бу ҳақда Жаклин шундай деган: *“У мен учратган эркакларнинг энг ёқимтойи”*. Жонни эса Жаклиннинг жозибадорлиги мафтун этганди. Ўшанда Жаклин 24 ёшда, Жон эса 39 ёшда эдилар. Жозеф Кеннеди катта тўй қилиб ўғлини уйлантирди. Папа Пий XII келин-куёвларга оқ фотиҳа берди. Уларнинг сурати “Нью-Йорк таймс” ва “Бостон глоб” газеталарининг биринчи саҳифасида чоп этилди.

Тўйдан сўнг Жаклин ўзига бегона ва қизиқарсиз бўлса-да, сиёсат билан шуғуллана бошлади. Жон Кеннедига шов-шувли, жўшқин ҳаёт ёқарди. У уйда муҳаббат лаззатидан сармаст, ишда эса сайловчилар билан банд эди. Жон Кеннедининг яқин ўртоқларидан бири шундай эслайди: *“Жаклин турмушга чиққунга қадар отасининг қандайдир маслаҳатлари билан Жонни аёлларга нисбатан тайёрлаб борди. Эркаклар аёлларнинг маслаҳатларига камдан-кам қулоқ тутадилар. Тўйдан кейин Жон хотинига қаттиқ боғланиб қолди. Дўстлари эса бу ҳолга ҳайрон қолишмади. Жаклин ўз севгилисининг қадрига етар, дугоналаридан фарқли равишда доимо эрини кузатиб юрар эди. “Мен хотинларига бир умр содиқ эркаклар борлигига ишонмайман”, деганди Жаклин. У ўз туйғуларини камдан-кам одамгагина айтарди. Унинг Кеннедилар оиласидаги энг яқин ҳимоячиси қайнотаси эди. Жозеф ҳам келинига жуда боғланиб қолганди. Шунинг учун барча бойликларни унга ишониб топшириб қўйганди...”*

Кеннедилар оиласи кинони ниҳоятда севишарди. 1920 йилларда оила бошлиғи Жозеф Кеннеди кинога суратга тушиш учун Голливудга келади. Мақсади пул топиш ва машҳур бўлиш эди. Унинг киноюлдуз Глория Свенсон билан ишқий можароси барчага маълум эди. Шунинг учун Жон Кеннедининг Мэрилин Монро билан шов-шувли ишқий можаросидан ўша давр солномачилари отасининг қилиғи ўғлига ҳам ўтган дея хулоса чиқаришганди.

Жон бу машхур актриса билан синглизининг уйида танишади. Чунки англиялик куёви Питер Лоуфорд актёр эди. Жоннинг Мэрилин Монро билан ишқий саргузашти бошлангандан кейин актрисани президент самолётида яширинча Вашингтонга олиб келишади. Уни оммага президентнинг котибаси деб таништиришади. Ҳеч ким танимаслиги учун қиёфаси ва кийимини ўзгартиришади. Бироқ қанча эҳтиёткор бўлишмасин, Монро ўз дугонасига бу махфий сирни оғзидан гуллаб қўяди, яъни Жон Кеннеди оиласи билан ажрашиб, унга уйланмоқчи эканлигини айтади. Бу сир очилгандан кейин катта шов-шувларга сабаб бўлди. Шундан сўнггина Жон Кеннеди барчасига нуқта қўйиш учун Мэрилин Монро билан алоқани узди...

Жаклин эрининг сайловолди компанияларида деярли қатнашмай қўйди. У фарзанд кутаётганлиги сабабли сиёсий ўйинлардан узоқлашганди. 1960 йили Жон Кеннеди президентликка сайлангандан сўнг улар ўғил кўришди. Бундан оила аъзолари жуда хурсанд эди. Жаклин яна эрининг ишларига ёрдамлаша бошлади. У Жоннинг илк нутқини тайёрлаб берди. Президентнинг бу нутқи жуда таъсирли чиққанлиги учун тарих саҳифаларидан жой олди. У сенатор бўлиб ишлаганда ўзига унчалик эътибор бермай қўйди. Президентликка сайлангандан сўнг эса Жаклин унга қандай нутқ сўзлашни, кийим кийишларни ўргатди. Чунки у инсоннинг руҳий жиҳатларини яхши тушунарди. Жаклиннинг астойдил эътибори натижасида Жон энг таниқли сиёсатчилардан бирига айланди.

АҚШнинг 35-президенти ва биринчи хоними Оқ уйга кўчиб ўтишаётганда улар сиёсат бобида қандай мавқе эгаллашини ҳеч ким билмасди. Жаклин бундай омаддан ўзини йўқотиб қўйганди. *“Назаримда мен омманинг умумий мулкига айланиб қолгандайман”* деганди у. Оқ уй унинг диди билан безала бошланди. Қорамтир тўқ қизил гиламлар, сунъий гуллар, мебеллар...

Жон Кеннеди президент бўлиб сайлангандан бир йил ўтгач, уларнинг Оқ уй бўйлаб телесаёҳатини 60 миллион америкалик томоша қилди. Жаклиннинг хуш-

бичим қадди-қомати, гўзаллиги, уларнинг фарзандлари Каролина ва Жон Америка аҳолисида зўр қизиқиш уйғотди. Бундан Кеннедининг обрўси ошса ошдики, камаймади. 1963 йили президент навбатдаги сайловолди компанияларида қатнашиш учун Техасга жўнайди. Жаклин ҳам бирга бормоқчи бўлади. Бироқ Жон унга розилик бермайди ва ёлғиз ўзи боради. У ерда жуда кўп сайловчилар билан учрашув бўлиб ўтади. Ана шундай учрашувларнинг бирида 1963 йил, 22 ноябрь куни Далласда Жон Кеннедига суиқасд уюштирилади. Бу фожиа бутун америкаликларни ларзага солди. Айниқса, Жаклиннинг бундай фожиага кўникиши қийин бўлди, шундай бўлсада, у ўзини қўлга олди. Жаклин эрининг дафн маросимини Американинг собиқ президенти Аврам Линколнникидек (у ҳам жинойтчилар томонидан отиб ўлдирилганди) ўтказди. Жаклин қайнотаси ва қайонаси олдига бориб, барчасини сўзлаб берди. Қайнотаси оғир касал эди. Бу фожиа унга яна ҳам қаттикташсир қилиб, гунг бўлиб қолди...

1968 йили Жаклин учун энг яқин инсонлардан бири, қайноғаси Роберт Кеннеди ҳам жинойтчилар томонидан отиб ўлдирилди. Шундан сўнг Жаклин учун бу оламда яқин дилкаш инсон қолмади. У кимга суяғини ва нима қилишни билмай қолди. Кейинчалик грециялик миллионер Аристотел Онассисга турмушга чиқдию Америкадан кетиб қолди. Бу хусусда ўша пайтда дунёдаги энг машҳур газеталар шундай сарлавҳали мақолалар ёзишди: “У энди муқаддас эмас”, “Жон Кеннеди иккинчи марта ўлди”, “Жаклин, сиз бунга қандай йўл қўйдингиз?”. У Америкада антик давр трагик қаҳрамони ролини ўйнашни истамаганди... Кеннедилар тақдири ана шундай якун топганди.

ГАНДИЛАРНИНГ ФОЖИАВИЙ ТАҚДИРИ

Индира Ганди Ҳиндистон тарихида ўз мамлакатини узоқ йиллар бошқарган биринчи аёл сиймоси тимсолида муҳрланиб қолди. Ақлли ва

ҳаракатчан сиёсатчи сифатида иш юритиб мамлакатнинг халқаро обрўсини ошириш учун кўпгина ишлар қилди. Ҳар қанақа ҳарбий блоklarга қўшилмаслик Ҳаракатининг асосий раҳбарларидан бири бўлди. Унинг номи нафақат ўз ватанида балки бутун дунёда ҳурмат билан тилга олинади. Бой бобосининг “Қувончлар монастири” уйида қизалоқ дунёга келди. Бу муқаддас жойга ушбу маскан бунёд этилганди. Шунинг шарафига чақалоққа “Мамлакат ойи” – Индира номи берилди.

Икки ёшида қизча “миллат отаси” Махамат Ганди билан танишди. Саккиз ёшида унинг маслаҳати билан жонажон шахрида уйда тикувчиликни ривожлантириш учун болалар иттифоқи ташкил этилди. Ушбу иттифоқ аъзолари кўпол материаллардан дастрўмолчалар ва қалпоқчалар тика бошлашди. Саккиз ёшли Индира шу ёш болалар орасида ўзини ташкилотчилик қобилиятини намоён эта бошлади.

Нерунинг қизи яхши устозлар қўлида тарбияланиб илм олди. Отаси доимий бандлиги ва қамалишларига қарамай, Индирага бор меҳрини ва илмини беришга ҳаракат қилди. Чунки у ўғлини шундай тарбияламоқчи эди. Афсуски, у эрта вафот этиб кетганди. 1934 йили Индира машҳур шоир Рабиндранат Тагор ташкил этган халқ университетига кирди. Тўсатдан онасининг ўпка касали хуруж қилиб қолди. Индира ўқишни тўхтатиб онаси Камолани Швейцарияга олиб боришга мажбур бўлди. Қизча бу ерда яъни Европада узок қолиб кетди.

1936 йил онаси вафотидан сўнг Индира якка ўзи қолди. Ҳиндистонга қайтишни ҳам билолмай боши қотди. Чунки “Қувончлар монастири” энди йўқ. Отаси қамоқда ётган бўлса, бобоси ва бувиси вафот этиб кетишганди. Ана шундай оғир вазиятларда унинг ёнида бир меҳрибон киши бор эди. У Индира ҳаётига аллақачонлар шерик бўлганди. Онаси вафот этиб қийналиб юрган пайтларида унга ҳамроҳлик қилган инсон. У қачонлардир Жавоҳарлал билан

дўстлашиб унинг топшириқларини бажариб юарди. У оиланинг алмаштириб бўлмас энг яқин кишисига яъни аъзосига айланиб улгурганди. Бу инсон Феруз Ганди (Махатма Гандининг фамилиядоши) эди. У Индиранинг мухаббат кийноқларидан қийналмаслигига ёрдам бериб келди. Камола тириклик вақтида бу икки ёшга оқ фотиҳа берганди. Бироқ ўзига муносиб оила бўлмаса бахтли турмуш бўлолмаслигини у яхши тушунарди. Буни Индира ҳам биларди. Шунинг учун Феруз ўқийдиган Оксфорд университетида ўқишга кирди.

Шу орада Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Ҳар иккала ёш Атлантика ва Жанубий Африка орқали айланма йўллар билан уйларига йўл олишди. Кейптаунда кўпгина ҳиндистонликлар жойлашиб олишганди. Таниқли сиёсатчи Нерунинг қизини у ерда катта қизиқиш билан кутиб олишди. Бу давр таҳликали, оғир йиллар эди. Индирадан ақлли, қандайдир яхши бир фикрлар кутишарди. Африка четида Индира биринчи мартаба сиёсий нутқ сўзлади. Уларни Ҳиндистонда унчалик яхши қабул қилишмади. Жавоҳарлал Неру ҳинд халқининг фаҳри бўлиб қолганди. 1944 йили Раджив икки йилдан сўнг эса унинг укаси туғилди.

Неру қизи ҳозирча ўз шахсий ҳаётини йўлга қўйди. Бу даврда мамлакатда катта ўзгаришлар содир этилди. 1947 йил, 15 августда Ҳиндистон ўз мустақиллигига эришди. Жавоҳарлал илк бор миллий ҳокимиятни тузди.

Индира отасининг шахсий секретари, алмаштириб бўлмас маслаҳатчисига айланди. Неруни барча хорижий давлатларга кузатиб қўйишда қатнашди. Отасининг хорижий сафардалик чоғида мамлакат ичкарасида тинчликни сақлаб турди. Индира икки вазифани бажардим деб ўйлаган эди. Афсуски у қаттиқ янглишганди. У мана шу ташвишлар билан бўлиб эрига яхши қараёлмаганди. 1960 йили сентябрь ойида расмий ташриф билан мамлакатнинг Жанубий штатларда бўлди. Раҳбарият ва иш ташловчилар билан ўзаро тил топиша олди. Аэродромда Индирани отасининг ёрдамчиси кутиб олиб Ферузнинг қаттиқ юрак хуружи билан касалланганини айтди. Шунда у зудлик билан касалхонага

етиб борди. Бироқ вақт ўз ҳукмини ўтказиб бўлганди. Касалхонада Феруз ҳаёт билан курашаётганди. У тунбўйи жон бераётган эри олдида бўлди. Ферузнинг кутилмаган ўлиmidан сўнг Индира каттиқ асабий ҳолатга тушди.

1964 йили отаси – Жавоҳарлал Неру вафот этди. Ҳокимият учун аёвсиз кураш бошланди. Аксарият одамлар Индира Ганди бош вазирлик лавозимига номзодини кўяди деб ўйлашганди. Бироқ Индира ундай йўл тутмади. Бу унинг оиласи обрўсига путур етказишни тушуниб етди ва Неру сиёсати тарафдори ёши улуг Шастрига овоз берди. Албатта Шастри унчалик катта обрў-эътиборга эга эмасди. Аммо Индира Ганди у туфайли ўз мавқеини мустаҳкамлаб олиши мумкин эди. Унинг ўйлаганлари ҳаётда ўз тасдиғини топди. Шастрининг бу тутган йўли Неру қизига омад келтирди. Қирқ саккиз ёшли хушбичим, истараси иссиқ, юзида кулгичи бор Индира Ганди мамлакатда энг юқори лавозимни эгаллади. Индира Гандининг мамлакатни бошқаруви албатта силлиқ кечгани йўқ. Индиранинг 12 йиллик бошқаришида кучли рақобат шаклланганди. Бу эса халқни бош вазирга нисбатан норози кайфиятга чоғлаб бўлганди. Навбатдаги 1977 йилги сайлов ўзгармайдиган Индира Гандига нисбатан аксарият инсонларни ҳайрон қолдирди. Кексайганига қарамай, каттиқ характер, қатъиятли Неру қизини тарк этмади. У сиёсий ҳар бир қадамини мустаҳкамлаб борди. Индира Ганди аввало, янги партия – Ҳиндистон миллий конгресс, иккинчидан, ўзича яшаб туриб, хоҳловчилар учун меҳмонхона уйи очади. Мамлакатда жамоа анъаналари каттиқ назорат қилинади. Айниқса, гуру – ўқитувчисига ниҳоятда ҳурмат билан қарашади. Бу эса ғалабага бир қадам эди. Уч йилдан кейин Ганди яна ҳокимиятга қайтиш учун ана шундай йўл тутди. Ҳаётлигида мансабни қўлдан бермаслик учун шу йўлни танлаганди.

Индира 1980 йилнинг бошларида бир қанча диний ва этник можаролар билан тўқнаш келди. Террорчилар гуруҳи бошлиғи ўз тарафдори билан синх дини муқаддас жойининг асосий бир қисм – Олтин Храм ва Амритсарини эгаллаб олишди.

1984 йили июнь ойида Индира Ганди Олтин Храмни олиш учун армияга буйруқ берди. Тўқнашувда террорчилар гуруҳи раҳбарлари билан биргаликда мингга яқин одам ҳалок бўлди.

Индира шундан кейин унинг ҳаёти ҳавф остида эканлигини тушуниб етди. Ўша йили 31 октябрь куни бош вазирнинг таниқли англия ёзувчиси, драматург ва актёр Питер Устинов билан телемулоқот режалаштирилганди. Бу учрашувни Индира Ганди бажонидил қабул қилди. Телеэкранга яхшироқ кўриниш учун узоқ вақт кийим танлади. Ўша куни экранда тўлароқ кўринмаслик учун ўқ ўтқизмайдиган кийимини ечиб ташлади. Узоқни ўйламаган бу фикри унга охирги марта панд берди.

Индира сикхам қоровули билан кулиб сўрашди. Улардан бири Беант Сингх пистолетни олиб бош вазирга қарата уч марта ўқ узди. Бошқа бир сотқин Сатвант Синх автоматдан ўт очди... Шундай қилиб енгилмас, шаддод, мард Индира Ганди фожиали равишда ўлдирилди.

Бош вазир ва Конгресс раҳбарлигини унинг ўғли Раджив Ганди эгаллади. Бироқ Раджив Ганди бу вазифада узоқ ўтирмади. У ҳам террористлар томонидан ўлдирилди.

СИРЛИ ЎЛИМНИНГ ЖУМБОҒИ...

Замондошлари томонидан “Асрнинг энг машҳур аёли” дея эъзозланган Мэрилин Монро ҳақида юзлаб китоблар чоп этилган. Монро санъаткор сифатида ўзини тўла намоён этишига улгурмаган бўлса-да, дастлабки қадамлариданоқ мухлислар таҳсинига сазовор бўлганди. Истеъдодли санъаткор ноёб ҳусн латофат соҳибаси эди. Унга жуда кўп эркаклар, жумладан, машҳур кишилар ҳам ошиқи беқарор бўлишганди. Уни бир муддат бўлса-да, тинч қўйишмасди. Актриса гўзал қадди қомат ва ҳуснга эга эди. Бу эса аксарият машҳур шахсларга тинчлик бермасди.

Монро ўлимидан сўнг ёзилган китобларда муаллифлар асосий эътиборни унинг ака-ука Кеннедилар, Артур Миллер, Ив Монтан сингари таниқли сиймолар билан хушторлик муносабатларига қаратгандилар. Фақат инглиз тадқиқотчиси Доналд Волфнинг китоби бундан мустаснодир. Волфнинг асосий мақсади Мэрилин Монро ўз жонига қасд қилганми ёхуд атайин ўлдирилганми, деган саволга жавоб топиш эди.

Охир-оқибат муаллиф Монро ўлдирилган деган хулосага келган. Қуйида бу ҳақдаги айрим маълумотлар:

Норма Жин (Мэрилин Монро) 1926 йилнинг 1 июнида таваллуд топган. Онаси Гэдис Монро Грейнмер Ҳолливуд кинологиясида хизмат қилган. Отаси Гиффорд ҳам шу лабораторияда ишлаган. Улар турмуш қуришмаганди.

Норманинг болалик йиллари жуда машаққатли кечди. У аввалига руҳий касал бувисиникида, сўнг эса қўшнисиникида яшади. Шу орада унинг онаси Жаспер Бейкер исмли бир эркак билан турмуш қуради. Ўғай отанинг Нормага муносабати яхши эмас эди. Шу сабаб уни Лос-Анжелесдаги етимхонага топширишади.

Бўлажак актриса етимхонада икки йил яшайди. У 16 ёшида самолётсозлик заводида ишловчи Жим Догерти исмли йигитга турмушга чиқади. 1943 йилда эри кўнгилли сифатида ҳарбий денгиз флотига ишга ўтгани сабабли уларнинг муносабатлари барҳам топади. 1945 йилнинг ёзидан Норма Жин фотомоделчи бўлиб ишлай бошлайди. Бунинг учун у ойига 10 доллардан ҳақ оларди. 1946 йилдан бошлаб кино оламига қадам қўйган малласоч Норма Жин Мэрилин Монро номини олди. “Жазда фақат қизлар” фильмидаги муваффақиятидан сўнг шу исм билан бутун дунёга танилди. Президент Жон Кеннеди таваллуд кунига бағишланиб ўтказилган катта концертда қўйлаган “Happy Birthday, Mister President” қўшиғи эса уни янада машҳур қилиб юборди.

“*Ҳолливуд тимсоли, дилбар Мэрилин Монро якианба кун фожисали тарзда ҳаётдан қўз юмди. У эндигона 36 баҳорни қаришлаган эди. Унинг жонсиз танасини ётоқхонасидан топишган. Эҳтимол ўз жонига қасд қилгандир? У телефон гўшагини ушлаган ҳолда жон берган. Ўриндиқдан эса уйқу дориси солинган бўш ишишча топишган*”. Associated Press ахборот агентлигининг 1962 йил, 5 августда Мэрилин Монро вафоти ҳақида тарқатган дастлабки хабари мазмуни мана шундай эди.

Доналд Волф ўз текширувини Монронинг 36 йиллик ҳаёти давомида юз берган воқеалар асосида олиб борди. У содир бўлган ҳалокатнинг ҳаққонийлигини билиш мақсадида барча гувоҳлар билан суҳбатлашди. Монро ҳақида ўзигача ёзилган ҳамма китобларни синчиклаб мутолаа қилди, ҳатто федерал текширув бюроси ва марказий разведка бошқармаси ихтиёридаги фойдаланиш мумкин бўлган далилларни ҳам эътибордан четда қолдирмади. Муаллиф ўз ҳикоясини қуйидагича бошлайди: “1962 йилнинг 5 августга ўтар кечаси, Брентвуддаги (Лос-Анжелеснинг киборлар яшайдиган қисми) Елена кўчасида жойлашган 12305-уйда хизматкор бўлиб ишловчи Юнис Меррей хоним тахминан қоқ ярим тунда уйғониб, ҳожатхонага йўл олади. У уй соҳибаси Мэрилин Монро ётоқхонаси ёнидан ўтаётиб, ётоқхона эшиги тагида чироқ нуруни кўриб қолади. Унинг ҳаёлига чироқ ўчирилмай қолибди деган фикр келади ва эшикни оҳиста тақиллатади. Бироқ ҳеч қандай жавоб бўлмайди. Эшик ичкаридан қулфланган эди. Бундан ташвиш тортган хизматкор дарҳол Монронинг шахсий шифокори-психолог Гринсонга телефон қилади. Врач уларга яқин жойда яшарди. Шу боис у ярим соат ўтар-ўтмас Монро уйига етиб келади. У ҳам ётоқхона эшигини тақиллатиб кўради. Жавоб ололмагач, ҳовлига чиқиб, ётоқхона деразасидан мўралайди. Мэрилин ўрнида қимир этмай ётар эди. Бундан хавотирланган Гринсон дераза ойнасини синдириб, ичкарига ошиб тушади. Сўнг эшикни очади. У ётоқхонага кирган аёлга “Биз ундан жудо бўлибмиз”, дейди. Кейин Гринсон Монронинг шахсий жарроҳи Энгелбергга қўнғироқ қилиб, ундан тезда етиб келишини сўрайди. Бу шифокор ҳам бир зумда етиб келади. Шифокорлар бир неча соатни ўзаро суҳбатда ўтказадилар. Суҳбат орасида хизматкорни чақириб, синган ойна ўрнига

янгисини қўйшини буюришади. Улар юз берган фалокат ҳақида полицияга эрталаб тўрт яримдагина қўнғироқ қилишади.

Монронинг уйига биринчи келган полициячи Жек Клеммонс эди. Мана шу сержант Мэрилин Монро ўлимига дахлдор қатор жумбоқ ва ноаниқликлар мавжудлигига биринчи бор эътиборни жалб қилган. Булар унга гувоҳлар билан суҳбатлашиш ва ўлим содир бўлган жой билан танишиш пайтида маълум бўлган. Кундузи сержантнинг хизмат муддати тугаб, унинг ўрнига бошқа полициячи келган. Бу вақтда Монронинг уйи оммавий ахборот воситалари ходимлари қуршовида қолганди.

Мэрилин Монро ўлими қай тарзда содир бўлганини Ж. Клеммонсдан кейин полициячилар, врачлар, журналистлар ва ҳатто оддий ишқибозлар ҳам текширганлар. Бу текширувлар туфайли жумбоқлар кўпайса-кўпайганки, асло камайган эмас. Улардан айримларини келтириб ўтсак: Юнис Меррей ётоқхона эшиги тагида чироқ нуруни кўриши мумкин эмасди. Монро ҳалокатдан бир неча кун аввал ётоқхона полига тўшалган қалин гилам эшик тагини буткул ёпиб турарди. Меррей 1975 йилда нашр қилдирган китобида: *“Балиқ буржсида тузилганим учун телепатик қобилиятга эгаман, шу боис мен нурни кўрмаган бўлсам-да, хонада чироқ ёниқ турганини сезганман”*, деб ёзганди. Аммо уй режасидан шу нарса аниқ маълумки, Меррей ҳожатхона томонга уй бекасининг ётоқхонаси ёнидан умуман ўта олмас эди. Яна бир ноаниқ ҳодиса: Шифокорлар Мэрилинни кутқариб қолиш учун бирон-бир ҳаракат қилишмаган. Уларнинг юз берган ҳалокат ҳақида полицияга қарийб тўрт соатдан кейин маълум қилишгани сабаби эса мавҳумлигича қолган. Шифокорлар биз суҳбатлашганмиз, дейишган, лекин суҳбат мазмунини ошкор қилишдан бош тортганлар.

Расмий маълумотларда айтилишича, Мэрилин 50 дона уйқу дорисини ютган. Аммо шунча таблеткани сувсиз ютиш амалда мумкин эмас. Ҳалокат содир бўлган жойдан сув ичадиган идиш топилмаган. Ваннахонада ҳам сув йўқ

эди. Уйда таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани туфайли сув беркитиб қўйилганди.

Мэрилиннинг ўлими олдидан телефонда ким билан гап-лашгани ҳам номаълум бўлган. Телефон станцияси томонидан ёзиб олинган суҳбат матнлари мусодара қилинган. Бу ишни мансабдор шахслар бажаришган экан.

Жасаднинг кўриниши ҳам шубҳа уйғотар эди. Монро юзи ўриндиққа туташ ҳолатда ётар, оёқлари узатилган ва ёнма-ён қўйилганди. Қўллари ҳам икки ёнбошига ёпишиб турарди. Одатда, кўп ичилган уйқу дориси бошқача манзара пайдо қилади. Бутун гавда дори таъсирида чангак бўлиб қолади. Шифокорлар гавда ҳолатини ўзгартирган эмасмиз, дейишган. Бундан ташқари, кўп миқдордаги уйқу дориси одамни қустиради. Монрода эса бундай ҳолат кузатилмаган.

Текширув чоғида ҳам кўпгина ажабтовур ишлар содир бўлган. Токсикология лабораториясида Монро мурдасидан олинган суюқлик йўқолган. Айрим гувоҳлар кўрсатма бериш учун умуман чақирилмаган. Гувоҳлик кўрсатмалари ёзилган бир қанча қоғозлар йўқ қилинган. Энг муҳим ашёвий далил – Монро кундалиги ҳам изсиз кетган. “Ўлим китоби” деб номланган бу кундалик, айрим манбалардан маълум бўлишича, ҳозир Лос-Анжелес полицияси уюшган жинойатчиликка қарши кураш бўлимининг махфий архивида сақланар экан. Кундалик билан танишганларнинг айтишича, унда Монро билан Роберт Кеннеди ўртасида турли мавзуларда бўлиб ўтган суҳбатларга доир ёзувлар сақланган.

Китоб муаллифи Волфнинг фикрича, Мэрилин Монро ўлими шундай содир бўлган. Компьютер техникаси ёрдамида ўтказилган янги токсикологик ташхис хулосаси шуни тасдиқладики, ўлимга олиб келган миқдордаги уйқу дориси Мэрилин танасига вена орқали юборилган, у ҳеч қандай таблетка ютган эмас.

Мэрилин Монро 4 август куни кечқурун телефонда Хосе Боланос билан гаплашган. Телефон бирдан узилиб қолган. Сўнгра ярим соат ўтар-ўтмас, у Питер Лоуфорд билан сўзлашган. Бу унинг ҳаётидаги сўнгги кўнғироғи эди.

Сўзлашув чоғида Монро хушидан кетган ва телефон гўшаги унинг қўлида қолган. Мана шу икки сўзлашув оралиғидаги ярим соатлик фурсатда унга укол қилишган. Бу пайтда Монро ётоқхонасида Роберт Кеннеди бўлган. Улар жанжаллашиб қолишган. Роберт ундан ниманидир талаб қилган, бунинг эвазига пул ҳам бермоқчи бўлган. Бироқ Мэрилин унинг талабини рад этган. Робертдан дарҳол кетишини, уни буткул унутишини сўраган. Жанжалдан сўнг Р.Кеннеди уйни тарк этган. Мэрилин Монро эса тиббий ёрдамга муҳтож ҳолатда қолаверган...

Бу сирли ўлим хусусида Доналд Волф шундай тахминий хулосага келади. Монро ўлимидан ярим соат олдин киноюлдуз уйига АҚШ президенти Жон Кеннедининг укаси Роберт Кеннеди келган. Унга икки эркак ҳамроҳлик қилган. Хавфсизлик хизмати соқчилари бўлган бу кимсалар Р. Кеннедининг қўриқчи соқчилари эди. Мэрилин Монро томирига ўлим дорисини мана шу соқчилар юборишган. Бироқ афсуски, уларнинг исм-фамилиясини Д. Волф ҳам аниқлай олмаган. Бу сирли ўлим ана шундай якун топади.

ЭЙНШТЕЙННИНГ СЕВГИСИ

Ер юзида мактаб кўрган одам борки, нисбийлик назарияси асосчиси, америкалик физик олим Альберт Эйнштейн номини билади. Аммо ҳар қандай шахснинг жамият кўз ўнгидан ташқари ҳаётининг фақат ўзи ва яқинлари ҳамда энг ишонган кишиларигина биладиган жиҳатлари ҳам бўлади. Қуйида машҳур олим ҳаётининг кўпчиликка номаълум томонлари хусусида фикр юритилади.

1998 йилда “Сотби” кимошди савдосига Альберт Эйнштейннинг номи ёзилган соати, у чизган расм ва бир қанча ноёб фотосуратлар ҳамда хатлар

қўйилди. Мактуб ва суратларнинг ноёблиги шунда эдики, улар олим билан машҳур рус ҳайкалтарошининг рафиқаси Маргарита Коненкова ўртасидаги нозик муносабатлардан гувоҳлик берарди. “Сотби”нинг маслаҳатчиси Паул Нидхэм, коллекцияни баҳолаш билан бирга, ўзини нисбийлик назарияси муаллифи ҳаётининг ҳеч кимга маълум бўлмаган томонларини биладиган одамдек тутди. Яъни у журъат қилиб, Альберт Эйнштейн хатлари мазмуни жиҳатидан, олим 40-йилларда совет разведкасига муайян хизмат кўрсатган бўлиши керак, деган тахминларни билдирди. Россия махсус хизмат маҳкамалари эса Альберт Эйнштейннинг “Совет разведкаси учун ҳеч қандай манфаатли томони йўқ эди” деб баёнот берди. Бир қарашда шундай аммо...

Гарчи, Эйнштейн Америка атом бомбасини яратишга жалб этилмаган бўлса-да, унинг яратилаётгани ҳақида барча маълумотларга эга эди. Шу ўринда, президент Рузвельтни атом бомбасини яратишга Альберт Эйнштейн хат ёзиб ундагани ва ишонтирганини айтиш кифоя. Ҳайкалтарош ва rassom Сергей Коненков музейида бўлган чет эллик сайёҳатчилардан бири бу ерга қўйилган суратларнинг бирида Альберт Эйнштейннинг иккинчи хотини Эльза, ўғай қизи Марго ва Маргарита Коненкова билан кулиб суратга тушган номаълум шахс “Америка атом бомбасининг отаси” Роберт Оппенгеймер эканлигини таниди. Демак, суратнинг олинган вақти ҳисобга олинса, Коненкова Р. Оппенгеймер билан 1936 йилдан таниш бўлгани маълум бўлади. Коненковани Эйнштейн – Оппенгеймер даврасидаги танишувлари, муносабатлари НКВД-НКГБ томонидан бошқариб борилганлиги “Разведка ва Кремл” номли китоб чиққач тасдиқланди. Унинг муаллифи НКВД-НКГБ тўртинчи “қўпоровчилик-разведка” бошқармасининг ўша пайтдаги бошлиғи генерал-лейтенат Павел Судоматов шундай деб ёзади:

“Лиза Зарубина (НКВДнинг АҚШдаги резиденти Василий Зарубиннинг хотини) раҳбарлигида иш олиб борган бизнинг ишончли жосусимиз, машҳур ҳайкалтарош С. Коненковнинг хотини Пристонда энг йирик физик олимлар

Оппенгеймер ва Эйнштейн билан танишиб, уларни маҳлиё этди. Оппенгеймер АҚШ компартияси билан алоқани узгач... Коненкова уни сўл қарашларга эга мутахассисларни ишга олишга кўндирди”.

Китобдаги бошқа бир парчада шундай дейилади: *“Эйнштейн ва унинг атрофидаги мутахассис-олимларга чиқишда, Михоэл ва Фефернинг роли катта эди. Улар Эйнштейн хонадонига яқин рус муҳожирлари эр-хотин Коненковалар орқали янги “қуроллар қуролини” яратишда банд бўлган мутахассислардан маълумотлар олиб туришди”.* Ана шу сатрлардан сўнг ташқи разведка хизмати, *“Маргарита Коненкова ва Альберт Эйнштейн бир-бирини севишган холос. Ҳаётни ўзгача севган машҳур физик жозибали аёл ёнидан бефарқ ўтиб кетолмасди”*, деб таъкидлашда давом этади.

Коненковалар АҚШга 1923 йилда рус-совет санъати кўргазмасида иштирок этиш учун боришганди. Аввалига, бир неча ойдан кейин қайтиб келиш мўлжалланган. Аммо орадан 20 йилдан кўпроқ вақт ўтгачгина улар қайтдилар.

С. Коненкова устахонасига Эйнштейн илк марта 1935 йилда ташриф буюрди. Принстон университети маъмурияти олимнинг портретига буюртма берган эди. Бу ҳақда М. Коненкова эсдаликларида шундай деб ёзади:

“У жуда камтар бўлиб, турли расмий йиғилишларни ёқтирмас, ҳазиллашиб, мен ҳурпайган сочим билан машҳурман, дерди. Сергей Тимофеевич Эйнштейн портрети устида ишлаётганида, олим ўта қизиқли ва хушчақчақлик билан ўзининг нисбийлик назарияси ҳақида гапириб берди”...

Ўшанда Эйнштейн 56 ёшда, Коненкова 39 ёшда эди. Уларнинг қарийб 10 йиллик муносабати тўғрисида С. Коненкова қандай фикрда бўлганлиги бизга номаълум. Аммо 1945 йилнинг августида Маргарита Эйнштейн ҳузурига равона бўлганида, эри унинг ташрифи мақсадини билгандек эди. Чунки, ўшандан бир ой олдин – 1945 йилнинг июлида Нью-Мексика штатида биринчи атом бомбаси синаб кўрилди.

Эйнштейннинг Маргаритага урушдан кейин ёзган мактубларидан бирида шундай сўзлар бор:

Принстон 18. XI.45.

“Суюклигим Маргарита!

Сенинг кутилмаган телеграммани Нью-Йоркда олдим. Сен учун катта ўзгаришлар ясовчи топшириқ қанча оғир бўлмасин, ҳаммаси яхши бўлишига ишонаман...

Хат охирида шундай сўзлар битилганди: “Дастурга мувофиқ, мен консулга ташириф буюрдим... Ўпиб қоламан. Сенинг Эйнштейннинг”.

Мана шу мактубнинг ўзиёқ Эйнштейн Маргаританинг разведка билан алоқаси борлигини кўрсатиб турибди.

Ярим асрдан кўпроқ вақт аввал хайрлашув олдидан Эйнштейн ўзининг номи ёзилган соатини Маргаританинг билагига тақиб қўяди. Бу уларнинг “Ядровий мувозанат” учун қилган шахсий ҳисоб-китоби эди. Ҳа, дунё жумбоқларга тўла.

“ТЕМИР ХОНИМ” ёки дунёнинг кучли аёли

Дунёга “Темир хоним” номи билан машҳур Буюк Британия сиёсатчиси, собиқ бош вазир Маргарет Тетчернинг оилавий ва иш фаолияти қандай кечганди? У қандай қилиб бу номга сазовор бўлди? У ўзи аслида ким эди? Маргарет Хилда Робертс 1925 йил, 13 октябрда Англиянинг унчалик катта бўлмаган Грантем шаҳарчасидаги дўкондор оиласида дунёга келди. Унинг отаси Алфред Робертс тижорат одами бўлишига қарамай, тинимсиз излананишарди. Билимга таъналик, ижтимоий ҳаётга, сиёсатга, дунё воқеаларига қизиқиши унда ниҳоятда кучли бўлган. 1943 йилдаги сайлов жараёнларида фаол қатнашган Алфред Робертс Грантем шаҳри ҳокими лавозимига сайланади.

Ҳали 18 ёшга ҳам тўлмаган Маргарет отасининг ёнига киради. Унга ҳамдард, ҳамфикр бўлади ва ўз қонида сиёсатга ташналик ҳисси жуда барвақт англаб етди. Отаси уни интизомли, билимдон, бир сўзли ва катъий фикрли қилиб тарбиялади.

Маргарет Оксфорт университетининг нуфузли коллежларидан бирида кимё фани бўйича таҳсил олди. Одатдагидек у яхши ўқиди, бироқ уни химиядан ҳам кўпроқ Оксфорт университетидаги консерваторлар ассоциациясининг фаолияти қизиқтирарди. Кўпчилик талабалар лейбористларга хайрихоҳ эмасдилар. Бу ҳол ёш қиз қалбидаги курашчанлик туйғуларининг янада алангаланишига туртки бўлди. Кун сайин унинг тушунчалари ойдинлашиб, дунёқараши кенгая борди.

Отаси ҳамиша қизига: *“Ўзгалар устидан ҳукм чиқариш учун инсон энг аввало ўз ватанига, халқига, оиласига, эътиқодига содиқ бўлиши керак”* лигини уқтирарди. Кейинчалик Маргарет Тетчернинг ўзи ҳам: *“Мен ижтимоий ва сиёсий ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, ҳаммасига қаттиққўл ва талабчан отамнинг шарофати билан эришдим”* дея тан олади.

Маргаретнинг ҳаётида муҳим ўрин тутган яна бир омил – машҳур иқтисодчи Фон Хаекнинг “Қулликка қарши йўл” деб номланган китоби эди. Бу китобда олим биринчилардан бўлиб давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда тутган ўрни, унинг ҳар қандай шароитда инсон фаровонлиги ва мамлакат тараққиёти учун хизмат қилиши кераклигини таҳлил қилиб берган эди.

Университетни тамомлагач, Маргарет пластмасса ишлаб чиқарувчи фирмада ишлай бошлади. Бироқ сиёсий ҳаётга интилиш туйғуси унга сира тинчлик бермасди. У бўлажак парламент сайловларида ўз кучини синаб кўришга қарор қилди. Шу сабабдан ишдан қўли бўшади дегунча сайловчилар ҳузурига ошиқарди.

1948 йилдаги партия конференцияларининг бирида Маргарет Робертс бизнесмен Денис Тетчер билан танишиб қолади. Конференция тугагач, Денис

ёқимтой кизни ўзининг “Ягуари”да шахарга олиб бориб қўйишни таклиф қилди. Йўлда Робертс биринчи хотини билан ажрашгани, унинг исми ҳам Маргарет бўлганини сўзлаб берди. Бу ходиса фақат бир марта эмас, улар турмуш қургунларига қадар – яна бир сайлов жараёни айланиб келгунча такрорланди... 1951 йилнинг 13 декабрида уларнинг тўйи бўлиб ўтди. Энди мисс Робертс миссис Маргарет Тетчерга айланди.

1950-1951 йиллар Маргарет ҳаётида ниҳоятда қизғин кураш даври бўлди. У бу вақтда муваффақиятга эришгани йўқ, бироқ жуда катта тажриба тўплашга муваффақ бўлди. Ана шундай пайтларда бўлажак бош вазирга отасининг: *“Сен партияни шунчаки бошқаришга эмас, балки уни ўз ғояларинг билан суғоришга ҳаракат қил. Чунки қироллар ва қироличалар ҳам дунёга устун бўлмаган. Тарих бамисоли тегирмон тоши. Айланиб тураверади. Бироқ озодликни асраб қолиш ва уни келгуси асрларга софлигича инъом этмоқ ҳар қандай раҳбарнинг ҳам қўлидан келавермайди”*. Бу ўғит унга катта далда берди.

Денис Тетчер Маргаретга жуда муносиб умр йўлдош бўлди. У хотинидан ўн ёш катта эди. Шунинг учунми, Денис хотинининг барча интилишлари, дунёқараши ва мақсадларини қадрларди. Унинг ўзи ҳам консерваторлар партиясига Маргаретдан анча илгарироқ аъзо бўлган эди. Эрининг ёрдами билан Маргарет моддий қийинчиликлардан батамом халос бўлди. 1953 йили Тетчерлар қўшалок фарзанд кўришди. Бир-биридан ширин Марк ва Кэролларнинг онаси энди нима қилишини билмай боши қотди. Ана шундай қийин пайтда Денис ёрдамга келди. У Маргаретга ўқишини давом эттириб, болалигидан орзу қилган мутахассислик – солиқ юристи бўлишига кўмаклашди.

1959 йили орзиқиб кутилган кунлар келди. Маргарет Тетчер Британия парламентининг аъзоси этиб сайланди. Икки йилдан сўнг Нафақа ва суғурта ишлари вазирлигига таклиф қилинди. Кейин Маориф вазирлигига ишга ўтди. Булар бўлажак ислохотчининг жуда бой ва кенг қиррали тажриба тўплашига ёрдам берди.

Маргарет Тетчер сиёсатга шунчаки ишқибоз эмас, содиқ ва изланувчан инсон сифатида консерваторлар орасида зинама-зина обрў қозона борди. 1975 йили ўтказилган сайловларда Маргарет Тетчер консерваторлар партиясининг етакчиси ва Британия аёллари ичида биринчи бўлиб бош вазир даражасига кўтарилди. Тетчерлар Лондондаги Даунинг-стрит кўчасида жойлашган 10-уйга – бош вазир қароргоҳига кўчиб ўтдилар. Бош вазир мамлакатда кучли ва барқарор сиёсат ўрнатиш, дунё мамлакатларининг талаб ва эҳтиёжларини қондира оладиган мукаммал саноатни ривожлантириш ҳамда халқнинг билим даражасини юксалтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Тетчер даврида сиёсий жараёнлар адолатли бўлди, илмий-техника юксалиши рўй берди.

Маргарет Тетчер амалга оширган ислохотлар халқаро майдонда ўчмас из қолдирди. У оилада, жамиятда, хизмат вазифасида ҳам барчага ибрат бўла олди. Шу сабабдан ҳам “Дунёнинг энг кучли аёли” деган номга сазовор бўлди ва халқ томонидан берилган бу унвонни у тўла-тўқис оқлади.

1983 ва 1987-йиллардаги сайловлар Тетчерни бош вазирликдан кетказмади. У вазирларга доим “*Аёл киши эканлигимни унутинг*” дея таъкидларди. Бироқ унинг аёллигини, боз устига “Темир хоним” эканлигини ҳеч ким унутмади.

1990 йили Маргарет Тетчер Даунинг-стритдаги 10-уйни Жон Мейжорга бўшатиб берди. Тетчерни ўз қабулига чақирган Елизавета II “*Тетчер бошқарган Британия дунёда катта нуфузга эга бўлди*”, деган эди. Сиёсатчилар у бошқарган 80-йилларни “Британча қайта қуриш даври” деб атайдилар. Унга яна қандай нисбатлар берилишидан қатъи назар, у тарихда XX асрнинг энг ёрқин сиймоларидан бири бўлиб қолди.

ОЛИЙ БАХТГА ЭРИШГАН ИНСОН

Роналд Рейган бевосита актёр, кейинчалик АҚШ президенти бўлган. Рейганлар оиласида чақалоқ туғилганда Роналднинг отаси шундай деганди: “Ким билади, балки қачонлардир у президент бўлар”. Бу сўзлар илоҳийлик касб этди. Ҳаётининг дастлабки йиллари Роналднинг мансабга кўтарилишига ҳеч нарса халақит бермади.

Роналд ёшлигида бейсболчи бўлишни орзу қиларди. У яшайдиган Тампико шаҳрида унинг қизиқишларини эътиборга олиб бейсбол гуруҳига қабул қилишди. Шу билан бирга ёш Роналд Айова штати радиосида спорт шарҳловчиси бўлиб ишлайди.

Роналднинг биринчи оиласидан омади чопмади. Актриса сифатида эрини муваффақиятсизликда айблаб келган хотини “Жонни Белинда” фильмида гунг ва кар қиз роли учун Оскар мукофотини олгандан сўнг улар ажрашишди. Бўлажак президент 1949 йилнинг кузида Нэнси Дейвис билан танишади. Голливудда эндигина фаолиятини бошлаётган Нэнси кутилмаганда “коммунистик” рухга мойиллар рўйхатига тушиб қолганди. Бундан кўрқиб кетган қиз вазиятдан чиқиш учун яқинларидан бирига мурожаат қилади. У эса Гилдиянинг актёрлар президенти билан учраштиришни ваъда беради. Шундай қилиб Роналд ва Нэнси учрашади ва биринчи кўришгандаёқ бир-бирини ёқтириб қолади.

Нэнси актёрлар сулоласидан эди. У бутун ҳаётини эрига бағишлади. Рейган ҳам бунга жавобан қаерга бормасин унга севги мактублари жўнатарди. У бир марта шундай деганди: *“Мен дунёдаги уйланган энг бахтли инсонман”*. Хотини унинг севгилиси, дўсти ҳамда маслаҳатчиси эди. Р. Рейганга Ҳолливудни тарк этиб сиёсат билан шуғулланишни ҳам хотини маслаҳат берганди.

Роналдни “Театр “Женерал электрик” ҳафталик телевизион дастури орқали бутун мамлакатда танишарди. У компаниянинг тарғиботчиси бўлиб, мамлакат бўйлаб юрар ва компания ишчилари ҳаётидан кўрсатувлар тайёрлар эди. Албатта, юқори органларни танқид ҳам қиларди. Унинг бу ҳаракатлари самарасиз кетмади. Телевидениеда чиқишлар қилаётган ширали овозли йигитча барчани кизиқтириб қолди. 1964 йил, 27 октябрда телевизор орқали сиёсий мавзуда чиқиши Рейганнинг сиёсат соҳасидаги биринчи қадами бўлди. Бу президентликка номзоди қўйилган республикачилар партияси раҳбари Голдуотернинг қўллаб сўзлаган нутқи эди. Бироқ сайловда Голдуотер мағлубиятга учраган бўлса-да, сиёсат бобида янги юлдуз – Роналд Рейган пайдо бўлганини кўрсатди.

Нэнси Рейган ҳам эри билан бирга Оқ уйга кўчиб ўтди. У Оқ уй бекаси сифатида президентлик саройидаги барча жиҳозларни – мебеллардан тортиб гулларгача алмаштирди. Шуни ҳам айтиш жоизки, америкаликлар Нэнсини унчалик ёқтиришмасди. Аммо уни Роналд жуда қаттиқ севар эди...

Рейган ўз фаолияти давомида жуда қаттиқ сиёсат олиб борди ва бутун куч-ғайрати билан АҚШни дунёда устунлигини таъкидлаб келди. У собиқ Иттифоқнинг ижтимоий сиёсати билан курашишни бир дақиқа ҳам тўхтатмади ва совуқ урушни тугатган инсон сифатида тарихда ном қолдирди.

1989 йилда президентлик мансабидан кета туриб Р. Рейган шундай деди: *“Мен биргина халқни ўзгартирмоқчи эдим, бироқ бутун дунёни ўзгартирдим”*. Ҳа, дунёни даҳолар ўзгартиради, деб бежиз айтишмайди-да.

Собиқ президент тўқсон ёшдан ошиб вафот этди. Уни ўзи васият қилганидек дафн этишди. Мамлакатда бир ой мотам куни деб эълон қилинди. Р.Рейган жуда катта ҳурмат-эҳтиром билан сўнгги йўлга кузатиб қўйилди. Камдан-кам инсонга муяссар бўладиган бахт Рональд Рейганга насиб этди.

"КЕКСА ХЭМ"НИНГ СУЮКЛИЛАРИ

Эрнест Биринчи жаҳон уруши жанггоҳларида яралангач, Италиядаги госпиталлардан бирига олиб келинди. Ўн саккиз ёшли ҳарбийнинг жароҳатлари оғирлиги сабаб шифокорлар, айниқса, Агнес исмли ҳамширанинг унга нисбатан меҳрибончилиги ўзгача эди. У дори-дармондан ташқари ширинсўз, меҳри билан ёш йигит дардига малҳам бўлди. Эрнест тузала борган сари икки ёш ўртасидаги илиқ муносабат қайноқ муҳаббатга айланди. Йигит соғайиб, ҳарбий қисмга қайтар экан, юрагининг бир парчаси госпиталда – Агнес тимсолида қолиб кетаётгандай эди. Қиз йигирма олти ёшларда, ҳаётда кўп нарсаларни кўрган, йигитнинг эса бу илк муҳаббати. Икки ўртада ёзишмалар бошланди. Фақат хатларгина улар ўртасидаги ҳижронга малҳам бўлиб, висолга умид тугдирарди.

Шундай кунларнинг бирида Агнесдан келган мактуб Эрнест қалбини бир умрга жароҳатлади. У итальян герцогларидан бирига турмушга чиқаётган эмиш. Эрнест бундан қаттиқ изтиробга тушди.

У ўзининг дастлабки йирик асари "Алвидо, қурол" романи қаҳрамони Кэтрин Боркли тимсолида Агнес фон Куровскига бўлган муҳаббати ва ишқ изтиробларини тасвирлади.

Орадан йиллар ўтиб, Эрнест йигирма беш ёшида гўзал инглиз хоними Дафф Туизден билан танишди. Лекин бу танишув узоққа чўзилмади. Ичкиликка берилиб кетган ушбу аслзода аёл ёш адибни худди кўғирчокдай ўйнаб, ниҳоят ташлаб кетди.

Шундан сўнг севгига, аёл меҳрига ташна Хэмингуэй Париждаги нуфузли журналлардан бирининг ходимаси Полин Пфайферни ёқтириб қолади. Эрнестдан тўрт ёш катта, ҳаётий тажрибага эга бу аёл машҳур бўлган адибнинг хотинига дугона тутиниб, хоҳлаган вақтида уларнинг уйига келиб, севиклиси

билан учрашиб юради. Уларнинг ўртасидаги севги аланга олгач, адиб Хэдли билан ажрашиб Полинга уйланади. Аввалига улар инок, тотув яшай бошлайдилар. Ёзувчи ниҳоят, ўз бахтига эришгандай эди. Шу орада у машҳур романларидан бирини ёзиб тугатади. Кейин негадир кўнгли хувиллаб бўш-бўш бўлиб қолди. Қўли ишга бормади, уйқуси ўчди, ҳатто ўзини ўзи ўлдириб қўйгиси келди. Бундай тушкун кайфиятлардан уни яна жисмоний меҳнат, балиқ ови ва ... аёллар севгиси қутқарди. Эрнест ўша кунлар Жейн Мейсон исмли соҳибжамол билан танишиб қолди. Бироқ адиб уни юракдан севмади. Севгисига эришолмаган қиз эса ўз жонига қасд қилди. Тақдир Хэмингуэйни Марта Геллхорн исмли қобилиятли журналист ва адибага рўпара қилди. Марта бир пайтлар Полин тутган йўлни танлади. Полин билан дугона тутиниб, борди-келди қилиб юриб, асл ниятига етди. Севги уларни жасоратга чорлади. Адиб ва журналист аёл Испанияда бўлаётган фуқаролар урушини ёритиш учун хизмат сафарига жўнашди. Жанггоҳдан қайтишгач, ошиқлар бир-бирларидан кўнгил уза олмадилар. Хэмингуэй Полина икки ўғли билан яшаётган Киуэст ва Марта яшайдиган Флорида шаҳарлари ўртасида сарсон бўлди. Кўп ўтмай, Мартага бўлган муҳаббати устун келиб, Полин билан ажрашди.

Аммо адиб Марта билан ҳам узоқ яшамайди. Тизгинсиз кўнгли "Гёте" журнали ходимаси Мэри Уэлч Ноэлга тортди. Лекин тўртинчи никоҳ ҳам Хэмингуэйга бахт келтирмади. Ҳар доимгидай тез ловуллаган ишқ олови тезда сўна қолди.

Орадан кўп ўтмай, эллик ёшдан ҳатлаган Эрнестнинг дили венециялик аслзода гўзал Адриана Ивангичга суст кетади. Ўн тўққиз ёшли бу соҳибжамол билан Хэмингуэйнинг ишқий саргузаштлари олти ой давом этди. Эрнест унга уйланишни ният қилади. Аммо қиз дилидагини сиртига чиқармади. Фақат барча севишганлар каби ҳижрону висол оралиғида девоналардай яшади.

Умрининг охирларида ёзувчи руҳий хасталикка чалинади. Мэри уни даволашга ҳаракат қилди. Аммо уни барча уринишлари зое кетди. 1961

йилнинг июл тонггида ёзувчи тортмасининг ғичирлаб очилганидан чўчиб уй-
фонган Мэри полда қонга беланган ҳолда ётган адибни кўрди...

Эрнест Хэмингуэйни баъзилар енгил табиатли инсон бўлган дея ўйлаши,
табиий. Аммо кўнгил қўйган аёллар ва унинг ҳаётини таҳлил этаркансиз, ушбу
фикрни асоссиз эканини англаб етасиз. Адиб фақат буюк қалбига мос, ҳар жи-
хатдан тўқис, унга ишониш, сиғиниш мумкин бўлган ўз қалбининг туб-тубида
яшириниб ётган аёлини кидирган, холос. Лекин бутун ҳаёти давомида уни
тополмаган.

АФСОНаВИЙ АКТРИСА ЭЛИЗАБЕТ

*Америкалик машҳур актриса Элизабет Тейлор бир неча марта турмуш
қурган. Элизабетга бунчалик шон-шуҳрат, маблағлар ўз-ўзидан келгани йўқ.
Бунинг учун фақат гўзалликнинг ўзи кифоя эмас. Худо берган истеъдод ва
меҳнат керак. Америкаликлар уни бекорга севишмайди. У чинакамига аф-
сонавий актриса. Тейлор шунчалик обрў-эътиборга эришган бўлса-да, оилавий
томондан тўқис бахтга эга бўла олмади. Собиқ эрлари ичида энг сеvimли умр
йўлдоши Ричард Бэртон эди. Уни севарди, ҳаттоки унга икки маротаба
турмушга чиқди. Афсуски, барибир тўқис бахтга эриша олмади. Элизабетни
ёшлигида Лиз деб аташарди, бироқ бу исм унга ёқмасди.*

Тейлор ижро этган роллар ниҳоятда кўп. У бирга роль ўйнамаган биронта
машҳур артист қолмаган ҳисоб. Элизабет журналистларга берган
интервьюларида шундай деган: „Мен ҳам сокин, тинч яшашни яхши кўрардим.
Ҳадеб эр алмаштиришни ёқтирмасдим. Афсуски, ҳаёт бу инъомни мендан
дариг тутди”.

Илк бор ўн саккиз ёшли Элизабетнинг ҳаётида миллиардернинг ўғли
Конрод Хитон пайдо бўлди. Уларнинг никоҳи тўққиз ой давом этди, холос.

Кейин у англиялик актёр Майк Уилден билан оила курди. Улар бирга беш йил умргузаронлик қилишди. Шу орада ўғиллари Крис ва Майклар туғилди. Уилдендан ажралгандан сўнг продюссер Майк Тоддомга турмушга чикди. Роппа-роса бир йилдан кейин Тоддом ўзининг шахсий „Боинг” самолётида авиаҳалокатга учраб ҳалок бўлади. Аслида – эр-хотин бирга учиши керак эди. Бироқ Элизабет ҳомиладорлиги, ўзини ёмон ҳис қилаётгани учун эри билан бирга бормаганди. Шундай қилиб, тақдир тақозоси туфайли омон қолди.

Элизабетнинг кейинги тақдири қизиқ бўлган. У дугонасининг эри, эстрада хонандаси Эдди Фишерга турмушга чикди. Ҳатто Фишерни деб бошқа динни ҳам қабул қилди. Тейлорнинг бу қилмишини америкаликлар узоқ вақт кечири олишмади. Бироқ ушбу никоҳ ҳам узоққа чўзилмади. Улар ажралишди. 1964 йили Ричард Бэртонни топган Элизабет яна ўз христиан динига қайтди.

1963 йили актриса Бэртон билан “Клеопатра” фильмида суратга туша туриб оғир хасталикка чалинди ва шу билан унинг ҳаётида қийин кунлар бошланди. У бир неча маротаба мураккаб жарроҳликни бошидан ўтказди. Эри эса ичкилик туфайли вафот этди. Айримлар уни эри шундай аҳволга солиб қўйган дейишса, баъзи “тейлоршунослар” Элизабет дугонасига хиёнат қилгани учун худо уни жазолади, дея гап тарқатишди. Ҳар нима бўлганда ҳам Элизабетга Клеопатра роли жуда катта обрў ва шуҳрат келтирди. Бундан ташқари, қуйи табақадан чиққан Бэртон ҳам барча миллионерларни ортда қолдирди. У ақл бовар қилмас бойлик – 33 каратли бриллиант ва энг тоза марваридни хотинига мерос қолдирди.

Элизабет кейинги тақдирини виржиниялик сенатор Жон Форнер билан боғлади. Унинг сенатдаги иши танг аҳволда қолганди. Элизабет унга қимматбаҳо узукларидан бирини ҳадя қилди. Форнернинг иши хотини ёрдами билан ўнгланиб, катта шон-шуҳратга эга бўлди. Элизабет ҳам сиёсат билан шуғуллана бошлади.

Тейлор тўрт йил давомида кинода роль ўйнамади. Бунинг устига семириб ҳам кетди. Кейин яна қадрдон Голливуд ўлкалари эсига тушди. Ўзини қўлга олиб кинога қайтди, хайрия ишлари билан шуғулланди.

У йирик сармоядор Марвин Силвертэн билан биргаликда 1985 йили (Марвиннинг дўсти киноактёр Рок Хатсон СПИДдан вафот этади) XX аср вабоси СПИДга қарши кураш учун жамғарма ташкил этишди. Шундан сўнг улар жуда кўп хайрли тадбирларни амалга оширишди.

– Мен ўз қабримга шундай ёзилишини васият қилдим: *“Бу ерда Элизабет ётибди. Қачонлардир уни Лиз дейишларини хоҳламасди”*, деган эди актриса. У мухтож инсонларга нафақат ўз жамғармаси орқали, балки ундан ташқари ҳам йирик миқдорда ёрдам берарди. Унинг бир неча котибалари бўлиб, улар мухтож инсонларнинг фақат хатлари билангина эмас, балки моддий томондан ёрдам бериш билан ҳам шуғулланишарди. Элизабет ўзининг уч нафар фарзанди бўлишига қарамай, яна икки нафар етим болани ўз тарбиясига олди. Уларни вояга етказди, билимли қилди, ўз фамилиясини берди, барча фарзандлари қатори оёққа турғазди.

“Лиз бир қараганда, “мустақил аёл”, – унинг таржимаи ҳоли ҳақида шундай ёзишганди. – Тейлор Голливуд киноюлдузларидан бири, юқори чўққиларни забт этиш учун жуда машаққатли йўللарни босиб ўтди. Омад, шон-шуҳрат, пул ўз-ўзидан келмади. Голливуд киночилари ёш истеъдодларни қидира туриб Лондонда туғилган олти ёшли Лизга назарлари тушиб қолди. Элизабет ҳаёт йўлининг ўзи тайёр кино асаридир”.

Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида Лиз яна қаттиқ касал бўлиб, Бетти Форд клиникасига тушиб қолди. У ерда ўзидан 15 ёш кичик Лэрри Фортенкс исмли машина ҳайдовчиси билан танишади. Улар никоҳдан ўтишади. Лиз хоним бу ҳақдаги миш-мишларга жавобан: *“Лэрри менинг ҳаётимни қайтариб берди”*, деган эди. Улар саккиз йил бирга яшашди, сўнг ажралишди. Калифорния қонунлари бўйича Фортенкс хотини маблағидан ўз ҳақини талаб қилди.

Шундай бўлса-да, улар ҳеч қандай “хафагарчиликсиз” ажралишди. Фортенкс қанча маблағга эга бўлгани сирлигича қолди. Лиз қаттиқ мия оғриғига дучор бўлди, бош мия ички операцияси зарурати туғилди. У ҳаётнинг барча оғир синовларига бардош берди, ўзи ҳақидаги барча гап-сўзлару миш-мишларга бардош бериб чидади. Ҳаётда сабр-бардошли, мурувватли инсон эканлигини кўрсатди. Нью-Йоркдаги 2000 йил 11 сентябрь портлашлари даврида балки кимгадир ёрдамим тегар деб зудлик билан фожеа жойига борди.

Элизабет Тейлор “Зеб-зийнатларга муҳаббатим” деб номланган автобиографик китоб ёзди. Бу китобда у ўзининг зеб-зийнатлари билан бирга дўстлари, маҳбублари ва машҳур ҳамкасблари ҳақида ҳам сўз юритган. Нима бўлганда ҳам у Элизабет Тейлорда. Уни америкаликлар севади, ҳурмат қилади, бошларига кўтаради.

ҚАЙСАР АНДРИАНО

Мана қирқ йилдан ошибдики уни биров хириллаганроқ бўғиқ овози, кўримсиз қиёфаси ва бир дунё жозибаси бор деб таърифлашади. Хонанда актёр, шоумен ва телебошловчи Андриано Челентано барча ёшдаги аёлларни ўзига мафтун эта олган. Уни энг машҳур ва энг севимли итальян десак муболага бўлмас. У ўз умрининг қирқ йилдан кўпрогини севимли рафиқаси Клаудиа билан аҳил яшаб ўтказган. Челентанонинг уч нафар фарзанди: икки қизи ва ота изидан бориб қўшиқчиликни танлаган ўғли бор.

1938 йили Милан шаҳридаги ишчилар истиқомат қилувчи даҳалардан бирида, аникроғи, Глюк кўчасида (буюк немис бастакори шарафига шундай аталган), жанубдан пул топиш учун шаҳарга келган камбағал дехқон Челентанонинг оиласида ўғил дунёга келди ва унга Андриано деб исм қўйдилар.

Соғлиғи яхши бўлмаган Андриано мактабга кўп қатнамасди. Шунинг учун ўқиши ҳам ҳаминқадар эди. Бунинг устига илм-фан сирлари йигитчани ўзига тортмасди ва у бошланғич мактабни битиргач, ўқимай қўя қолди. Андриано ғирт бекорчи бўлиб ўсди. Қўшиқ айтиш ва мусиқа чалиш одатий ҳаёт тарзи ҳисобланувчи ҳақиқий итальянлар оиласида яшаса-да, у мусиқага бутунлай бе-фарқ эди.

Челентано 12 ёшга тўлганида ота-онаси уни соатсозга шогирдликка беришди ва ҳунарли бўла олмаган тақдирда ҳам сабр-тоқатли бўлишни ўрганади деб умид қилишди. Челентано ўзининг янги машғулотини жудаям ёқтириб қолди. Агар 1950 йилнинг бошларида рок-н-ролл дунёни забт этишга киришмаганида, бу касбга умрини бахшида қилиб юборган бўлармиди...

1954 йили Челентано ўзи қутмаган ҳолда мусиқа басталай бошлади. Қўшиқ матнини унга дўсти Микело дел Прете олиб келарди. Натижада ҳар иккала дўст қўшиқ ёза бошлашди ва ҳамон уларнинг ижодий ҳамкорлиги давом этяпти.

Орадан уч йил ўтгач, шогирд соатсоз Челентано таниқли рокер бўлиб кетди. У Миланда ўтказилган рок-н-роллнинг Европа танловида ғолиб бўлди.

Бу танловда иштирок этган аксарият ёш хонанда ва гуруҳлар Элвис Преслига тақлид қилгандилар. Челентано эса улардан фарқли ўлароқ ўзининг қўшиқлари билан ҳакамлар эътиборини тортди. У ўзининг “Сенга чао дейман!” қўшиғини куйлайди. Ушбу қўшиғи ҳозир ҳам ўз тингловчисини йўқотгани йўқ. Танловда у “Вужуди пружиналардан ясалган” маъносини англатувчи Мол-лежато лақабини олди. Челентано янги услуби билан барча тенгдошларидан ўзиб кетиб, энг таниқли итальян хонандасига айланди.

Бошловчи рокерларнинг танловдаги ижроси шоу-бизнес машҳурларининг эътиборидан четда қолмади. Тез орада Челентанога таниқли продюссер Гюртлер қўнғироқ қилди ва шартнома тузишни таклиф этди. Шундай қилиб, Челентано профессионаллар сафига қўшилди. Уч йилдан сўнг эса ўзининг шахсий “Челентано сулоласи” номли продюссерлик фирмасини очди. Кейин-

чалик бу фирма таркибида нашриёт, концерт агентлиги, видео ва аудио ёзув студияси ташкил этилди. Унда 200 га яқин одам ишлайди. Ишни хонанданинг акиси Александро бошқаради. Шунингдек, фирмада Андрианонинг жияни Жино, биринчи севгилиси Милена ва Челентанонинг кўшнилари жамул-жам бўлишган. Ёш бизнесчилар тезда бойиб кетишди. Уларни Америкадаги машҳур ватандошлари – Фрэнк Синатра меҳмонга таклиф этди. Аммо Челентано таклифни қабул қилмади. Чунки у самолётда учишдан ўлгудек қўрқарди.

1959 йили Челентано биринчи марта Сан-Ремодаги фестивалда қатнашиб, иккинчи ўринни эгаллади. Унга биринчи ўрин берилиши лозим эди, аммо кўшиқчи ҳакамларга қўполлик қилиб, залга орқасини ўгириб куйлаганди. Ҳакамлар эса бу сурбет кўшиқчининг попугини пасайтириб қўйишди. Шунга қарамай, унинг кўшиғи дарҳол итальян хит-парадининг юқориги чўққисига чиқиб олди-ю, фестивал ғолиби тилини тишлаганча қолаверди.

“Сулола” тез орада биринчи катта дискни чиқарди ва у ҳам барча итальян хит-парадларининг олдини эгаллади. Ўшанда Челентанонинг умрида ягона менеджер-администратор пайдо бўлди.

Кино оламида Клаудиа Мори исми билан танилган соҳибжамол қиз жуда эрта машҳур бўлиб кетганди. У ёшлигиданоқ ҳозирги пайтда кинематографиянинг мумтоз намунасига айланган фильмларда роль ижро этди.

1961 йили “Бир ғалати нусха” фильмида суратга тушаётиб Андриано Челентано исмли ғалати бир йигит билан танишганида Клаудиа 27 ёшда эди. Улар 1964 йилнинг 14 июлида турмуш қуришди.

1965 йили Андриано билан Клаудианинг Розита исмли қизчаси туғилди ва шу йили Челентанонинг пластинкаси йилнинг энг яхши диски деб тан олинди. Яна бир йилдан сўнг ўғли Жакомо туғилди. “Глюк кўчасидаги йигитча” кўшиғи эса уни машҳур қилди. 1967 йили эса эр-хотин Челентанолар биргаликда яратишган “Дунёдаги энг гўзал жуфтлик” деб номланган кўшиқла-

ри оилавий тўқис бахт ҳақида эди. 1968 йили эса қизчалари Розалинда дунёга келади.

Роппа-роса ўн йил давомида Андриано Сан-Ремони забт этишга уринди, эҳтимол, ёлғиз бўлгани учунми, буни эпложмади. 1970 йили Клаудиа унга ёрдамга келди. Италиядаги иш ташлашларга бағишлаб ёзилган “Ишламаган севолмайди” номли ҳазил қўшиғини биргаликда қуйлаган эр-хотин ҳакамларни Челентанолар биринчи ўринга муносиб эканлигига ишонтиришди.

1980 йили Челентано “Қайсарнинг жиловланиши” фильмида суратга тушди. Унинг фильмдаги шериги соҳибжамол актриса Орнелла Мути шу пайтгача бировга кўз олайтирмаган қайсар Андрианони том маънода жиловлаб олди.

Мути хоним интервьюларида *“Менинг ўша пайтдаги эрим Андриано Челентано...”* дея гап орасида қистириб ўтишни яхши кўради.

“Эри” қонуний эмас, шунчаки эрмак эканлигидан Орнелла сира уялмайди. Аммо Челентанонинг қонуний хотини Клаудиа бунақанги “дил изҳор”ларини безътибор қолдирмайди. Баъзан эрининг собиқ маъшуқаси бўлмиш Мути хонимга жавоб қайтаради. Бунинг учун ғаройиб усуллар топади.

– У менга 14 варақни тўлдириб хат ёзди: *“Тасодикий хиёнат – ажралиши учун баҳона эмас. Уни кечирши мумкин. Эркак киши учун тасодикий алоқалар – устанинг янги автомобилни техник кўрикдан ўтказишидек гап”* дебди, — дейди Мути хоним жилмайиб.

Орнеллага рақибасидан бундай очиқ гапларни эшитиш хуш ёқса керак.

Клаудиа эса энди Челентано ундан ҳеч қачон кетиб қолмаслигига шубҳа қилмайди. Ҳар ҳолда эри улуғ ёшга кирди.

– Тўғри, Толстой 82 ёшда уйдан кетган-ку! – қўшиб қўяди Челентано хоним. – Аммо Андриано бундай қилолмайди, – ўзига ўзи жавоб беради Клаудиа. – Гап шундаки, биз ҳақиқий жуфтликмиз. Челентанолар оиласи нима бўлишидан қатъи назар, Италиядаги энг мустаҳкам оилалардан бири ҳисобланади.

70-80 йилларнинг бошларида Челентано тинмай киноларда суратга тушди. Хатто Энтони Куин ва Софи Лорен билан бирга роль ўйнади. Италия фильмлари орасида биринчи ўринни эгаллаган “Қайсарнинг жиловланиши” фильми ақл бовар қилмас даражада катта маблағ – 19 миллиард лирага эга бўлди.

Аммо 80-йилларнинг охирида Челентанонинг нуфузи пасая бошлади. Илгариги мавқеини тиклаш мақсадида у асосий итальян телеканалларидан бирида ўзининг шоусини ташкил этишга қарор қилди.

1987 йили Андриано “Фантастика” номли кечки кўрсатувда эфирга чиқди. Кўрсатув муваффақият қозонди ва Челентано ҳар шанба ўз студиясида Италия ва қўшни давлатлардаги машҳур инсонлар билан суҳбатлар уюштира бошлади.

Ҳозир кунда Челентано Миландан юз километр узоқликдаги Галбиати шаҳарчасида хотини Клаудиа билан бирга яшайди. Бўш вақтида ёшлигида ўрганган касби – соатсозлик билан шуғулланади.

У ҳаётда ҳамма-ҳамма нарсага – шуҳрат, бойлик, соҳибжамол рафиқага эришганди.

“РОККИ” ФИЛЬМИДАГИ БОКСЧИ

Америкалик актёр Силвестер Сталлоненинг “Рокки” фильмидаги боксчи роли дунёга машҳур қилди. Шунингдек “Биринчи қон”, “Рэмбо” фильмларида суратга тушган. Беш серияли “Рокки” фильми сценариясини ёзган. Унинг уч сериясига режиссёрлик қилган. Бугун Голливуд суперюлдузининг инсон орзу қилиши мумкин бўлган ҳамма нарсаси бор. У 20 миллион доллардан зиёд қалам ҳақи олади.

Ўзи иштирок этадиган лойиҳаларни ўзи танлайди. У дунёдаги энг обрўли киноанжуманларнинг кутилган меҳмони. Ниҳоят, унинг ишонган инсонлари: уни севадиган хотини Женнифер Флэвин ҳамда уч нафар қизи ва икки ўғли бор.

Силвестр Сталлоне 1946 йили Нью-Йоркдаги туғруқхоналардан бирида дунёга келди. Унинг келажаги нақадар порлоқлигини ҳатто астрология билан кизиқадиган онаси ҳам башорат қилолмаганди. Туғуруқни қабул қилган доянинг кўполлиги туфайли, Сталлоне бир умрга татиғулик жароҳат олиб, юз томондаги асаб тизими жароҳатланди. Жаклин Сталлоне бундан жанжал кўтарди. Натижада сути қочиб кетди. Врачлар болани махсус мактабга беришни таклиф қилишди. Бироқ онаси уни оддий мактабга берди. Яхши ўқимаганлиги учун мактабдан ҳайдашди. Америкада бир неча мактабларда ўқиди. Ниҳоят, Швейцарияда коллежни тугатди.

У актёр бўлиш учун кўплаб мутахассисликларда ишлаб кўрди. Силвестер ресторанда, ҳайвонот боғида ҳам ишлади. 1969 йили Силвестер Нью-Йоркдаги кичик театрда паттачи бўлиб ишга жойлашди. У билан бирга оддий ва ёқимтой Саша Чак исмли қизча ишларди. Қизча Силвестерни ёқтириб қолди. Ёшлар бир-бирини яхши кўришди. Улар Калифорнияга йўл олишди. 1972 йили уларнинг тўйи бўлиб ўтди. Саша унга икки нафар ўғил туғиб берди. Бироқ шундай бўлса-да, Силвестер хотини билан ажрашди. У тўнғич ўғлига “Рокки V” филмида иштирок этишга роль берди.

Сталлоне Холливудга “Рэнди” фильми билан танилди. Биронта ҳам режиссёр дудукланиб сўзловчи актёр билан ишлашни хоҳлашмасди. Шу боис ҳам у врачга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Сталлоне нутқини ўстириш учун Шекспир пьесаси, По ва Толстой китобларини магнитофонга ёздириб машқ қилди. Натижада классика билан шуғулланиши уни кўлга қалам олиб сценарий ёзишга ундади.

Кунлардан бир куни телевизорда таниқли боксчилар Муҳаммад Али ва Чак Вепнер ўйинларини кўриб қолди. Шундан сўнг ҳаёлига боксчилар ҳақида фильм пайдо бўлди.

“Универсал” киностудияси унинг “Рокки” сценариясини олти марта қайтарди. Еттинчи мартасида уни продюсерлар хурсандчилик билан кутиб олишади катта маблағ – 350 минг доллар таклиф қилишди. Сталлоне буни рад этди.

“Универсал”нинг вице-президенти Ирвин Уинклер актёрга Слай лақабини беради. 1976 йили “Рокки” фильми катта маблағ эвазига суратга олинади. Фильмда Сталлоннинг ўзи бош қаҳрамон – боксчи Рокки ролини ижро этди. Шу йили бу фильм энг яхши фильмлар қаторидан ўрин олиб, 225 млн. доллар фойда келтирди ва уч марта Оскар мукофотига сазовор бўлди. Сталлоне эса дунёдаги энг машҳур актёрлардан бирига айланди.

“Рокки” филми Силвестер ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Камбағалликдан у мултимиллионер бўлиб қолди. Санта-Моникадан кенг ва шинам вилла сотиб олди. Ўзини Ҳолливуд гўзаллари санаган хонимлар унинг ишқида ёна бошлашди. Биринчи бўлиб актриса ва хонанда Шер супермен Сталлонни қармоққа илинтирди ва узоққа чўзилмади.

Шундан сўнг “Рокки”ни манекенчи Брижит Нилсен мафтун этди. Брижит биринчи учрашгандаёқ Сталлонни юрагидан “урди”. Аммо актёр Брижит билан бор-йўғи 548 кун оила қурди. Улар жанжаллашиб ажралишди. Бу севги Сталлонега жуда қимматга –16 миллион долларга тушди.

Силвестер Сталлоне икки марталик омадсиз уйланишдан сўнг бўйдоқ ўтишга аҳд қилди. У қуйиниб шундай деганди: *“Никоҳ ҳавога совурилган пул”*.

Афсуски, актёр ваъдасида туролмади. Орадан унча вақт ўтмай, йигирма яшарлик Австрия графининг қизи Андреа Визер билан танишди. Кейинчалик Андреа Визер шундай ёзганди: *“Слай биринчи кечадаёқ менга икки миллион долларлик платина кредитини совға қилди. У ишлашимга қарши эди. “Сен ҳеч қачон бу ярамас метрода*

юрмагин” дея менга икки ойдан сўнг “Мерседес” калитини топишди”. Силвестернинг хадеб рашк қилишлари ва тергашлари жонга теккач, Андреа ҳам кетиб қолди.

1990 йил баҳорида Сталлоне ёш манекенчи Женнифер Флавин билан танишди. Уни кизнинг ақлиги ва гўзаллиги қойил қолдирганди. Женнифер ҳам актёрни севди.

Слай аввалида Женниферга навбатдаги жазмандек каради. Анча вақт ўтгач, Флавин бошқаларга ўхшамаслигини тушуниб етди. Бу ҳақда актёр шундай дейди: *“Аёл киши мени шунчалик қаттиқ, чин дилдан севишини мен биринчи маротаба тушуниб етдим. Биз бир-биримиз учун яралгандекмиз!”* Женнифер фариштадек эди. У ҳар бир нарса учун пул сўрамас, учрашувлар учун хилма-хил кийимлар кийишни ёқтирмасди. Сливестерни умуман рашк қилмасди. Гарчи бунга сабаблар кўп бўлса-да, бундай йўл тутмасди. Женнифер билан танишганларига икки йил тўлгач, Сталлоне янги жазманлар яширинча учрашадиган бўлди.

Шундай қилиб, Женнифер Сталлоне билан олти йил бирга яшади. Бу орада у актриса ва манекенчи Женис Дикинсон билан танишди. Уч маротаба турмуш қурган бу аёл ўттиз етти ёшда эди. Танишувларидан бир неча ҳафта ўтгач, Женис ҳомиладорлигини маълум қилди. Слай бу хурсандчиликдан ўзини кўярга жой тополмай, бола туғилгач, унга уйланишини ваъда берди. Женнифер билан ажралишни режалаштирди. Унга даб-дурустдан факс жўнатди: *“Женнифер! Орамиз очик, мен бошқасига уйланыпман. У менга ўгил туғиб беради. Сенга бахт тилайман! Санта-Моникега нарсаларингни олиб кетишинг учун сенга икки кун муҳлат”*.

1994 йил, 5 июнь куни факс олганидан сўнг Флавин Сталлоне вилласининг тарк қилди. Бироқ собиқ севгилисининг 234 та костюм, 567 та кўйлаги ва 124 та оёқ кийимини йиртиб ташлади. Слай учун бу йил энг омадсиз йил бўлганди. Дикинсон қиз туғиб берди ва Слайдан тезроқ тўй қилиб болага фамилиясини беришни талаб қилди. Сталлоне бунга рози эди, аммо бу ишга актёрнинг адвокати аралашиб, ҳар эҳтимолга қарши, чақалоқнинг қонини

текширтиришни маслахат берди. Текширувда чақалоқнинг отаси бошқа эканлиги маълум бўлди. Бундан қаттиқ ранжиган Сталлоне Женисни ташлаб кетди.

Оғзи кўп куйган машҳур актёр ақлни бир жойга қўйиб, ким билан бахтли бўлиши мумкинлигини ўйлай бошлади. 1995 йил, 5 июнь куни “От айланиб, қозиғини топибди”, деганларидек, ажралишганидан роппа-роса бир йил ўтгач, кечирим сўраш учун у собиқ хотини Женнифер Флавинга қўнғироқ қилди... Эркак учун оила нақадар муҳимлигини Слай қизи Софи туғилгачгина англади. Юрак касаллиги билан оғриганлиги боис икки ойлик чақалоқни операция қилишди. Сталлоне касалманд фарзандининг дардидан жуда озиб-тўзиб кетди. Бу дардни худони унга гуноҳлари учун берган жазоси деб тушунди. Операциядан кейин у ўзидан йигирма ёш кичик севимли аёл ҳақида шу фикрларни айтганди: *“Мен бахтлиман. Женнифер шунча жанжалларга ва менинг аҳмоқликларимнинг барчасига чидаб, мен билан бирга қолди. У ниҳоятда сабр-қаноатли, кучли, мўмин-қобил аёл. У кам сўзлайди, бироқ керакли гапни айтади. Женнифер ғамхўр ва менимча мендан ҳам ақлли”*.

ТАҚДИРНИНГ БЕҚИЁС ХАЗИНАСИ

Кунг-фунинг тенгсиз устаси ва машҳур киноюлдуз Брюс Лининг аёли Линда Ли (қизлик фамилияси Эмери) америкаликларнинг ўрта қатламига мансуб бўлган. Устози Брюс Лининг ўзи. Брюснинг эски дўстларидан бири Фред Вайнтраубнинг қўйидаги фикрини ўқисангиз Линда Брюс учун қандай яқин инсон эканлигини билиш қийин эмас: “... Брюс ажойиб инсон бўлиш билан бирга, қалби меҳрга лиммо-лим эди. Шундай бўлса-да, у жуда ёлғиз эди. Бу дунёда тўлалигича ҳеч кимга ишонмай ўтди. Фақат... фақат Линдагина бундан мустасно”.

–1963 йилнинг 23 октябригача Брюс билан танҳо учрашмаганман, – дейди Линда Ли. – Уни севиб қоламан, деб ўйламагандим. Чунки эндигина 18 ёшга тўлган, турмушга чиқишни хаёлига ҳам келтирмаган шаддодгина бир қизча эдим. Қисқаси кунг-фуни ўрганишга келган талабалардан бири бўлганман. Бир куни мактаб саҳнида кунг-фу билан шуғулланаётганимизда зарбимни қайтариб, ерга йиқитди... ва ресторанга таклиф этди. Ҳаммаси худди кинолардагидек бўлганди. Брюс менга ёқар, шунинг учун унда яхши таассурот қолдиришни ўйлардим. Ўша пайтнинг энг сўнгги русумидаги кўйлагимни кийиб учрашувга чиқдим.

Ўша оқшом ажойиб, мен учун ҳамма нарса гўзал эди. Узоқ суҳбатлашдик. У ҳақда кўпроқ билгим келар, турли саволларга кўмиб ташлардим. Брюс фалсафа ва психологияни ўқиганлиги, ўрганганлигини айтиб, ўз фалсафий қарашларидан мени ҳам огоҳ этди.

“Севги – бу ўтга тушган дўстлик. Аланганинг бошланиши, сержило, иссиқ ва қудратли бўлади. Лекин буларнинг ҳаммаси милтиллаётган чироқдир. Аммо ёш ўтган сайин юрагимиз, ўчириб бўлмас икки тафт билан ёнаётган лахча севгимиз ҳам зийрак ва сезгир бўлади”, – деганди Брюс.

Шу оқшомдаги учрашувдан сўнг уни севмасликнинг имкони йўқ эди. Университетдаги ўқишим, аниқроғи, инглиз тили курси, менга оғирлик қила бошлади. Шунда Брюс менга ёрдамга келди. Асли она тили хитой тили бўлса-да, инглиз лисонини шундай мукаммал ўргангандики, кўпгина америкаликларга нисбатан унинг сўз бойлиги кўп эди.

1964 йилнинг июлида ҳаётимдаги энг муҳим масалани ҳал қилишимга тўғри келди. Гап шундаки, Брюс кунг-фу дарслари биз яшаб турган Сиэтлда яшаш учун етарли маблағ келтирмаслигини, Калифорния штати эса бу ишда жуда қулай жой эканлигини айтиб қолди. Кейин Калифорниянинг Окленд шаҳрига бориб, яқин дўсти, қатор жанговар санъатлар устаси Жеймс Ли билан маслаҳат-

лашиб, август ойида қайтиб келди. Жеймснинг хотинидан никоҳ узугини ҳам олиб келибди.

Биз дастлаб Жеймс Лининг уйида яшадик. Биз кўчиб келгач, кўп ўтмай Жеймснинг хотини икки гўдагини ташлаб оламдан ўтди. Мен уй юмушлари ва у болаларга қарар, Жеймсга ёрдамим тегаётганидан жуда хурсанд эдим. Брюс билан тўққиз йиллик ҳаётимизда 11 мартаба кўчдик. Аммо бундан кайфиятимизни туширмасликка ҳаракат қилардик. Тўғриси айтсам, Брюс билан бирга бўлишнинг ўзи мен учун чексиз бахт эди.

Кетма-кет кинолари намоиш қилина бошланди. Кундан-кун Брюснинг шуҳрати ошиб, киноюлдузга айланиб борарди. Афсуски, машҳурлар ҳақида фақат яхши гаплар айтилавермас экан. Мени турли ғийбатлар саросимага соларди. Ҳар сафар Брюс бирор актриса билан рол ўйнаганда, албатта, ғаламислар турли миш-мишларни тарқатишарди. Унинг ўлиmidан кейин ҳам бундай фисқу фасод гаплар тинмади. Ўаламислар турли воқеаларни тўқиб чиқаришар, мен ҳам ногаҳон *“Эрим мени шунча пайт аҳмоқ қилдимикин?”*, деб ўйлаб қолардим.

У кўпинча, *“Сен – тақдирнинг менга ато қилган беқиёс хазинаси сен ва болаларимиз ёнимда бўлсангиз бўлди, бу ҳаётим учун зарур эҳтиёж”*, дерди. Унинг гаплари самимий ва дилдан айтиларди. Бунини қалбим билан ҳис қилар, шунда ҳар хил гумонли ҳаёллар мени тарқ этар эди. Албатта, турли муаммолар билан бирга ёқимли жиҳатлар ҳам кўп учрарди. У машиналарни яхши кўришини яширмасди. Аммо энг севимли машғулоти китоб мутолаа қилиш эди. Ҳеч қачон китобларга эътиборсиз бўлмас, уларга ғояларнинг сарчашмаси деб қарарди. Брюснинг кутубхонасида фалсафий китоблар ниҳоятда кўп эди.

Унинг ўз хонасида китоблар, газеталар ёки қадимги Хитой дао-монахларининг кураш пайти акс эттирилган суратлар дунёсига ғарқ бўлиб ўтиришини, яна чуқур ўйларга чўмиб шеър ёзаётган ёки таржима қилаётган пайтларини эслашни яхши кўраман.

*“Куз ёмгири,
Кезар қора булутлар,
Гулларнинг боши хам, ой юзи рангпар
Қушлар шошиб учиб кетар қайгадир,
Мана куз ҳам келди,
Бизларга
Ёлғизлик, ҳижронни туҳфа этгали
Айрилиш фурсати етди ниҳоят.
Кўп сўзлар айтилди орада, бироқ
Дилни тарк этмади туйғулар мутлоқ.
Зеро, қолгусидир сенга бу оят.
Ёлғизлик азоби этганда ҳамла
Кимсасиз гўшада сен уни эт ёд
Ва яна билгинки: барча ўйларим
Сен ҳақингда эди, фақат сен ҳақда”.*

Брюс билан яшаган умримда нима ҳақда орзу қилиш мумкин бўлса, ҳаммасини топдим. Биз миждози ҳар хил одамлар эдик. Брюс кайфияти тез ўзгариб турувчи қайноқ ва таъсирчан инсон эди. Танишларим мени вазмин ва ҳиссиётли аёл деб ҳисоблашади. Мен у билан ҳамфикр бўла олар, унга осойишталик, самимий севгимни бера олардим. Брюс ёнимда йўқ. Усиз азоб чеккан пайтларим доим қадимги Хитой шоири Цзу Ейнинг куйидаги сатрларини эсга оламан. Дарвоқе, уни Брюс хитой тилидан инглизчага ўтирганди.

*... Ахир сену мен
Бир улкан дарахтнинг икки бутоғи
Сен кулсанг*

*Менинг ҳам қалбимда кулгу
Ўксидинг –
Менинг ҳам дилимда қайғу
Фақат шиқ!
Бўлиши мумкинми ҳаёт ўзгача?
Ва ё мен?
Ва ё сен.*

ГОНКОНГЛИК “АЖДАРҲО”

Дунёнинг турли жойларида миллионлаб мухлисларига эга бу актёрнинг шахсий ҳаёти махфийлик пардаси ортига яширилган эди. У хотинини кенг оммага орадан беш йил ўтиб таништирган, ўғлини эса умумхалқ назаридан қарийб ўн уч йил сир тута олган. Унинг қаҳрамонлари ҳеч қачон ва ҳеч кимни ўлдирмайди. Ҳазил-мутойибага бой мафтункор жилмайиш одамларни ўзига маҳлиё қилиб қўяди. Унинг исми дунёнинг барча тилида бир хил жаранглайди: ЖЕКИ ЧАН.

Актёрнинг дунёга келишининг ўзи жуда қизиқ бўлган. У онасидан муддатидан уч ой ўтиб туғилган.

1954 йилнинг 7 апрелида беш килограммлик вазн билан жарроҳлик йўли орқали дунёга келган гўдак туғилибоқ катта жанжал ўртасига тушиб қолди. Гап шундаки, беш килограммли Чан Кон Сан қашшоқ ота-онасига қимматга тушадиган бўлди. Улар жарроҳлик муолажасига ҳақ тўлашга қийналишарди. Шунда болани қабул қилган шифокор Чарлз Чандан фарзандини унга беришларини сўради. У нафақат муолажалар пулини тўлайдиган, балки устига яна бир ярим минг гонконг доллари беришга ҳам рози бўлди. Бироқ боланинг отаси бу қизиқ таклифни дўстлари билан маслаҳатлашиб, гўдакни ўзлари билан олиб қолишга қарор қилади.

1960 йилда Чанлар оиласи Австралияга кўчиб ўтди. Чарлзни у ердаги Хитой элчихонасига ошпаз қилиб ишга олишди. Лекин эндигина мактабга кадам қўйган Сан ватанида қолди. Ота-онаси унинг Хитойда илм олишини исташганди. Бўлажак актёр Гонконгдаги Пекин опера мактабига ўқишга кирди ва бутунлай устози қарамоғига ўтди. Сан ҳар куни тонгги соат бешдан то тунга қадар шуғулланарди. Ҳар қандай хато калтак ейиш ёки тушликдан маҳрум бўлиш билан тугарди. Ўқув тизимига 360 га яқин фанлар – қўшиқ айтиш, рақс, акробатика, сахна маданияти, қўл жангининг бир неча турлари киритилган эди.

1971 йили 17 ёшли Кон Сан каскадёрлик ва статистик билан пул топа бошлади. У машҳур Брюс Ли фильмларида ҳам иштирок этган. 1973 йилда эса у ўзини “Героин” фильмида жангари кўринишларни сахналаштирувчи сифатида синаб кўрди. Лекин кунг-фу бўйича унинг билими анча саёзлигини сезиб қолишиб, уни бошқа бу ишга таклиф этишмади. Бундан кайфияти тушган Кон Сан ота-онаси ёнига кетиб қолди.

Кон Сан у ерда ошхона ва қурилишда ишлаб юрди. Австралияликлар унинг исмини айта олишмас, шунинг учун қурилиш гуруҳи раҳбари йигитчани шунчаки Жеки, яъни “Кичкина Жек” деб атаётган эди. Шундай қилиб, у ҳозир биз билган Жеки бўлиб қолган.

Жеки ўзининг илк муҳаббати – О. Чанни Пекиндаги опера мактабида ўқиётган пайтида учратган эди. Жекининг бу биринчи муҳаббатидан қалбида энг гўзал хотиралар қолди. Ёшлар бир-бирини чексиз севишар, қўл ушлашиб сайр қилганча, келажак ҳақида суҳбатлашишарди.

Бир куни суҳбатга берилиб кетган севишганлар бандаргоҳ ҳудудига келиб қолганларини сезмай қолишди. Шу пайт уларни беш нафар безорилар ўраб олишди. Ур-йиқит бошланиб кетди. Бир неча жанг усулларини намойиш қилган Жеки бирдан киноларда кўрган бир уруш турини худди ўзидек қайтаришга ҳаракат қилди. У деворга сакраб, бирданига икки нафар безорига зарба

бермоқчи эди. Аксинча ўзи ерга йиқилиб тушиб шарманда бўлди. Улар Жекини бир-икки тепишиб кўздан ғойиб бўлишди. Бахтли тасодиф туфайли қизга тегишмади.

...Бу чиройли ишқий саргузаштлар О Чаннинг отасига унчалик ёқинқирамасди. Ҳар қандай ота каби у ҳам қизининг бахтли бўлишини истарди. Кичкина кас-кадёрдан эса не фойда ғазабланган ота севишганларни кўпинча кўлидаги таёғи билан кутиб оларди. Натижада ёшларнинг айрилишига тўғри келди. О Чан Жекининг энг яқин дўсти сифатида бир умрга содиқ қолди. Актёр кейинчалик бу қиз ҳақидаги биргина ўйнинг ўзи уни ғам денгизига ғарқ қилишини тан олган. Қиз эса ҳамон ёлғиз, турмуш қурмаган. Жекидан кейин у ҳеч кимга кўнгил бермади.

Австралиядан Гонконгга келган Жеки яна кинога қайтди. Унинг “Бургут панасидаги илон” фильми Гонконгда машҳур бўлиб кетди. Энди ҳамма Брюс Лининг издоши пайдо бўлганлигини эътироф эта бошлади. Шундан сўнг уни машҳурлик чўққисига олиб чиққан бир қанча фильмлар яратилди. 1980 йилда Жеки Ҳолливудни забт этиш учун Америкага йўл олди. Лекин Америка осиелик ёшларнинг ёрқин юлдузини унчалик хурсандчилик билан кутиб олгани йўқ. Унинг “Катта муштлашув” фильми муваффақиятсизликка юз тутди. Бирок Жеки бу вақт ичида инглиз тилини ўрганди ва овозсиз кино устаси Бастер Китонинг ижоди билан яқиндан танишди. Шу тарзда устамонлик билан уюштирилган жанглар, мафтункор сахна кўринишлари билан одамлар кўнглига йўл топиш мумкинлигини тушунган Чаннинг такрорланмас услуби дунёга келди.

1985 йили Жеки ўзининг энг яхши фильмларидан бири “Полициядаги можаро”ни суратга олади. Ундан сўнг “Эгизак аждарҳолар” ва “Худо яроғ-аслаҳаси” фильмларини яратди. Ниҳоят, 1995 йилда актёр ўзининг “Бронскдаги жанг” фильми билан Американи бутунлай забт этишга эришди. Бу фильм

Гонконгда америкача услубда яратилган эди. Фильм Америка ва Канадада биринчи рақамли хитга айланади. У шон-шуҳратга кўмилиб кетди. “Оскар” танловида иштирок этди. Шундай қилиб, уни Ҳоливудда ҳам тан олишди.

Жеки 1983 йили суратга олиш майдончасида Фэнцзяо исмли актриса билан танишади. Ўртада кучли муҳаббат пайдо бўлади. Севишганлар яширинча Лос-Анжелесга учиб кетиб, ўша ерда никоҳдан ўтишади. Бундай қилишга сабаб ниҳоятда кўп бўлган Жекининг ишқибозлари кўнглига ғулғула солмаслик эди. Бир йилдан сўнг Чанлар оиласида ўғил фарзанд – Жексон дунёга келди. Жеки бу сирни оммадан яширишга ҳаракат қиларди. Аммо журналистлар эса бунинг учун Жекидан қаттиқ ўч олишарди. Улар Жекининг бошқа аёллар билан тушган суратларини мунтазам чоп этишарди. Лекин актёр бу бўҳтонларни қатъий рад этарди.

–Хотиним билан мана ўн беш йил бўлибдики, ҳамон биргамиз, – дейди Жеки Чан. – Қарийб бутун дунёни айланиб чиқдим. Шунинг баробарида бошқа оилаларнинг яшаш тарзи билан ҳам яхши танишман. Америкада йигит ва қиз бир-бирини севиб турмуш қуради, аммо орадан бир йил ўтмай ажралиб кетишади. Биз эса Фэнцзяо билан алоҳида яшаб, ҳижрон азобларини бошдан кечирганмиз. Биз бир-биримиздан айри, мустақил яшаганмиз, лекин кўнгилларимиз ҳаминиша яқдил бўлган...

УЛУҒ ПЁТР I

Россиянинг биринчи императори Улуғ Пётр I узоқ йиллар рус подшолигини бошқарди. Давлат бошқарувида ислоҳот ўтказди. Янги пойтахт – Петербургни қурди. Унинг ташаббуси билан илмий Академия ташкил этилди. Пётр ҳали 17 ёшга кириб улгурмасданоқ уни онаси Наталя уйлантириш ташвишига тушади. Онасининг фикрича, ўглининг эрта

уйланиши ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориши лозим эди. Ўша даврнинг анъаналарига кўра, йигитлар уйлангандан сўнггина эркак саналарди. Табиийки, Пётр уйланса онаси Софянинг ёрдамига муҳтожлик сезмай ҳам қоларди. Энди у тезроқ мамлакатни идора этишни тўла қўлга олиши ва Приображенскдан тўппа-тўғри Кремлга кўчиб ўтиши керак эди.

Онаси Пётрни уйлантиришдан яна бир мақсади оила муаммоларига боғлаб қўйиш эди. Чунки улар яшайдиган жойда қўшни турадиган ҳар хил хорижлик савдогарлар имкон топилди дегунча шахзодани йўлдан уриш пайида юрардилар. Бундан ташқари сулола давомчисини қолдириш лозим эди.

Подшоойим Наталя бўлажак келин – гўзал Евдокия Лопухинани ўзи қидириб топди. Пётр уни бир кўргандаёқ севиб қолди. Аммо тўйдан бир ой ўтиб-ўтмай, ёш хотинини уйда ёлғиз қолдириб, ўзи Переяславск кўлига, денгизчиликка ишга кираман деб жўнаб кетди.

Навқирон Пётр немис қишлоғида майфурушнинг қизи Анна Монсга ошиқ бўлиб қолади. Айрим тадқиқотчиларнинг айтишича, “*Бу қиз кўҳликкина ва ақлли*” эди. Пётр бўш вақтларини кўпроқ Монс билан ўтказарди.

Евдокиянинг бир қанча хатлари сақланган бўлса-да, аммо улар орасида Пётрнинг биронта жавоб хати йўқ. 1689 йили Пётр Переяславск кўлига жўнаб кетиши олдидан Евдокия унга ёзган мактубларида шундай мисралар бор эди: “*Ассалом, офтобим менинг. Ҳазрати олийлари, Сиздан шафқат сўраймиз. Бизни эътиборсиз қолдирманг. Мен қайнонамнинг қанотлари остида яшаяпман*”. Бошқа бир мактубда эса узок айрилиқдан сўнг, ўзи учрашувга боришга рухсат сўрайди. Евдокиянинг 1694 йили ёзилган икки хатида ҳам ёлғиз аёлнинг дарду-ҳасратлари тўкиб солинган. Мактубда Пётрнинг бошқа аёл билан кетиб қолгани, шунинг учунми, ёзган мактубларига жавоб ололмаётгани, эндиликда бахтсиз бир аёл эканлигини битиб ҳаётидан

нолийди. Мазкурномада 1690 йили ўғил туққанини, унга Алексей деб исм кўйганини ҳам ёзганди.

Евдокия айрилиқ азобларига чидаб Суздал монастрида 18 йил умр ўтказди. Монастрдаги овқатлар уни каноатлантирмасди. Шу боис кўплаб қариндошлари ва дугоналари ундан хабар олиб туришди. Чамаси, ўн йиллардан сўнг у жазман топиб олди...

1711 йили 6 мартда Пётрнинг Екатерина Алексеевнага уйланиши маълум бўлди.

Пётр Екатеринани 1703 йили бой бир мешчан Меншиков уйида учратганди. Собик хизматкор аввал жазман, кейин эса шундай машҳур инсоннинг хотинига айланди. Гўзал ва чиройли, келишган қадди-қоматли Екатерина Пётрнинг юрагидан жой олди.

Хўш, Пётрнинг Анна Монс билан муносабатлари қандай бўлдикин? Подшо бу аёл билан ўн йилдан кўп вақт мобайнида шакарғуфторлик қилди. Кейин Анна эрига хиёнат қилгани учун Пётр у билан ажрашди. Бу ҳақда Пётрга маълум бўлганида Анна шундай деганди. *“Подшони севиш учун, бошинг доимо дор остида бўлишини ўйлашинг ва уй қамоғида ўтиришинг керак экан”*.

Анна Монс Пруссия вакили Кейзерлингни топганди. Кейзерлинг Меншиков уйида Пётрдан Монсга уйланишга рухсат сўраганди. Подшо бунга жавобан *“мен бу қизалоқни ўзим уйланишим учун тарбиялагандим, у менга қаттиқ боғланганди. Афсуски, бу режалар амалга олмади. Унинг ўзи ва қариндошлари ҳақида эшитишни ҳам хоҳламайман”*. Кўшимча қилиб Меншиков эса: *“Монс кўчанинг қизи, пасткаш ва бузуқи”* деди. Меншиковнинг хизматкорлари Кейзерлингни калтаклаб, зинапоядан улоқтириб юборишди.

1711 йили Кейзерлинг калтакланишига қарамай, барибир Аннага уйланади. Ярим йилдан сўнг эса вафот этади. Анна яна турмушга чиқмоқчи эди. Аммо у ҳам тўсатдан бандаликни бажо айлади.

Екатерина Аннадан паҳлавон келбатлилиги билан ажралиб турарди. Бундан ташқари у жуда ҳам соғлом эди. Бир марта подшо ҳазиллашиб ёнидагиларга ўзининг оғир маршаллик қалқонини кўтаришни таклиф этади. Шунда қалқонни ҳеч ким кўтаролмайди. Екатерина эса барчани ҳайрон қолдириб қалқонни бир неча марта кўтариб кейин подшога узатади.

Екатерина Пётрга сув ва хаводек зарурлигини ўз мактубларида баён этади. Подшо хотинига Петербургдан шундай ёзганди: *“Худо ҳаққи, тезроқ келинглар. Наҳотки, тез етиб келишининг иложи бўлмаса? Бирор нарса бўлса ёзиб юборинглар. Сизларни жуда соғиниб кетяпман”*. Пётр 1708 йили армияга жўнашидан олдин мурувват кўрсатиб хотини ва никоҳсиз қизи Аннага уч минг рубл бериб юборганди.

Пётр ва Екатерина муносабатларининг янги поғонаси улар эр-хотин бўлганларидан кейин бошланди. 1711 йилдан сўнг хатлардаги кўпол сўзлар ўрнини илиқ муносабатлар эгаллади. Бу жуфтликнинг 170 хати сақланган. Улардан айримларигина аҳамиятга молик холос. Пётр Карлсбаддан қуйидаги мазмунда мактуб битганди: *“Катеринушка, қадрдоним менинг. Эшитишимча, сен зерикаётганмишсан. Мен ҳам қийналаяпман. Ўз-ўзингни қийнаган билан бирон нарсага эришиш қийин”*.

Бир сўз билан айтганда, Екатерина Пётрга катта ҳурмат ва меҳр ила қараган. Пётр ҳар хил кутқуларга учмасликка ҳаракат қилди. Екатеринани хотиним деб эълон қилди. Келгусида Екатерина ва унинг қизи Анна билан бирга яшашни режалаштирганди.

Екатерина эрининг жаҳли тез чиқишини, унинг нималар ҳақида ўйлаётганини яхши биларди. У эрининг кўзларига тик боқиб ҳовуридан тушириб кўярди.

Подшо замондошларининг ёзишича, Пётр хотинининг сўзидан чиқмас экан. Бу ҳақда хатто хотинига шундай деган: *“Яхшиямки, сен мени тугмагансан”*. Эр-хотин айрим пайтлар бирга саёҳатга чиқишарди. Бироқ улар алоҳида-алоҳида

поездларда юришган. Бу поездларнинг бири оддий бўлса, иккинчиси эса хашаматли, безатилган бўларди. У хотинига бутун дунёни кўрсатмоқчи эди. Екатерина мамлакатнинг ҳар бир ишига аралашарди. Бир хорижий элчи бу ҳақда шундай ёзганди: *“Тушдан кейин подшо ва унинг хотини уч соат давом этган рақс кечасида қатнашишди. Пётр хотини ва қизи билан ўйинга тушиб, улардан кўп маротаба бўса олди. Подшо бу билан ўз оиласига бўлган муҳаббат ва ҳурматини билдирди”*. Ягона шу элчигина Екатеринанинг ташқи қиёфасига аниқ баҳо беради. *“Шу дақиқаларда у ўзининг жозибадорлиги билан кишини ўзига тортади. Юзи табиий гўзаллиги ва очиқлиги билан ажралиб турарди. Кўзлари кичкина бўлиб, қора сочлари қалин ва узун, бўйни ва қўллари чиройли, истараси иссиқ ва ёқимтой эди”*.

Екатерина ўз ўтмишини унутмаганди. У буни доимо ёдида сақлаб юрди. Бироқ шундай бўлса-да, ўз тақдири билан курашишига тўғри келди. 1706 йили Гамбургда Пётрга хотини билан ажралишни ва таниқли бир кишининг қизини олиб беришни ваъда қилишади. Ҳаттоки, никоҳ учун барча ҳужжатларни тайёрлашни буюришади. Аммо бу иш амалга ошмай қолади.

Пётрнинг узоқ таниши ўз қизини қаровсиз қолгани учун подшога инъом қилади. Ўн беш ёшли бу қиз подшо ҳарамига топширилади. Орадан бир йил ўтгач, Пётр Евдокия Ржевскаяни зобитларидан бирига хотинликка беради. Бироқ у билан алоқани узмайди. Евдокия под-шодан тўрт қиз ва уч ўғил кўрди. Аёл болаларининг отаси Пётр деб атайди. Евдокиянинг ўйламасдан айтган ушбу сўзлари Пётрда шубҳа уйғотади. Устига-устак бу подшо шаънига яхши гап эмасди. Ниҳоят, жанжал бошланди. Ўйламай айтилган шу биттагина сўз Евдокияга жуда қимматга тушди. У эри билан подшонинг қаҳру-ғазабига учради.

Пётр Мария Гамильтон исмли аёлни севиб қолди. Мария ўзидан анча ёш жазмани Орловни ўзига ром этиш учун шу йўлни танлаганди. Ўша даврларда ҳомилани тушириш диний томондан тақиқланганди. Мария шу қалтис йўлдан

борди. У ўзи билан қўпол муомалада бўлган императорнинг пули ва кимматбаҳо буюмларини ўғирлайди. Бу сир тасодифан очилиб қолади. Яъни Пётрнинг иш жойидан давлатга тегишли муҳим ҳужжат йўқолиб қолади. Бу ҳужжатни эса Орловдан шубҳа қилишади. Чунки ҳужжатнинг қаердалигини биргина у биларди. Қидирув кунда у уйида тунамаган бўлади. Подшо хузурига сўроққа чақирилганда доғдираб қолади. Мария Гамильтон туфайли шундай бўлди деб ўйлайди ва айбдорман дея ўзини подшонинг оёқлари остига ташлайди. Орлов ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган яширин сир – бола тушириш ва ўғирлик ҳақида айтиб беради. Ана шундан сўнг, суриштирув ишлари бошлаб юборилади.

Бахтсиз Мария подшога хиёнат қилинганликда айбланиди. Бу ниҳоятда оғир жиноят эди. Екатерина Марианага бўлган муносабатини яхши томонга ўзгартирди. У Маринани оғир жиноятлари учун ёқлаш мумкин бўлмаса-да, ёнини олди. Бироқ Екатерина унга бошқа бирон-бир ёрдам беришга чорасиз эди. Марина ўз манфаати учун диний қонунларни бузганди. Бунинг учун унга ҳеч қандай раҳм-шафқат йўқ эди. Марина ростдан ҳам бу қонунларни ҳурмат қилмасмиди? Судда Марияга ўз шеригини айтишни бир неча бор сўрашди. Мария эса бунга рад жавобини берди. Бундан Екатерина ҳам роса эзилди.

1714 йили 14 мартда Мария жаллод қўлига топширилди. Шерернинг ҳикоя қилишича, “Мария қора лента билан безатилган оқ кўйлакда” сўнгги йўлга “йўлланма” олади. Театрни яхши кўрадиган Пётр бу даҳшатли манзарани кузатмаслиги мумкин эмасди. У бир четда томошабин бўлиб туришни хоҳламади. Ўзини мард тутиб бу одам ўлдириш жараёнида иштирок этди. Халойиқ олдида маҳкумани ўпди. Унинг чўқинишига ёрдамлашди. У ҳушидан кетганда, қучоғига олди. Мария ўзига келгандан кейин жаллодга уни маҳв этишга буйруқ берилди...

Орадан бироз вақт ўтиб, Екатеринанинг ташвишланиши учун жиддий хавф пайдо бўлди. 1722 йил, 8 июндаги Кампредонда айтилишича: “*Ҳазрати*

олиялари, агар ўғил туғса, унда подшо Валаксо подшосининг тавсиясига кўра, хотини билан ажрашади ва ўзининг жазманига уйланади". Бу ерда гап Мария Кантемир ҳақида кетаётганди.

Дмитрий Кантемир Пётрнинг 1711 йилги муваффақиятсиз юришидаги иттифоқчиси эди. У Прутск шартномасида ўз ҳиссасидан маҳрум бўлганди. Петербургга қайтганидан сўнг камомадини қоплаб беришларини умид қилганди. 1722 йили Пётр Форсга қараб йўл олганда унинг Мария Кантемир билан севгиси бир неча йилга чўзилди. Мария ҳомиладорлиги учун Астраханда қолишга мажбур бўлди. Мариядан туғилажак бола тахт вориси бўлиши мумкин эди. Чунки Екатеринанинг Пётр Петрович исмли фарзанди ўлимидан кейин бошқа ўғли йўқ эди. Пётр иккинчи хотинига кўпроқ эътибор бера бошлади. Екатеринанинг яқинлари уни бундай хавфдан қутқаришга роса хизмат қилишди. *“Пётр юришдан қайтганидан кейин муддатидан олдин тўлғоқ тутган жазма-нини ўлим ёқасида кўрди*". Бундай бўлишида Екатеринанинг кўли бор эди. Бу аёлнинг тақдири ҳам Пётрнинг бошқа аёлларига ўхшаб якун топди.

Тақдир Екатеринани барча ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтказди. У Пётрни барча жазманларидан ҳимоя қилиб, оиласи шаънини сақлаб ўз мавқеини тиклаб олди. Подшо саройидаги кўплаб хизматкорлар асосан меҳмонхонада хизмат қилишарди. Улар орасида шотландиялик лордлар ва Молдава валях князининг қизлари бор эди. Шулар ичидан кутилмаганда ажойиб бир қиз чиқиб қолди. Келиб чиқиши славянлардан бўлиб ғарбда тарбия кўрган полшалик бу хоним ҳақиқатдан ҳам жуда чиройли эди. Пётр Елизавета Сенявская билан боғда учрашди. Улар бир-бирини ёқтириб қолишганди. Пётрни Елизаветанинг нафақат ташқи гўзаллиги балки, кенг дунёқараши, ички дунёси ҳам қойил қолдирганди. Пётр I қийин вазиятларда унинг маслаҳатларига қулоқ солди. Пётр Екатеринани меросхўр қилиб қолдиришни режалаштиради.

Барчани йиғиб Екатеринага подшолик тожини кийдириши лозим эди. Афсуски, бу режа амалга ошмай қолди...

1724 йили Пётр тез-тез касал бўлиб турди. 9 ноябрь куни собик жазманининг укаси ўттиз ёшли Монс қамал-ди. Уни подшолик ғазнасидан маблағ ўғирлашда айблашганди. Орадан бир ҳафта ўтмай, жаллод уни танасидан бошини жудо қилди. Кейинчалик маълум бўлишича, йигитни ўғирлик қилгани учун эмас, хазрати олиялари билан яқинлик қилгани учун қатл этишган экан. Пётр оиласида ўзаро ишонч йўқолганини биларди. Аммо хотинининг бу даражага боради деб ҳеч ҳам ўйламаганди. Бундай хунук воқеадан сўнг эр-хотин ўр-тасидаги муносабатлар таранглашди. Пётр Екатеринага умрининг охиригача подшолик тожини кийдиришга кўнгли бўлмади. Подшонинг соғлиги тобора ёмонлашиб, ўрнидан туролмайдиган бўлиб қолди. Пётр 1725 йил, 28 январда қаттиқ касал бўлиб оламдан ўтди. Екатерина бу айрилик азобларига чидай олмай, эрининг жасадини қирқ кунгача ерга қўймай, кун бўйи йиғлаб чиқди. Бу ҳолатдан замондошлари шундай ёзишганди: “*Хазрати олияларида бунча кўп кўз ёши қаердан пайдо бўлдийкин*”. Пётр Екатеринага махсус подшолик тожини кийдирмаган бўлса-да, у Россияда кўп йиллар подшолик қилди. Унинг қандай подшолик қилгани бу бошқа тарих.

БАХТ БУ БИР АФСОНА

Рус адабиётининг асосчиси Александр Пушкин 1799 йили 6 июнь куни Москва шаҳрида дворян оиласида туғилди. Бўлажак шоир ўқиш ва ёзишни жуда эрта ўрганган. У етти ёшидаёқ русча ва французча ўқишни ўзлаштириб олганди. Унинг энг яқин кишиси энагаси Арина Родионовна эди. Александрга ҳар хил эртақлар, топишмоқлар, қўшиқлар айтиб берарди. Бу эса кейинчалик шоир ижодига катта таъсир кўрсатди. 1811 йили Александрни Александровский

лицейига ўқишга беришади. Александр Сергеевич Пушкин “Кавказ асири“, “Циганлар“, “Борис Годунов“, “Богчасарой фонтани“, “Мис отлиқ“ ва яна кўплаб асарларни ёзиб рус ва жаҳон шеърлятига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Пушкин ўзининг ўлмас асарлари билан рус адабиётига ҳайкал қўйиб кетди. Бироқ шунчалик шон-шухратга эришган шоир оилавий томондан тўлиқ бахтга эриша олмади. Унинг ҳаёти ола-таъсир, қийинчилик билан ўтди. У ҳар қанча ҳаракат қилмасин ўзига муносиб аёлни топишда жуда қийналди. Унга хушторлар ниҳоятда кўп эди. Аммо уларнинг бирортаси ҳам унга мос равишдаги умрйўлдош бўла олмади.

1817 йили ёзда А. Пушкин лицейни тугатиб, Петербург шаҳрига кўчиб келади. У бу шаҳарда театрда тез-тез бориб турарди. Александр ана шу ерда Екатерина Семенова билан танишади. Актриса нафақат гўзаллиги, балки таланти ила шоирни мафтун қилади. Шу боис ҳам унга мойиллик билдиради. Бироқ актрисадан тайинли жавоб ололмагач, шундан сўнг ўзидан қарийб йигирма ёш катта княгина Евдокия Голицина шоирга юрагидан жой беради. Князнинг уйига казо-казолар меҳмон бўлиб келишарди. Катта-катта зиёфатлар уюштирилади. Пушкин пулдорёки амалдор бўлмаса-да, бу хонадоннинг энг кадрли меҳмони эди. Шоирни жуда ҳурмат қилишарди, кадрлашарди.

Шоирнинг обрўси кундан-кун ошиб борарди. Шаҳарда унга эргашувчилар кўп эди. Бундан кўрқиб 1820 йили 6 майда ҳурриятпарварлик шеърлари учун А. Пушкин Петербург шаҳридан қувилади. Аслида ҳам шоирга шаҳардаги тартиб-интизом ёқмаётган эди. Александр зерикарли ҳаётдан холироқ жойда бўлишни истарди. Чунки у декабристлар билан яқин алоқада эди. Шунинг учун уни 1820 йили хизмат тақозоси баҳонаси билан бошқа шаҳарга жўнатиб юборишди. 1824 йили эса хизмат вазифасидан бўшатилиб, 1826 йилгача полиция назоратида Михайловск қишлоғига жўнатилади. Шоир сургунда

генерал Раевнинг 22 ёшли Екатерина, 16 ёшли Елена, 14 ёшли Марина исмли қизлари билан танишади. Пушкиннинг юрагини бу гўзал хонимлар забт этишади. Уларга шеърлар ўқиб берар, саёҳатларга чиқишарди. Аммо бу ҳам узокка чўзилмайди. У Кишинёвга ташрифи чоғида бессарабиялик бой помешчикнинг хотини Людмила Инглезини севиб қолади. Людмила ўзининг гўзаллиги билан донг таратганди. Александр билан Людмиланинг яширин сири ошкор бўлиб қолади. Буни сезиб қолган Людмиланинг эри Пушкинни дуэлга чақиради. Шоирни бундай оғир ва қалтис вазиятдан унинг дўсти қутқариб қолишга муваффақ бўлади. Ана шу тарзда Россиянинг улуғ шоири асраб қолинди.

Бу билан ҳам шоир тинч юрмади. У грек қизи Калипсо Полихрон билан танишди. Бу қизнинг ажойиб овози бор эди. Шоир бу қизга атаб “Садоқатли грек қизи йиғлама...” шеърини ёзди.

...Киевдаги Левашов кўчасидаги губерния уйида ҳам ҳаёт қайнарди. Кечқурунлари шаҳар кўчалари одамлар билан гавжум эди. Улар орасида сайр учун чиққан Пушкинни ҳам тез-тез учратиш мумкин эди. Бу 1820 йилнинг май ойи эди. Раевскийлар уйи шоир кўним топган губернатор уйининг боғи билан туташ эди.

Александр бу уйда польшалик граф Ржевскийнинг икки нафар турмушга чиққан қизлари – Эвелина ва Каролиналар билан танишади. Каролина Пушкиндан олти ёш катта эди. Бу аёллар ўз гўзаллиги билан барчани мафтун этишганди. Уларнинг ошиғи кўп эди. Пушкин шулардан бири бўлишни истарди. Аммо шоир уларни бирдан йўқотиб қўйди-ю, аммо кўп ўтмай Каролинани Одессада учратиб қолади.

Каролина билан Александрнинг бу учрашувида бир маъно бор эди. Буни уларнинг бир-бирларига интилишлари, хатти-ҳаракатлари, қарашларидан ҳам сезиш мумкин эди. У Каролина билан яна учрашишни жуда-жуда хоҳларди. Шоир шу қизни деб ўзини йўқотиб қўйди. Александр бир йилдан сўнг шундай

деганди: *“Мен шу қизни деб ақл-ҳушимни йўқотиб қўйган эканман. Бутун ихтиёримни унга бериб қўйибман. Бу қандай содир бўлганини ҳеч эслолмаяман”*.

... Орадан анча йиллар ўтгандан кейин Пушкин Каролинани Петербургда яна учратди. Эски дардлар яна қўзғалади. Шоирнинг ҳис-туйғулари қайта жонланди. Бироқ натижа кутилганидек бўлмади. Чунки Каролинага “Александр уйланибди” деган миш-мишлар етиб келган эди.

1823 йили Пушкинни Кишинёвдан нотинч Одесса шаҳрига ўтказишди. Шоир бу шаҳарда ҳам бир хоним юрагига чўғ ташлади. Бу бой коммерсантнинг хотини Амалия Ризнич эди. Иван Ризничнинг уйи доимо меҳмонлар билан гавжум бўларди. Ана шундай меҳмондорчиликлардан бирида Пушкин Амалия билан танишиб қолади. Амалия жуда гўзал эди. Уни кўрган эркаклар дарров маҳлиё бўлишарди. У шоирга ўз инон-ихтиёрини топширди. Икки севишганлар учрашуви узоққа чўзилмади. Эри буни сезиб қолиб, бевафо хотинини барча моддий бойликлардан маҳрум қилиб, Италияга жўнатиб юборди. Александр бу айрилиқдан қаттиқ азият чекди. У Амалияга бағишлаб шеър ёзди.

Шундан сўнг Пушкин ўз нигоҳини Елизавета Воронцовага қаратди. У олов билан ўйнашаётганини билмасди. Елизавета салобатли ва қаҳри қаттиқ генерал-губернатор, граф Воронцовнинг хотини эди. Шоирнинг замондоши Вигел ўттиз ёшли Елизавета ҳақида шундай ёзганди: *“Полшалик аёл ҳар қандай йўл билан бўлса-да, шоирга ёқишга ҳаракат қиларди. Шу пайтгача шоирга биронта аёл бундай илтифот кўрсатмаганди”*. Бунга жавобан Александр Елизаветага шеърлари билан жавоб берди. Севишганлар пинҳона учрашишга ҳаракат қилишди. Граф Пушкинни Херсон уездига махсус топшириқ билан жўнатиш учун буйруқ чиқарди. Шоир эса буни ҳақорат деб тушунди ва истеъфога чиқишга ариза берди.

Александр омадсиз “севгилар боби”да ўзини йўқотиб қўйиб, ўзидан нафратлана бошлади. Хизматдан бўшагандан сўнг, Пушкин Михайловскка борди. Дастлабки ойларда у Одессада яшаётган Елизавета хаёллари билан

яшаб кўплаб шеърлар ёзди. Вақт ўтган сайин уни ҳам унутди. Шундан сўнг шоир бутун аламини шеър ёзишдан олди. Бироқ бўм-бўш юрак яна аёллар иш-кида ёна бошлади. Ён қишлоқ Тригорскда Прасковья Александровна Осипова эри билан яшарди. Улар билан бирга биринчи эридан Анна ва Евпраксия, ўғай кизи Александра Ивановна ҳамда жияни Анна Ивановналар бирга туришарди. Пушкиннинг бу қўшнилари билан муносабати яхши эди. Улар шоирни интиқ кутишарди. Ёшлар бекорчи вақтларини кўнгилхушлик ила ўтказишарди. Шоир эса қизларни хафа қилиб қўйишдан кўрқарди. Шу боис, уларга эҳтиёт бўлиб муомала қиларди. Қизлар шоирга ҳар хил совғалар тақдим этишарди. Уй бекаси Александрни ёқтириб қолди. У шоирдан ўн беш ёш катта эди. Шоир эса ўн беш ёшли Евпраксияни севиб қолди. Уни ҳазиллашишиб Зизи деб чақиришарди. Ажойиб кунларнинг бирида, иккалалари ёлғиз қолишди ва бир-бирига кўнгил изҳор этишди. Ёшларнинг бу аҳду-паймони Тригорскликларга маълум бўлди ва уларнинг бўлажак тўйлари ҳақида гап-сўзлар тарқалди. Агар Александрнинг қариндоши Анна Керн келмаганида, балки тўй ҳам бўлиб ўтармиди?.. Пушкин қачонлардир А. Кернни Петербургда учратганди. Шундан кейин ёшлар олти йил кўришишмади. Шоир Аннани кўргандан сўнг ҳаловатини йўқотди. Яна илгариги муҳаббат дарди унга тинчлик бермади.

Аннага Ригага кетишидан олдин Александр унга тўрт варақ шеър ёзиб берди. Анна уни очиб ўқиди. Анна Петровна Керн қирқ йилдан кейин ўз эсдаликларида шундай ёзганди: *“Мен унинг шеърий совғасини кичкина қутичага яшираётганимда у менга узоқ тикилди. Кейин қўлимдан тортиб олди-да, қайтариб бермади. Мен уни қайтариб беришини ялиниб сўрадим. Буни шоир қандай ўйлади билмайман”*.

Анна Керн ва унинг қариндоши Анна Вулфлар ҳам Пушкинни ёқтириб қолишади. Шундан кейин улар Ригага кетишади. Пушкин Анна Вулф ва Анна Кернга мактуб битди. Анна Керн Ригада турмушга чиқади.

Пушкин Анна Кернга оиласини ташлаб, унинг олдида Псковга келишни бот-бот такрорлайди. Анна эса худди шундай қилди ҳам, эридан қочиб кетди. Бироқ эри уни алдагани учун маблағсиз қолдирди. Анна бир бурда нон топиш учун корректура ўқиди, французчадан таржималар қилди. Бир амаллаб қийинчилик билан кунини ўтказиб юрди. У Пушкинни яширинча кутди. Аннанинг энди боши очик, улар учрашишлари мумкин эди. 1826 йили Михайловскдан қайтган шоир у билан ёлғиз учрашишни унчалик истамади. Бироқ шундай бўлса-да, жуда яқин бўлиб қолишди. Анна Керн Москвада яшай бошлайди. Михайловскдан келадиган хатларни ўқир ва шоирнинг эҳтиросли мактубларини сотиб пул ишларди. Бу ажойиб шеърларни Керн Глинкага романс ёзиш учун берарди. Пушкин кимга атаб шеърлар ёзган бўлса, уларга бағишланган романслар машҳур бўлди.

Шоир Москвага қайтгандан сўнг уни ҳар хил адабий кечаларга таклиф эта бошлашди. 1826 йили кузда пойтахтда севимли шоир билан ана шундай учрашувлардан бирини ташкил этишди. Пушкин бундай учрашувдан боши осмонга етди. Нашриётлар унга энг юқори қалам ҳақи тўлашарди. Шоир эса бу маблағларни аямай ҳеч нарсани ўйламасдан сарфлаб юборарди.

Ниҳоят, Александр бу нотинч ҳаётдан чарчади. У энди тинч жой излаб қолди. Пушкин ана шундай пайтда Анна Алексеевна Оленинни учратиб қолди ва унга кўнгил берди. Шоир бу аёлнинг онасидан рад жавобини эшитгач, у илгариги таниши Екатерина Ушакованинг кўлини сўраб борди. Бироқ энди кеч бўлганди. Екатерина бошқасига унаштирилганди. Шундан сўнг тўла тўқис бахтга эришолмаган шоир: *“Мен энди қайси остонага бош урай”*, дея алам билан сўзлади.

Александр Пушкин 1828 йили қиш ойида Москвадаги баллардан бирида 16 ёшли чиройли қизча Наталя Гончарова билан танишди. Наталя бу ерга яқинда келган бўлса-да, у ижро этган романслар барчани лол қолдирди. Уни Москвадаги энг гўзал қиз деб тан олишди. Бундан ҳайратланган шоир қизга севги

изҳор этди. Бироқ жавоб мужмал бўлди. Шоир бу қизни қаттиқ севганидан унга ҳеч тинчлик бермади. Мўмин-қобил, тартиб-интизомли ва одобли бу қизча шоирнинг ҳаловатини бузганди. Пушкин билан оила қуришга қатъий аҳд қилди.

Уларнинг унаштирилиши ҳам икки йилга чўзилди. Ниҳоят, 1830 йили апрелида қиз томон тўйга рози бўлди. *“Бўлди тамом, энди уйланаман. Уни топганимга икки йил бўлиб қолди. Қаерда бўлмайин кўзларим доимо уни қидиради. Ҳаётим усиз кемтик, мазмунсиз. Мен бахт ҳақида бунчалик узоқ ўйламагандим. Балки, шунчалик кўнгул ишидир, ўтиб кетар дегандим. Энди ўйласам хато қилган эканман. Уни қаердан топаман?”* 1830 йилнинг баҳорида унаштириш маросимидан кейин Пушкин ана шундай ёзганди.

Тўй ҳар хил баҳоналар сабаб орқага суриб келинаётганди. *“Александр тезроқ никоҳдан ўтишга ундаса, Наталя эса маблағи йўқлигини очиқ-ойдин айтарди. Шоир бундай баҳоналарга чек қўйиб, севгилисига никоҳ қўйлағи тикдиришга пул топиб келди. Тўйга тайёргарлик ва тўй учун жуда кўп маблағ кетди”,* деб эслаганди княз Долгоруков.

Шоир тўй ташвишларидан зерикди. Бундай пайтларда Александр асабийлашар, сиқилар ва дўстларига кўнғироқ қиларди. Тўйдан бир ҳафта олдин ўртоғи Н. Кривцовга шундай ёзганди: *“Ўйланиш арафасидаман. Бўйдоқлик даврида нима айтган бўлсанг, ҳаммасини ўйлаяпман. Танлаган ўйлимни тўғри ёки нотўғрилигини яна бир марта ҳаёлимдан ўтказаяпман. Ёшлигим ҳаяжонли ва самарасиз ўтди. Қандай яшаган бўлсам, ҳалигача шундайман. Менда бахт йўқ эди... Ёшим ўттизга бориб қолди. Менинг ёшимдагилар аллақачон ўйланишган. Энди мен ҳам ўртоқларимга ўхшаб оила қураяпман. Бундан афсусланмайман, деб ўйлайман. Энди ёшлигим қолмади. Жиддийлашаяпман. Қаттиқ туриб келажакимни ўзим қураман...”*

Тўй ниҳоятда тантана билан ўтди. Наталя илгаригидан-да гўзал ва чиройли бўлишга ҳаракат қилди. Александр тўйдан кейин маҳбубасини янада кўпроқ севди.

Александр Пушкин бахтли эдими? Ёшлигидан уни икки аёл телбаларча севиб келарди. Бироқ Пушкин уларга эътиборсиз эди. Уни қайноқ қони жўш уриб турарди. У “севги бобида” кўпларни учратди. Шунчалик кўп “севги саргузаштларидан” унинг юрагини биронта гўзал жиз этказмаганди. Ниҳоят, у ўз Наталясини топди. Бахт деб билганинг қаерларда, уни билолмайсан, кутилмаганда уни топасан. Александр Пушкин тақдирида ҳам шундай бўлди. Пешонангга ёзилгани бўлади деб шунга айтишади-да.

ШОИРНИ МАҲВ ЭТГАН ГЎЗАЛ

Ўн беш ёшли Михаил Лермонтов уни балда учратди. Қора кўз, мафтункор чехрали дилбар у ҳатто шоир ижодига қизиқишини секингина сездириб қўйди. Шоир эса ниҳоят қадрдон қалбни топдим деб ўйлаганди. Лекин у қаттиқ янглишган экан. Илк муҳаббат унинг юрагига ўн ёшлигида чўг ташилаганди. Ўшанда уни бувиси Кавказ воҳаларига олиб борган эди. Ўша ерда Миша бу қора кўз паризодни кўриб қолди. Унинг тўққиз ёшли маъшуқаси чиндан ҳам дилбар бўлганми, энди бу ҳақда аниқ бир нарса айтиши мушкул. Бироқ у ҳар кунни унинг таширфини интиқлик билан кутган.

Наҳотки, ўша болаликдаги туйғуси ягона қувончи бўлиб, кейингилари унга фақат азоб-уқубатлар келтирган бўлса? Шу каби ўйлар ўн етти ёшли Лермонтовни мижжа қоқтирмасди. У бу кунни узоқ кутган эди. Ҳа, Чарторижскийлар ўз дала ҳовлиларига майнинг бошларида кўчиб ўтишди, бугун эса... О, тунги соат уч, бу дегани 2 июнь ниҳоят кириб келди. Кеча у

юзига шафқатсиз тарзда ураётган шох-шаббаларга эътиборсиз, отига қамчи солиб, елдек учиб келган эди. Хўш, нима? Уни очик юз билан кутиб олишди. Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас Наташани қидириб боққа томон юрди. Улар боғда учрашишди. Қиз опаси Дашенка билан нималарнидир пичирлашишарди. *“О Мишел, келганингиз ажойиб бўлибдида, тушликда учрашармиз...”*. Шундан сўнг икки дилбар бўлиниб қолган суҳбатларини давом эттирганча юриб кетишди. Лермонтов эса жимжимадор соябон остида бошларини бири-бирига теккизганча кетаётган қизлар ортидан сеҳрлангандай қараб қолди.

Маскарадга кийиш учун махсус кийимлари йўқлиги уни анча хуноб қилди. Лекин у ерда ўзи каби безанганлар талайгина эканлигини кўриб кўнгли жойига тушди. Яхшиям юзида ниқоб бор. Бўлмаса бундай балга илк бор келган ўспиринни таниб қолишарди. Бунгача Миша пансиондаги балларда иштирок этганди. Лекин отаси айтгандек, улар “гўдаклар рақслари” эди. Бугун эса ўсмир катталар даврасига киритилган эди.

—Саша, кел, онажонимдан қочиб кетамиз, — таниш овоз уни шошириб қўйди.

Иккита ёшгина қиз ранг-баранг либос ҳамда ниқобда уни ортда қолдириб, қўлларидаги елпиғич билан елпинганча ўтиб кетишди. Мишанинг юраги гупиллаб кетди. Наҳотки, у ўша бўлса? Гап қора кокил ҳақида кетаётган эди. Унинг ҳамроҳини Лермонтов дарров таниди, Саша Верешагина, унинг болаликдаги таниши. Унинг дугонаси эса мана бир ойлар ёш шоирнинг хаёлини ўғирлаган гўзалга жуда ўхшарди. Наташа Иванова. Уни илк бор пансиондаги кечада учратганди. Аммо олдига боришга юраги бетламади. Шунчаки узоқдан томоша қилганди... Унинг кўнгли нозик, ақли расодек бўлиб кўринган эди. Улар Саша билан дугона экан. Наташа билан танишиб олиш имкониятини қўлдан чиқармаслик керак.

Наташа у ўйлаганидан ҳам минг чандон ақллироқ, яхшироқ бўлиб чиқди! У ҳатто бу ўсмир шоир билан ёлғиз шеърхонликларга бутун кеча рақсларини

алишди. Лермонтов қизга шеърларини ўқиб берар, у яна сўрарди... яна... яна... Кейин Байрон ҳақида, унинг вафот этган отаси – ёзувчи Фёдор Иванов хусусида суҳбатлашишди. Ҳа, унинг адабиётга диди чакки эмас эди. Отасидан ўтгани сезилиб турарди. Дилбарлиги, назокати онасиники эди. Екатерина Ивановна иккинчи бор турмушга чиққач, Чарторижская бўлганди. У қизини нотаниш йигит билан гаплашишига қаршилик билдирмади. Узоқдан уларга кўз қирини ташлаб турди, холос...

Дўсти Дима Дурнов севиб қолганини сезиб қолди. Ўша дилбар кимлигини билиш учун тинимсиз суриштира бошлади. Наташа ҳақида Лермонтов гаплашишни истамасди. У осмондан тушган бахт қушини чўчитиб юборишдан кўрқарди. Шунда у ўз ҳислари, севган кишининг ким эканлигини ишора қилиб шеър ёзди. У қуйидаги сатрлар билан бошланарди:

*Мангу ғамга тушиш учун кўп бор севдим мен,
Ишқ болин тотмадим бахтли бўлай деб ...*

–Тақдир ишқда бахтни топиш учун имконият берармикан? – ўйларди Лермонтов ёзган сатрларига кўз югуртирар экан. Балки у кўп азият чекканман деб, ўзини-ўзи алдаётгандир. Ахир уни бир вақтлар Анюта Столипина ҳам юрагининг бир бурчагини чинакамига чертганди-ку! Биргина шу қизга бўлган муносабати уни қанчалар азият чектирган, ҳижрон, рашк аламини тортган, дилини тилка-пора қилганди-ку! Энди эса Наташа. Нима бўлгандаям бутун умидлари пучга чиқиб, ихлоси қайтмасин-да!

...Баҳор кириб келди. У билан бирга битирув ҳаяжонлари. Лермонтов пансионнинг сўнгги босқичини тугатди. Тантанали йиғилишда уни энг яхши ўқувчи дейишди. Кейин эса бал уюштирилди у ерда яна Наташани кўрди. Висол онларини фақат бир нарса ғамга бурқарди. Уларни узоқ вақт ҳижрон дамлари кутарди. Қизни ота-онаси Николское-Тимонинога олиб кетишмоқчи, у эса

бувиси билан ёзги таътилга Средниковога кетиши керак эди. Наташа билан видолашар экан, Михаил ҳижрон дамларида унга атаб шеърлар битишга ваъда берди. У ваъдаси устидан чиқди. Ўшанда август ойи эди. Лермонтов кутилмаганда ғамли сатрлар ёза бошлади:

*Юракни ўртаган туйғум ишқимга,
Жавобни беҳуда узоқ кутди дил.
Муҳҳабатни дедим, кўзда ёшимла,
У менинг орзуим экан-ку, кўнгил ...*

Ушбу сатрлардан ўзи ҳам даҳшатга тушиб кетди. У ёзгани тақдири эканлигини яхши тушунарди. Кун бўйи Наташа ҳақида, сўнгги хайрлашув онлари хусусида ўйлади. Йўқ, ҳеч бир ишора айрилиқни башорат этмасди. Қанийди, уни бир бора кўрсайди!.. Лекин шароитлар уларни учраштиришга қўймасди. Михаил Москвага эртароқ келди. У университетга имтиҳон топшириши керак эди. Кейин эса Москвага вабо тарқалди. Чарторижскийлар фақат қишга яқин келишди.

Михаил Наташани кўрганда, ўзини йўқотиб қўйди. Энди бу қизга бўлган ҳисларини яширишга ҳожат ҳам йўқ эди. Михаилнинг Чарторижскийлар уйига киришга рухсат бор эди. У гоҳ аввалгидек меҳрибон бўлиб қолар, гоҳ эса уни умуман кўрмасди. Балларда ҳам фақат ҳарбийлар билан рақсга тушарди. Бу қиш Лермонтов туйғулари учун жуда оғир кечди.

Бир куни Лермонтовни Наташаларнинг ёзги дала ҳовлиларида дам олишга таклиф этишди. У бу таклифни бажонидил қабул қилди. Ўшанда у тақдир унга ҳозирлаб қўйган бахт унинг елкасига қўнади, деб ўйлаган эди... Афсуски, Николский-Тимонинида ўтказган сўнгги ҳафтаси у учун кутилмаган даҳшатларга тўла ўтди. Қиз ўз хушторлари ҳақида тинимсиз сўзлаб, Михаилнинг устидан очикчасига куларди. У қиз билан танҳо гаплашиб неча бор

ҳаракат қилди, лекин бари бефойда кетди. Энди уни шеърят ҳам мутлақо қизиқтирмасди... Кейин эса қизнинг уйида тўйга тайёргарлик бошланди. Маълум бўлишича, гвардиячи офицер граф Мусин-Пушкинни куёв қилишаётган экан. У келишидан бир кун олдин Лермонтов жуфтакни ростлашга куч топа олди...

Юракдаги бу яра шоирни узоқ вақт қийнади. Наташанинг унга бўлган ҳислари шунчаки бир вақтихушлик бўлганлигига ишониш қийин эди. Энди у балларда эркаклар билан ноз-фироқ асносида суҳбатлашаётган маҳбубасини узоқдан кузатиб турарди. Гап-сўзларга қараганда, Екатерина Ивановна, ниҳоят, қизига муносиб куёв топибди... Отаси вафот этгач, унинг дардлари кўпайиб, азоблари пасайгандек бўлди. Шунда Лермонтов “Ғаройиб одам” драмасини ёзишга ўтирди. Бу асарда шоир ўзининг бутун изтиробларини баён этди. Сўнгги нуқта қўйилгач, юрагидаги дард-аламлар бироз тарқалгандек, ўзини анча енгил ҳис этди...

ГРАФ ТОЛСТОЙ ФОЖИАСИ

Ер юзида буюк рус ёзувчиси, граф Лев Николаевич Толстойни билмайдиган мамлакат бўлмаса керак! Ҳаётини муаммолар ва инсоний муносабатларга қизиққан китобхон борки, унинг асарларини катта қизиқиш билан қайта-қайта ўқиб чиқади. Толстой асарларини ҳар гал, қайта ўқиганингизда янги-янги маъно топасиз, ҳайратга тушасиз. Шунинг учун ҳам у буюк-да... 1851 йилда Лев Николаевичнинг акаси – армия зобити Николай Николаевич 23 ёшли йигитни Кавказга боришга кўндирди. Толстой Терек дарёси бўйидаги станцияда уч йил яшаб, Кавказнинг Кизляр, Тифлис, Владикавказ каби шаҳарларини айланиб чиқди.

Айни бир вақтда Кавказда давом этаётган ҳарбий ҳаракатларда аввалига кўнгилли тарзда, кейинроқ ҳарбий хизматга қабул қилиниб, иштирок этди. Кавказ табиатию казаклар ҳаётининг патриархал даражадаги ўта оддийлиги билан дворянлар доирасидаги кескин тафовут бўлажак ёзувчининг “Казаклар” (1852-1863) автобиографик повестига жуда бой манба берди. Кавказ таассуротлари адибнинг “Боскин” (1853), “Ўрмон кесиш” (1855) ва кейинроқ ёзилган “Ҳожимурод” (1896-1904) повестларида жуда кўл келди. 1854 йилда Қрим урушдаги иштироки ёзувчининг уруш ва инсон эркинлиги мавзусида янада чуқурроқ мушоҳада юритишга туртки берди. Толстойнинг “Севастополь ҳикоялари” туркумидаги асарлари худди шу пайтда пайдо бўла бошлади.

Беш йиллик ҳарбий хизматдан сўнг истеъфога чиққан Толстой туғилган жойи – Ясная Полянага қайтди. 1857 йилда эса чет эл сафарига жўнади. Франция, Италия, Швейцария, Германияда бўлган ёзувчи у ерда болалар таҳсилига нақадар эътибор берилаётганига гувоҳ бўлган эди. Шу сабали 1859 йилда ўзи туғилиб ўсган қишлоқда деҳқон болалари учун мактаб очди. Бу машғулот унга шу қадар маъқул келдики, Европа мактаблари билан танишиш учун 1860 йилда яна хориж давлатларига жўнади. Сафардан қайтгач, 1862 йилдан “Ясная Поляна” педагогик журналини нашр эта бошлади.

Ўша йили у москвалик шифокорнинг 18 ёшли қизи Софья Андреевнага уйланиб, уни Ясная Полянага олиб келди. Бу ерда тўла-тўқис оилавий ва хўжалик ишларига берилиб кетди. Худди шу давр адиб ҳаётининг осудалиги, руҳий кўтаринкилик ва янги ижодий даври бўлди. 1865 йилда “Русский вестник” журналида “Уруш ва тинчлик” романининг биринчи қисми нашр этилди. Толстой онгидан юз берган ўзгаришлар 1880 йиллардан кейин ёзилган асарларидаги қаҳрамон ҳаётида акс эта бошлади. Унинг бадиий асарлари қаторида бир неча диний-фалсафий трактатлари пайдо бўлди. Толстойнинг христиан дини қоидаларига ҳеч оғишмай амал қилишга чақиргани жамият томонидан жуда катта шов-шувлар билан кутиб олинди. Дунёни ўзгача

тушуниш ва христианлик ҳақидаги янги тасаввурлар доирасида Толстой черковнинг давлат билан яқинлашувини танқид қилди. Бу эса унинг православ черкови билан муносабатлари йўққа чиқишига олиб келиб, 1901 йилда муқаддас синод Толстойни черковдан маҳрум қилди.

Худди ўша пайтларда хусусий мулкка муносабати ўзгаргани ёзувчининг шахсий ҳаётида ҳам кескин ўзгаришлар ясади. Ўзига қарашли барча мол-мулкдан воз кечиши оила аъзолари ва айниқса, рафиқасининг кескин норозилигини келтириб чиқарди. *“Ҳақиқий санъат одамни поклайди ва бирлаштиради”*, деб ҳисоблаган адиб, энди Ясная Полянада ана шу бирлашувни топа олмай қолди. Оиланинг тинчи йўқолган эди. 1910 йилнинг 12 октябрида хотини Софья Андреевна тасодифан эрининг махфий кундалигини топиб олди. Софья Андреевна ўта рашкчи аёл эди. Кундаликни варақлаган Софья Андреевна эрининг махфий васиятномаси борлигидан бохабар бўлди. Умр бўйи адибнинг шахсий котибаси ва саккиз нафар боланинг онаси бўлмиш аёлга бу чидаб бўлмас ҳолат сифатида кўринди. Унинг сабабини тушунтиришлар Толстой учун қанчалик оғир бўлганини шундан билиш мумкинки, ёзувчи Ясная Полянада бўлган ҳамкасби Михаил Новиковга уйдан кетишга қарор қилганини билдирган.

Лев Толстой серфарзанд бўлган. Унинг хотини ҳам, ўғил-қизлари ҳам “асарлар” битган. Бу хонадонда “ёзиш” ҳамма учун сеvimли машғулот саналган. “Уруш ва тинчлик” муаллифининг фарзандлари шу тариқа кўплаб ҳикоялар, қиссалар ҳам ёзишган. Графнинг хотини ҳатто роман ҳам ёзган. Аммо уларнинг ҳеч қайсисига Лев Толстойдек бўлиш насиб қилмаган.

28 октябрга ўтар кечаси у рафиқасига узундан узоқ мактуб битди. Биргаликда “48 йиллик ҳалол ҳаёти учун” хотинига миннатдорчилик билдирди. 28 октябрь куни эрталаб Софья Андреевнага эрининг мактубини беришди. *“Менинг кетишим, сенинг қалбингни ўкинчга солади”*, деган сўзларни ўқиган хотини азбаройи тушкунликка тушганидан ўзини ҳовузнинг

муздек сувига отди. Уни кутқариб олган бўлишса-да, аммо аҳволи оғир эди. Бу пайтда Лев Толстой ўзининг оилавий шифокори Душан Маковицкий кузатувида Ростов-Дон йўналишидаги поездда кетарди.

Октябрь ойининг сўнгги куни Астапово станциясида ўта баланд ҳароратли Толстойни поезддан туширдилар. Унинг ўпкаси шамоллаган эди. Етти кун станция бошлиғи Иван Озолиннинг уйида ётган ёзувчи ўзига келмай вафот этди. 10 ноябрь куни дунё севган адибни Ясная Полянада дафн этдилар.

ТУРГЕНЕВНИНГ ФРАНЦУЗ ХОНИМИ

Улуғ рус ёзувчиси Иван Сергеевич Тургенев француз қўшиқчиси Полина Виардонни севиб қолади. У шу аёл ишқи билан ёниб ҳаётининг асосий қисмини чет элда ўтқизди. Ёзувчининг кўплаб гўзал асарларининг ёзилишида шу француз хоними сабабчи бўлган. Париж яқинидаги Буживал шаҳрида ёзувчининг дала ҳовлиси севгилиси уйи билан ёнма-ён эди. Тургенев ўзининг энг бахтли кунларини ана шу дала ҳовлисида ўтказди. Ёзувчи маъшуқаси учун барча нарсага тайёр эди. Таниқли, анча-мунча сармояга эга, келишган чиройли, қадди-қоматли ёзувчи бутун ҳаётини шу француз аёлига бахшида этди.

Полина Тургенев юрагини забт этиши учун аёллар орасида бирон-бир мавқега эга бўлиши керак эди. Таниқли ёзувчини бу аёл қандай мафтун этдийкин? Гўзаллиги билан деса, Полина унчалик гўзал эмас, аксинча хунук эди.

Полина Виардо таниқли испан қўшиқчиси Мануэля Гарсиянинг қизи эди. Отаси опера қўшиқлари билан дунёнинг кўплаб давлатларига танилганди. Полинанинг катта опаси ҳам таниқли қўшиқчи бўлган. У узоқ умр кўрмади, 28

ёшида вафот этди. Шундан кейин Полина кўшиқчилик йўлини танлади. У халққа тез танилди. Айниқса, италия опера театри директори Луи Виардога турмушга чиққандан сўнг омади юришди. У умр бўйи бундан рози бўлиб юрди. Тургенев Виардо ҳақида илк маротаба 1843 йил туркум опера кўшиқларини ижро этганда эшитди. Ўша лаҳзалардаёқ уни севиб қолди. Шундан кейин 25 ёшли ёзувчи Полина Виардо қатнашган спектаклларнинг барчасини кўриб борди. Ёзувчи дастлаб кўшиқчининг эри Луи Виардо билан кейинчалик унинг ўзи билан танишди. Ёзувчи бу ҳақда “Кўклам сувлари” асарида ёзганди. П. Виардо қаерга гастролга бормасин Тургенев ҳам изма-из боради. Ёзувчи шу тарзда францияда узоқ қолиб кетди.

Тургеневшуносларнинг айримлари то ҳозиргача Полина Виардонинг ёзувчи билан танишуви унинг ижодига халақит берган дейишса, баъзилари эса аксинча унга ёрдамлашган дейишади. Тургеневнинг ўзи эса хорижда бўлиш унинг ижоди гуллаб-яшнаганини айтади. Кўплаб ҳикоялар жумладан “Овчининг хотиралари” асари шунинг ҳосиласидир. Кўпчиликка таниш бўлган “Бурмистр” ҳикояси Зальцбург шаҳрида ёзилганди. У ўзи ёзганидек чет элда севгилиси Полина ёнида ўзини жуда бахтиёр ҳис қилган ва у илҳом манбаи бўлган.

Полина Виардо тўрт нафар фарзанд кўрган. Ўғли таниқли скрипкачи бўлиб етишади. Бу бола Тургеневнинг ўғли деган миш-мишлар пайдо бўлади. Бола эса ҳақиқатан ҳам худди қуйиб қўйган ёзувчининг ўзига ўхшарди. “Зодагонлар уяси”, “Оталар ва болалар” асарлари ўша муҳит таъсирида ёзилганди. Ёш ёзувчи аёллар ҳақида кўпроқ сўзлашни ёқтирган. Қирқинчи йилларда Тургенев таниқли рус анархисти Татьяна Бакунинани синглисига кўнгил кўяди. Бироқ бу танишув узоққа чўзилмайди. Шундан сўнг ёш ёзувчи “Тонги туман, оқиш туман” номли шеър ёзди. Тургенев ҳаттоки ўзининг узоқ қариндоши О. Тургеневага уйланмоқчи бўлди. Ниҳоят ёзувчи уйда ихтиёрий ёлланган тикувчи аёл Авдотью Ермолёвнага уйланади. Улар фарзанд кўришади, унга Полина деб исм қўйишади. Тургенев кизини саккиз ёшидан Францияга Полина

Виардо тарбиясига жўнатади. Ёзувчи бу ҳақда “Зодагонлар уяси” романида эслаб ўтади. Унинг ҳаётида яна Виардо пайдо бўлганидан сўнг Тургенев ўз хизматкори Фиоктистога боғланиб қолади. Бу аёл “Оталар ва болалар” романида феничка образида акс этади.

Полина Виардо ҳам муҳаббатда беқарор бўлади. Виардо илк бор фортепьяно ўқитувчиси, композитор Ференц Листни, кейин эса композитор Шарль Гунони ёктириб қолади. Тургенев Полинани Шарль Гунодан ўта рашк қилган. Полина Виардо қўшиқчи Жорж Санднинг ўғлини ҳам севиб қолган дейишади.

Ҳар қанча гап-сўз бўлмасин ёзувчи учун Полина Виардо энг азиз инсон бўлган. Шунинг учун ҳам Тургенев ҳар доим унинг ёнида бўлишга ҳаракат қилган. Ёзувчи учун энг унутилмас кун севгилиси туғилган кун бўлган.

Виардо ўз даврининг энг машҳур аёли эди. У нафақат яхши қўшиқ айтган, вокал санъати машҳурларини ҳам лол қолдирган. Тургеневни онаси Варвара Петровна ўғлининг қалб торларини тушунмай Полинани “лўли” деган бўлса-да, бироқ кейинчалик унинг санъатини тан олишга мажбур бўлди. Қўшиқчи фортепьянони жуда зўр чалар, расм чизишга ҳам тенги йўқ эди. Унинг Тургенев портретини чизган сурати энг яхши суратлардан бири саналади.

У бутун ҳаётини мусиқага бағишлади. Моцартнинг “Дон Жуан” операси кўп қисмли мажмуасини яратиш учун катта миқдорда маблағ сарфлади. Бу опера Франциянинг Миллий кутубхонасида ҳозир ҳам сақланмоқда. П. Чайковский ушбу опера мажмуасини варақлаётиб, бу асарни гўёки “Моцарт ёзганга ўхшайди”, деб юқори баҳолаган.

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари ўрталарида Тургенев Виардо учун Париждан Буживаль шаҳарчасидан ҳовли сотиб олади. Тургеневнинг ўзи ҳам ўша дала ҳовли яқинида яшайди. Ёзувчи бу ерда ёзда яшаган. Кузда улар Париждаги уйларига кўчиб келишган. Қизиғи шундаки ўша уйнинг биринчи қаватида Тургенев ҳам яшаган.

Буживалда ёзувчи ўзининг сўнгги асарларини ёзди. Адиб “Денгизда ёнгин” очеркини оғир бетоблигига карамай француз тилида П. Виардога айттириб ёздирди. Вафотидан бир ой олдин “Ҳаммаси тугади” ҳикоясини ёзиб тугатди. Ёзувчи жуда қийналиб, рақ касалидан вафот этди. Полина Виардо бир дақиқага бўлса-да беморнинг ёнидан жилгани йўқ. Дастлаб Луи Виардо сўнгра И. Тургенев оламдан ўтди. Тургенев бўйнида осифлик медалнинг бир томонида ўзининг фамилияси бўлса, иккинчи томонида эса Полина Виардонинг сурати бор эди. Ҳозир ўша медал ноёб экспонат ҳисобланади. Полина Виардонинг эри Тургенев билан яхши муносабатда бўлган. Улар бир-бирини қаттиқ ҳурмат қилишган.

Полина Виардо Тургенев вафот этганда аввал Дарю кўчасидаги рус черков монастрида, сўнгра Шимолий вокзалда мотам маросимини уюштиради. Унда ёзувчини сўнгги манзилга кузатиш учун жуда кўп таниқли француз ва рус адабиёт ҳамда санъат намояндалари иштирок этишади.

Бироқ Полина Виардо И. Тургеневнинг дафн маросимида Россияга ўзи келмай қизи Клоди ва куёвини юборгани ҳамон сирлигича қолмоқда. Полина ёзувчи учун азиз инсон бўлганини тушунарди, аммо унинг ҳамюртларини ноқулай вазиятга қўйишини истамасди.

ТЕНГСИЗ ЖУФТЛИК

Ўша пайтда Достоевский қирқ ёшдан энди ҳатлаган, бир қанча асарлари билан элга таниқли адиб эди. Аммо ёлғиз, ночор, бунинг устига хасталикда умр кечирарди. Бундан ўн йилча муқаддам у Мария исмли қизга уйланган. Бироқ муҳтожлик, эрининг тинимсиз инжиқликларидан бели букилган аёл уч йил бурун вафот этганди. Фёдор Михайловичнинг аҳволи яна таранглашди. Наириёт билан тузилган шартномага кўра, у бир ой ичида икки юз саҳифали романни ёзиб тугатиши керак. Акс ҳолда унга қарз берганлар адибнинг ишини судга

оширишлари мумкин. Ёзувчининг танишларидан бири унга матнни тез кўчирувчи – стенографистка хизматидан фойдаланишни тавсия этди. Улар юборган қиз – гимназияни эндигина тугаллаган, 20 ёшлардаги тортинчоқ, аммо қобилиятли, Анна Григорьевна Сниткина эди.

Анна Достоевский номини болалигидан эшитган, асарларини қайта-қайта ўқиган, уни ўзича гоҳ семиз, гоҳ озғин, новча, серсокол, бадавлат киши бўлса керак, деб тасаввур этарди. Аслида адиб кўринишидан кекса, фаромушхотир, тажанг, хастагина киши экан. Негадир биринчи куни уларнинг иши юришмади. Шунинг учун ёзувчи қизга ҳозир ишлай олмаслигини, кечки соат саккизларда келишини айтади. Анна бу таклифни хушламайгина қабул қилса-да, бироқ белгиланган вақтда келди. Илгари фақат танҳоликда ижод қилиб ўрганган адибга романни айтиб ёздириш маъқул келди. Асарни яратиш анча тезлашди Улар ҳам бора-бора бир-бирларига кўникиб кетишди. Сухбатлари қовушди. Қиз энди уни буюк ёзувчи эмас, балки ўзининг яқин кишисидек кўра бошлади.

Бора-бора Анна ишдан бўш вақтларида зерикадиган бўлди. Ёзувчини ҳар куни, ҳар соатда кўргиси келарди. Фёдор Михайлович ҳам қизга қаттиқ боғланиб қолганлигини англаб етди. Бир куни адиб кўнглидагини айтди:

–Биз бир-биримизга жуда ўрганиб қолдик. Наҳотки, романни ёзиб бўлганимиздан кейин бошқа учрашмаймиз.

Йўқ, ундай бўлмади. Достоевский "Қиморбоз" асарини белгиланган муддатда ёзиб тугатгандан сўнг ҳам уларнинг ҳамкорлиги, учрашувлари яна давом эта бошлади.

Тез кунда Фёдор Михайлович "Жиноят ва жазо" номли романининг давомини ёзишга киришди. Бу пайтга келиб улар бир-бирларини севиб қолган, аммо айтишга истиҳола қилишарди. Айниқса, ёзувчи Аннанинг олдида ўзини ночор сезар, уни ўзи ва қиз ўртасидаги ёшнинг тафовути кўп қийнарди. Оила қурган адиб қизни бағрига босгиси, севиб-севиб ундан саноксиз қайноқ бўсалар

олгиси келар, бир вужуд бўлишни Худодан тилар, фақат ёш маҳбубасини чў-
читиб қўйишдан қўрқар, шу боис унинг олдида ўзини нотавон ва мажрух
сезарди. Шундай кунларнинг бирида адиб Аннага янги асар ёзмоқчилигини,
унга анча ёшга бориб қолган санъаткор ёш қизга ошиқ бўлиб қолганини, аммо
қиз унинг муҳаббатини қандай қабул қилишини тасвирлашга қийналаётганини
сўзлаб берди. Анна Достоевский ўзларининг ўртасидаги муҳаббат ҳақида
сўзлаётганини сизди.

– Кекса, касалманд кишига кўнгил қўйган қиз, кейинчалик ёш умримни
хазон қилдим, деб ундан хафа бўлмасмикин, – дея қўшимча қилди Достоевский.

– Мен шу ҳақда сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим.

– Нега энди шундай кишини ёш қиз севиши мумкин эмас, – деди ҳаяжон
билан Анна.

– Сиз ўзингизни бечора қизнинг ўрнига қўйиб кўринг-чи?

– Мен қаҳрамонингиз ўрнида бўлганимда, албатта, унга турмушга чиққан
бўлардим.

Ушбу қисқа суҳбат уларни безовта қилиб юрган кўплаб саволларга жавоб
топиб берди. Орадан кўп ўтмай, 1867 йил 15 февраль куни 44 ёшли адиб 20
ёшли қиз билан никоҳдан ўтди. Улар ўн тўрт йил бирга яшади. Ҳаётлари оғир
кечди. Анна Григорьевна муҳтожлик, адибнинг тез-тез хуруж қиладиган
тутқаноқ касаллиги, инжиқликларининг ҳамма-ҳаммасига чидади.

Фёдор Михайлович шундай меҳрибон, сабот-бардошли қизга уйланганидан
ўзини бахтли сезарди. У менинг ишончим ҳам, умидим ҳам, бахтим ва энг катта
бойлигим ҳам Аня, бундай аёлни севмай бўладими, дея алқарди.

Ўлим тўшагида ётган Фёдор Достоевский Анна Григорьевнадан розилик
сўраб, у билан кечирган бахтли ҳаёти учун беҳад миннатдорчилик изҳор этар
экан, камдан-кам эрларгина хотинига айта олиши мумкин бўлган сўзларни таъ-
кидлайди:

– Аня, мен сени каттиқ севаман, унутма, ҳатто хаёлимда бўлса-да, бирон марта ҳам сенга хиёнат қилганим йўқ.

ГРИБОЕДОВНИНГ ВАФОДОР БЕВАСИ

Грузия пойтахти Тбилиси шаҳридаги пантеон – буюк инсонлар қабри жойлашган манзилгоҳга кирсангиз қора мармар билан қопланган ёдгорлик ва унинг дўппайиб турган митти қабрига кўзингиз тушади. Унинг пойида қишин-ёзин гулларни кўрасиз. Ҳар байрамда эса мармар атрофи гулзорга айланади. Бу қабр эгаси Нина Чавчавадзени грузинлар севги, вафога садоқатли аёл сифатида эъзозлашади, ҳурматлашади. Тўйларида ёшларга Нинадек садоқатли бўлиш жасоратини тилашади.

Нина грузинларнинг буюк шоири Илья Чавчавадзёе оиласида туғилган. Александр Сергеевич Грибоедов Ильянинг яқин дўсти эди. Александр бу хонадонда ўзини эмин-эркин сезар, янги асарларининг маслаҳатини шу ерда қилар, оилада янги машқлари ҳақида айтилган ҳар бир сўзни жон қулоғи билан тингларди. Александр Сергеевич айниқса, Ильянинг қизи Нинани ўзгача меҳр билан ёқтирарди. Гоҳида уни тиззасига олиб ўтириб, эртақлар сўзлаб берар, сочларини меҳр билан силаб ардоқларди.

Нина гўзал қиз бўлиб вояга етди. У ўн олти ёшга етганда тақдир экан, ўттиз уч ёшли шоирга турмушга чиқди. Уларнинг ҳаётлари жуда тотли ўтди. Етти-саккиз ой бирга яшашгач, А. Грибоедов русларнинг Техрондаги элчихонасига элчи этиб тайинланди. “Ақллилик балоси” драмаси ва бошқа кўплаб асарлар муаллифи ҳижрон дамларини жуда қийинчилик билан ўтказди. У кеча-кундуз гўзал, сарвиқомат Нинани ўйлар, унга атаб асарлар ижод қилар эди. Шундай кунларнинг бирида – 1829 йилда эронликларнинг қора кучлари рус элчихонасига ҳужум қилади. Бу қуролли тўқнашувда А. Грибоедов ҳалок бўлади.

Такдирнинг ушбу мудҳиш зарбасидан Нина аввалига гангиб қолди. Қаттиқ кайғу оқибатида ҳомиласи ҳам нобуд бўлди. Унга не-не зодагонлар, олиму фузалолар ошиқ бўлиб, турмушга чиқишини илтимос қилди. Бироқ у Грибоедовга содиқ қолди. Эридан сўнг яна ўттиз йил танҳоликда яшади ва 1859 йилда вабога чалиниб вафот этди.

Грузинлар севикли севги малагини пантеонга дафн этдилар.

ҚАЙНОҚ ҚАЛБ ЭГАСИ

Маиҳур шоир Владимир Маяковский рус шеърятнинг поэтик тузувчиси эди. У XX аср поэзиясига янгича дунёвий йўналиш олиб кирди. “Мистер Буфор”, “Ҳаммом” каби пьеса, “Севаман”, “Иштон кийган булут”, “Яхши” каби поэмалар ва яна кўплаб ажойиб шеърлари билан шеърят ихлосмандларини мафтун этди. Владимир Маяковский 1893 йил 19 июлда Грузиядаги Багдиди қишлоғида ўрмончи оиласида туғилди. Унинг исмини отаси шарафига Владимир деб қўйишди. У яшаган қишлоқда фақат грузинлар яшашарди. Маяковскийлар оиласи эса рус эди.

Володя ёшлигидан грузин тилини яхши ўрганди. У олти ёшидан китобни севди, ўқиш-ёзишни билиб олди. Мактаб ёшига етганда онаси уни опалари Оля ва Люда ўқийдигин гимназияга олиб борди. Бир йил ичида уни Кутаисидаги ўрмончилик соҳаси бўйича ўқишга беришмоқчи бўлишганда оила бошлиғи оламдан ўтди. Отадан жудо бўлгач, Маяковскийлар оиласи моддий томондан қийналиб қолишди. Уйдаги жиҳозларни сотиб кун кўра бошлашди. Люда Москвада ўқирди. Улар ўша ёққа кўчиб ўтишга қарор қилишди. Москвада жуда кўп елиб-югуришлардан сўнг онасига 50 рубль пенсия тайинлашди. Маблағ

етишмасди, одамлар уйларини тозалаб кун кўришарди. Ёшлигида ана шундай қийинчиликда ўсган Володя, жиддийлашиб революцион фаолиятни бошлаб юборди. У варақаларни, рухсатсиз китобларни ўқирди. 1908 йили Владимир РСДРПга кирди. Кейин уни революцион фаолияти учун кетма-кет камашди. Қамокхонада шеърлар ёза бошлади. 1912 йили биринчи китоби чоп этилди.

Владимир Маяковский адабий кечаларда минбарларда нутқ сўзлади. Баланд бўйли, қадди-қомати келишган, жиддий, чиройли йигит эди. У мухлислар билан узоқ баҳслашишни ёқтирарди.

1915 йили “Иштон кийган булут” поэмасини ёзди. Бу севги поэмани революцион ва антибуржуазияга қарши деб аташди. Осип Брик томонидан 1915 йили сентябрь ойида бу поэма цензура қисқартиришларидан сўнг чоп этилди.

“Иштон кийган булут” поэмаси шоирнинг севги ҳақидаги тасаввурлари эди. Поэма қаҳрамони Мария учрашувга ваъда беради-ю аммо келмайди. Лирик қаҳрамонни аччиқ ҳаёт ақлдан оздиради. Ҳаётдаги қийинчиликлар, норозилик уни жамиятга қарши қилиб тарбиялади.

Владимир севги ёшида эди. У ана шундай олов пайтида Лиля Брикни учратди. *”У оғир-вазмин, латофатли, калондимог, қайсар, бўш-баёв ва бошқа жуда кўп хислатли қиз эди”*, деб эслайди В. Шкловский. У эркакларни ўзича жалб қила оларди.

Шоир Лилянинг опаси Элза билан аллақачон таниш бўлса-да, Брик ва унинг хотини билан 1915 йили танишади. Лиля ва Элза тақдирининг ўзи жуда бир қизиқ. Уларнинг ёшлиги Москвада Ю. Каган исмли ҳуқуқшуноснинг уйида кечганди. Онаси Москва консерваториясининг фортепянно синфини тугатганди. Ҳар иккалалари ҳам яхши тарбияланиб ўсишди. Ҳар бири эркакларни мафтун этадиган аёллик назокатини намойиш этишга тиришарди. Элза Маяковскийни учратгандаёқ ёқтириб қолганди ва турмуш қурган опаси Лилянинг уйига уни етаклаб келади. Осип Брикнинг Лиля билан оиласи

унчалик мустаҳкам эмасди. Уларни самимий муносабат ушлаб турарди, холос... Ҳис-ҳаяжонли ёш шоир Лиляни кўрибоқ севиб қолди ва тўғридан-тўғри унга муҳаббат изҳор этди. Лиля Юревна бу ҳақда шундай эслайди: *“У мени севибгина қолмай, менга ҳужум қилганди. Икки ярим йил мобайнида менда бир дақиқа ҳам тинчлик бўлмади. Мени унинг узун бўйи, шиддат билан юриши ва бошқа жиҳатлари ҳайиқтирарди. Унинг муҳаббати жуда кучли эди. Мен у билан танишганимда, у бирданига менга илтифот кўрсата бошлади. Менинг ишқимда жуда кўп йигитлар парвона эди. Владимир шундай деганини аниқ эслайман: “Эй, худо севги бобида ошиқлар қийналишса, рашк қилишса менга ёқади”.* Унинг бу сўзлари Лиля билан муносабатида, ўз ҳаётида рўй берди. 1915 йилдан бошлаб унга бағишлаб поэмалар ёза бошлади. 1928 йили биринчи асарлар тўплами Л.Ю.Б.га деб аталди. У Лиляни астойдил севарди, бошқалардан рашк қиларди. Лилянинг эри Брик, Владимир бир хоналик уйда яшашарди. Шоир бу ҳақда “Яхши” поэмасида батафсил баён қилиб беради. Лиля Владимирнинг ёзган асарлари тарғиботи билан шуғулланарди. Эр-хотин шоирга ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қилишарди.

1921 йилнинг 26 октябрь куни Маяковский шундай ёзганди:

“Менинг энг азиз ва ҳурматли севгилим Лисик! Бу хатни чопар орқали жўнатишига тўғри келяпти, биров ўқиб қолишидан қўрқаман. Винокуровский ёрдамида кўнглим тубидаги сўзларимни ёзмоқдаман. Мен сенисиз зерикаяпман, соғинаяпман, қаерда бўлмай сен ҳаёлимдан кетмайсан. Дунёга сизмай кетаяпман. Йўғлайман, ҳозир ҳам йўғлаяпман. Мен сени унутишингни асло хоҳламайман. Ҳаётда сенинг васлингдан ўзга завқ қолмади. Сенинг келишинг мени гоятда қувонтиради. Мени севгин қўғирчоғим, ўзингни асра дўмбоғим. Сенинг севгилинг. 26. X. 1921 й.

Ўзинг ҳақингда ҳеч нарса ёзмасанг ақлдан озишим ҳеч гапмас. Севишини эсдан чиқарма. Сенга атир юбораяпман. Ўзингни буюмларингдан биронтасини юборгин. Бу менга сени эслатиб туради”.

Бундай илтифотлар Лиляни чарчатди. У шоирдан ўзини кўлга олишни, бу ўтти чорловларга тўла жавоб қайтара олмаслигини ўтиниб сўради. 1922 йили Лилянинг кўнглидан бошқаси жой олди. Бироқ шоир билан илгариги муносабатлари сақланиб қолди. 1924 йили эса Лиля энди Владимирни сева олмаслигини билдириб хат ёзди: *“Шундай бўлса ўйлайманки, сен энди мени камроқ ўйлайсан, озроқ қийналасан”*. 1924 йили Маяковский Парижга кетади. Бир ҳафтадан сўнг Брикка мактуб йўллайди. У Лиляни ҳамон севишини ва усиз қийналаётганини айтади. Америкадан келганидан сўнг уларнинг муносабатлари янги поғонага кўтарилади. *“Бизнинг муносабатларимиз бутунлай ўзгарди”*, деб ёзганди Брик. 1926 йили Лиля, унинг эри ва Владимир Гендриковск кўчасидаги уйда яна бирга яшай бошлашди.

1928 йили кузда Маяковский яна Парижга кетади. У ерга боришдан мақсад бор эди. 20 октябрь куни шоир Ниццуни кўриш учун унинг дугонаси Элли Жонс қизи билан дам олаётган жойга борди. Шоир Элли Жонс қизини ўз қизи деб ўйлар эди. Элли Жонснинг Владимирга ёзиб берган хатини Ниццу қабул қилмади. Учрашув самарасиз тугади. Владимир Парижда зерикди. Лилянинг опаси Элза Луи Арагоннинг бўлажак хотини Владимирни 1925 йили Парижга келган ёш рус қизи Татьяна Яковлева билан таништиради. Улар учрашгач, Татьяна Владимирнинг кўпгина шеърларини ёддан айтиб беради. Бу эса шоирни қойил қолдиради. *“Албатта Маяковский мени шеърларини билганим учун яхши кўриб қолди деб айтолмайман, – деб ёзганди Татьяна Яковлева. – Мен жуда чиройли эдим, уни севишига кўникдим. Унга бу шаҳарда русча сўзлайдиган одам билан суҳбатлашиш мароқли эди. Мен шу пайтда Арагон билан дўстлашгандим, уни шу даврнинг энг таниқли шоири деб билардим...”* 1929 йили февраль ойида Маяковский Парижга қайтиб келиб олти ҳафта яшади. У жуда кўп вақтни Татьяна билан бирга ўтказди. *“Владимирнинг аёлларга ҳушомад қилишида таланти бор эди”*,– деб ёзганди Татьяна. Гуллар, дераза олдида туриб шеър ҳақида суҳбатлар... Маяковский Татьяна ҳақида онасига

шундай мактуб битганди. *“Мен уни ҳар кун кўриб турардим ва биз дўстлашдик. Агар унинг мухлисларидан кимдир унга яхши муносабатда бўлса, демак бу унинг талантига берилган баҳодир. Бу яна менга бўлган илиқ муносабатдир. Менинг ҳаётимда из қолдирган биринчи инсон ҳам Татьянадир. Рассом В. Шухаев бу ҳақда шундай деганди: “Маяковский назарида у жимгина севганди. Татьяна уни талантидан мағрурланарди”.*

Шоирнинг виза муддати тугаб, Россияга қайтиш зарурияти туғилганда, Владимир Татьянадан унга турмушга чиқишни сўради. Татьяна эса ўйлаб кўришим керак деб жавоб берди. Шоир ўзининг иккита машҳур шеърини Татьяна Яковлевага бағишлаганди. Унда шундай сўзлар бор эди: *“Мен сени қачон бўлмасин барибир Париждан олиб кетаман”.*

Лиля Брикка бу шеърлар ёкмаганди. Айрим маълумотларга қараганда, Владимир Парижга Татьяна учун бормоқчи бўлганда Бриковлар бунга халақит берган экан. Т. Яковлева шундай эслайди, Лиля Брик ўлимидан олдин Татьянага шундай хат ёзади: *“Володяни Татьяна Яковлевага бағишланган шеърларини ўқиб қолсам, уйдаги барча нарсаларни синдирардим”.* Лиля шоир билан бирга яшашни хоҳламаган, уни кўпроқ қийнашни яхши кўрган ва Владимирни ягона маъшуқаси бўлишни истаган. Шундан сўнг Татьянага бретонлик граф дю Плесси кўнгил кўяди. Бу танишувдан Яковлевалар оиласи жуда хурсанд бўлади. Т. Яковлева кўп ўйламасдан унга турмушга чиқишга рози бўлади. Маяковский Элзи Триоленинг Лиля Брикка ёзган хатидан Татьяна графга никоҳланганини билиб олади. Бу нохуш хабардан шоир ўзини йўқотиб қўяди. Орадан анча вақт ўтгач, Т. Яковлева Владимирга бўлган муносабатини билдиради: *“Мен унинг машҳурлиги учунгина севмаслигимни у тушунарди. Мен таниқли инсонлар – ёзувчилар, артистлар, рассомлар орасида вояга етгандим. Масалан рассом Мане, Маяковскийдан ҳам таниқли эди. Владимир ҳам эркак, ҳам шоир сифатида менга ёқиб қолганди. Уни тушунардим, севардим...”*

Владимир оила куришни жуда-жуда истарди. Лекин ҳеч бир аёл Лиля билан алоқани узмагунча, унга яқинлашолмасди. Шоир уйланмоқчи бўлган аёллар бу ҳақда эшитишарди-да, ўз тақдирини хавф остида қолдиришни хоҳлашмасди.

Маяковский актриса Вероника Полонскаяни яхши кўриб қолади. Аммо унинг оиласи бор эди. Вероника Лиля бу ҳақда эшитиб қолса, у нима деб ўйлашини сўраганда Владимир шундай дейди: *“Верочка билан яшаяпсанми?.. Нима ҳам қилардим, табриклайман”*. Владимир ўзини отидан Полонскаяни уйига кетишга рухсат бермайди. *“Эрингга ўзим бориб тушунти-раман”* дейди шоир. Бунга эса 22 ёшли актриса шундай жавоб беради: *“Мен уни севаман, у билан бирга бўламан. Бу жойда бошқа қололмайман. Мен уни инсонларча яхши кўраман, ҳурмат қиламан. Унинг юзига оёқ босолмайман”*. Бироқ кечкурун келишга ваъда беради. Энди бутунлайига келишини айтади. Бу ваъдалар Маяковскийни қаноатлантирмайди. У барча нарса ҳозир содир бўлишини истарди. Бир вақтнинг ўзида эса ҳеч нимани хоҳламасди ҳам. Шундай қилиб улар хайрлашишди. У Вероникани ўпади ва хавотирланма деб чўнтагига йигирма рубль солиб қўяди.

Вероника кўчага чиқишга улгурмаёқ ўқ овози эшитилади. У катта фожиа содир этилганини сезиб, оёқларида жон қолмайди. Ўзини йўқотиб қўйиб уй йўлаги бўйлаб, чопиб бақиради. Югуриб уйга кирганда, ҳали ўқнинг тутуни тарқамаганди. В. Маяковский гилам устида қўллари ҳар томонга чўзилган ҳолда ётган бўлади. Кўкрагида қон излари ҳам бор эди.

У қолдирган мактуб, йирик ҳарфлар билан *“БАРЧА”*га деган сўзлар билан бошланарди. Унинг учинчи хатбошисида учта сўз: *“Лиля – мени сев”*, сўзлари ёзилганди. Машҳур шоирнинг ҳаёти ана шундай фожиали тугаганди.

ШОИРНИНГ ФОЖИАВИЙ ТАҚДИРИ

Машиҳур рус шоири Сергей Есенин 1895 йили деҳқон оиласида тугилди. 1904 –1912 йилларда Константиновскдаги билим юрти ва Спас-Клепиковск мактабида ўқиди. Ўша даврларда 30 дан зиёд шеърлар ёзди. 1912 йилдан Есенин отаси билан Москвада яшаб дўконда бирга ишлашди. 1913 йили Сергей наشريётга мусахҳиҳ ёрдамчиси бўлиб ишга жойлашди. Шу ерда мусахҳиҳ Анна Изрядновага уйланди. Есенинни ҳеч ким тушунмасди ва шеърларини босишни хоҳлашмасди. Ниҳоят, 1914 йили унинг сара шеърлари “Нов” газетасида ва “Заря” журналида чоп этилди. Уни тушунгандай бўлишди. Аннага уйланиб хато қилганлигини кеч бўлса-да, тушуниб етди.

1915 йили ўғли бўлишига қарамай, хотини Анна билан ажрашди. Москвадан Петроградга қараб йўл олди. У ерда А. Блок билан учрашди. Сергей Петроградга келиб катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. Худди шу ерда шоир Зинаида Райх деган аёл билан танишди. Есенин у билан кўп яшамаган бўлса-да, Зинаидадан икки фарзанд – ўғил ва қиз кўрди. 1918 йили Есенин яна Москвага қайтиб келди. Орёлдан Сергейни излаб Зинаида қизчаси билан келишди. Зинаида билан бошқа яшаёлмаслигини унга айтди ва яқин ўртоғи М. Молабухдан хотинини кузатиб қўйишни илтимос қилди. Есенин хотини билан ажрашганидан сўнг ичкиликка ружу қўйди ва ичиб олиб тўполон қиладиган одат чиқарди. У уйсиз-жойсиз эди. Ана шундай қийин бир пайтда унинг хаётида Айседор Дункан пайдо бўлади. Америкалик таниқли раққоса А. Дункан қизлар учун рақс мактаби очиш учун бу ерга ташриф буюрганди. Айседор ва Сергей биринчи кўришгандаёқ бир-бирларини ёктириб қолишади. У шоирни кўрибоқ унга киё бокди. Шоир русча сўзлашса, Айседор эса инглизча, французча, немисча гапирарди. Улар бир-бирларини таржимонсиз ҳам бемалол тушунишарди. Дастлаб А. Дунканга рақс мактаби очишга рухсат тегмади. Кейин эса ижозат беришди. У маблағ топиш мақсадида Европага кетиб қолди.

Есенинга визани тезлатиш ва никоҳдан ўтиш ҳам режалаштирилди. Шундай қилиб Есенин Айседор билан бирга Берлинга боришди. Уларнинг Берлинда анча вақт туришларига тўғри келди. Кейин биргаликда Америкага кетишди. Айседорнинг кўпгина штатларда рақс кечалари уюштириш учун шартномаси бор эди. Адабий кечалардан бирида сахнага Есенин таклиф этилди. Унга “иккинчи Пушкин” дея таъриф берилди. Шоир кечада шеърлар ўқиб ҳаммани лол қолдирди. Бироқ кеча жанжал билан тугади. А. Дунканнинг Америкада юриши қийин бўлиб қолди. Шундан сўнг, Сергей ва Айседор 1923 йили Россияга қайтиб келишди. Москвага келиб рақс мактабининг аянчли аҳволини кўриб ҳайратдан ёқа ушлашди. А.Дункан ташкил этган рақс мактабини абгор қилишганди.

Айседор Сергей билан Москвада бир қанча вақт бирга бўлишди. Сўнгра шоир бир неча ҳафтага қаёққадир йўқолиб қолди. Раққоса эса бундан қаттиқ хавотирланди. Миш-мишлар, ғийбатлар авжига чиқди. Бу бир неча ойгача давом этди. Сергей Айседор олдиға пули тугасагина келарди. Ичувчи эрни қутқаролмаслик аёл киши учун қандай шармандалик. Лекин Айседор бағрикенглик билан шоирнинг барча эркаликларига чидарди. Уни кўкрагидан итармас эди. Сергей ҳар келганида уни илиқ кутиб олар, эркалар, бу қалтис йўлдан қайтишни илтижо қилиб сўрарди. Шоир севгилисининг бу илтижоларға кулоқ солгандай бўлар, лекин дўстлари даврасига бориб яна ўша ҳол такрорланаверарди. Ниҳоят, Сергей ва Айседор ажралишди.

Айседор Дункандан кейин ботқоққа ботаётган шоирни икки аёл қутқаришға ҳаракат қилишди. Бири севса, бири эса унинг хотини эди. Шоир хориждан қайтгандан сўнг сингиси билан унга яқин ҳамроҳ, дўст, ёрдамчи бўлиб қолган Галина Бениславская уйига жойлашишди. Бу аёл бутун ҳаёт-мамотини Сергейға бағишлаб унинг учун яшади. 1924-1925 йиллар Г. Бениславская шоирнинг Москвада яшаган йиллардаги ижодини тўплаб борди. “*Мен сизникиман ва Сизни доимо севаман*”, у Есенинга ёзган хатларини шундай тугатарди. Шоир

эса бунга жавобан унга топшириклар берар ва илиқ муносабатлар билан жавоб кайтарарди. *“Сиз менга шундай яқинсизки, бунга сўз топиш ҳам қийин”*, – деганди шоир. Шундан сўнг Есенин Лев Толстойнинг набираси Софя Толстаяга уйланди. У шоирни чинакамига севарди. Софя Толстая ўз бобосининг ҳақиқий невараси эди. Бу аёл С. Есенин юрагига йўл топа олганди. Бироқ шоирни асл холига кайтариш унинг учун энди анча кеч бўлганди. Шундай бўлса-да, шоир ўз бахтини топгандай бўлди. Шоир бу кечиккан қувончни кўтара олмади. Декабрь охирида на хотинига, на дўстларига бир оғиз сўз айтмасдан Москвадан Санкт-Петербургга қочиб кетди. Бундан Софя Толстая жуда қаттиқ изтироб чекди. У Сергей билан тўрт йил бирга турмуш қуришди. Софя ниҳоят, бу азоб-укубатлардан, кутишлардан зерикиб касал бўлиб қолди. Есениндан эса ҳамон дарак йўқ эди.

Софя Толстая Есенин вафот этганини айтишганда, у ҳушидан кетиб қолди. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас дея ҳеч ишонмади. Аммо бу ҳаёт ҳақиқати эди.

Москвадаги Ваганковск қабристонидаги Сергей Есенин қабрига унинг хотини ва жазманлари Анна Изряднова, Зинаида Райх, Галина Бениславская, Софя Толстаялар тўпланишди. Айседор Дункан эса хориждан телеграмма жўнатди.

Бир йилдан сўнг Галина Бениславская Сергей Есенин қабри устида ўзини-ўзи отиб ўлдирди. 1927 йили Ниццеда Айседор Дункан вафот этди.

Софя Толстая эрига содиқ қолиб шоир билан боғлиқ барча нарсаларни сақлаб, шеърларини нашрга тайёрлади. Никоҳ узуги ёнига шоир ҳазиллашиб совға қилган мис узукни тақиб юрди.

Сергей Есенин ўлими билан боғлиқ жуда кўп тахминлар мавжуд. Айрим манбаларда ўзини-ўзи отган дейишса, айримларида эса бошқача фикрлар айтилади. Нима бўлганда ҳам буюк шоирнинг ўлими ҳамон сирлилигича қолмоқда. Ҳаёт йўли ҳар қанча фожиаларга бой бўлмасин, гўзал ва дилбар

шеърлари шеърят ихлосмандларини тилидан тушмай келаётир. Буюклар ҳар куни туғилавермайди деб бекорга айтишмайди.

ЁЗУВЧИНИНГ МУҲАББАТИ

Максим Горькийнинг асл исм-шарифи Алексей Максимович Пешков. Улуг рус ёзувчиси, адабий танқидчиси ва публицисти “Фома Гордеев”, “Она”, “Артамановлар иши”, “Клим Самгиннинг ҳаёти” ва бошқа кўплаб асарлар муаллифидир. Ёзувчи Марина Игнатьевна Будберг-Бункендорфга уйланади. Уни дугоналари ҳазиллашиб, Мура деб аташарди. Улар расмий никоҳдан ўтишмаган бўлса-да, ёзувчининг учинчи хотини бўлди. Биринчи хотини Екатерина Волжина эди.

У аёл “Самара газетаси”да мусахҳиҳ бўлиб ишларди. Ёзувчи ва Екатерина 1895 йили рўйхатдан ўтишди. Ўз ижодини журналистликдан бошлаган ёзувчи Катяни ҳам рафиқа, ҳам дўст сифатида яхши кўрарди. Тарбияланган, зиёли Екатерина уй бекаси сифатида бажариши лозим бўлган барча ишларни жой-жойига қўярди. Нижнийда улар жуда кўп марталаб уйларини алмаштиришди. Ёзувчи таниқли бўлганидан сўнг, уйларига кўплаб меҳмонлар ташриф буюрадиган бўлди. Горький бу ерда зерика бошлади. Бошқа жойга кетиш орзуси унинг хаёлини банд қилди. Шундай пайтда гўзал Мария Андреева билан танишди. Москва бадий театрining бу актрисаси юқори аристократлардан бўлган А. Желябускойнинг хотини эди. Театрдаги “Бир куни” спектаклида Мария Наташа ролини ўйнади.

Уларнинг танишуви илгарироқ Севастополда рўй берганди. Ибсеннинг “Эдда Габлер” песасини қўйишаётган бир даврда сахна ортида танишишганди.

1904 йили М. Андреева Москвани тарк этади. Шундан кейин М.Горький билан уларнинг муносабатлари узилади. Орадан анча вақт ўтгандан сўнг улар яна учрашишади. Мария Андреева Горькийни нафақат санъат балки, революцион ғоялар оламига олиб кирди. Мария ёзувчи ҳамда унинг ижодига сув ва ҳаводек зарур эди. Котиба ва таржимонлигини айтмаса ҳам бўларди. Уларнинг расмий никоҳи бўлмаса-да, Мария ёзувчи билан Россия ва хорижий мамлакатлар бўйлаб саёҳатларда бирга бўлди. 1906 йили Горький М. Андреева билан Америкага борди. Улар Теодор Рузвельт ва Марк Твен қабулида бўлишди. Ёзувчи Мария Андреевани барчага рафиқам деб таништиради. У рус революцияси ғояларини фаол тарғиб қила бошлайди. Рус подшолиги Горький Америка бўйлаб саёҳатга хотинини эмас, балки жазманини олиб кетди, дея айюҳаннос солади. Улар америкаликлар назарида ёзувчини обрўсизлантириш учун шундай йўл тутганди. Шундан сўнг америка матбуоти Горькийни анархист ва кўпхотинликда айблади. АҚШдаги таниқли кишилар ёзувчининг маънавий ва моддий ёрдамидан воз кечишди. Горькийнинг Америкадаги ташрифи муваффақиятсиз тугади. М. Андреева билан ёзувчига меҳмонхонадан жой беришмади. Уларнинг ҳеч бир сўзларига ишонишмади. Газеталар ёзувчини калака қилиб мақолалар беришди.

Мария Игнатовна Будберг ёзувчи учратган на Екатерина Воложинага, на Мария Андреевага ўхшамас эди (дарвоқе собиқ кундошларнинг бир-бирларига муносабати яхши эди). Бу аёлнинг ғаройиб турмуш тарзи баъзан ёзувчини ҳам ҳайратга соларди.

Мария Будбург Горький билан никоҳдан ўтишни хоҳламасди. У турмуш қуришдан озодликни афзал кўрди. Мария Будбург ёзувчи Герберт Уэллс ва англиялик разведкачи Локкартлар жазмани эканлигидан фахрланарди.

У Горькийнинг ноқонуний хотини яъни жазмани эди. Ёзувчи айна гуллаган даврида бирон-бир аёл билан расмий тўла-тўқис оила қуриб ҳаёт кечиролмаётганидан жуда эзиларди.

Мария Будбург ёзувчининг муҳаббат ҳақида ўйлашга ундади. У эртами-кечми Горький ижодида ўз ўрнини топди. 1922-1924 йилларда ёзилган ҳикояларда Екатерина Воложина ва Мария Будбург муҳим роль ўйнашди. “Клим Самгиннинг ҳаёти” романи Мария Будбургга бағишланганди.

Нина Берберованинг таъкидлашича, 1922 йили Горький ва Мура кўп вақт бирга бўлишади. Ўшанда Мура аёл кишининг айна гуллаган палласида – ўттиз ёш эди. Ёзувчи эса ундан 24 ёш катта, эллик тўртга кирганди. Ёш бу ерда муҳим роль ўйнамасди, асосийси кўнгилда эди.

Максим Горький олдида имкониятлар топилди. У Мурани севиб қолди. Бунга эса жавоб хат олди.

Ёзувчи Германияда яшаётган бўлса-да, Россия ва ўзининг биринчи муҳаббати ҳақида ўйлади. Ҳикояларидан бирини “Кечалардан бирида” деб номлади. У интервьюларидан бирида шундай деганди: *“Мен биринчи марта “аёлларни” 18 ёшимда билгандим. Бу ҳис-туйғуларни “Кечалардан бирида” ҳикоямда тасвирлагандим”*.

Горькийнинг 1920 йилларда ёзилган “Биринчи муҳаббат” ҳикоясига қайтсак. Автобиограф характердаги бу севги қиссасида ёзувчи ўзининг ёшлигидаги, яъни Олга Юлеевна Каминский билан муносабатини ёзади. Нижний новгородлик бу аёл ёзувчидан ўн бир ёш кичик эди. Эри билан ажралиб, Сибирь сурғунидан қайтган Болеслав Петрович Корсакка турмушга чиққанди. Горький у билан 1889 йили танишганди. Олга Каминский Горькийнинг нафақат мухлиси балки, ёзувчи асарларининг адабий муҳаррири ҳам эди. Олга севги-муҳаббат ҳаёли билан яшарди. Горький эса ижод билан банд эди. Ҳар иккала ошиқ-маъшуқларнинг ички олами бир-бирига ўхшамас эди. Шунинг учун ҳам уларнинг доимо бирга бўлиши қийин кечди. Олга эри билан бирга бўлишини билгач, Алексей чидай олмади. 1889 йил февраль ойида Екатерина Волжина ва унинг эри тақдирини билиш мақсадида Самарага йўл олди. У Олга

Каминскийнинг собиқ эрига қайтиб, каттиқ афсусланаётганини ҳам биларди. Бунга унинг ёзган мактублари асос эди.

Улар ўттиз йилдан сўнг яна учрашишди. Учрашув жуда қисқа ва хаяжонли эди. Олга ва Алексей кексайиб қолишган, бешафқат вақт ўз ҳукмини ўтказиб бўлганди. О. Каминская ёзувчининг вафотидан сўнг ўз эсдаликларида шундай ёзганди: *“Қаришимда қалин мўйловлари буралган, сочлари сийрак кекса бўлиб қолган бир киши ўтирарди... Бу менинг новгородлик сочлари қалин барваста Алексейимга сира-сира ҳам ўхшамасди...”*

ЎЗ ҚОЛИПИГА СИҒМАГАН ЮРАК

“Рус шеърятининг ушлаб турган буюк кучнинг бир бўлаги – Марина Светаева 1892 йилнинг кузида Москва шаҳрида тугилиб, 1941 йил ёзи сўнггида Кама яқинидаги Елабуга шаҳарчасида ўз жонига қасд қилди. “Марина октябрь инқилобидан сўнг хорижга кетади. “Менинг бутун ҳаётим ўз кўнглим билан севишмакдан иборат. Менга ўз кўнглимдан бўлак ҳеч нарса керак эмас,” – деб ёзган эди шоира ўша пайтларидаёқ. Одатда, ўз кўнглини таянч билган кишилар бундай қарорга анча кеч ҳаётнинг кўп паст-баландликларидан кечиб келадилар. М. Светаева ўзини анча эрта таниди.

“Яратгувчим, сен менга афсоналардан гўзалроқ болалик бердинг, энди ўн етти ёшимда худди шу янглиг гўзал ўлим бер!”. Бу сатрлар Маринанинг илк шеърларидан. Бу – ўсмир шоиранинг шунчаки гапи эмас. Унинг қалбидаги муҳаббат, эҳтирос ўлчовсиз эди. Марина ана шу ўлчовсиз ҳиссиётлари билан ўзи қандай бўлса шундай яшагиси, ёзгиси келарди. У ўз ҳиссиётларини қандайдир ғояларга хизматкор қилишни мутлақо истамас эди.

1912 – 1914 йилларда Марина Светаева ҳаётида кетма-кет ўзгаришлар содир бўлди. Унинг илк шеърий китобчаси “Тунги албом” нашр этилди. Марина севди-севилди, оила курди, фарзандли бўлди, сеvimли отасидан айрилди. Лекин ҳаётнинг бу кўтарилиш-тушиш лаҳзалари шоирани эсанкиратиб қўймади. У бахтда ҳам, бахт-сизликда ҳам ўзини БОШ ҳарфли инсон сифатида тутди.

Октябрь инқилоби арафасида Маринанинг иккинчи китобчаси чоп этилди. Шоира бу китобчани “Сеҳрли ёритгич” деб номлади. Шоиранинг бу китоби олдингисидай катта шов-шувга сабаб бўлмади. Нега? Марина ёмон ёза бошлаган эдими? Асло! Фақат бу пайтга келиб ижодкорлар гуруҳ-гуруҳга бўлинган, ҳар гуруҳ ҳаётга ўз байроқдор ғояси, манфаати назаридан қараётган эди.

“Агар мен уларнинг оқимида бўлганимда, ҳеч ҳам туртилмаган бўлардим. Лекин мен барибир уларга қўшилмайман!”, деганди М. Светаева.

У яна шундай деганди: *“Мен ҳеч қандай адабий оқимни тан олмайман, чин инсоний оқимни биламан!”*

Бу гаплари билан шоира қанчалар баланд! Қанчалар унга ҳавас қилса арзийди.

Бир ёқда инсонларни тоифалайдиган давр яқинлашиб келмоқда эди. Бу давр ёвуз эди. Ўз ҳукмига, ўз доирасига кирмаганларни мажаклаб ташларди. Кирганларни эса қиёфаси, қалбини топтарди. Уларнинг ичидаги “мен” топталарди.

Марина – кўнгил, юрак фарзанди, эрк боласи эди. У шунинг учун ҳам бу гапларни айтганди.

“Менинг иккита душманам бор: очларнинг очлиги ва тўқларнинг тўқлиги”. Бу Светаеванинг шеърий хулосаларидир.

“Очлик, энг кучли одамни ҳам баъзан ўз қиёфасидан айиради. Хиёнат қилдиради, ялнтиради, ликиллатади.

Тўқлик – семиртиради, нозик, нафис ҳиссиётларни ёғ бостиради – пишиллаб нафас олишга мажбур этади”. Шунинг учун ҳам у хорижга кетганди.

– Сенинг Борис Пастернак билан муносабатинг ҳақида ҳар хил гап-сўзлар юрибди.

...Марина “қилт” этмайди. Эҳ, бечора биз! Ахир биз муҳаббатни кичкина харф билан ёзамиз ва шундай тушунамиз-ку!

Марина Светаева учун эса *“Муҳаббат одамни бир эмас, минг этади”*. Қандай муҳаббат, кимга муҳаббат, бунинг фарқи йўқ. Онийми, мангуми, инсонгами ёки бошқами – Марина бутун борлиғи билан ўзини кул-кул этиб севади.

“...Пастернак, сиз менинг биринчи шоиримсиз. Сиз менга кераксиз десам ёлгон! Сиз менинг яшашим учун кераксиз!”

“...Сизга эмас, ВУЖУДингиздаги РУҲингизга сизинаман. Биласизми, паймонангиз тўлса, Сизни дафн қилишларини эмас, ёқиб юборишларини истайман...”

“... Борис... мен сенинг исмингни шу қадар яхши кўраманки ...”

Марина шу қадар ростгўй. У Борис Пастернакка атаб ана шундай хатлар ёзганди.

Шоиранинг тадқиқотчилари уни эрининг орқасидан хорижга кетиб қолди дейишгача боришди.

“... Агар тангрим яна бир мўъжиза кўрсатиб, сизни омон қолдирса... Изингдан итдек эргашиб юрардим...”

Бу Маринанинг эри Сергей Эфронга битган мактубидан.

У яна шундай ёзганди: *“Сереженка ... исмингизни ёздим, энди буюғига мажолим қани?”*.

“Сизнинг китобчангизни ёстигим тагида тобутимгача элтаман...” Бу сўзлар Борис Пастернакка эмас, Анна Ахматовага йўлланган мактубда ёзилганди.

Сиғиниш, соғиниш, хавотир, интилиш... Марина Светаева чет элларда яшаган манзилларнинг исми бу. Тадқиқотчилар бу манзилларни Германия, Франция, Чехославакия ва яна бошқа ажнабий исмлар билан атайдилар. Аслида, Марина Светаева ўз ичида – ўз қадрдон манзилларида қийналиб-қийналиб, оғриб-оғриб умргузаронлик қилди.

“Мен бу ерга ҳеч кимга керак эмасман, у ернинг эса қолипларига сизмайман”.

“Мени Россияда бу ердагидан яхшироқ англайдилар, нариги дунёда эса у ердагидан ҳам тушунарлироқман”.

Бу ёзувлар – шоиранинг хорижий сафарлардаги дафтарларидан кўчирмалар.

Бир қараганда, Марина Светаева чет элда барча мусофир шоирлардай кун кечирганга ўхшайди: шеърлар, дostonлар, насрий асарлар ёзди. Китоблар чоп эттирди. Арзимаган чойчақаларга шеърий кечаларга борди. Эри билан узоқ вақт хорижда яшади. Фарзандлар кўрди, улардан ажралди...

Лекин шоира турли оқимларга ўтиб кетмади. Ўз юраги буюрганини қилди:

*“Сўнгги йўлга кетар дам
Икки қўлсиз қолсам ҳам
Бошим ётган кундага
Лабим билан ёзаман;
“Қаддингни тикла жоним,
Ватан сенинг имонинг!”
Яна бир шеър;
“Қўй осмонни, узоқ у
Ердаги лаблар яқин.
Аёлмассан, билмайсан,*

Бизни қарғама, тангрим”.

... Марина Светаева 1939 йили оиласи билан Ватанига қайтади. Россиядаги ахвол илгаригидек эди. Ҳукмрон ғоя қолипига сиғмаганлар озодликка, тирикликка сиғмас эдилар.

Марина Светаеванинг эрини, сўнг қизини камоққа олдилар. Ундан кейин уруш даҳшатлари бошқа ёмонликларни ёпиб юборди. Шоира 15 ёшли ўғли Георгий билан олис бир Россия шаҳарчасига сургун қилинди.

Ҳаётининг сўнгги дамларида шоира тирикчилик учун таржима билан шуғулланади. Бироқ булар ҳам шоиранинг оғир ҳаётини енгиллаштирмади. У сўнгги йўлни тутишга мажбур бўлди...

МУҲАББАТИНИ КЎМГАН АЁЛ

Нобель мукофоти соҳиби, дунёга машҳур ёзувчи Александр Солженицин 1940 йил, 27 апрель куни ўз севгилисининг суратига: “Сен тақдирингни боғлаган инсонни ҳар қандай шароитда ҳам сева оласанми?” – дея ёзганди. Александр Солженицин Наталья Решетовская исмли қизни севиб қолади. У ўз маъшуқасига ана шу сўзларни ёзиб қолдирганидан сўнг орадан 61 йил ўтди. Қиз эса бу суратдаги сўзларни умр бўйи эслаб юрди.

1936 йил Александр Наталья билан танишишади. Йигит ўз маъшуқасини Наташенька дея эркаларди. Қиз эса Александрни Саня деб атарди. Ҳар иккалалари битта жойда Ростов университетида ўқишарди. Улар яқин дўст, маслакдош эдилар. 1938 йили йигит қизни шаҳар айланишга таклиф этади. Шаҳар айлана туриб Александр қизга муҳаббат изҳор қилади. Қиз эса кутилмаган бу таклифдан аввалига эсанкирайди, кейин жаҳли чиқади. Нима деб жавоб беришини билмайди. Ўйлай-ўйлай эртаси куни розилигини билдириб

хат юборади. Шундан сўнг йигит ўзида йўқ хурсанд бўлиб қизнинг уйига боради. Улар жуда хурсанд ва бахтиёр эдилар. Келажак ҳақида ширин-ширин ҳаёл сурадилар.

Кейин тўйлари бўлиб ўтади. Ёшлар асал ойини Тарусе шаҳрида ўтказишади. Бироқ бу қувонч узокқа чўзилмади. Александр оғир касал бўлиб қолади. Врачлар уни тинчроқ жойга бориб дам олишни маслаҳат беришади. Шундан сўнг улар ўрмонга жўнайдилар. У ерда дам олиб Л. Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романини ўқишади. Александрнинг ўз маъшуқасига ҳар хил турдаги гуллар, китоблар совға қилишни яхши кўрарди.

Бу ҳақда Наталья шундай ёзади: *“Ҳаётимизни гўзал ва чиройли, тинч бошланганди. Бу ҳаётимизни уруш заҳарлади”*. Шундан сўнг узок кутишлар, ҳижрон дамлари бошланди. Уруш бошлангандан сўнг Александрни соғлиги туфайли армияга олишмади. Уларни Ростов вилоятидаги Морозов шаҳрига ўқитувчи этиб жўнатишади. Аммо Александр барибир фронтга кетади. Севишганлар бир-бирисиз туролмайди. Александр нима бўлганда ҳам Натальяни фронтга чақириб олади. Маълум муддатдан сўнг Наталья урушдан уйига қайтиб келади.

1945 йил январгача Александрдан хат-хабар келиб туради. Ундан сўнг эса ҳеч қандай хат-хабар келмайди. Манзили ўзгарганлиги хусусида ойнахат келади, холос. Александр ўн йилга қамалади. Бу Наталья учун оғир жудолик эди. У бу кўргуликка қандай чидайди. Уларни боғлаб турадиган фарзанд йўқ. Буни Александр хоҳламаганди. Бироқ ноилож чидайди. Александр Москва қамоқхонаси даврида Наталья ҳар ҳафта бориб кўрарди. Экибатуз лагерига ўтказилгандан кейин Александрга йилига иккита хат ёзишга рухсат беришади. Бироқ учрашишга ҳеч қандай рухсат этилмайди. Аммо ҳар ойда жўнатмалар юбориш мумкин эди.

Ўша йиллари ҳамма нарса рўйхат орқали бериларди. Наталья ана шу рўйхат орқали оладиган нарсаларини Александрга жўнатиб туради. Ўшанда Наталья Рязан қишлоқ хўжалик институтида кафедра мудири бўлиб ишларди.

Наталья бу ҳақда шундай эслаганди. *“Александр жўнатмани олганидан сўнг шундай ёзади: “Наталья сен мени ҳаётимни сақлаб қолдинг. Нафақат ҳаётимни ўзимни ҳам асрадинг!”*

Наталья шундай қилиб ўз севгилисини ўттиз уч ёшгача сабрсизлик билан кутди. Аммо Александрнинг келиши аниқ бўлмаганлиги учун ўз ҳамкасби Всеволод Сапов деган киши билан тақдирини боғлади. Александрнинг қамоқхонадан қачон қайтишини ҳеч ким билмасди. В. Сапов билан никоҳдан ўтмай яшайверишади. Шу боис улар беш йил бирга яшади. Наталья узоқ кутишлардан, ҳижрон азобидан чарчаб, ниҳоят шундай йўл тутганди. Узоқ йиллик азоб-уқубатлардан кейин Наталья Сапов билан бир умр бирга яшашга ҳам рози эди. Бироқ унинг ҳаётига яна Александр қайтади. Кейин улар биргаликда Рязанда тинчгина яшай бошлашади. Наталья ўзининг севгилиси қайтганидан ғоятда севинади. Энди ҳаммаси ўз изига тушишига бутун юраги ва қалби билан ишонади. Биз энди бахтли ҳаёт кечирамиз деб ўйлайди. Александрнинг ижодий ҳаётига тўла-тўқис кириб кетади. Наталья севгилисининг машинкачиси, кейин котибаси бўлади. Александр ҳам ўз ҳаётидан мамнун эди. У ўз маъшуқаси билан умрининг охиригача яшашга ваъда беради.

Бироқ ҳаёт бошқача экан-да. Баъзида инсонга ўз ҳукмини ўтказаркан. Александр Наталья Светлова исмли аёлни севиб қолганини хотинидан бир йилгача яшириб юради. Улар бирга дам олишга кетишганда Н. Светлова ҳомиладор бўлиб қолади. Дунёнинг ишлари қизиқ-да. Александр ёшлигида фарзандли бўлишни истамаганди. Лекин 50 ёшга кириб фарзанд кўришни

истайди. У энди ҳаётга бошқача назар билан қарай бошлайди. У ҳамма нарсани унутади. Ижод, китоблар, севимли рафикаси барчаси ортиқчадай туюлади.

Наталья жуда қийин аҳволда ҳам севимли кишисидан, ҳам ишидан айрилди. Александрнинг бу ишини пасткашлик дейиш мумкин эди. Шу воқеа бўлиб ўтгандан кейин бир йилдан сўнг Александр ажралиш ҳақида сўз очади. Улар шу давргача бирга яшаб келишади. Шундан сўнг судга югур-югурлар бошланади. Иккинчи маротаба суд бўлади. Судда Натальядан фамилянг Решетовскаями деб сўрашади. У эса жавоб бермай ўйлайдики, фамилиямни сўраяптими, демак бизни ажратишади. Суд залидан йиғлаб чикиб кетади. Александрни судга беради. Учинчи марта ҳам суд ажрим чиқармайди. Кейин Александр илтимосидан сўнг ҳеч қандай жанжалсиз ажралишади.

Наталья ажралишганларидан сўнг Борзовкадаги дала ҳовлиларига боради. Ўша ерда ўз муҳаббатини кўмади. Дала ҳовлидаги ёнғоқ тубини ковлаб Александр совға қилган суратни салафан қоғозга ўраб кўмадида ажрашган куни – яъни 1972 йил, 22 июль деб ёзиб қўяди. Александрга бу ҳақда ҳеч нарса демайди. Орадан анча вақт ўтгандан кейин Александр ёнғоқ тагини юмшата туриб тасодифан суратни топиб олади. Александр Натальянинг бу ишидан ҳайрон бўлиб жаҳли чиқади. *“Сен тирик одамни кўмишига қандай журъат этдинг?!”*

Орадан йигирма йил ўтиб Александр хориждан келгандан сўнг Наталья ушбу суратни қазиб олади. Сурат эса яроқсиз ҳолга келиб қолган бўлади. Шундан кейин уни йиртиб ташлашади.

Наталья ҳаётнинг бу аччиқ аламларига чидолмай 18 дона уйқу дорисини ичади. Аммо худо уни сақлайди.

Натальядан, сиз ҳаётигиздаги бундай қийинчиликларга қандай чидадингиз, деб сўрашганда, “Мен ҳаётимни иккига бўлдим. Александр билан яшаган даврларим ва ундан сўнгги ҳаёт. Мен ҳозир ҳам унинг севгиси билан яшайман”, – деб жавоб берган.

БЕВАҚТ УЗИЛГАН ЯПРОҚ

Владимир Высоцкий кўшиқларини мириқиб эшитмаган ва у ўйнаган киноларни кўрмаган одам бўлмаса керак. Шоир сифатида ҳам у анчагина машҳур эди. Унинг ижоди ўтган асрнинг 70-80 йилларида гуллаб-яшнади. В.Высоцкий ўша даврдаги раҳбарлар учун кутилмаган бир ҳодиса эди. Шунинг учун у жуда кўп таъқибларга учради. Ҳар қандай таъқиблар, тўсиқлар бўлмасин, у барибир ижод қилишдан бир дақиқа ҳам тўхтамади. Кўпчилигимиз бу инсон ижоди ҳақида матбуотда ва китобларда кўп ўқиганмиз, киноларда кўрганмиз. Бироқ унинг буюк муҳаббати тўғрисида нималар биламиз? Унинг қалбини ром этган соҳибжамол ким эди ўзи?

У машҳур фаранг актрисаси Марина исмли аёл эди. Марина асли россиялик бўлиб, уни Париждан Москвага кинофестивалларга тез-тез таклиф этишарди. У роль ижро этган фильмлар собиқ Иттифоқ кино экранларида, телевидениеда намоиш этиларди. В.Высоцкий бу актриса билан яқиндан таниш бўлмаса-да, уни роллари орқали ёқтириб қолганди. Марина ҳам бу машҳур кўшиқчи, актёр ҳақида кўп бор эшитган, киноларда кўрган бўлса-да, бироқ яқиндан таниш эмас эди. Ниҳоят, 1968 йили Маринани яна Москва кинофестивалига таклиф этишади. Ўшанда улар илк бор учрашишади ва бу учрашув уларнинг узок йиллик пинҳона интилишларини муҳаббатга айлантирди. Ҳақиқий муҳаббат олдида эса барча нарса ожиз қолди. Улар бола-чақали, уч маротаба оила

курғанларига карамай, мухаббат ришталари билан бир-бирларига каттик боғланиб қолди...

Ўша даврдаги қонун-қоидага биноан совет кишисига хорижий фуқаро билан оила қуриши мумкин эмасди. Бироқ Владимир бу чегараларни бузиб бўлса-да, ўз мухаббатига эришишга ҳаракат қилди ва мақсадига етишди ҳам. Уларнинг висол онлари осонликча келмади. Марина онаси ва болалари билан Москвага кўчиб келди. Владимирнинг уч, Маринанинг эса икки нафар фарзандлари бор эди. Улар ўз оиласи билан ажрашди. Аммо бу икки ошиқ қалб не-не азоб-укубатларни бошдан кечиришмади. Уйларини ўғрилар икки маротаба шип-шийдон қилиб кетишди. Ушбу хабарни эшитган Марина эса бу бедодликдан жуда каттик изтироб чекса-да, дардини ичига ютиб, шундай деди: *“Бор-йўғи шуми, мен болаларга бирор нарса бўптимиз дебман, биз бахтлимиз, ижод қиляпмиз, ҳаёт гўзал”*. Уларга қанчалик жабр-зулмлар қилишмасин, мухаббат ришталари уларни янада маҳкамроқ жипслаштирди.

Доимий асоссиз таъқиблар, уйдан-уйга кўчиришлар — буларнинг барчаси уларнинг мухаббатига, ижодига тўсқин бўлолмаса-да, буларнинг барчаси В.Высоцкий соғлигига яхшигина путур етказди. Чунки инсон иродаси темирдан эмасда, унда юрак, асаб бор. Бундай ноҳақликлар ва бедодликларга бардош бериши қийин. Унга бир неча бор касалхоналарда даволанишлар ҳам кор қилмади. У оғир хасталикка дучор бўлганди. Марина Влади ўз севикли ёрини даволаш учун кўлидан келган барча ёрдамларини аямади. В.Высоцкий ўз суюкли Маринасига ёрига содиқлигича ҳаётдан кўз юмди. Фанимлари унинг бошига етишган бўлишса-да, бироқ у яратган қўшиқлар, ўйнаган роллар ҳамон тирик. Аммо В.Высоцкий вафотидан сўнг, унинг буюк инсон ва мухаббат эгаси эканлигини тушуниб етишганда эса кеч бўлган эди.

Марина Влади бу айрилиқни ҳеч ҳазм қилолмади. Ниҳоят, бошдан ўтказган ғам-ғуссалари тўғрисида китоб уни рус тилида чоп эттирди. Ушбу китобда ўз ҳаётий йўллари ва мухаббатларини очиқ-ойдин баён қилиб берди. У бу ҳақда

шундай ёзганди: “Қрим обсерваторияси астрономлари Марс ва Юпитер орбитаси оралигида очилган сайёрага Влад Высоцкий номини беришибди. Ушбу сайёра Халқаро каталогда 2374 рақам билан белгиланди. Мен ҳар доим юлдузларга қараб, ушбу сайёралараро улкан галактика ўртасида менга тегишли жой бор дея ўзимга-ўзим тасалли бераман. Бу муаллақ борлиқдаги жой менинг умр йўлдошим номи билан аталади”.

ЮРАК МАСОФА БИЛМАС...

Машҳур артист Юрий Никулин иштирок этган киноларни ким севиб томоша қилмаган, унинг латифаларидан ким ҳам мириқиб кулмаган дейсиз? Буюк артист умрининг сўнгги ўн йилини Киевлик бир аёл билан боғлади. Улар аввалига дўстлашибди, дўстлик эса муҳаббатга айланди. Воқеа шундай рўй беради. Киевлик Валентина Григорьевна исмли аёл жиянини (укасининг қизини) Москванинг марказий булваридаги циркка олиб бормоқчи бўлади. Бироқ цирк чипта сотиб олиш қийин. Нима қилиш керак? Ўйлай-ўйлай Киевдан туриб, Юрий Никулинга хат орқали мурожаат қилади. Хатига Никулиндан жавоб олган аёл хурсандчилигининг чеки йўқ эди.

Чарли Чаплин, Олег Попов, Юрий Никулинларнинг ашаддий мухлиси бўлган Валентина “Кавказ асираси” ва “Бриллиант қўл” кинокомедияларини қайта-қайта кўриб тўймасди. Унга айниқса, Ю. Никулин жуда ёқарди. У билан танишиш бирдан-бир орзуси эди. Унга шундай бахт насиб этди. Жавоб хати келганида у осмоннинг еттинчи қаватида эди гўё. Оддий француз тили ўқи-тувчиси нафақага чиқиб шундай машҳур инсон билан танишади деб ким ҳам ўйлабди дейсиз? Валентина кунларнинг бирида кўп ўйлаб ўтирмай жияни билан Москвага йўл олади. Циркдаги томошалардан ҳайратланган Валентина хаяжондан ўзини тутолмай Ю.Никулинга битган миннатдорчилик мактубини

навбатчига қолдириб, ортга қайтади. Мактубни ўқиган Юрий Валентинага кўнғироқ қилиб, спектакль ёққанидан хурсандлигини айтади ва уни бир ойдан кейинги премьерасага таклиф қилади.

Бу сафар Валентина циркка ёлғиз келади. Уни Юрий Никулиннинг ўзи кутиб олади. Улар бир соатдан кўпроқ суҳбатлашишади. Валентина Юрийга бутун ҳаётини сўзлаб беради. Шундай қилиб дўстлик ришталари боғланади. Улар телефонлашиб, хат ёзиб туришади. Валентина Москвага келганида қабулхонада Ю. Никулиннинг одамларни қабул қилиб бўлишини соатлаб кутарди. Ажойиб, мустаҳкам оиласи бўлишига қарамай, Ю. Никулинни яхши кўрадиганлар кўп бўлган. Шундай бўлса-да, у ўзини ёлғиздек ҳис қиларди. Кейинги пайтда интервью бера туриб ўзи ҳақида беҳосдан ножўя сўз айтиб юборгани учун энг яқин дўсти Е.Моргунов билан муносабатлари бузилиб, иккала дўст орасига совуқчилик тушади. Шундан сўнг Ю. Никулин Валентинага шундай хат ёзади:

“17.01.1995 й. Азиз ва ҳурматли Валентина Григорьевна! Ҳаёт ўз оқимида кетмоқда. Эски йил билан ўз вақтида хайрлашдик. Латифалар китобимнинг янги нусхалари қўлимга тегди. Петербургда ўтказилган танловда “Олтин Остип” мукофоти совриндори бўлдим. Шундай янгиликлар қатори ноҳушликлар ҳам бор. Жуда кўп дўстларимдан айрилдим. Бундан изтиробдаман...”

Улар жуда яқин ҳамдард, ҳамфикр, маслакдош эдилар. Валентина бир йилда икки-уч маротаба Москвага келиб, қариндошиникида яшарди. Ю.Никулин билан эса циркда ёки цирк кафеида учраишар эди. Келаси гал Валентина Москвага келганида Юрий Владимирович қизиқарли дастурга тайёргарлик кўраётган эди. У Валентинага Катта опера ва балет театридаги энг зўр спектаклга таклифнома беради. Навбатчи аёл кўлидаги чиптада Ю. Никулин имзоси борлигини кўриб хайратдан ёқа ушлайди. *“Мен у билан циркда бирга ишлаганман, — дейди қувончини яширолмай. — У шундай ажойиб инсонки, антрактда келсангиз, мен сизга ажойиб нарсаси кўрсатаман”.*

Валентина театрда юкори лавозимдагилар ўтирадиган қатордан жой олади. Антрактда навбатчи аёл олдиға боради. У Валентинани мансабдор меҳмонлар қабул қилинадиган хонаға бошлаб киради. Валентина ҳаммаёғи зарҳал ипларда тикилган матолар билан безатилган хонани кўриб ҳайратдан донг қотиб қолади. Кечкурун Ю. Никулин телефон қилиб, Валентинадан таассуротларини сўрайди. У эса тўлқинланиб гапириб беради. Бу хонани ҳаттоки Ю. Никулинга ҳам кўрсатишмаган экан.

Юрий Никулин сермулоҳаза, ажойиб, бағри кенг инсон эди. Валентина телефонда ёки ёзган хатларида Юрийдан рафиқаси Татьяна Николаевна ҳақида сўраганда у доимо илиқ ва яхши фикрларни айтган.

Юрийнинг онаси уйлари ёнида йилқичилик фермаси жойлашгани боис ўғлини от босиб кетиши мумкинлигидан жуда кўрқарди. Онаси ҳар қанча эҳтиёт қилмасин Юрий Владимирович от остида қолади. Ўша отчопар Таня онаси билан Юрийни кўргани касалхонаға келади... Бу қизалоқ келгусида Юрий Никулинга турмушга чиқади.

“Азизим Валентина Григорьевна, узоқ вақтдаги жимликдан сўнг яна мактуб йўллайман. Влад Листев ўлдирилганидан кейин Сизнинг хатингизни олдим. Мен ҳам сизга ўхшаб кўп сиқилдим. Чунки мен ҳам бу инсонни яхши кўрардим. Ўлимидан уч кун олдин кечкурун “Оқ тўтиқуш” клубига келди. Менинг олдимга кириб юзларимдан ўтиб шундай деди: “Ҳурматли Юрий Владимирович, сиз тасаввур қилолмайсиз, мен сизни кўрганимдан гоятда бахтиёрман”. Ўйлашимча, унинг ўлими худди бошқа қотилликлар сингари “Асрнинг сири” бўлиб қолади. Жуда қўрқинчли даврда яшаймиз...”

1996 йил, 18 декабрда Ю. Никулин Валентинани ўзининг 75 йиллик юбилейига таклиф қилади. Шу ерда у Ю.Никулиннинг хотини билан танишади. Валентина азиз инсон учун нима совға қилишини билмай боши қотади. Ўйлай-ўйлай қадимги кумуш вазани ҳадя қилади. Юбилей цирк биносида ўтказилиб, унда артистлар, режиссёрлар, ёзувчилар ва бошқа машҳур инсонлар иштирок

этади. Валентинани энг азиз меҳмон сифатида Юрийга яқинроқ жойга ўтказишади. Ю.Никулиннинг оила аъзолари бирма-бир сўзга чиқишади. Юрий Владимировичга “Никулин” рақамли автомобиль ва бошқа қимматбаҳо совғалар тақдим этилади. Валентина ўшанда Юрий Владимировични сўнгги марта кўраётганини билмасди...

Юрий Валентинага телефон қилиб, ўзини ёмон ҳис қилаётганини, касалхонага ётишини айтади. Ўша кунлари Валентина ёмон туш кўради. Шундан кейин у Ю. Никулиннинг уйига, дала ҳовлисига қўнғироқ қилади. Афсуски, телефонга ҳеч ким жавоб бермайди. Кечқурун Татьяна Николаевна эрини операцияга тайёрлашаётгани ҳақида Валентинага хабар беради. Бир неча кундан сўнг машҳур актёр вафот этади...

“Ассалому алайкум, азизим Валентина Григорьевна! Мушаклар, шовқин-суронлар овози аллақачон тинди. Ойлик фильмлар намойиши тугади. Айримларида камина иштирок этдим. Совғалар тақсимлаб бўлинди, баъзилари шундоқлигича қолиб ҳам кетди. Сизнинг вазангиз эса столимни безаб турибди. Ниҳоят ҳаяжонли дақиқалардан узоқлашдим. Мен бу беъмани байрамни ўтказмасликка бекорга қариши чиқмагандим. Ахир мамлакатда нималар содир бўляпти? Мен дунёнинг турли бурчакларидан жуда кўплаб хатлар олардим. Ҳозир ҳам юзлаб мактуб келади. Улардан икки-учтаси дастхат ёки совгага китоб сўраса, аксарияти кундалик яшаши учун, операцияга, дори-дармонга пул жўнатишимни илтимос қилишади. Айримлари мени иш жойимдан ҳам топиб олишади. Ярим йил олдин ўғлим Максим билан бир неча ёлғиз ва ёрдамга муҳтож москваликларга ёрдам қилдик. Уларни касалхонага жойлаштирдик, ногиронлик аравачалари сотиб олиб бердик ва ҳоказо. Уларни меҳмон қилиш учун Москванинг марказидан жой ажратишга муваффақ бўлдик. Шу ишларни амалга оширганимдан сўнг мен ўзимни жуда енгил ҳис қилдим. Хўш, қолганларга қандай ёрдам бериш керак? Оилам ҳақида айтадиган бўлсам, Татьяна Николаевна ўпкасини шамоллатибди, кучукларим ҳам касал

бўлишди. Бу йил қиш ёгин-сочинли келди, ҳаммаёқ лойгарчилик. Циркда эса ишлар ўша-ўша. В.Черномирдин бизга битта автобус ва юк машинаси совға қилди. Бу қутилмаган совгадан ҳаммамиз хурсандмиз. Арзимас маош билан буларни сотиб ололмасдик. Мен ўша куни гала-говурда сизга яхшироқ қарамаганимдан ўзимни кечиролмаяпман. Ҳурмат билан Сизнинг Никулинингиз”.

Юрий Никулин вафотидан сўнг Валентина Москвадан қадамини узди. Унинг учун Москва ҳам, цирк ҳам ўз қийматини йўқотганди. Барча нарсага бефарқ, уйдан кўчага кам чиқадиган бўлиб қолди. У ёлғиз яшарди, чунки бефарзанд эди. Энг яқин кишисини топганида ундан ҳам айрилди. Бир кам дунё деб шунга айтсалар керак-да...

«БИР ЮРАКНИНГ ИККИ ТОРИ»

Нобель мукофоти соҳиби, собиқ Иттифоқнинг сўнгги президенти Михаил Горбачёвнинг оилавий ҳаёти ҳам қизиқ бўлган. Урушдан кейинги йиллар бал рақслари урфга кирганди. Михаил Раиса билан ўшандай рақс кечаларининг бирида танишиб қолади. Ётоқхонада дарс тайёрлаб ўтирганда дўсти Володя Либерман кириб келади-да: “Балга шундай бир ажойиб қиз кептики. Юр, сенга уни кўрсатаман” дейди. Михаил эса университетда камми улар, деб тихирлик қилади. Дўсти эса уни қистаб қўймайди. Михаил шу баҳонайи сабаб Раиса билан танишади. Қизни кўрган заҳотиёқ, йигитнинг юраги жиз этиб уни ёқтириб қолади. Қизнинг ўзини тута билиши, кийиниши, хушбичимлиги уни ўзига ром этади. Улар шундай қилиб танишиб қолишади ва ярим йил бирга юришади.

Шундан сўнг Михаил Раисанинг кўлидан ушлаб олиб, севги изҳор этди. Шу тарзда бу икки жувфтлиқ умр бўйи бир-бирини кўлини ушлаб юрадиган бўлди.

Орадан икки йил ўтгач, уларнинг тўйлари бўлиб ўтди. Тўйга маблағни Михаилнинг ўзи ишлаб топди. Тўйдан сўнг Михаилнинг ота-онасига билдириш учун уларнинг уйига боришди. Уйдагилари бу янгиликдан хурсанд бўлишди.

Университетни тугатганидан сўнг улар Москвадан Ставрополга кўчиб кетишди. У ерда ҳам уйсизлик, турмуш қийинчиликларини бошдан кечиришди. Орадан бир йил ўтиб, оилаларида бахтли воқеа юз берди, яъни фарзандли қизли бўлишди. Ёшлар ўз оилавий тақдирларини ўзлари яратишга ҳаракат қилишарди. Раиса Максимовна талабалик давридаёқ дид билан қийинишга, ташқи ва ички оламини бирдай тутишга интилиб яшаган. Бу эса Михаил Сергеевич характери ва ички дунёсига мос тушган. Унинг ўзи шундай деганди: *“Биз бир юракнинг икки торимиз”*.

Ўша даврда фақат партия аъзоларинигина масъул ишларга олишарди. Раиса Максимовна партия аъзоси бўлмаганлиги учун философия ўқитувчилигига ишга қабул қилишмайди. Кутубхоначи бўлиб ишга жойлашади. Партияга қабул қилингандан сўнггина ўқитувчиликка ишга олишади. Михаил Сергеевич эса қишлоқ хўжалик институти аспирантурасига кириш имтиҳонларини топширади. Аспирантурани тугатганидан сўнг Михаил Горбачёвни Ставропол ўлкасининг иккинчи котиблигига ишга олишади. Икки йилдан кейин шу ўлканинг биринчи котиби лавозимига кўтаришади. М.Горбачёвнинг энди омади юришганди. У катта обрў-эътиборга эга бўлди. Оилавий муаммолар ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлди. Шаҳар комитети ва ўлка биринчи котиблиги даврларидаёқ омма олдида рафиқалари билан келиш талаб этиларди. Улар кўп жойларда эр-хотин бирга чиқишарди. Шундан сўнг уларнинг сиёсий ҳаётлари бошланди. Омма олдида Раиса Максимовна эрини уялтириб қўймасликка ҳаракат қиларди. Бу ҳолатлар ўта жиддийликни талаб этарди. Бундай масалаларда ҳар иккалалари ҳамфикр ва ҳамжиҳат эдилар.

Ишдаги муваффақиятлар М.Горбачёвни янада юқори лавозимларга кўтарилишга имкон яратди. Собиқ Иттифоқининг биринчи котиби Л.

Брежневнинг тавсияси билан М. Горбачёв Марказий қўмита секретарлигига ишга таклиф этилди. В.Черненко вафотидан сўнг М.Горбачёв Марказий Қўмитанинг биринчи котиби этиб сайланди. Улкан қудратли мамлакатда узок йиллар ҳукм сурган турғунлик даврида энди эскичасига яшаб бўлмаслигини тушуниб етди. Бутун мамлакат бўйлаб қайта қуришни бошлаб юборди. Бирок бу қайта қуриш кўп жойларда ҳар хил муаммоларни келтириб чиқарди. Республикаларда тўпланиб қолган масалаларни юзага қалқитиб чиқарди. Натижада, кутилмаган воқеалар содир этилди. Республикалар мустақилликни талаб қила бошлади. Айримлари мустақилликни эълон қилишди. Қудратли давлат парокандаликка юз бурди. Катта мамлакатда парчаланиш пайдо бўлди. М. Горбачёв эса бунга йўл қўйиб беришга мажбур бўлди...

Барча оилаларда бўлганидек, бу оилада ҳам муаммолар йўқ эмасди. М. Горбачёвни шу пайтда президент этиб сайлашди. Президентнинг хотини омма орасида бир хил кийимда чиқиши мумкин эмасди. У ўзининг эски кийимларини сотиб бўлса-да, янги-янги модада кийимлар тикдиради. Р. Горбачёвнинг кийим танлашда диди бор эди. У ҳар хил гап-сўзларни, ғийбатларни ёмон кўрарди. Оилавий муҳит эса барқарор эди.

Собиқ Иттифоқ тарқалиб М. Горбачёв президентликдан кетгач, улар Германияга кетиб ўша ерда яшай бошлашди. Бу воқеалар Раиса Максимовнага қаттиқ таъсир қилди. У анча соғлигини йўқотди. Унинг асоратлари Р. Горбачёвнинг тузалмас касалликка гирифтор қилди. Шу касаллик туфайли у Германияда вафот этди. М. Горбачёв энг яқин маслаҳатчиси, вафодор умр йўлдошини хорижда йўқотиб, ўзи яна Россияга қайтиб келди. Россияда М.Горбачёв жамғармаси ташкил этилган у турли жойларда лекциялар ўқиб, шу асосда ўз жамғармасини бойитиб келмоқда. Юксак парвоз этган инсоннинг ҳаёти ана шундай якун топди. Нима бўлганда ҳам у тарихда ўзининг номини муҳрлаб қўйди.

ЖАН-КЛОД ВАН ДАММ: У ҲАЁТИМ МАЗМУНИ ЭДИ...

Дунёга машҳур актёр Жан-Клод Ван Даммнинг кинода ўйнаган ролларини барчамиз бирдек мириқиб томоша қилганмиз. Бироқ актёрнинг ижоди ва оилавий ҳаёти ҳақида аксариятимиз тўлиқроқ маълумотга эга эмасмиз. Асли келиб чиқиши белгиялик бўлган киноактёр Жан-Клод Ван Даммнинг ҳақиқий фамилияси Ван Варенбургдир. Жан-Клод Ван Дамм роль ўйнаган бир неча ўнлаб жангари фильмлар кимларни ҳайратга солмаган, дейсиз? У сурагга тушган ўнлаб фильмларни қизиқиб томоша қилганмиз. Мисол учун, “Безорилар кўчаси”, “Қонли спорт”, “Қора бургут”, “Олий табақа”, “Рухсатсиз кетиш”, “Икки томонлама зарба”, “Универсал солдат”, “Қочишга жой йўқ”, “Қийин мўлжал”, “Вақт патрули”, “Кўча жангчиси” ва бошқа фильмларда қойилмақом қилиб роллар ижро этган. “Рухсатсиз кетиш” ва “Икки томонлама зарба” фильмлари сценарийларига эса ҳаммуалифлик ҳам қилган.

Жан-Клод Ван Дамм замонавий киножангари дунёсида ноёб истеъдод соҳиби ҳисобланади. Ғарб социологларининг олиб борган тадқиқотлари кўра, бу актёр ўйнаган жангари роллари билан тенги йўқ актёр дея эътироф этишган. У ўзига топширилган ролларини маромига етказиб ижро этган.

Машҳур актёр 1960 йили 18 ноябрда зиёли оиласида Брюсселда туғилган. У ёшлигида фортепиано чалишни яхши кўрарди. Бундан ташқари, классик ўйинларни ўйнаш ва расмлар чизиш унга завқ бағишлаган. Актёр киноларда роллар ижро эта бошлаши билан спортга қизиқиши пайдо бўлди. 1972 йили бутун дунёда Брюс Ли номи баралла жаранглай бошлагандан кейин 11 ёшли Жан-Клодни отаси карате бўлими олиб келади. Дармонсиз, катта кўзойнак тақиб олган болакай, эрталабдан кечгача фильмларни томоша қиларди. Балки ўшанда унинг ёш мурғак қалбига киноларда роллар ижро этиш муҳрланиб қолгандир. Нима бўлганда у энг қийин ва машаққатли йўлни танлади.

Боланинг спортга ниҳоятда кучли қизиқишини сезган мураббийи Гетцу унга жуда кўп вақтини ажратадиган бўлди. Бу албатта бежиз эмасди. Шогирдлари орасида бу боладан нимадир чиқишини сезарди. Шу боис ҳам унга алоҳида меҳр билан қарайдиган бўлди. Бунинг учун эса Ван Дамм ўз мураббийидан ҳар қанча миннатдор бўлса арзийди. 1978 йили Ван Дамм қора белбоғ имтиҳонини муваффақиятли топширди. 1980 йили саралаш бўйича ўтказилган мусобақада германиялик Дитрих Таргиллзани нокаутга учратди. Натижада профессионаллар ичида ғолиб бўлиб, Европа чемпиони деган номга сазовор бўлди.

Спорт соҳасида эришган катта муваффақиятлари унга куч ва илҳом бағишлади. У бундан илҳомланиб Брюсселда “Калифорния” спорт клубини очди. Бу билан у ёшлар орасида анча обрў-эътиборга ҳам эга бўлди. Спорт бизнеси унга яхшигина омад келтирди. Унинг яшаши учун уй-жойи ҳам йўқ эди. У уй, машина сотиб олди. Устига-устак банкда мўмайгина даромадга ҳам эга бўлди. Ҳаётдаги бундай муваффақиятлар уни янги-янги марралар сари етаклади. Бироқ ҳаётда шунча муваффақиятлар эришган бўлса-да, киноларда роль ўйнаш унинг бирдан-бир орзуси бўлиб қолаверди. Хоҳ маҳаллий ва европа чемпионатларидами ёки машқ майдонларидами, ҳуллас қаерда бўлмасин фикри-хаёли фақат кино бўлиб қолди. У бутун мол-мулкини сотиб голливудни забт этиш учун у томонга қараб йўл олди. Ван Дамм барча кўчмас мулк маблағини банкка қўйиб, ўзи озгина маблағ билан Америкага келди.

Аммо Голливудда уни ҳеч ким кутиб турмаганди. Биринчидан, у инглиз тилини ҳам унча яхши билмас эди. Бундан ташқари, бегона бир мамлакатда бирорта ҳам таниши йўқ. Шундай бир қийин шароитда катта муваффақиятларга эришишнинг ўзи бўладими. Чўнтагидаги бор маблағи ҳам тезда тугаб қолди. Шундан сўнг Ван Дамм дуч келган ишда ишлай бошлади. Дастлаб официантлик қилди, кейин пицца тарқатувчи, сўнгра ҳайдовчилик ва кечки клубда ишлаб умргузаронлик қилди. Шу билан бирга шахсий продюссерлик рекламаларида ўз актёрлик маҳоратини ва мускулини ҳам кўз-кўз қилишни унутмади.

Ниҳоят, 1986 йили продюссер “Кэннон фильмз” Мена Хем Голлан ўзининг маҳоратини намоиш қила олган бу “сурбет” йигитни синаб кўриш учун унга миллион доллар маблағ ажратди. Бир куни продюссер кинокомпания раҳбари “Беверли Хиллз” ресторанидан чиқиб кетаётганида икки нафар безори унга хужум қилиб қолади. Шунда Ван Дамм безориларни ер тишлатади. Шу баҳонаи сабаб йигитдаги маҳоратни сезган Голлан уни кинога ишга таклиф қилади...

Шундан сўнг кетма-кет киноларда унинг жаҳоншумул роллари пайдо бўла бошлайди. “Қонли спорт” кейинроқ эса “Қора бургут” фильмларида Ван Дамм қаҳри қаттиқ хавфсизлик хизмати ходими ролини ўйнайди. Хуллас, кинода унинг омади келиб машҳурлик чўққисига эришди. Ван Даммнинг биринчи жангари фильмлардаги муваффақиятлари дастлаб Европа ва Осиёда кейин бутун дунё бўйлаб тарқалди.

Ван Дамм ўйнаган киноларни ошкора эмас яшириб сотишарди. Актёр кўпдан-кўп интервьюларида “Мен фақат шу ҳолатдагина эмас, бошқа аудиторияларни ҳам забт эта оламан. Майли менинг янги фильмим тарихнинг очилмаган саҳифаси бўла қолсин” деганди. Ван Дамм ҳаётининг юқори поғоналарга кўтарилишида аёллар фақатгина томошабин эмас, балки асосий ролни ҳам ўйнаб келишди. Интервьюларидан бирида у аёллар баъзи эркаклардан ҳам ақллироқдирлар. Аммо ҳақиқатан ҳам севиб қолганларидан сўнг ақлларини йўқотиб қўйишади, деб айтганди.

Европалик ва голливудлик гўзаллар билан актёр ҳақидаги миш-мишлар спортчи Ван Даммни киноюлдузга айлантирди. Ван Дамм кино соҳасида яхшигина танила бошлаган бўлса-да, лекин ҳали уйланмаганди. У клубда бирга қатнайдиغان Мария Родригес билан яқиндан танишиб қолади. Улар оила қуришга аҳду паймон қилишади. 1980 йили уларнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтади. Ўша йиллари Ван Дамм кино соҳасида юқори чўққиларга эришиб, жуда машҳур бўлиб кетганди. Унга турмушга чиқишни хоҳловчилар ниҳоятда кўп эди. Шу

боис ҳам у бу машҳурликдан боши айланиб қолди. Уни бироз бўлса-да, тинч қўйишмас эди. Бундай шон-шуҳратни тушида ҳам кўрмаган бечора болакай лолу хайрон эди. Кечагина бир тийинсиз, таниш-билиши йўқ эди. Бугун эса дунёга машҳур бир инсон. Киноларда роль ўйнаш унга куч-қувват завқ бағишларди. Чунки унинг орзуси ушалганди-да. Тўйларидан бир йил ўтгандан кейин у Парижда таниқли актриса Жаклин Биссе билан танишади. У аёл кино соҳаси билан жиддий шуғулланишни маслаҳат беради. Балки худди шу нарса унинг Мария билан ажрашиб Голливудга йўл олишига туртки бўлгандир. 1985 йили унинг Голливудга доимий яшаб ижод қилиб қолиши учун ўйинчи қиз Сенти Дердерян сабабчи бўлади. Улар биргаликда оила куришади. Бироқ хотинининг ўта рашкчи эканлиги, уйда доимий жанжаллар туфайли у билан ажралишга мажбур бўлади.

Ниҳоят, унинг ҳаётига мускулист спорти бўйича АҚШ чемпиони Глэдис Португес кириб келди. У бу аёлни ўзининг ҳаётим мазмуни деб айтганди. Актёр бу аёл билан оила қургандан сўнг ростдан ҳам ҳаётда бахтини топгандек бўлди. У ўз эрини қўллаб-қувватлади, унга ҳар томонлама ёрдам берди, қийин вазиятларда ёнида мададкор бўлиб, керак бўлса маблағ ва зарур маслаҳатларини аямади. Улар икки нафар фарзандли бўлишди. Ван-Даммни намунали оила деб аташадиган бўлишди. У ўз хотини ҳақида соатлаб сўзлаши мумкин эди. Мабодо кўзлар бир-бирига тўқнаш келганда юраклар олов бўлиб ёнарди. Бир-бирига сўз тополмай қолишарди.

1992 йили Жан Клод ўз хотини Глэдис билан Канн фестивалига ташриф буюради. Унда йиғилган бутун омма уларни омадли жуфтлик дея олқишлайди. Бир йилдан сўнг яна худди шу фестивалда хотинининг энг кадрдон дугонаси Дарси Лальерга ишқий муносабатлари бошланди. У Фрэн Синатр уюштирган зиёфатда оилали аёлни севиб қолади. Зиёфатга Дарси эри ва Жан Клод ҳам оиласи билан боришганди. Такдирни қарангки улар битта столда ўтиришарди.

“Мен ўзимга қадалган ўтли нигоҳлардан аввалига ниҳоятда кўрқиб кетдим. Гўёки худди электр токи ургандек бўлдим. Барча йиғилганлар шоуни кўраётган бўлишса, биз бир-биримизга еб қўйгудек боқардик. Гладис ва Дарси гўёки тасодифий бир-бирига ўхшаб қолгандек эди. Улар бир хил кўйлак кийиб олишганди. Мен ўзимча ўйлардим. Йўқ бундай бўлиши мумкин эмас, деганди кейинчалик актёр. Глэдис жуда ажойиб аёл. Аммо негадир мен унга муносиб эмасдек туюлаётганди. “Муаммо шунда эдики, биз ҳар доимо ҳам бир-биримизни тушуниб етавермасдик. Мен аввалига биз бир-биримизни севгандик деб ўйлагандим. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Аммо наилож бунақа бўлиши кимнинг ҳам хаёлига келибди, дейсиз...”

Мен Дарсининг қалбига йўл топа олдим. У ақлли аёл... ҳар дақиқада мени лол қолдиради. Менинг барча истакларимни сўзсиз бажарарди... Мен биламанки ҳар доимо Глэдисга ёрдам бераман. Биз танишиб оила қурганимиздан кейин шундай қийин вазиятларда бир тийинсиз дамларда ҳам бир-биримизни тушуниб етгандик. Биз биргаликда энг оғир ва қувончли дамларимизни ҳам бирга ўтказдик. Буларни ҳеч қачон унутиб бўлмайди”.

Жан-Клод ва Дарсининг ишқий муносабатлари барчадан яширин содир этилди. Улар аввалида Гонконгда кейин эса Парижда яширинча учрашишди. Бундай учрашувлар тўхтаб қолмаслиги учун улар жуда эҳтиёткорлик билан иш тутишди. Бироқ ҳиссиётлар булардан устун келарди. Улар бир-бирларисиз бир кун ҳам туролмайдиган бўлиб қолишди. Телефон қўнғироқларику асло тинмасди. Гўёки мана буни севги деса бўларди. Мафтункор қалблар бир-бирига талпинарди. Бироқ учрашувлар ҳар доим ҳам улар кутгандек бўлавермасди.

1992 йил сентябрь ойида матбуотда уларнинг чўмилиш ҳавзасида бирга бўлганликлари ҳақидаги сурат босилиб чиқди. Шундан сўнг можаро бошланди. Голливуд юлдузи бунга чидаб туролмади. Ажралиш ҳақида ариза берди. Улар ажралишди.

Севишган калблар тўйларини Лос-Анжелесда ўтказишни мўлжаллашди. Бироқ актёр янги фильмни суратга олиш учун Таиландга боришига тўғри келиб қолди. Шундан сўнг режалар ўзгариб кетди. Жан-Клод ундан кўйлагининг ўлчамини билиб олди-да бўлғуси қайлиғига кутилмаган совға тайёрлаб кўйишни режалаштирди. Ўша мамлакатнинг миллий кийимини бир ўртоғи унга совға қилиб келтирди. Никоҳланадиган кун Ван Дамм қайлиғига қабул кунида уларнинг маҳаллий кийимини кийишни таклиф қилди. Ибодатхонага борганда уларни лол қолдириш учун шуни ўйлаб топишганди. У ерда ўзининг энг яқин дугонасини кўргандан кейин гап нимада эканлигини тушуниб етди. Актёр Оргиондан гувоҳ бўлиш учун уни чақириб келганди. Унга ниҳоятда чиройли марваридлар билан безатилган кўйлакни кийдиришгандан сўнг Дарсини қўлини сўради. Шундай кейин уларнинг тўйлари бўлиб ўтди.

Ҳаёт тасодифларга тўла. Бу никоҳ қанчалик тез бошланган бўлса шунчалик тезда барҳам топди. Бу никоҳ бор-йўғи тўққиз ойгина давом этди. Айтишадику, бировнинг бахтига қурилган никоҳ узокқа бормайди деб. Ўртада икки оила барбод бўлди. Начора ғарбда оилага муқаддас деб қаралмайди. Шу боис ҳам оилалар барқарор эмас.

1994 йилнинг охирида Ван Даммнинг тўртинчи хотини ажралишга ариза берди. Унинг мунтазам хотинига ишончсизлиги, ўта рашкчилиги ва бошқа ҳар хил баҳоналар тегиб кетди. Шундай кичкина баҳоналар сабабли Дарси ажралишга қарор қилди. Улар ажралишди. Бу эса Ван Даммга жуда қаттиқ таъсир қилди. Бу ҳақда у шундай деганди: *“Инсонлар ажралишади. Бунга сабаб дунёда бири-бирига ишонч йўқолиб бормоқда. Киноюлдузнинг шахсий ҳаётидага ёстиқдоши темир иродали бўлиши лозим. Мустаҳкам, кучли бўлмоғи шарт. Менга ўз кучимга боғлиқ бўлган барча ишларни бажара оламан. Менга ишдан уйга қайтишим жуда-жуда ёқади. Аммо мен эркинликни яхши кўраман. Менга аёл шундай дейишини хоҳлардим: Айтгин жоним бу кечамиз жуда ажойиб ўтди. Мен бундан рашк қилмайман. Энг муҳими ҳеч нарсани яширмаслиги лозим.*

Дунёда шундай қалбли инсон бормикин? Мен шундай қалблар борлигига жуда-жуда ишонардим”.

Ван Даммдан кинофильмларда роль ўйнаётган аёллар билан муносабати ҳақида кўп сўрашади. “Ҳеч қачон бу касб тақозосига тўғри келмайди. Бунақа иш бўлиши мумкин эмас. Унда кинонинг кинолиги қолмайди”. Биз севиб, мириқиб кинофильмларини томоша қиладиган машҳур актёрнинг оилавий тақдири ана шундай ола-таъсир, ҳар хил тасодифларга тўла ўтган. Бироқ у ўйнаган роллар қанчадан-қанча қалбларни забт этган. Ўзи эса ҳаётда тўла бахтга эриша олмаган. Бойлик, шон-шухрат, дўстлар барча-барчаси бор. Бироқ оилавий бахт тўқислиги йўқ. Кексаларимиз бекорга кўшганинг билан кўша қаригин деб айтишмайди-да. Бунда катта ҳикмат мужассам. Ҳеч кимни ана шу бахтдан айирмасин.

СОФИЯ РОТАРУ: “ХАЙР, МЕНИНГ СЕВГИЛИМ!”

Артистларнинг бир умр мустаҳкам оила қуриши камдан-кам рўй берадиган ҳолатдир. София Ротару ва Анатолий Евдокименко 34 йил муҳаббат асосида бирга умргузаронлик қилишди. София Ротару Новоселицк туманида яшовчи узумчилик хўжалиги бригадири оиласида дунёга келди. У оиладаги олти нафар фарзанднинг иккинчиси эди. Бўлажак эстрада юлдузи уй юмушларини бажарар, сугир соғар, бозорда кўкатлар сотар эди. Катта опаси Зина тиф касали билан оғриб, кўр бўлиб қолганидан кейин укалари ва сингилларига қараи ҳам кичкина Соня бўйнига тушди.

Орадан йиллар ўтди. Украиналик аскар-қурувчи ва ўқитувчининг ўғли Толя Евдокименко “Украина” журналининг муқовасида республика хаваскорлар кўрик-танлови ғолибаси 17 ёшли София Ротаруга кўзи тушди. Шу лаҳзанинг ўзидаёқ юраги жиз этиб, уни севиб қолди. Қандай бўлмасин уни қи-

дириб топишни юрагига тугиб қўйди. Сонининг журналдаги фотосурати армия хизмати тугагунча унинг хонасидаги деворда осиглиқ турди. Хизматдан сўнг Анатолий Евдокименко Черновицига келди. Мусика билим юртидан София исмли гўзал нотаниш қиз турадиган ётоқхона манзилини билиб олди. Шундай қилиб, у ҳар окшом София турадиган ётоқхона деразаси остида пайдо бўла бошлади. София роппа-роса икки йил қатъиятли йигитни ўзига яқин йўлатмади. Толикнинг тоқати-тоқ бўлди. У ёрдам сўраб юқори лавозимда ишлайдиган акасига мурожаат қилди... *“Соня, сени юқоридан телефонга сўрашяпти, тез етиб кел!”* Телефонда эса жонига теккан йигитнинг овози: *“Телефонни қўймагин, жоним!..”*

1968 йил, 22 сентябрда уларнинг тўйи бўлди. Уч кечаю уч кундуз бутун қишлоқ мириқиб байрам қилишди. Тўйда молдован ва украин қўшиқлари янгради. Уйда тайёрланган вино сувдай окди... Бир неча йиллардан сўнг ўзининг интервьюларидан бирида хонанда шундай деганди: *“У менинг ягона муҳаббатим, маслаҳатчим, ёрдамчим, дўстим. Ҳаттоки, кийим ва мусиқа асбобларини ташувчи ҳамдир. Буларнинг барчаси оғир ва қийин бўлса-да, у ҳаммасини бажаради. Энг муҳими у режиссёр ва менинг барча дастурларим постановкачисидир. Албатта, бир-биримиздан зеркиб ҳам турамиз. Бироқ ўртада муҳаббат бўлса ҳаммаси бекор экан. Мен буларни бутун ҳаётим давомида кузатдим, кўрдим. Толик менга тақдирнинг инъомидир”*. Эри эса мавзунини давом эттириб бундай деганди: *“Соня, бу Соня. У тўйгача ўз характерининг қандайлигини намоён қилиб бўлганди. Агар ростманасига айтиладиган бўлсам, усиз яшашим мушкул. У овқатни ресторандагидек тайёрлайди, уй-рўзгор юмушларини бекаму кўст бажаради. Биз бир-биримизни тушуниб яшаймиз. У мучали бўйича йўлбарс. София билан баҳслашиши қийин. Биз камдан-кам баҳслашамиз”*.

Тўйдан кейин София уч йилга сахнани тарк этди. Улар ўғилли бўлишди. Сўнгра София эри билан Черновиц филармонияси қошида “Червона рута”

ансамблини тузди. Кейинроқ Анатолий Евдокименко ансамбл бадий раҳбари, хотинининг продюссери бўлди. 1976 йили С.Ротаруда астма касаллиги бошланди. Врачларнинг маслаҳати билан улар Ялтага кўчиб кетишди.

1984 йили София учун биринчи бахтсизлик рўй берди. Сахнада ўзини йўқотиб қўйди. Шунда томошабинлар хайрон қолиб, София ақлдан озибди, дейишганди. Ҳақиқатда эса 6 йил меҳнат таътилисиз ишлаш, киноларда роль ўйнаш, мунтазам 137 марта концертлар ўтказиш – буларнинг барчаси эстрада юлдузи Софияга оғирлик қилганди. Овозида ҳам ўзгариш рўй берди. Шундан сўнг томоғини зудлик билан операция қилишди. Врачлар сўзлаш ва қўшиқ айтишни тақиқлаб қўйишди. Ротару эса ўн кундан кейин яна куйлай бошлади. Бу ўз асоратини кўрсатди. Иккинчи операциядан сўнг Софияга бир ой сўзлаш ва бир йил ишлашга рухсат беришмади.

Тинч-тотув яшаётган оила бошига кутилмаганда ташвиш тушди. 1997 йили бир-бирига мутлақо алоқаси бўлмаган киевлик уч профессор Анатолий Евдокименкога мия раки ташҳисини қўйишди. Улар Германиядаги гастроли даврида немис врачларига ҳам учрашди. Бу врачлар ҳам киевлик ҳамкасблари ташҳисини тасдиқлашди.

Ушбу нохушлик оилани қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Анатолий жуда ўзгариб, одамови бўлиб қолди. Концертларда гримхонадан чиқмайдиган одат чиқарди. 2001 йили учинчи инсултдан сўнг Анатолий сўзлаш қобилиятини йўқотди... София турмуш ўртоғи ёнидан бир қадам ҳам жилмади. Топган маблағининг асосий қисми қимматбаҳо дориларга кетди...

София Ротару Германияда концерт бериши керак эди. Эрининг тўртинчи марта инсулт бўлганини эшитиб, у концертни бекор қилди. Киевга учиб келганида Анатолий оғир аҳволда ётарди. София шундай қийин дақиқаларда бир неча соат эри ёнида бўлиб, ҳаётларидаги энг бахтли кунларни эслатди. Шунда мўъжиза рўй берди. Анатолий Евдокименко кўзини очди. Бироқ бир неча дақиқадан сўнг унинг юраги уришдан тўхтади... Врачлар София Ротаруни

узоқ вақт хонадан чиқара олишмади. У кадрдон турмуш ўртоғининг вафот этганига ишонмасди.

Дафн маросимида София турмуш ўртоғи қўлини силаб шундай деди: *“Хайр, менинг севгилим! Биламан, сен ҳозир ухлаяпсан ва албатта яна олдимга қайтиб келасан!”* Шу пайт кутилмаганда қаттиқ шамол кўтарилиб, ҳаммаёк тўс-тўполон бўлиб кетди. Майит устидаги темир қопқоқ Софиянинг бошига келиб урилди. София эса буни сезмади ҳам... Майит қабрга қўйилгандан сўнг София Ротару даҳшат билан қичқирди ва ёнида турган ўғлининг қўлига ҳушсиз йиқилиб тушди.

Ҳа, дунёда кадрдон инсондан айрилишдек оғир дард бўлмаса керак. Бирок ҳаёт борки, дунёга келиш ва ўлиш бор. Аммо худо берган умрни ажойиб тарзда ўтказиш – бу бошқа нарса. Ҳаётда севиб, севилиб яшашга не етсин. София Ротаруга ана шундай бахт насиб этганди.

Мундарижа

Икки шоҳ маликаси	3
Симонетта – илҳом париси	6
Сени севаман, демак сен ҳаётсан!	10
Соҳибжамол Лаура	13
Леонардонинг Мона Лизаси	17
Элчисиз топилган туйғу	19
Муҳаббат дардида телба Хуана	21
“Мадонна”миди ёки жодугар?	25
Данте билан Беатриче	29
Тушдаги йўлбарс	34
Паганини муסיқасининг сеҳри	36
Рабиндранат Тагор	43
Композитор Моцарт	48
Соҳибжамол, чўри ва қотил... ..	54
Бахтиқаро Фриданинг осуда дамлари	58
Қарталар шипшиши остида	63
Қироллик тахтининг олди-соттиси	68
Шоирнинг қайғули муҳаббати	73
Жорж Байрон ва соҳибжамол новвой қиз	77
Дунёга машҳур композитор	83
Франц Кафканинг ушалмаган орзуси	88
Вольтерни изтиробга солган қиз	94
Гёте орзу қилган санам	96
Муҳаббат учбурчаги	98
Бахтсизликка алишилган қалб	101
Уч опа-сингилга ошиқ адиб	104
Бетховенни йиғлатган санамлар	106
Бальзакни бойлаган бир тола соч	108

Мусиқа учраштирган қалблар	110
Кузнинг сўнгги гули	113
Севгидан ўзимни тўхтата олмайман	114
Энг эъзозли туйғу	117
Саркарданинг мунгли дарди	119
Эҳтирос маликаси	121
Бахтини топмаган инсон	123
Узоқ йиллик ҳижрон	129
Қулоқларини ҳам аямаган	130
Огюст Роден ва Камилла Клодел ягона эҳтирос тарихи	135
Вафонинг аччиқ қисмати	139
Нобел қолдирган хазина	141
Наполеонни маҳв этган нозанин	145
“Аргентина Мадоннаси”	148
Севги учун тахтдан воз кечган қирол	155
Ягона бойлиги муҳаббати эди	159
Чарлининг гўзаллари	161
Фиаско президенти Никсон	168
Марленнинг сўнгги сири	175
Пикассонинг етти гўзали	176
Рассомнинг севиклиси	179
Опера қўшиқчиси – Мария Каллас	181
Агата Кристининг учинчи муҳаббати	185
Кеннедига суиқасд	188
Гандиларнинг фожиавий тақдири	192
Сирли ўлимнинг жумбоғи	196
Эйнштейннинг севгиси	201
“Темир хоним” ёки дунёнинг кучли аёли	204

Олий бахтга эришган инсон	207
“Кекса Хэм”нинг суюклилари	209
Афсонавий актриса Элизабет	212
Қайсар Андриано	215
“Рокки” фильмидаги боксчи	219
Тақдирнинг бекиёс хазинаси	223
Гонконглик “аждарҳо”	227
Улуғ Петр I	230
Бахт бу бир афсона	237
Шоирни маҳв этган гўзал	244
Граф Толстой фожиаси	248
Тургеневнинг француз хоними	251
Тенгсиз жуфтлик	254
Грибоедовнинг вафодор беваси	257
Қайноқ қалб эгаси	258
Шоирнинг фожиавий тақдири	264
Ёзувчининг муҳаббати	267
Ўз қолипига сиғмаган юрак	270
Муҳаббатини кўмган аёл	274
Бевақт узилган япроқ	278
Юрак масофа билмас... ..	280
“Бир юракнинг икки тори”	284
Жан-Клод Ван Дамм: у ҳаётим мазмуни эди... ..	287
София Ротару: “Хайр, менинг севгилим!”	293

БУЮКЛАР МУҲАББАТИ

*Буюкларнинг севги, муҳаббат кўйидаги
савдолари тўғрисида ҳикоялар*

Муаллиф ва тўпловчи Иззат АҲМЕДОВ

Мухаррир Зоир ЗИЁ

Бадий муҳаррир Латиф ЗАМОН

Техник муҳаррир Саида ЭРКИНОВА

Мусахҳих Азиза ТУРСУНОВА

Теришга берилди 08.07.05. Босишга рухсат этилди 08.08.05.
Бичими 108 х 84 ¹/₃₂ Офсет босма. Шартли босма табағи 13.
Нашриёт-ҳисоб табағи 14,0. Адади 1000 нусха. Буюртма № 08-
02. Баҳоси келишилган нархда.

“Кардэл” фирмаси босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ш. Халқлар Дўстлиги кўчаси, 102.